

# Ёшлар

1982 йил, апрель

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

Бош редактор:

Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД

Гулчеҳра ЖУРАЕВА

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ

Олимжон ИСМОИЛОВ

Фёдор КАМОЛОВ

Муроджон МАНСУРОВ

(бош редактор  
ўринбосари)

Омон МАТЖОН

Йўлдош СУЛАЙМОН

Худойберди ТУХТАБОЕВ

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ

Улмаббет ХУЖАНАЗАРОВ

Абдулла ШЕР

(масъул секретарь)

Уриэ ЭДЕМОВА

Иброҳим ҒАФУРОВ

Уткир ҲОШИМОВ



ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ

*Лениннинг умрига қўшилди бир йил...  
Қушлардек учади йиллар муттасил.  
Бу нима дегани?*

*Демак жаҳонни —*

*Маҳлиё қилмоқда Лениннинг меҳри,  
Жаҳонни, замонни  
ва осмонни*

*Олган тарбияга устознинг фикри.*

*Бу — яъни дунёнинг ва кишиликнинг,  
Ёруғнинг, инсофнинг ва яхшиликнинг  
Эзгу истаклари ўлмайди демак,*

*Бу — зулму жабрнинг ҳам ваҳшийликнинг  
Муҳлати бир йилга камайди демак.*

*Лениннинг умрига қўшилди бир йил...*

*Мақсуд ШАЙХЗОДА*

ТОШКЕНТ  
Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитетининг  
«Ёш гвардия» нашриёти

Юсуф ЖУМАЕВ.  
Шеърлар туркуми:

## Ватан

*Ватан тўрт нарсадан иборат экан:  
Гурур, туғилган жой, она тил, эрдан.*

*Туғилган маъвонгда вужудинг яшар,  
Қудратинг гурурда муқим муқаррар!*

*Она тилда яшар қалбинг устивор,  
Эрдан камолотинг яшар барқарор!*

*Шулардан биттаси бўлмадимиз, бас,  
Демак, ўша Ватан мукаммал эмас!*

*Дилимда ҳар қачон ёлғиз ёрмоним,  
Мангу мукаммал бўл, Ўзбекистоним!*

Бухоро



## БУ СОНДА:

...— Жаҳонгир Искандар ер юзига ҳукмрон бўлгач, сув остидагиларни ҳам ўзига қарам қилмоқчи бўлиб, шишадан уй ясаттириб денгиз тубига тушибди. Денгиз ости ҳукмдори унинг ниятини билгач, ўртага шундай шарт қўйибди: «Эй инсонлар ҳукмдори, сен билан уруш қилиб ўтирмаймиз! Аммо, бир шартимиз бор! Шу косани тиллага тўлдира олсанг, бизнинг устимиздан ҳам ҳукм юргизишингга розимиз, — деб кичкинагина чинни коса тутқазибди. Коса тубига чизилган кўз сурати худди тирик одамнинг кўзидек боқиб турар экан. — Тўлғаза олмасанг, бизни тинч қўйиб, ер юзингга қайтиб кетавер!» Искандарнинг кулгиси қистабди: «Ахир, шу кичкинагина косага нима ҳам нарса кетарди!», деб ўйлаб шартга кўнибди-да, косага бир сиқим олтин ташлабди, кейин яна бир сиқим, яна, яна...

Мақсуда ЭРГАШЕВА.  
Шеърлар туркуми:

## Она тилим

*Бир япроқ, томчи сув ё сиқим тупроқ —  
Сингари бағрингда митти юракман.  
Тупроқ — нон, сув — ҳаёт, нафасдир япроқ.  
Эй, Ватан, мен сенга нечун керакман?*

*Эҳсонман сенга бир мунис онадан,  
Балки оқ тилакман оппоқ дилидан.  
Тилакман, демак сўз бўлмоғим керак,  
Сўзламоғим керак унинг тилидан.*

*Мен учун ҳар бир сўз — бир шеър туюлур.  
Мен учун газалдир ҳар битта ҳижо.  
Оҳанги шеър бўлиб қалбга қуйилур,  
Бу қутлуғ тил билан сўзланган дунё.*

Фарғона

Файрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.  
«Бир сиқим тупроқ» қиссаси:

Аммо, олтинлар тубсиз ўрага тушган каби кўринмай кетар эмиш! Искандар уч кечаю уч кундуз хизматкорлари ташиб келтираётган бойликларни косага солаверибди, лекин уни тўлдира олмабди. Коса тубидаги кўз эса ҳамон масхараомуз боқиб турармиш. Ҳолдан тойган Искандар енгилганини тан олиб, косанинг сирини сўрабди. Шунда сув ости ҳукмдори индамай косага аввал бир сиқим тупроқ ташлаб, сўнг бир кафт олтин солган экан, коса тўлибди. Коса остидаги кўзнинг сирини мада эканини тушуниб етган жаҳонгир пешонасига бир уриб, ер юзига қайтиб чиққан экан...

Ривоятнинг маъзини чақа олмаган Қудрат хаёл суриб ўтирарди...

Тошкент



Гаффор ҲОТАМОВ

# ҲАЁТ ШАМИ

ҲИКОЯ

**Д**ам олиш кунлари у чор девор орасида тарс ёрилай дейди. Шаҳарда яшаётганига олти йилдан ошди-ю, ҳали ҳам қишлоқдаги одати қолмади-да: тонг туғмай уйқуси ўчади, туриб ювинади, сўнгра нима қиларини билмай, хит бўлгани бўлган.

Қайнотасининг ҳовлисида турганларида қўли бўшади дегунча бот чопар, полизга андармон бўлар, парникка уннар эди. Бостирмада қалашиб ётган ёғочу тахта бўлақларидан шундай сўричалар ясардики, кўрган кўз қувонарди. (Дурадгорлик — унга ота касб. Қайнотасиникида болохона тиклаган ҳам, пешайвонга ром ясаган ҳам, полини боплаб қоқиб берган ҳам ўзи эди.) Шунданми, қария уни «уста Салим» ё «ўғлим», деб суярди. «Салимбой кўк чой ичади», деб тупканинг тубидан бўлсин, «95» топиб келарди. Салим ҳам ҳовлидаги бирор юмушни маромига етказгач, олхўри остидаги сўрида ёнбошлаганча, мўйсафид билан чақчақлашишни хуш кўрар эди.

— Кеча денг, ишдан келаётсам, Оқсаройда иккитаси ёқалашпти. «Кўйинглар, ҳо-ов!» дейдиган мард йўқ. Шундай бордим!.. — Қизишиб кетса, у сакраб сўридан тушади. Барваста қаддини ростлаб, оёғини кертганча чайир, бесўнақай қўлларини олдинга чўзади. Ўлжага чанг солган қарчиғайдай «икковининг ёқасидан тутуди-да, даст кўтаради». Зўриққанидан пайдор, чўзинчоқ юзи қорайиб, ёноқлари туртиб чиқади: «Отаннинг молини талашяпсанми, каллаварамлар?!»

Хуллас, машмаша эртақлардагидек хайрли тугайди.

Ҳикоя қилаётиб, қизиқ устида: «Биттасида пичоқ бор эди. Шака'дай бир тепдим, пичоқ шув-в учдию бориб қайинга санчилди!», деб юборишдан ҳам ўзини тия олмасди.

Йўргакда теккан касал: у жиндак лофи билан гапирар, чамаси, чол ҳам буни сезар, бироқ кулмас, аксинча, ҳавасланар эди. Ҳангома қизиб кетса, қайнатма шўрвага нон бўктириб еяётганда ҳам Салимнинг жағи тинмайди. Кейин апир-шапир «парад формаси» — оқ кўйлагу сариқ кремплин костюм-шимини кияди-да: «Хотинбой! Сиз ҳам кийининг! Ай-

ланиб келайлик!», деб Ойшани қистай бошлади. Оқшом чоғи хотининг билан қўлтиқлашиб, сувнинг сели уриб турган фаввора атрофида сайр қилишга нима етсин!..

— Эй буни қара! Ҳасан-ҳусанга ўхшайди-я фонтан! — Туртмасангиз-чи! — дейди Ойша силтаниб. Қани энди, хотинининг гапи қўлогига кирса! Бу пайт унинг хаёлини кўчанинг нариги бетидеги ресторандан тараётган жаз садолари банд этган бўлади. У мастона бош чайқаб бораркан, ногоҳ Ойшани тирсаги билан нуқийди:

— Уни қара! Қаерда отишаётган экан, а?

Ойша шаҳарнинг кунчиқар буржида осмонга сочқидек сачраётган ранг-баранг мушакларга лоқайд тикилади.

— Карнавал бўляпти-ку! — дейди истар-истамас, ҳорғин товушда. — Қайтайлик? Чарчадим. Эрта ишга-ям бориш керак.

— Э-э, айтдим-а, бежиз келмагандир, деб! Ҳалиги космонавт карнавалга келган экан-да! Кеча десанг, аэропортда кутволдик!..

— Юз марта чайнанг шу гапни!

— Қачон айтдим? Йел!

— Бошқа гап қуриб қолгандай, ансамни қотириб... — Ойша қўлининг учи билан оғзини тўсиб, эс-найди.

— Қизиқ экансан! — Салим ҳам бўш келмайди. — Шунча одам интиқ бўлиб турибди-ю, у мен билан қўл бериб сўради-я! Шу, қўлига ўзимизнинг қўлларга ўхшар экан! Хеч фарқи йўқ!

— Улай агар, сизда шунча тутуриқ бўлса! — дейди Ойша жимжилоғининг учини кўрсатиб. — Кеча, «Қўлимдаги байроқчани силкисам, уям қўл силкитди», девдингиз! Энди қаёқдаги гапларни айтяпсиз. Гапларингизда зиғирча туз йўғ-а!..

Ойша «сайрибоқ»қа чек қўйди.

Бора-бора Салим ҳам «тузсиз гапларини» йиғиштирди.

Бир оқшом телевизорда Африка чакалакзорларини кўрсатишди. Экранга тикилиб ўтирган Салим сирғала-сирғала, телевизор олдига бориб қолганини ҳам сезмади. Бир вақт Ойшанинг пичингидан ўзига келди:

— Тинчликми, хўжайин?

— Биздаям шундай чакалаклар бор! — дея Салим ютинди-да, хотинига, кейин қайнотасига хомуш термилди. — Бир ёқда баланд тоғлар! Кўкламда ҳаммаёқ қип-қизил бўп кетади. Тошни ёриб тошлолалар чиқади! — Аввалига ўзича сўзланаётган эди, қайнотаси гапини мароқ билан тинглаётганини кўргач, дилидаги чўғ оловланди. — Ҳазрати Хизр бор-ку, ёв қувганда шу киши Оқтождан бизнинг Қоратовга дулдудла ўтган! Учиб келиб тушганда отнинг туёғи тоққа ботиб кетган! Уйдаи келадиган кўк тош бор-да. Шунда ҳалиям излари турибди! — Шундай деяётиб, ногоҳ Ойшага кўзи тушди. У ингичка, қўйи лабини қимтиган, чамаси, пиқ этиб кулиб юборишдан ўзини аранг тийиб турар эди. — Нега илжасан? Куладиган гапми шу? Ишонмасанг, юр, ўша тошни кўрсатай!

— Шу етмай турувди, жа-а! — Ойша «Жим бўл!» деган каби олайиб қараётган отасига: — Ада, сиз тушунмайсиз-да, — деди бўғилиб. — Бу киши жа-а қизик, болага ўхшайди. Кеча Гулиларниқига уй тўйига борувдик. Эри домламасми, институтдаги улфатлариниям чақирган экан. Уша ерда нимадан ҳам гап чиқди бу кишим илди-кетди, қани энди, бошқаларга гал берса! Оғиз кўпиртириб... номусга ўлдирдилар.

— Суҳбат қилган бўлса, нимаси ёмон? Нега ҳадеб одамни куткилайсан, а?

— Сиз уларнинг одоб сақлаб, сипо ўтирганига ишонма-анг! — деди Ойша эрига юзланиб. — Ҳаммаси ичида сиздан кулди. Нима, сизнинг чўпчакларингиз ўшаларнинг газигига доримиди? Тагин, гапирсанг аччиқлари келади. — У дастурхондаги ушоқларни сидирганча жиндак тиң олди. Эрининг анойлигидан ори келиб, йиғламоқдан бери бўлди. — Одам куйиб кета-

сан-да, — деди бўғилиб. — Кап-катта киши, ўзини тутишни билмаса қийин экан. Гулиям «Жа-а шалдирини топибсан-ку», деб мани хун қилди. Вей, еган-ичганим томоғимдан ўтмади-я...

— Бас! Тур, бориб қозон-товоғингни юв! — дея қизини жеркиб берди чол. — Сен қўрғур ҳам одам таниб қолдингми? Вижки-вижи қиласан!..

Салимнинг ёноқлари туртиб чиқди, қон тепган юзи қорайди.

— Худо хоҳласа, эсонлик бўлса, ўша кўк тошни бир зиёрат қиламиз-да, ўғлим! — деди қайнотаси оғзини қўли билан тиззасини уқаларкан, атай тетик оҳангда. Салим маънос бош ирғади. «Кеча биронтасига гапим ёқмаган бўлса, нега юзимга дангал айта қолмади? Нега?.. «Оғиз кўпиртириб... номусга ўлдирди», дедими?! Ё тавба-ей!..»

У, «нега шунақа»лигини ўйлай-ўйлай... зада бўлди. Юрак олдириб қўйган кишидек, хотинидан, одамлардан ҳадиқсирай бошлади.

Тенгқурлари болалигидаёқ Салимга «Гуппи» деб лақаб қўйишган. Каттаю кичик унинг аттор қутисидан ҳам топилма «нақл»ларию антиқа феълидан беозор кўларди. Салим бундан ранжимас, чунки у кўрган-билганинигина сўзлар, гапнинг сал кифтини келтиришини ҳисобга олмаганда, айтганлари аслида чин бўлар эди.

Уларнинг қишлоғи қир этагиде жойлашган. Кунчиқарда — оқсоч тоғлар, кунботарда — илонизи дарё. Дарёнинг кичик ўзани қишлоқни кесиб ўтган. Икки оралик — тўқай. Тўқай чиндан ҳам Африка чакалакзорларидан қолишмайди. Осуда кечаларда дарёнинг шовуллаши эшитилиб туради.

Мана шу овлоқ қишлоқдан биринчи бўлиб ўқишга — шаҳарга отланган ҳам Салим гуппи эди. Артист бўлмақчи эди у. Дастлабки имтиҳондаёқ «йиқилди». Қишлоққа қайтса бўларди. Бироқ... у ёқда нима бор?! Уша қишлоқ-да! Шаҳарга келгунча, алҳами олти бўлди-ку! Шаҳар — шаҳар-да! Ҳатто фавворасидаги сув тиллодек товланиб, яшилланиб ёнганидан кейин бошқа нимасини айтасан! Нақ беҳишт-ку! Ҳазрати Хизрни кўриш Салимнинг пешонасида бўлса, ҳойнаҳой, бир кунмас-бир кун унга шу ерда йўлиқади.

У ана шундай мулоҳазалар билан медицина билим юртига ҳужжат топширди...

Студентнинг келиши қишлоқ болалари учун клубда жосуслар ҳақида ғаройиб кино кўрсатилишидан ҳам катта воқеага айланар эди. Улар она арини талашган асаларилар сингари Салимга ёпишиб олишарди. У ҳам салмоқлаб, гапни узоқдан бошлар эди:

— Ҳа, энди шаҳар — қишлоқмас-да!.. — Салим биолог домласига тақлидан икки гапининг бирига «масалан»ни тиқштирарди. — Масалан, шаҳарда бир кунда ўнта кино кўрсанг бўлади! Тагин Исмоил киночингдай дуч келган жойга йиртиқ сурпни осиб, кино қўйишмайди. Ҳар қадамда кинохона. Патта олиб кирасан, ичи муздай! Стуллари-чи! Бунақасини етти ухлаб, тушингда кўрмагансан! Экраниям Наша бувангнинг томорқасида келади-ёв! Энди, тўппонча пушкадай кўрингандан кейин, у ёғини қўявер!..

— Во, укағар-эй! — Болалар Салимга ҳайрат билан термилишади. — Ростданми?

— Ҳо-ов! Ўз оти билан шаҳар-да. Масалан, бир кун ҳалиги, поездни туяга судратган бор-ў!..

— Қайси?

— Ановин-чи? — Салимнинг манглайи тиришади, кўрсаткич бармоғини чаккасига нуқиганча кўзларини юмиб, бош қотирган бўлади. — Ҳалиги, бор эди-ку? Охирида, биттаси қаншаридан отади?

— Э, Юсуф Ялангтўшми?

— Во, маладес! — У билагоннинг кифтига қоқиб қўяди. — Футболда ўшанинг биқинида ўтириб қолибман...

— Саломлашдим ҳам дерсан? — дея четроқда турган тенгқур жўраси Исматило «кесак» отади.

— Э! Интересни гаплар бўляпти-ку. Саломлашмай нима! — У, кафти билан оғзини тўсиб йўталади, кейин Исматиллога қараб: — Гап бундай-да энди, ошнам! —

дейди. — Масалан, Юсуф Ялангтўшми, ундан каттасими, кўчада биқинингдан ўтиб кетаверади. «Манов пат-палковник экан», деб қараб турмайсан. Урганиб кетар экансан. У ёқда қизлариям бетигамас, — дея танглайини маъноли тақиллатади у, — оёғига қараб...

— Ол-а! Кўпир, кўпир! — Исматилло кесатишга кесатади-ю, бироқ оғзининг таноби қочиб, ўзи ҳам даврага яқинроқ сурилади.

— Э, Исма! жўра! Шу десанг, аканг қарагай ҳам бир мўрчамиёни... Курсдошимиз. Маликаи Ҳусниободнинг ўзгинаси. Масалан...

— «Ваҳай бала» айтиб борарканмиз-да, а, жўра! Қишлоққа тушириб келасанми?

— Қишлоқда нима — пишириб қўйибдимми? Буни қара, тизза бўйи тупроқ! — Салим шимининг чўнтагидан рўмолча олиб, туфлиснинг чангини эринмай артади. — Жиндек ишласам уй беришади. Шаҳар — қузурижон-да. Ишга борасан-келасан; иссиқ сув ҳам тайёр, совуқ сув ҳам. Кино, театр, цирк, дейсанми!.. Эҳ-ҳе!..

...Шу тарихи у «мўрчамиён курсдошига» уйландию шаҳарлик бўлди-қолди. Аввалига уч ойча дорихонада ишлади. Иши-ку таъбига мувофиқ эди-я, бироқ...

Уша кунни Салим биров туртгандек тонг саҳарда уйғониб кетди. Қараса, Ойша терс ётганча пишиллаб ух-лаяпти. Қизиқ, хаёлида кимдир чақиргандек бўлди-я! Шу пайт дарвоза кўнгириги қисқа жиринглади.

У куёвчопонини елкасига ташлаб, алпанг-талпанг юрганча ташқарига чиқди. Кўшниси — Холжон буви кўчада дилдираб турган экан. Салим ҳайрон бўлди.

— Тинчликми, ойи! — деб сўради кампирнинг мунчоқдек кўзлари жавдираётганини кўриб. — Нима гап! Ургилай, сиззиям безовта қилдим-да. Ишга кетиб қоласизми, деб, бемаҳал чиққан бошим эди. Шу денг, кенжа набирам баннисада ётибди. Киндигини кесаётганда ис теккан эканми... Келиним бечора куйиб адо бўлди. Уғлим бўлса — Масковда. Мана шу дорини айтишган эди дўхтирлар... — Кампир тумордек буклоғлик қоғозни узатди. — Бормаган жойим қолмади, ҳеч қарерда йўқ. Айланай, бир яхшилик қилинг! Мендан қайтмаса, ҳудодан қайтар...

Биров сени одам деб, остонанга ўтинч билан бош уриб келса-ю, «Йўқ», деб бўладими? Э-э, ернинг киндигидан бўлсам топади ўша зормандани!

Ишдан қайтишда у Холжон бувига дорини бериб ўтди. Кечқурун дастурхон устида хотинига «лопиллади»: — Кампир тушагур эсдан кетай деди-я! Холжон момони айтаман-да, — дея бор гапни оқизмай-томизмай айта бошлади: — Сўраган дориси анқонинг уруғими, дейсан. Ҳеч жойда йўқ. Қарасам, бўлмайдиган. Мудирни аврадим. Ҳакимов бор-ку, бошқарманинг бошлиғи, шундан сўрадик. Бечора, тузук одам экан. Тишининг қавагида асраб юрганини берди-да.

— Шунча овора бўлганингизга яраша, Холжон бувингиз ҳам сийладиларми?

— Э, сўрама! Ун сўмлик чўзаяпти. Дорининг нархини суриштириш ҳам йўқ. Нуқул «Бўйганинганга аянг қондиқ!» дейди. «Йўғ-э, кўяверинг», десам, пулни чўнтагимга тикяпти. Узим ҳам қийналиб кетдим. Охири: «Бунақа қилсангиз, дорини қайтиб берасиз», дедим, бечора, аввалига тахтадай қотди, мўлтайиб турди-турди, кейин айланаб-ўргилиб, йиғлаворди.

— Олсангиз бўлармиди? — Ойша чимирилди. — Уйда гўшт қолмабди, электр «Токнинг пулини тўланглар», деб кетди. Боя ҳамёнимни кавласам, сарик чақа йўқ. Ҳарна...

— Муштипар кампир бўлсал Уғли Москвада экан... — Афандисиз! Қип-қизил афандисиз! Ҳалақининг кучугидай чопаверинг бекорга, барака топасиз!

— Майли-да, — деб илжайди Салим. — Нимаси майли, нимаси майли! — Ойша «Қанақа одамсиз ўзи!», дегандай эрига жаҳл билан қаради. Салим дастурхон четида турган пиёлага хомуш тикилиб қаради. Олхўридан тушганми, бир чумоли пиёла ичида гимирларди. У жон-жаҳди билан юқорига ўрмалар, пиёла раҳига етдим деганда яна тойганиб кетар

эди. Салим пиёлани тўнкарди. Чумоли дастурхон устига тушдию ўрмалаб кетди.

— Мен ҳам биримиз икки бўлса, дейман-да, хўжайин!

— Бўлади-да.

— Қачон бўлади? Қанча ниятларим бор эди! Кеча Гулилар тўққиз мингга мебель олишибди. Тўққиз мингга-я! Биз бўлсак... Биронта дугонам: «Меҳмон бўлиб борамиз», деб қолса, юрагим безиллайди. Буни қаранг, шуям турмуш бўлдимми! Ким ҳозир уйига куя тушган кигиз тўшайди? Мана бу тўр пардаларнинг шалвира-аб ётишини қаранг! Палос-малос, нейлон парда олай, десам, фалон пул!.. Майли, аммамга дейсизми, холмага дейсизми, ишқилиб, тақчил дорилардан олиб келинг! Қўли текканнинг оғзиям тегади-да. Ҳозир дорям — пул! Одамларга яхшилик қиламан, деб, ўзимиз кун кўрмай ўлиб кетамизми!

— Бир ҳисобда, гапинг тўғри. Мудиримиз шунинг орқасидан «Жигули» олган, дейишади. Лекин отам: «Қўлингдан келса, одамларга яхшилик қил. Қора кунингга ярайдиган шулар», дегувчи эди.

— Э-э, минг яхшилик қилинг, бари бир, одамлар эртасигаёқ эсларидан чиқариб юборишади. Ундан кўра, рўзгорингизни ўйласангиз-чи! Дастингиз узун бўлса, тилингиз ҳам узун бўлади!

Салим кўнглининг бир четида хотинининг ҳақ эканини тан олди. Ойшанинг раёйига кўра, камёб дорилардан «амма»сига ундиришга неча бор шайланди-ю, бироқ қишлоқдаги соппа-соғ қариндошини касалга чиқаришга юзи чидамади. Гўё шундай қилса, аммаси чиндан ҳам бир қор-қолга йўлиқадигандек туюлди. Шу кезлар мудирни ҳам тўнини тескари кийиб олди. Бир кунни Салимни хонасига чақирди-да, дабдурустан: «Хўш, мулла Салим, қачон менинг дори сотиб юрганми кўрган эдингиз?!», деб қолди. Салим дафъатан ўзини йўқотиб қўйди. Нега бундай деяпти? Тавба! Унинг биров билан нима иши бор? «Мудиримиз шунақа-а!» деб фаррош опа айтади-ку, мудир нега унга пичинг қияпти?

— Кифтингизни қисасиз, мулла Салим? Ахир, эрхотин элга жория қилибсизлар-ку? Елғонми шу гап! Мақсад нима, мақсад!

«Е пирим, бу гап мудирнинг қулогига қаёқдан етди экан-а? Ойша шаҳарнинг нариги четидаги касалхонада ишлайди-ку!»

Салим ўғирлик устида қўлга тушган боладек қизарди-бўзарди, қаттиқ мулзам бўлди. Лекин, «Бу гапни фаррош опадан эшитган эдим», демади — дедилмади...

Бора-бора мудирни билан муомаласи келишавермагач, «Э, Салим, қўй шу ишингни, — деди ўзига ўзи. — Эракнинг юмуши эмас бу. Ойлининг тўрт кило гўштга етмайди-ю, сиқилганинг ортиқча. Оч қорним — тинч қулоғим, яхшиси, қурилишга ўтаман-кетаман!»

...Ойша эрининг бемаслаҳат, ножўя иш қилганига — қурилишга ўтиб кетганига чандон тутатди:

— Ахир, бу нима қилганингиз, хўжайини! Ҳеч вақога фаҳмингиз етмайдими дейман! Уша ерда уч-тўрт йил ишлаганингизда, мудир ҳам бўлардингиз, битта яримтага сўзингиз ҳам ўтар эди. Энди... энди сизнинг болаларингиз гўр бўладими? Ўзингизга ўхша-аб юради — қурилишда, энги осили-иб...

Салим «Олдин ўша болаларни туққин-чи! У ёғи бир гап бўлар!», дейишга оғиз жуфтлади-ю, тилини тийди. Нима қилади шунинг жигига тегиб? Ҳовирдан тушиб қолар...

Қурилишда биринчи маош олган кунни атлас сотилди. Байрам муносабати билан касабаси союз ташкилоти савдо уюштирган экан. У ҳам бир қийимлик олди. Офтобга солиб ёйиб кўрди. Узи ҳам атласми-сан — атлас! Камалакдек товланади-я! Ойшанинг кўнглини овлайдиган бўлди-да!

Атласни кўриб, хотини тантиқланди: — Вой, нега кўпроқ олмадингиз? — деди терилган қошларини чимириб. — Ҳеч доводирлигингиз қолмади-



қолмади-да. Ахир, бунинг бир кийимлиги бозорда юз эллик сўм-ку!

— Узинг киярсан, деб олувдим-да.

— Хўп, ўзим кийганда-чи! Бир кийимлигини сот-сак, икковиниям пули чиқарди.

— Э-э, шунақами?— Салим шу жўн «топишмоқ»ни идрок қилолмаганига таажубланди, кулди.

— Пулни пул туғади, хўжайини! — деди Ойша хиёл истиғно билан. — Ойлик олдингизми? Қани?

Салим чўнтагидан ҳамёнини чиқарди-да, маошини олиб узатди. Ойша пулни санагач, «Чакимассиз-у!», дея ноз қилган, кўз сузган бўлди.

Шу-шу, маошини бекаму кўст хотинига топшириш расм тусига кирди. Салим азонда ишга отланаётиб, хотинининг қўлига қарайди. Одатдагидек, тушликка бир сўм олгач, кифтини қисганча эшикдан чиқади.

Бултур ишхонасидан шу квартирани беришди-ю, кўнглида чироқ ёнди. Бир хона, тўққизинчи қаavatда бўлса ҳам, ҳар қалай, ўз уйи! Йўқ, Салим ўйлагандан бошқача бўлиб чиқди. Ойша «пул-пул», деб бежиз чирқилламаган, беҳудага олиб-югурмаган экан. Уйни қўғирчоқдай безатди. Уста ёллаб, газўчоқни айвончага чиқартирди. Қарабсизки, ошхона ҳам алоҳида бўлмага айланди. Салим бўлмага пол ётқизди. Балконга их-чамгина сўри ясади.

У гоҳо сўрида ёнбошлаганча деразадан ичкаридаги жиҳозларни мириқиб томоша қилади. Бу хона — гўё музей, эр-хотин унга камдан-кам бош суқишади. Девордаги чўғдек афғони гиламу бахмал жилдли диванга, ялтироқ жавонлару тилло суви юритилган чинни-ларга кўзи тушиши билан дилини таскин чулғайди. «Отдошининг уйиям, бўлса, шунчалик бордир-да! (Отдош дегани димоғдор ҳамқишлоғи — Салим кассир эди.) Ҳали ҳам ўзим олов эканман. Отдош ҳам менадлайида чордеворда яшарди! Эҳ, қани энди, буни бобой ҳам бир кўрса! Хотинбойни эргаштири-иб қишлоққа борсак.. Бобою хешларни меҳмонга чақирсак!»

Бир гал шу ҳақда сўз очган эди, Ойша бурнини жийирди:

— Вой, худойим-эй, доим ўзингизга ўзингиз қилиб юрасиз-а! Ортиқча ташвишининг ни-ма кераги бор сизга? Бирда-ярим йўллари тушса, келишар. Бўлмаса, атай бориб чорлаш шартми? Қўйинг-эй!

— Рост айтасан, — деди Салим хотинининг гапини маъқуллаб. Бироқ, отаси ва амакисига хат ёзди: «Мана, уйли-жойли ҳам бўлди. Мундай бир айланиб келсангизлар. Сизларга шаҳримизни кўрсатсак. Қишлоқда тарс ёрилиб кетмаганларингга ҳайронман...»

Кунлар ўтди. Мақтубни унутиб ҳам юборди.

Бир ёз оқшоми эшик тақиллади.

«Ким экан у, кўнгироқ турганда?..», деб таажубланди Салим. Бироқ, телевизорда «Ну, погоди!»ни кўраётган эди, қимирлагиси келмади. Шу орада эшик шикирлаб очилди. Сўнг Ойшанинг: «Ким? Э, ҳа! Келингизлар. Кавушингизни ўша ёққа еча қолинг!», деган овози эшитилди. Гап оҳангидан сезилдики, кавушини ташқарига ечса ҳам бўлаверадиган меҳмонни Ойшанинг жини суймади.

Кўнгли бир нимани сезиб, Салим эшикка чиқди. Қараса — амакиси, имиллаганча маҳси-кавушини ечмоқда. Салим зил кетди. Айниқса, чол билан қучоқлашиб сўрашаётганида тер, пичан ҳиди димоғига урилдию кўнгли шамдай эриди. Кўзларида ёш ҳалқаланди.

Амакиси «Кўзим тирикчилигида ўқитай», деб «полвон»ни етаклаб келган экан. Шу кеч кўноқ бўлди. Азонда йўл тадоригини кўрди. Жияни Олтибой иккови уни автобусга чиқариб юборишди. Автостанциядан қайтаётиб, йўлдада Ойшага дуч келдилар. У эгнидаги парча халатини Салимга кўз-кўз қилди:

— Ярашибдимми?

— Тузук. Нима, ишга кетяпсанми халатда?

Ойша эшилиб кулди.

— Айтмоқчи, — дея Салимнинг енгидан тортиб, четроққа бошлади. — Анави бола уйда қоладими?

— Олтибой полвонми? Ҳа, энди...

— Ётоқ-потоқ гаплашиб бера қолинг, хўжайини. Тор уйда...— Ойша тантиқланиб бурилди.

— Қизиқмисан, ахир, жиян-ку!

Очилиб-сочилиб турган Ойша намозшомгулдек юмилди-қолди. Шартта орқасига қайрилдию асфальтни тарсиллатганча кўчага қараб юрди.

Хотинининг итдаоси бемаҳал изғириндек Салимни сескантирди. Чироғи милтираб-қизариб турган қути-деккина лифта юқорига кўтариларкан, бир фалокатни сезгандай кўнглига ғулғула тушди: «Олтибой-ку қиздай ювош, камсуқум бола-я! Лекин... кундан-кунга Ойшанинг сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб кетяпти. Сал нарсага ловиллайди. Нуқул бирим икки бўлсин, деб ўлиб-тирилаётганини ё уйни саранжом-саришта қилгунча она сути оғзига келганини пеш қилади. Иш-қилиб, охири бахайр бўлсин-да!»

Бир ҳафтада сабр косаси тўлди чоғи, шанба кунни Олтибой техникумга кетгач, Ойша «ёрилди»:

— Қийналиб ҳам кетдим, — деди у мук тушганча паркет полни артаркан. — Ишдан силлам қури-иб келади, ҳеч нима ёқмайди. Тағин уйни йиғиштирайми, бозор қилайми?

— Бозор-ўчарга жиянни юбор-да.

— «Жиян-жиян», дейсиз. Кеча бозорга чиқяпман-у, кўзини лўқ қилиб ўтирибди. «Ҳой, келин ая, мен бориб келакотай, сиз ишдан чарчаб келдингиз-ку», дермикан десам, қаёқда! Амманнинг бузоғига ўхша-аб... Кўрганмиз, квартир турганларниям. Ҳам ақча тўлашади, ҳам оёғи олти, қўли етти бўлиб...»

— Хўп, нима демоқчисан?

— Нима дебман?

— Бир ичинг тор-эй!

— Нима-а?— Ойша шарт бошини кўтарди. Ингичка лабларини асабий қимтиди. — Ичи тор бўлиб қолдикми энди? Жиянингизми, укангизми, марҳамат, келсин, меҳмон бўлсин, как паложенно. Лекин, мен одамгарчилик қиламан деб гапга қолишни истамайман. Ана, қўшнилар: «Квартир қўйибсанлар», деб таъна қияпти. Сиз бўлса...

— Бас қил-эй! — Салим хотинини жеркиб ташлади. Шимининг чўнтагига қўлларини тикқанча даҳлизга чиқаркан: — Олтибой кетсинми? Шунда кўнглинг тинчидими?! — деди писанда қилиб. Бунга жавобан Ойша зорланди:

— Э, худойим-эй! Шуюм турмуш бўлдим, а!..

Дунёнинг даргоҳи кенг. Жиянига ҳам ижара топилди. Чатоғи шу бўлдики, Олтибой ўзи билан уйнинг файзини ҳам олиб кетгандай эди. Уша кунлар лоп этиб, қайнотаси ҳам омонатини топширди. Шу-шу, Салим калавасининг учини йўқотган кишидек гангиб қолди.

У ҳамишагидек ишга боради-ю, қайтишда оёғи сира уйга тортмайди. Алла-паллагача кўчада тентирайди. Ҳорғин кўчалар, қовжираган дарахтлару ранглар бинолар юрагини сиқиб юборади. Юзинчи маротаба бир кинони кўраётган кишидек зерикади. Уйга киргач, тарс ёрилиб кетай дейди. Узича буни тирноқча зорлигига йўяди. Пешонасига битмаган эканми... Бирдан кўнглига шубҳа тушади: «Кўролмайдиганлар иссиқ-совуқ қилдимикан!..»

Кўпинча у келганда чироқлари ўчган бўлади. Ойша имиллаб-симиллаб эшикни очади. Қовоқлари осилиб кетган, кўзлари қизарган, шубҳаланиб боқадий захрини ичига ютади. Салим қисиниб остона ҳатлайди. Хотини ловақал койимаганига қон бўлади.

Дам олиш кунлари Ойша қўша-қўша кўйлаklarини балконга чиқариб, шамоллатади. Жавонларни эрин-дай бўшатиб, артади. Чиниларни суртиб, жавон раҳига мингаштириб, қайта теради. Пахта гулли пиёла-ларни бир-бирига кийдириб, чиройли «нақш»лар ясади. Салим эса, тимириланиб уйга кирди, чиқади, бирон ишга қўли бормади. Сандиқни очиб, турли матолар орасига нафталин қўяётган Ойшанинг тепасига бориб, серраяди.

— Доданг яхши одам эди-да! Раҳматли, отамдай бўп қолувди.

Ойшадан садо чиқмайди. Гўё юмушига андармон бўлиб, эрининг бор-йўқлигини ҳам унутиб юборган.

Салим «Бобой тирик бўлганда, ҳозир бир отамла-шардик-да», дея армон қилади.

Баъзан у кинолардаги абжир эрлар сингари уста-монлик билан хотинининг кўнглини овламоқчи бўлади. Шундай қилса, турмушлари сал бўлса-да, изга тушадигандек, бир оз энгил ва маънилироқ кечадигандек туюлади.

— Вазани кейин ҳам артаверасан! — дейди у Ойшанинг кифтидан қучиб. — Қани, кийин! Бир ўйна-тиб келай сени! Кинога тушамиз!

Ойша биллур гулдонни артаркан, зарда билан қа-раб қўяди: «Бунча қилингангиз совуқ бўлмас! Кинода пишириб қўйибдимиз? Сиз тенгилар машина оляпти, уй-жой қиялпти. Сизнинг бўлса, ҳали ҳам ўйинқароқ-лигингиз қолмаган!»

Бирдан Салимнинг кифти чўкади: қўллари қушнинг синган қанотларидек шалвираб қолади. Қўйи лаби дўрдайиб осилади. Орадаги совуқлик уни қийнаб юбо-ради. Ойшани яна гапга солмоқчи бўлади. Қани энди, гап топилақолса! Ахийри, ҳаммасига қўл силтаб, бир ёқларга бош олиб кетгиси келади...

Мана, бугун ҳам якшанба.

Салим ювинди-да, артина-артина балконга чиқди. Ҳаво салқин. Кўчалар жимжит. Бирон деразада йилт этган чироқ кўринмайди. Шаҳар безга, қаровсиз уй-дек ҳувиллаб ётибди.

Бир оздан сўнг қўшни уйдан бедана пит-пилдиги эшитилди. Рўпарадаги иморат ортида сут машинанинг таниш, чўзиқ сигнали янгради. Кейин қўшқават уйлари-нинг томи узра фалак бўзарди. Қўкдаги увада булут-ларнинг кунчиқар юзи қордек оқарди. Ниҳоят, қўёш гардиши сандондаги темирдек чўғланиб кўзга ташланди.

«Худонинг яна бир куни бошланди. Қишлоқдагилар ҳозир молларини подага қўшишяпти! — Салим чу-қур хўрсинди. — Пичан ўрими бошлангандир-ов. Отам эшакни жуллаб, тўқайга отланаётгандир. Эрталаб иш унумли бўлади...»

У пастга — «томорқа»ларга қаради. Пешонасига кафтдеккина ер битганда анча овунарди-я!

Салим ваннахонага кириб, соқол-мўйловини қир-тишлаб олди-да, кийиниб, кўчага чиқди.

Дилтортар жойинг бўлмаса қийин экан. У чанг ўтирган зиналарни бир-бир санаб, яна юқорига кўта-рилди. Чой қўйгач, тимирскиланиб меҳмонхонага кир-дио диванда ёйилиб ётган духобага кўзи тушди. «Сав-илни олмасам бўларкан-да. Бекорга қарзга ботдим!»

Кеча миҳоналарда сотишди. Салим кўчма дўконга яқинлашмасди ҳам. Бригадири: «Олмайсанми, жигар! Жа-а падаркабоп экан!», дедию унинг «бобойга падар-ка қилгиси» келиб қолди. Шу ниятда ўн метр харид қилди.

Олтибойдан бериб юборса, оҳ-қо, отасининг боши осмонга етарди! Бироқ Ойша шаштини синдирди: «Зап пардалик экан-да. Қуриб кетгур кўзни ўйната-ди-я! Гулининг чиройлигини-ей! Холида аммам қи-зини чиқармоқчи экан. Зорланиб юрувди. Ушаларга сотақолайлик, хўжайин! Кир машина оламиз.»

Ҳозир шулар хаёлидан кечдио Салим ўзича куйин-ди: «Қизик одатлар бор-да. Юзини шувит қилиб, бироникига қандай кўтариб бораркин?»

У эрмакка духобани тахлади. Энди қоғозга ўраётган эди, эшик шқиқради: хотини эшикнинг очиқ тавақасига суяниб турарди. Тўйиб ухлаганиданми, юзлари ши-шинқираган.

— Ураб нима қиласиз? Анави сумкага солиб ке-тавераман.

Салим духобани диванга ташлади-да, жойидан ҳафсаласизгина турди. Ойшанинг қирқилган, сарғиш сочларига ҳомуш тикиларкан, «Буни бобойга олудим», демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, тагин бир тийинга қиммат матоҳдан дилсиёҳлик чиқадими истамди. «Ке, қўй. Кўнглига келганини қилсин. Анчадан бери зорла-ниб юрган эди», деган ўйга борди.

У бир зум нима қиларини билмай серрайиб турди-да, сўнг балконга чиқди.

Сўридан кўча кафтдек кўринади. Кун ёйилиб кетган, асфальт йўлкада одам қайнайди. Кўп ўтмай, подъезд олдида Ойша кўринди. Эғнида — «жуҳуди» атлас кўй-лак, кўлида — жигарранг сумка. Ҳадемай у ҳам одам-лар оқимига сингиб кетди. Гунафшаранг дуррачаси бир-икки кўзга чалиндию, сўнгра буткул йўқолди. Са-лим йўловчиларнинг ҳаракатини кузата бошлади. Бора-бора диққати сусайди ва оқим ҳам, борлиқ ҳам қан-дайдир маъносизлик касб этди. «Тавба! Бу дунёнинг бўлган-тургани шумикан ё янаям қизиги бормикан?»

Тушга бориб балкон тандирдек қизиди. Кўчада ға-ла-говур ҳам авжига минди. Айниқса, машина тормо-зининг ғийқиллаши, троллейбуснинг босиқ ғувиллаши асабни эгавларди.

Салим бир парча осмондан кўз узмай узоқ чалқан-ча ётди. Дафъатан чалинган кўнғироқ жиринги қулоғи-га кирмади. Эшик кўнғироғи тагин жиринглади. У шун-дагина сергак тортиб, ўрнидан турди. Увишган оёғини босолмай, анча ҳаяллади. Чиқса, ҳамқишлоқ жўраси — Исматилло! Қуёш ёндираман дейди-ю, қора шерсть костюм кийиб олибди. Иягида саккизта тук чўкиртка-дек тикрайган. Қўлтиғида газетага ўроғлиқ бир нима...

— Ия, Исма! Бормисан, жўра! — Дўстини кўриб, Салимнинг кўнгли тўлиб кетди. — Сенлариям кўрар кун бор экан-ку! Қандай шамол учирди?

— Сўрама! Ярмаркаларингга ул-бул опкелувдик. Мошини кўйдиму сени излай кетдим. Қани энди, уйингни топиб бўлса! — Исматилло бўсагадан ўтиб, носкадидек бошидан дўпписини олди. Манглайидаги терни кафти билан сидирди-да, чўнтагидан пистонли рўмолча чиқариб, тақир бошини артди.

— Э, ошнам-э! Бўларинг бўлибди-ку! Бир ваннага тушиб чиқ, жонинг киради. Унгача мен «жиз-биз» қи-ламан.

— Келин қаерда?

— Аммасиникига кетган эди, келиб қолар.

Салим дастурхон тузади. Дўстининг қўлтиғидаги «яримта» экан. Насиба-да.

Исматилло меҳмонхонага киргач, аввалига жиндак тарадудланди. Хонанинг кўркамлиги, бежирим жиҳоз-лар, ҳар ҳолда, ақлини шоширган эди.

— Дуруст-дуруст! Ҳамманики шундайчиканми ё битта сеникими? — деб сўради ялтираб турган пар-кетга имо қилиб. «Кўпчиликники шундайчикан»лигини билгач ҳам, ҳаваси сўнмади. — Шаҳар — шаҳар-да, пошшодай яшар экансан! Бизлар-ку, узоқ йўлга кўп ҳам чиқавермаймиз. Лекин, шундай шаҳарда қора тор-тар жойинг борлигидан қувонсан-да одам!

Салим ютинди-да, қадаҳни унсиз чўқиштирди. «Э, ошнам-э! Ҳамиша «Полни гурсиллатмайин — пастдаги қўшнилар чиқиб ёкамдан олмасин», дея ҳа-диксираб-қисиниб турсанг, пошшодай яшаш бўлади-ми шу!»

Ҳасратини ичига ютди. Нима ҳожати бор? Одам-зоднинг бир нимага ихлоси бўлгани маъқул. Дунёда ҳеч вақонинг қизиги қолмаса, бундан ёмони йўқ. Ма-на, ўзи: тирикчиликдан кўнгли совиб кетди, жувозга қўшилган отдек, зўрнинг зуғумидан қимирлайди.

— Ярмаркага келдик, дегин? Қишлоқда нима гап-лар? Бизнинг бобой тузукми?

— Нима гап ҳам бўларди? Эски тос, эски ҳаммом. Отанг тўй-тўйлаб юрибди. Келаётиб кўрган эдим. «Ўғ-рин бориб, журангикига кўн!», деб тайинлаб қолди. Эрта — Очил амакининг ўғил тўйи. Айтмоқчи, Жанғил момо оламдан ўтди.

— Худо раҳмат қилсин! Касалмиди бечора?

— Ҳа. Узиям тўқсон учга кирган экан. Чевараси армиядан келди. «Солдат тўйи» қилишди-ю, эртасига...

Салимнинг юрагидаги чигил анча ёзилган, болалиги кечган тупроқ йўл, ёшлиги оқиб кетган асов дарё, адир этагидаги мунис қишлоғи кўз ўнгида бир-бир жонланмоқда эди. «Ҳамма нарса ҳам четдан чиройли, сирли бўлиб кўринади чоғи...»

Учинчи қадаҳ ҳам бўшади.

— Э, шу... болалик зўр экан-да! — Исматилло қа-



дахни тарақлатиб столга қўйди-да, серқадоқ кафти билан лунжини артки. — Кеча колонна бўлиб йўлга чиқдигу тепанинг ёнидан ўтаётиб, велосипедда тушганларимизни эслаб кетдим. Ҳе, фирт тентак эканмиз-да. Ҳо-ов, Холмўмин буванинг ифтори куни тепада «тақта» ўйнаганимиз эсингдами? Чуқурда писиб ётсам, нариги бетда кўриниб қолдинг-ов. «Қиҳ, Салим! Тамом! Улдинг», дерманми, кинодаги аскарлардай сапчиб турдигу кўрагингни чангаллаганча ўзингни орқага ташладинг. Бир пайт қарасак — йўқсан. «Салим қайда?» «Жарда», «Нима бўлди?» «Думалаб кетди». Э, товба-е! Тентак бўлмасак... Тагин ҳам худонинг ўзи асрар экан. Жўра, шунда қўлинг синганмиди?

— Ҳа! — Салим чап тирсаги сирқирагандек беихтир билагини уқалаб қўйди.

— Кела-келгунча шуларни айтиб, ҳамроҳларимни кулдириб келдим. «Боёқиш, кейин балнисада ётиб чиқди. Ундан кейин, Карим буванинг ифторида «тақта» ўйнаётсак, Салимбойни биттаси «қоқиб» ташлабди. Тагин денг, чинакамга йиқиламан деб, чангалсимга қулабди», десам, ичаклари узилгунча кулишди-е! Биттаси: «Ўзинг ҳам роса оққочар экансан-да», дейди. Ишонмайди.

— Ҳозир ҳам болалар велосипедда «ташлашадими?» — Тепаданим? Э, қаёқда! Ҳозиргиларнинг феълига тушунмайсан. Муштдай-муштдай тирмизаклар «Опал» чекади, дегин. Зингарчалар мопед олволган, десанг. Патиллатиб изгигани изгиган. Кечалари... Э, нимасини айтсан, кинодаги шипаналардан қолишмайди, қизгарлар!

— Шунақа де? — Салим кулимсираб, «Тавба!», дегандек бош чайқади. Қулоғи қизигач, кифтидан мунтазам босиб тургувчи юкни унутди. Фақат кўзларига чўккан мунг милт-милт қиларди. — Ҳалиги. — У гапини йўқотиб, андак ўйланиб турди, манглайини силади. Сўнг чўнтагидан сигарет олди-да, «Прима»нинг бўшаган қутисини ғижимлаб, кулдонга ташлади. — Э-ҳа! Чакалакзор қалай, чакалакзор?

— Бузишяпти бир четдан. Пахта экишяпти.

— Шунақа де? — Салим ютинди, кекирдагидаги туюрча кўтарилиб тушди. — Қоплонлар-чи? Ҳалиям борми?

— Қанақа қоплон? Ёввойи пишакни айтяпсанми? — Исматилло беписанд хахолаб кулди. Кулганида унинг озгин кифтлари пир-пир учарди.

— Қоч-э!.. — Салимнинг юзлари чўғдек қизариб кетди. Энгашиб, полда турган иккинчи шисани олди. У хаёлида жонланган ғаройиб олам — қоплонлар изгиб юрган чакалакзорнинг топталишига қарши эди. Шисанинг қопқоғини юлқиб очди. Энди қадахларга қуяётганида эшик кўнғироғи жириглади. Шундагина хотини ёдига тушди. Келдимикан?

У бесаранжом дастурхонга: ғажилган суюқлари қолбаса қолдиқларига, шоколад қоғозларини кулдондаги эзгиланган сигаретларга шоша-пиша кўз югуртирди. «Чакки қилибмиз-да. Балконда ўтирсак ҳам бўларди-ку», дёя безовталанди. Ойшанинг жижзакилиги тутса, бир оғиз бемаврид гап билан таъбларини хира қилиши мумкин.

У биров биқинига туртгандек ирғиб турди. Аввалига, тилларанг араби пардани бир ёнга суриб, дераза тавалақарини ланг очди. Сўнг диваннинг ғижимланиб қолган жилдини апил-тапил тўғирлади. Энди кулдонга қўл чўзган эди, кўнғироқ яна жириглади. Исматилло уни таажжубланиб кузатмоқда эди.

— Ҳа, нима гап? Тинчликми?

Салим «Ишинг бўлмасин», дегандек қўл силтади-да, даҳлизага чиқди. Калитга қўл чўзган маҳали кўнғироқ тагин жириглади. «Жаҳлга минган кўринадиди. Қизлигида Ойша одамнинг жони эди. Нима жин урдию...»

Ойшанинг манглайини маржон-маржон тер босган, юзлари бўғриқиб кетган эди.

— Манг! Вей, бу кишини лалайганини!

Салим хотинининг қўлидан оғир сумкани олди.

— Сотмадингми?

Ойша «Йўқ», дегандек танглайини тақиллатди.

— Уф-эй-й! Улар бўлсам, ўлиб бўлдим. Куриб кет-

син! Одам деб шунча йўлга борибман-а! «Синглиннинг сепига тўёна қилақол», дейди.

— Нима қипти? Бегонамас, амманг-ку!

Ойша, гўё у туйфайли шунчалар қийналгандек, алам билан ўқрайди.

— Меҳмон бор эди.

— Қанақа меҳмон?

— Жўрам, қишлоқдан келибди.

Ойша туфлисини ечиб, ғаладоннинг бир четига қўйди. Тузатингач, секин меҳмонхона эшигини очди.

Салим хотинининг бир одатига «беш кетар» эди: ичиданини ташига чиқармайди. Керак бўлса, ғаними меҳмонга келганда ҳам очилиб-сочилиб кута олади. Исматилло билан ҳам тавозеланиб сўрашди, сўнгра «Битта қовурдоқ қилинг», деган Салимга тегишган бўлди:

— Роса «чангитибсиз»-у, хўжайини!

— Ҳа, энди Исмаатбой кепқопти!..

Эшикдан нари ўтгач, Ойша елкаси оша Салимга ижирганиб қаради. Ётоқхонага кираётиб, таққа тўхтади. Қайрилди. Ваннахонанинг эшиги ланг очиқ эди, ичкарига бош суқди.

— Ювинган одам тўнғизга ўхшаб ҳаммаёқнинг шилтасини чиқараркан-да? — деди бирдан тутақиб. Сўнгра эшини шундай қарсиллатиб ёпдики, ногоҳ Салимнинг қўлидаги сумка ғирсиллаб полга тушди. «Шунақами ҳали!» У вазмин одимлаганча хотинининг устига бостириб борди:

— Шунақа бўлтими? Ҳаммаёқнинг шилтаси чиқиб кетибдими? — деди у тишларини ғижирлатиб. Ох, ҳозир бир мушт билан деворга михлаб қўярди-ю, меҳмоннинг олдида... — Овқат қил! — деб буюрди бўғиқ шивирлаб.

— Қилмайман! — Хотини сирғалиб ёнидан ўтди-да, ётоқхонага кириб кетди.

«Аламини мендан олмоқчи шекилли. Хўп, майли, шомайл тур ҳали!» Бироқ, у ўзини тутолмади. Хотинининг ортидан қуюндек бостириб кирди.

Ойша қаравотда оёғини букканча бўлиқ, момик сонларини шамоллатиб, яллайиб ётар эди. Гарчи хотини бўлса-да, Ойшанинг бу ҳолатда тап тортмай ётишидан ғижиниб кетди.

— Тур, овқатга унна!

Ойша, унга ҳорғин, аянчли термилди. Ногаҳон ўксик, маломатли овозда:

— Улар бўлсам, ўлиб бўлдим! — деди. — Шу рўзгор деб, уйим-жойим, деб аммаларимнинг олдида ҳам бир пуллик обрўйим қолмади!

Салим титраб кетди. Дафъатан хотинининг изтиробини англагандек, унга юраги ачишди.

— Қўй, хафа бўлма, ҳаммаси кўнғилдагидек бўлиб кетади, — деди ҳирқироқ овозда. Шундай деди-ю, ҳозиргина унинг Исматиллони тўнғизга менгзагани, эшикни атай қарсиллатиб ёпгани хаёлига келиб, илиган дийдаси тагин тош қотди: «Билатуриб шундай қилди-я!»

— Тур, овқат қил! — Унинг товушида бояги ҳаяжондан асар ҳам қолмаган эди.

Ойшадан садо чиқмади. У белангидек буралиб, терс ўгирилиб ётди.

— Сенга айтяпман! — Салим хиёл энгашди. Унинг чап қовоғи пир-пир учарди.

— Қил-май-ман!

У хотинининг ўнг билаги, ўнг оёғидан тутганча овоз кўтарди. Кўтарди-ю, тентаклик қилаётганини фаҳмлади. Ойша худди биров бўғаётгандек асабий чинқириб юборди:

— Тегма менга! Торт дейман, торт қўлингни!

— Салим! Ҳўв Салим! — Исматиллонинг товуши қулоғига чалиндию у Ойшани қаравотга итқитиб ташлади. «Бу нима қилганим?! Шармандалик! Қани энди, ер ёрилсаю кириб кетсам!»

У шалыираб хонадан чиқди.

Исматилло кайфи учиб, эшик олдида турарди. Ичкаридаги машамшани сезмаганга олиб:

— Кетаман, жўра, — деди у апил-тапил латта туфлисини оёғига иларкан. — Алла-палла бўлиб қолди.

— Қаерда тунайсан!

— Кабинкада. Биласан-ку! — Ҳтоқ бўлмасидан Ойшанинг инграгани эшитилди. Шунда худди бир жойи оғригандек Исмаиллонинг юзи буришди, шоша-пиша «Хайр», дея қўл берди. Подъездда ажралиша-ётиб, койиш оҳангида:— Тагин келинни хафа қилиб ўтирма! — дея астойдил тайинлади. — Аёлларга осон тutasанми? Чарчагандир бобёқим. Хўп, майли, фурсат топсанг, ўт. Отамлашамиз. «Ҳамза»даги ярмаркадамиз. Эртан соат ўнларда жунаймиз-ов!

...Сув — ўлик, кўл — тубсиз эди. На соҳил кўри-нади, на бир хас. У яшил, хира уммон қаърига чўкиб кетмоқда эди. Мана, қўлларида мажол қолмади. Оёқ-лари зил-замбил. Жон талвасасида қурбақа юзиш қилаётгандек икки қўллаб сувни қўйига босди. Шу дам ўзини бироз ўнглади-ю, тагин сувга улоқтирилган ҳай-кал каби тубсизлик қўйнига чўка бошлади...

Салим босинқираб, чўчиб уйғонди, саросима ичра ён-верига олазарак қаради. Зимистон. Ваҳимали... Ан-чагача ўзига келолмади. Ҳтоқ каравотда, хотини билан бир кўрпа остида ётганини идрок қилгач ҳам дилида-ги чигил ёзилмади. Қандай уйғониб кетганига сира ақ-ли етмасди. У ўзини ҳамон чўкиб бораётгандек ҳис этар, ночорлик, нажотсизлик ваҳми тиғ бўлиб юрагини тилка-тилка қилмоқчи эди. Изиллатиб қувиб келаётган балодан қутулмоқчидек, хотинининг пинжига суқулди. Шу тобда бир оғиз бўлсин, Ойша билан гаплашгиси, ёлғизлик азобидан ўзини халос этгиси келарди. Уни оҳиста ўзига ўнгарди, ўнгараётганида Ойша уйқусираб алланима дея гўлдиради. Салим унинг юзини силаб-эркалатиб уйғотмоқчи эди, Ойша ғаш келгандек бо-шини тортиб, «Э-э», деди-да, Салимнинг қўлини силтаб ташлади.

Салимнинг юраги зирқираб кетди. Увишган оёғи кундадек қотди, қўллари бўшашди. Хаёлини тагин ва-ҳимали туш — ўша тубсиз уммон чулғаб олди. Назариде, шу уммон қаърига ҳамон чўкмоқда эди. Аҳён-аҳён уммоннинг ниҳоясизлигидан сесканиб тушади. Атроф сурмаранг, сим-сиёҳ... Ногоҳ, оқ, ҳарир рўмол учлари шам ёлқинидек силкиниб, манглайига тегиб ўтди. Қўл чўзса етгудек... У қўл чўзди: рўмолча учи балиқнинг думидек силкина-силкина йироқлади ва бут-кул кўздан йўқолди. Борлиқ эса сурмаранг, сим-сиёҳ... Бу уммон қаърига у қаёқдан қулаб тушди? Нега? Ни-ма учун?..

У, уйғоқ эканини ҳам, босинқираётганини ҳам ажрим

қилмади. Ён-верига аллақандай шарпалар кезинмоқ-да. «Арвоҳ-парвоҳларми?» Эҳтимол, кўнгил етар ки-шилари Салимнинг қўлтиғидан олгани келишаётгандир! Лекин шарпалар сурмаранг оламда карахт ва паришон кезинар, ўзлари билан ўзлари овоза эди... Гўё қайда-дир қарвон кўнғироғи майин садо таратди. Оламга чўккан қабристон сукунати титраб кетди... Садолар Салимнинг уйқусини учириб юборди. У сергак тортиб, ўрнидан турди. Меҳмонхонадаги осма соат дарангла-тиб занг чалмоқда. Занг садолари мудроқ сукунати-ни титрата-титрата зимистон қўйнига сингиб кетарди.

Салим афтодаҳол туриб, чироқни ёқди. Меҳмонхо-нага чиқди. Кечқурун шиша остида қолган ароқни пиёлага қуйиб сипқорди, дастурхон четигаги гугурт устида турган, чўғи ўчиб қолган сигаретни лабига қистирди. Тутунга кўмилганча, карахт қотгандек узоқ қимирламай ўтирди, сўнг шитоб билан юриб қазноққа кирди, сочилиб ётган кир-чир, бўхчаларни алғов-дал-ғов қилиб, улар орасида кўмилиб ётган пачоқ чама-дончани олди. Уни ўқишга келаётганида қишлоқдаги магазиндан отаси олиб берган эди. Кейин ётоқхонага кириб, жавондан «парад формаси»ни ахтарди. Ойша-нинг қат-қат, бесаранжом кўйлақлари, пальтою плаш-лари орасидан уни топгунича нафаси қайтиб кетди. Кийингач, жомакорини чамадонга жойлади. Чироқни ўчираётиб, қайрилиб хотинига қаради.

Ойша сочлари тўзғинганча пишиллаб ухламоқда. Бир доғда куйгандек юзлари чуйканган. Кўзларининг зиҳи-да майда-майда ажин. Ногоҳ у ҳорғин ингради. Алаҳ-сираб ихраганча асабий бош чайқади. Лаблари қимтин-ди, тамшанди, қошлари маъюс чимирилди. Сўнг ёнбошига ағдарилиб ётди, безовта чехрасида чарчоқ ва тажанглик нуқси қолди...

Кичкиналигида бувиси айтарди: парилар сулув қиз-лар шамойилига кириб, йигитларни жоду қиларкан. Бу эрмак жонларига теккач, йигитни «чалиб», шолми, мажруҳми қилиб, тагин маконларига учиб кетишаркан. Паридан бир сиқим кулми, тўзонми қоларкан...

Хонадан чиқаётганида кўзи ногоҳ хотинининг қўлига тушди. Ойшанинг оқбилак ўнг қўли чўзилганча қолган, мажолсиз бармоқлари чала очик эди. Салим оstonага етмай тўхтади. Чўнтагини кавлади. Кейин чамадончани ерга қўйди-да, очди; жомакори киссасидан уйнинг ка-литини олиб, секин Ойшанинг кафтига қўйди.

Кўчага чиққач, манглайдаги муздек терларни енг-билан сидирди.

Юлдузсиз фалакда ой ёлғиз эди.



Ёзувчи Саъдулла СИЕЕВ келгуси сонда «Даҳрий» ҳикояси билан қатнашади.



Эътибор ОХУНОВА

## Қуёш – мусаввир

Қуёш кўзин уқалаб тонг суратини чизди,  
Унинг бўёқларини олди тилло ёғдудан.  
Офтоб тўкилдию тонг тасвири чил-чил бузди,  
Қуёшнинг қил қалами тушмади аммо қўлдан.

Енг шимариб уриди чизмакка кун суратин,  
Рангларини излади аланга, оташлардан.  
Оқшом кечиктирмади у қўнар фурсатини,  
Йиғиб олди офтоб нуруни баркашлардан.

Қуёш чизмоқда эди оқшомнинг суратини,  
Сурма тўкилиб кетди нурафшон бўёқларга.  
Тун келди остонага... Зулматнинг журъати бу,  
Мусаввир кетиб борар ҳув ана, узоқларга.

Осмоннинг пештоқида турди у шафақланиб,  
Қуёш чиза бошлади зулматнинг сиёҳини.  
Толиқибди шекилли, тушди қўлдан қалами,  
Ботди-кетди чизолмай тасвирининг у ёғини.

Туннинг қора сиёҳига қопланди ёруғ олам,  
Само сўроқлаб қолди меҳнаткаш мусаввири.  
Қуёшсиз нетгум деди, бу дунё тор — жаҳаннам,  
Миллион фонусни ёқди, излади бир тадбири.

Юлдузларни сепди у, ойни қилиб қўриқчи,  
Олтин қозик, Хўлқару, «Сомон йўли» хизматда.  
Излашдилар бирма-бир осмон деган қўриқчи,  
Қуёш уйқуда эди ул ер ости хилъатда.

Миллион юлдуз кўзларин тун бўйи очди-юмди,  
Само ҳамон изларди қуёшни-мусаввири.  
Қуёшнинг ўзи бузди энди ушбу тасвири,  
Уни таҳрир этай деб тонг нури билан ювди.

## Кампир

Тўкиллатиб ўтар у кўчадан асосини,  
Бераётгандай худди қаттиқ ер жазосини.  
Асоси, йўқ, йўқ, унинг кўзи ва қўлоқлари  
Тинглаётир у она заминнинг садосини.

Тунлари бедор-бедор излайдир уйқусини,  
Чекаётгандир балки оламнинг қайғусини...  
Балки қўмсаётгандир ўн саккиз ёшидаги  
Қайлиғи бериб кетган ифор гулнинг исини.

Тонгда очди у кўҳна сандигининг қатини,  
Ахтариб топиб олди паранжи-чимматини.  
Жажжи набираларга сўзлаб берайин деди  
Кўҳна ўтмишда кўрган алами-ғурбатини.

Эгнига кийиб олди қалами кўйлагини,  
Нима экан шу тобда бувининг ўйлагани.  
Уйлаб ўтириш учун имкони бўлса эди,  
Шошилич жўнаб кетар Тошкентга тўйлагани.

Ярқиратиб қўйди у қуйма тилло тишини,  
Тотмоқ керак-да ахир қанду қурс, кишмишини.  
Кексаликда не гуноҳ, айб этманг, эй, ёронлар —  
Кўнгли қаримас экан ҳаргиз аёл кишининг.

Бувижон оппоқ дока рўмолини ўрамади,  
Чолидан у атайлаб ижозат сўрамади.  
Замон шундоғ, аёлнинг ихтиёри ўзида,  
Нима, аёл чўрию эркаклар тўраמיד!

Тўйхонада кампирлар роса ҳам жам бўлишди,  
Жам бўлишди, кимлардир шўху там-там бўлишди.  
Сўз очишди атайлаб шу замон қизларидан,  
Ошиб-тошган тўйларнинг устидан хўп кулишди.

Тонгда кампир кумушдай сочини тароқлайди,  
Бир гапирар, ўн кулар қуёшдай чарақлайди.  
Ҳамма гапу гаштакда давраларнинг тўрида  
Кексаликни замоннинг ўзи ҳам ардоқлайди.



Навбатдаги сонда шоир Нормурод НАРЗУЛЛАЕВнинг янги  
шеърлари билан танишасиз.

# Остона

Катта олам муқаддас остонамдан ўтади,  
Кенгликларнинг бағрига кузатар наҳорларда.  
Оқшомлари у мени меҳмонлардай кутади,  
У қутлуғ қадамларга лиммо-лим наҳрлардай.

Қадамим пардай эди... остонам пайқамадим,  
Бир бора ҳам нигоҳим ташламадим эҳтимол.  
Нечун сажда қилмадим, мен уни алқамадим,  
Бошгиннамдан сирғалиб тушгунча шоҳи рўмол.

Бир лаҳзада тўзғиди мудраб ётган хаёллар,  
Шиддатли бир ларзага рўбарў эди улар.  
Кўз ўнгимда йиллардек елпиндилар шамоллар  
Ва ўтдилар бирма-бир босилган қутлуғ йўллар.

Ҳа, остонам бир умр бепарво босиб ўтдим,  
Бепарво эмас, йўқ-йўқ, ўтдим лоқайду шитоб.  
Не тонг, остонам мени бирдам саволга тутди,  
«Бир зумгина тўхтагил!», аста айлади хитоб.

Остонада қоқилдим ва сирғалди рўмолим,  
Рўбарўда турарди оғир карвон бугуним.  
Эрта турарди интиқ, тортиб маҳзун хаёлим,  
Орқада қўл силтарди шод, ношод ўтган умрим.

Бунчалар ҳам шитобимиз навқирон чоғларимиз...  
Остонанинг бөр-йўғин сезмай яшар одамлар.  
Гарчи дунё йўл... бизлар унинг сайёҳларимиз,  
Гарчи бир кун зилдайини вазмин тортар қадамлар.

Остона доvon асли, у муқаддас, баланддир,  
Ҳар тонг уни бир жаҳон умид билан ҳатлаймиз.  
Йўлларимиз боши у, кенг манзилга пайванддир,  
Шу йўлдан биз бир умр тиним билмай қатнаймиз.

Лоқайд ўтма, азизим, остона умринг боши,  
Ичкарига кирмагил, чангу ғуборинг билан.  
Остона болагининг, удир мўътабар ёшинг,  
Севгингдир у, таъзим қил, қутла сен боринг билан!

# Одам

Одам туғилди... оппоқ йўргакка ўрадилар,  
Уни нурдай сўт билан ардоқлади она ҳам.  
Шукрона айлаб, элдан суюнчи сўрадилар,  
Инсон номини эшитиб, энтикиб қўйди олам.

Ўғил туғилганида тоғлар ростлади қаддин,  
Тўлқинланди бир жаранг, юлдузлар ҳам нурланди.  
Қизлар туғилганида, тандирдаги гулхандин,  
Уланли бешик, кашта ёдланди, улуғланди.

Оппоқ-оппоқ тилаклар тебрандилар бешиқда,  
Она дер: «Эзгуликни ардоқлаб ўссин болам!»  
Бувилар ҳам дуода: эртақлардай, қўшиқдай  
Емонликни йўлини гоvдай тўссин набирам.

Кўз нурин берди она... қадрласин деб нурни,  
Меҳрини берди яна, севгин, деб юрт, элингни.  
Қалбини берди она, англа, деб завқ, сурурни,  
Виждон берди, асра, деб нурдай тоза дилингни.

Инсон номини ёздилар зарҳал ҳарфлар билан,  
Уни улуғламоққа не жонлар бағишланди.  
Инсон — буюк деб хатм эддик шарафлар билан,  
Инсон номи муқаддас қомусга нақшланди.

# Туш эмиш

Тонгда ўн етти ёшим остонада турармиш,  
Ҳайратни сўзлаб, яна ташлаб минг битта савол.  
Ҳузуримга нур, сурур ва гуллар югурармиш,  
Қўшиқ куйлади кимдир, бу сен эдинг эҳтимол.

Ой нури билан чайган тўкин боғларда юрдим,  
Хаёлимда гул очган беҳишт билан овора.  
Тушдами, хаёлдами мен сени яна кўрдим,  
Лекин бир сўз демадим, мағрурлик бу... не чора.

Ун тўққизим учратдим... энтикиб кетдим рости,  
Баҳор чақмоқларини тутмоққа мен жазм айлаб.  
Ул сулувга термилдим, туғён селоби босди,  
Сен турардинг қаршимда, тақдирга таъзим айлаб.

Қирқ ёшни мен кутмадим, сўроқлаб ўзи келди,  
Майсаларга пинҳона тўкар бўлдим ёшимни.  
Кипригимга томчимни ё зардобми илнди,  
Юракдаги армонми, билмам ё қўрғошимни.

Эллик ёшим кутармиш навбатдаги бекатда,  
Унга элтар йўллардан еллар билан ўтарман.  
Нечун дунё жим қолди... сену мен ҳам сукутда,  
Умр — дарё, дарёга ташна лабим тутарман.

Очдим олтмиш ёшимнинг қўрғошини эшигини,  
Кумуш сочли бир аёл пешвоз чиқди жилмайиб.  
Энди кеч, тингламоққа муҳаббат қўшиғини,  
Бир умр лоқайдлигим учун қўй менни койиб.

# Суяниб бўлсайди тоғларга

Қаттиқ ер, беҳудуд юмшоқ осмоннинг  
Қўлларида тугиб тургандай тоғлар.  
Бу кўхна замин, мангу осмонни  
Одамзод зеҳнининг риштаси боғлар.

Дейдилар, тоғлардир осмон устунни,  
Тоғларга тож эмиш юксак юлдузлар.  
Одам ғамли чоғда излар дўстни,  
Дардин тоғларгамас, инсонга сўзлар.

Тоғдай юраги бор, дерлар одамнинг  
Бардошин қиёслар метин қояга.  
Инсон кўксидида залворли ғамни  
Тоққамас, сўзлар-ку дўст-ҳамсояга.

Тоғ боқий, улуғвор ернинг ҳайкали,  
Қаърида олтин у маъданлар тўкини.  
Изтироб, қувончи тўлган маҳали  
Тоғмас, дил кўтарар юракнинг юкини.

Суяниб бўлсайди улкан тоғларга!  
Шу митти юракдир нажот қалъаси.  
Бир умр ҳавасда яшаб тоғларга,  
Инсонга сигинар инсон боласи.



Файрат РАХМАТУЛЛАЕВ

# БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

ҚИССА

**К**удрат чўчиб уйғонди-ю, икки кундан бери безовта кўнглини яна ғашлик чулғади. Қулоқлари остида туну кун тинчлик бермай такрорланаётган сурнай товушидек ингичка овоз қайта эшитилиб кетгандек бўлди: «Бир ҳафта дедингизми? Бўпти, акам!» Бу гал ҳатто озгин елкалари туртиб чиққан, қоқсуяк Зиёв — Зиёвиддиннинг илжайиб турган башараси ҳам кўриниб кетди.

Қудратни ҳаммасидан ҳам ўн олти-ўн етти ёшлардаги, отасининг даврида босар-тусарини билмай қолган йигитчанинг белисанд «акам»лаб гапириши ўртаб юборган эди. Улфатлар йиғилгандан бери янги миниб келган «Жигули»сини оғиз кўпиртириб мақтаётган Зиёвнинг гапларидан фикриниб, у: «Хоҳласам, келаси ҳафта мен ҳам «Жигули» миниб келаман!», деб каттаоғизлик қилиб қўйган, энди сўзидан қайтишга бўйни ёр бермай, унинг гапларини жимгина тинглаб ўтирар эди.

— Агар сўзингизнинг устидан чиқсангиз, шу ердаги ўн кишини истаган ресторанингизда кутиб олиш мендан! Ҳар ким кўнгли тусаганча буюрсин, акам! Ёки... ёки ўзлари хизматда бўладилар, биз ҳам кўнгилга сиққанини буюрамиз. Чоғингиз келса, қўлни ташланг, акам!

Сўлим боғ чеккасидаги чойхонада ош сузилмасдан кўпчилиги «етилиб» қолган ўн чоғли улфат даврасида бўлаётган бу баҳс ҳазиллигича қолиб кетмади. Она сути оғзидан кетмаган, укаси тенги бола олдида тили қисқалик қилиб қолишига Қудратнинг ғурури йўл бермади. Ичкиликнинг кучи билан эртасини ўйламай ўнг қўлини чўзди:

— Уйнаганим бўлсин! Бир ҳафта дедимми, бир ҳафта! Келаси ошга янги «03» миниб келаман!— деди қизишиб. Даврадагиларнинг: «Кўйсаларингиз-чи, ҳазилнинг таги зилга айланиб кетмасин тагин!» деган сўзларига ҳам қулоқ солмай, Зиёв билан қўл ташлашди.— Эртасига бошоғрини ресторанда тузатамиз, йигит гапи битта!..

У кўзини очмай шу ҳақда ўйлаб ётаркан, кўнглини чулғаган ғашлик аста-секин ғазабга айлана бошлади: «Мишиқи, сўтак, гап бермайди-я! Адаси олиб берган машинаю чўнтагига солиб қўйган пулларга ишониб, осмондан

Расмин Ҳ. РАХМАТУЛЛАЕВ чизган.

келишини қаранг! Адангнинг обрўйи бўлмаса-ку, бу оч арвоқ қаердан келиб қолди деб, сен билан саломлашишга ҳам ҳазар қилишса керак. Узингдан беш-ўн ёш катталар билан улфат бўлиб юришинг ҳам адангнинг амали, жарақ-жарақ пули туфайли, бўлмаса, биров сени келишига патак қилармиди?!»

Қудрат овоз чиқариб уф торганини ўзи ҳам сезмади. Қўшни хонада нонушта тайёрлаётган Муқаддам аста эшикни очиб, ётоқхонага мўралади, унинг уйғоқлигини билди-да, чироқни ёқди. Уткир нурдан кўзлари қамашган Қудрат ётган жойида чап кўзини қисинқираб хотинига назар солди: ой-куни яқин қолган Муқаддамнинг юзлари чўзилиб, доғ босган эди. У ўрдакдек лапанглаб келди-да, Қудратнинг боши узра зўрға энгашди.

— Туринг, Қудрат ака!— деб шивирлади секин, эрка овозда.— Сиз яхши кўрадиган куймоқ тайёрлаб қўйдим, совимасин. Ойим аллақачон чой ичиб бўлдилар, «Қудратни уйғотинг», деяптилар.

Қудратнинг кўзи хотинининг халати ёқасидан кўриниб кетган кўкрагига тушди-ю, ўгирилиб олди. Кўзларини юмиб, буйруқ оҳангида минғирлади:

— Бор, бор! Бир оз ётай, негадир бошим лўқил-ляяпти. «Ҳозир чиқарканлар», деб қўяқол!

Эрининг қайсар одатини билгани учун Муқаддам лабини тишлаганча, индамай чиқиб кетди. Қудрат унинг орқасидан бир қараб қўйди-да, кўзларини қаттиқроқ юмиб, иккинчи ёстиқни бошига тортди. Кеча ярим тунгача чўзилган маншат, Холиданинг эркаликлари хаёлини банд этди. «Бадани шундай тарангки! Шунча пайтдан бери ё эйтибор бермаган, ё сезмаган эканман! Баликча ўхшайди-я бағрингда! Аслида бир йил олдин учратишим керак экан. Муқаддам бўлмаганда-ку... Эҳ, хатга тушдинг— ўтга тушдинг, деб бекорга айтишмас экан! Бунинг устига, қоринни дўппайтириб юрибди, эрта-индин... Уф, энди ўзимни тутиб олиб, қўлим у-бу нарсага ета бошлаганда...»

Унинг фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб кетди, каравотни ғижирлатиб ёнбошига ағдарилди. Хотини чироқни ўчириб чиқмаганидан, нур кўзларига тикка тушиб, ўйлашга ҳам, ётишга ҳам қўймади. Ширин уйқуси бузилган гўдакдек, қўлларини мушт қилиб кўзини ишқалаганча каравотда оёқларини осилтириб ўтирди. Девордаги соат саккизга занг ургандагина ўрнидан туриб, стулга ташлаб қўйилган шимини кийди.

\* \* \*

Шифтига сарғиш, гулдор қоғоз қоқилган чоғроқ хона. Тўрдаги эски каравот устига уринганроқ адёл ёпилиб, чит қопланган иккита ёстиқ ташлаб қўйилган. Деворда— уйнинг бирдан-бир безағи ҳисобланган, Мастура опанинг келинлик давридан қолган палак; тоқларда уч-тўртта чинни идиш. Мастура опа хонтахта устидаги қанд, мураббо солинган идишларга тикилиб ўтирибди. Ажин босган юзида мамнунлик ифодаси. У кичик қизи Ҳакиманинг сўзларига қулоқ солиб ўтирган-дек кўринса ҳам, аслида хаёли беихтиёр келинлик даврига оққан; тўртта болани тирик етим қилиб, ташлаб кетган бевафо эрини негадир дам-бадам эсламоқда эди.

Бўйиқ товуш билан эшикдан салом бериб кирган баланд бўйли Қудратнинг чўзинчоқ юзига боқаркан, онанинг юраги ҳаприқиб кетди. Уғлининг рангпар чеҳраси, шишган қовоқларига меҳр билан тикилди: «Йлоё, бахтимга шулар омон бўлсин, дўст-душманнинг олдида юзимни ёруғ қиладиган, чеккан азобларимга малҳам бўладиган бошқа кимим бор!»

Қудрат жойига ўтиргач, келинойисига ниманидир вижир-вижир ўқтираётган синглисига қараб қўйди. Ҳар куни бу пайтда аллақачон мактабига кетиб бўладиган Ҳакима бугун негадир бамайлихотир чой хўпплаб ўтирарди.

— Ака-чи, ака бизага «дом» беряпти, Юнусободдан, иккита хона!— деди у қувончини ичига сиғдиролмай. Сўнг аввал онасига, кейин эса чой қўяётган келинойин-

сига кўз ташлаб олиб, қўшимча қилди:— Сиз билан келинойимлага алоҳида уй, иккинчи қаватдан!

Қудрат лабига олиб борган пиёлани қайтиб хонтахтага қўйди-да, кулимсираб ўтирган онасига қаради. Узини уйнинг каттаси, оила учун бирдан-бир жавобгар эркак ҳисоблаганидан вазминроқ бўлишга уриниб, сўради:

— Ун йилдан бери «Бузамиз», деб минг марта ёзиб кетган, ким айтди яна?

— Менинг ҳам кўрагимга шамол тегадиган кун бор экан, қилган меҳнатларим, чеккан заҳматларим зое кетмаганга ўхшайди.— Мастура опанинг кўзлари намланди.— Сенларни катта қилгунча...

Онасининг дарров кўзёши қиладиган одати борлигини билгани учун Қудрат унинг сўзини бўлди:

— Яна бошланди, яхши гапгайм, ёмон гапгайм обидийда! Хурсанд бўлиш ўрнига йиғи-сиғингиз нимаси энди, опа?

Мастура опа кулимсирашга ҳаракат қилди.

— Мени кўявер, одат бўлиб қолибди...— деди-да, гапни чалғитмоқчидек, келинига ўгирилди.— Худо хоҳласа, бешик тўйини янги уйда ўтказамиз, тўй устига тўй!

Муқаддам қайнонасининг сўзларидан қизаринқираб, кўзларини олиб қочди. Ҳакима уларнинг сўхбатида ўзининг ортиқчалигини сезгандек сапчиб ўрнидан турди:

— Вой, кечга қолдим, биринчи соат синф раҳбарининг дарси!

Унинг «ваҳима»сидан ҳамма баравар кулиб юборди.

Уларнинг ҳовлиси маҳалладаги энг тор, лой томли эски уйлардан эди. Қийиш эшиги яхши бекилмаганидан, катта бир мисранг тамба вазифасини ўтар, лекин кўпинча унга зарурат ҳам бўлмас эди. Тинч замонда уларнинг уйига ким ёмон ният билан кирарди? «Қўлга илинадиган нарса» ошиб-тошиб ётган бўлса ҳам бошқа гап... Баъзан ярим кечада ҳовлига дайди кучуклар бош суқади, бундай пайтда Мастура опанинг қарғаб қолишига қўшнилари кўниқиб кетишган. Уйланишдан олдин Қудрат уч-тўртта оғайниси билан кўчиб тушган кемтик-семтикни сомон билан суваб, яхшилаб оқлади, эшик, деразаларни бўёқдан чиқарди. Бирок, кўча эшикка навбат келганда, «Бари бир бузилади бу ерлар», дея икки томонига фанер қоқиб, кўкка бўяб қўяқолишди. Ушанда кадрдон ўртоғи Ҳусан ҳазил аралаш пичинг қилган эди: «Эшикни алмаштирмасанг бўлмайди, ошна, келинболанинг сепи ўзи икки машина эмиш! «Узингга эҳтиёт бўл, кўшнингни ўғри тутма», деганларидек...»

Қудрат келин бўлмиш кизнинг ота-онаси йўқлиги, қари бир бувисигина борлигини билганидан, унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб қайтариб: «Ундан ҳам ема, эртага сенга ўхшаган тўртта мардикор гаплашиб қўйганман, деворни ҳам ярим метрга кўтариб беришади», дея одам бўйидан сал баланд паҳса деворга ишора қилган эди.

Қудрат шуларни хаёлидан ўтказар экан, азонлаб ишонасига бориб, супуриб-сидириб қайтган онасининг мудраб ўтиришига разм солди. Оқ-сарикдан келган, ҳаёт ташвишлари чуқур ажинлар солган чувақкина юзи, меҳнатдан қадоқ томирлари бўртиб чиққан қўллари элликка ҳам бормаган аёлни ёшига нисбатан анча қари кўрсатарди. Тўрт болани аёл боши билан баҳоли қудрат боқиб келаётган онасининг бардошига ҳамма вақт қойил қоларди. Отаси «Ҳамид отарчи» уларни ташлаб кетганга ҳам ўн беш йил бўлибди. Шундан бери онаси иссиқ демай, совуқ демай ишга югуради. Қайтиб келиб ҳам тинчимамайди, маҳаллада тўй борми, маърака борми, сира қолмайди: тўртта нон кўтариб келса ҳам ҳарна-да! Оиланинг аҳволига ақли ета бошлаган Қудрат саккизинчи синфни битириб, қўшнисининг маслаҳати билан у ишлайдиган магазинга шоғирд бўлиб ишга жойлашган эди. Энди ўзини ўнглай бошлаганида армияга чақирилди. Мана, қайтиб келганига ҳам уч йил тўлибди. Бу орада катта синглиси Маъмурани узатишди, кичиги мактабни битиряпти. Укаси бу йил олтинчи синфда...

Уғлининг хаёл суриб қолганини кўрган Мастура опа томоқ қириб қўйди:

— Болам, ишингга кечикмагин тагин!

Қудрат фикрини йиғиб, совиб қолган чойдан ҳўплади-да, индамай хонасига кириб кетди. Шошилмай кийинаркан, эрталабки кўнгиш ғашлиги сал тарқалгандек бўлди. «Майли, ҳали ҳаммаси олдинда! Уй масаласи ҳал бўлдими, демак, орзумга етишишимга бир-икки пағона қолибди, холос... Ундан сўнг тинчгина яшашим, кечкигами, сиртқигами кириб ўқишим ҳам мумкин. Ҳозирги пайтада дўлдам бўлмаса, бир ишнинг бошини тутиш ҳам, кўтарилиш ҳам қийин! Албатта институтга топшираман!»

Қудрат кўча эшикка қараб юраркан, қўлини сочиққа артганча ошхонадан шоша-пиша чиққан хотини орқасидан сўраб қолди:

— Эртароқ келасизми?

Аммо, Қудрат қаттиқ хаёлга берилганидан Муқаддамнинг гапини эшитмади.

Қудратнинг охирилади. Қўёш чарақлаб турган бўлса-да, аввалги тафти йўқ. Ярим яланғоч дарахтлар табиатдан гўё «янги либос» кутгандек шумшайиб қолган. Қадрдон новдаларини тарқ етишни истамай, ёз бўйи қўёшда сарғайиб, энди эса унинг нурларида олтиндек товланган япроқлар енгил изғиринда шитирлашиб, суҳбат қуришмоқда. Осмон сувга чайиб олинган шишадек тиниқ, фақат уфқ этагида қорамтир булутлар кўзга ташланади.

Қудрат одати бўйича жигарранг плашининг ёқасини сал кўтарган кўйи троллейбус бекатига яқинлашди. Бетонатлик билан транспорт кутаётган йўловчиларга бир назар солди-да, танишлари йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, уч-тўрт қадам олдинга ўтди. Катта асфальт йўлдан оҳиста келаётган қизил «Москвич»ни тўхтатиб, орқа ўриндиққа ўтираркан, бекатдагиларга яна қараб қўйди.

\* \* \*

Шаҳар бозорининг четроғида жойлашган чоғроқ пойабзал магазини. Дўкон орқасидаги кафтдек жой фишт девор билан ўралиб, бўш қўтилар тахлаб ташланган. Ходимлари кириб-чиқадиган эшик ҳам дўконнинг олд тарафинда. Орқа томон — дов-дарахт ўсган тик жарлик, қишин-ёзин суви аримайдиған анҳор. Ён томонда пойабзал ремонт қиладиган усталарнинг дўкони.

Қудрат ишхонасига етиб келганда дўкон очилишига чорак соат қолган эди. Қулимсираганча пештахта олдида Қарима опага ниманидир гапирётган Холида ялт этиб ўгирилди. Қалам сурилган катта-катта кўзлари чақнаб, ўзининг бўлим бошлиғига яқинлигини кўрсатмоқчидек, эрка овозда гина қилган бўлди:

— Қўйинг-э, «Эртароқ келгин, мол оласан», деган одам! Нонушта қилмай келиб ўтирибман-а!

Қудрат зўрма-зўраки илжайди. Қарима опа билан кўришар экан, Холидадан узр сўрагандек, қўлини кўксига қўйиб, бошини эгди. Сўнг, унинг қўлини қўйиб юбормай, пештахта ортидан нимқоронғи оғборхонага олиб кириб кетди. Чироқни ёқишдан аввал Холиданнинг нозик белидан кўчоқлаб, бағрига тортиди. У ҳам беихтиёр бўйнига билак ташлар экан, аста шивирлади:

— Савдо бошлашим керак, ярим соат олдинроқ келсангиз-ку...

Қудрат Холидага бир неча хил моллардан ёзиб берди. Қўтиларни олиб чиқишга ёрдамлашиб, қайтиб ичкари кирди-ю, кўнглини яна ғашлик чулғади. Шифт баравар тахлаб ташланган қўтилар орасига кўзга чалинмайдиған қилиб жойлаштирилган қизғиш креслога ўтираркан, бошини чангаллади: «Нима бўляпти менга?! Яна нимадир етишмаётгандек, тутган йўлим нотўғридек кўнглим ғаш! Ахир, орзумга қарийб етай деб қолдим-ку! Шоҳона бўлмаса ҳам, ўртачароқ уй-жой, енгил машина, беш-ўн минг сўм пул орттирсам — бас, кейин тинчгина яшайман, деб ҳаммасидан воз кечган эдим. Узимни савдога уришим ҳам шунинг учун эмасмиди?! Нега энди ўйлаган нарсаларимга етай деганим-да, кўнглим ёришиб, қувониш ўрнига, акси бўляпти? Тавба, нега бундай?!»

— Қудрат ака, ҳо Қудрат ака! — Кичкина ёғоч эшик аста очилиб, Холиданнинг нозли овози эшитилди: — Ор-

тиқ Нишонович чақиряптилар, тез олдиларига кирар экансиз. Шошиб турганмишлар!

Қудрат оғринибгина ўрнидан кўзгаларкан, сочи сийраклаша бошлаганидан янада кенгроқ кўринадиган пешонаси тиришиб, ажин пайдо бўлди. «Базага бормоқчи эди шекилли, яна пул деса керак! Ёнидан бир тийин сарф қилса ўлади! — деб ўйлади ўзича, эшик орқасидаги кераксиз қоғозлар ташланадиган катта картон қўтига яқинлашиб. Қудрат унинг тағига қўл суқдию бир даста ўнталиқни сўғурди. — Олишга-ку суяги йўқ! Бир гап бўлса — «Мен йўқман, касалман!» Ҳамманиям тирговичи бўлсин экан-да!.. Дўконни-ку отасидан қолган эчкидек соғиб ётибди... Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да!»

У қўтиларни яна аввалги ҳолига келтириб, директорнинг олдига шошилди.

Қудрат Ортиқ Нишоновичнинг хонасидан чиққанида Холида пештахтага суянган кўйи мўйловли бир йигит билан шивирлашиб турарди. У қўлини чўнтағига тикқанча, уларни сезмагандек бепарво юриб ташқари чиқди. Кўнгли ҳамон ғаш эди, босиб-босиб сигарета чекса ҳам фойда бермади. Бунинг устига, осмон ҳам қорамтир булутларга бурқаниб олган. Чивинларни қувиб юрган қушлар пастлаб уча бошлади. Иш куни бўлганиданми ёки ҳавонинг таъсирими, бозорда одам сийрак. Қудратнинг кайфияти баттар тушиб кетди, бармоқлари орасидаги сигарета қолдиғини ғижимлаб четга улоқтирди. Дўконга қайтиб кираётган эди, ичкаридан қоғозга ўралган алланарсани қўлтиғига қистирган бояги мўйловли йигит шошиб чиқди-да, унга урилиб кетишига сал қолди.

— Кечирасиз, — деди йигит мамнун порлаб турган кўзларини пирпиратиб.

Қудрат уни индамай ўтказиб юбордию ортидан ўзича баҳо берди: «Бели оғримаган-да, ўн сўмини бекорга сувга оқизиб, яна оғзи қулоғида!» Бундайлар тўғрисида онаси айтиб юрадиган гап эсига тушди: «Пўконидан ел ўтмаган!» Аммо, шу пайт қалбининг туб-тубидан қандайдир истеҳзоли овоз эшитилиб кетгандек бўлди: «Ўзинг-чи? Хўш, ўзинг белинг оғриб, ҳалол меҳнат билан топысанми бу пулларни?! Бировнинг устидан ҳукм чиқаришни сенга ким қўйибди?! Аввал ўзинга боқ, сўнгра ногора қоқ! Ҳамма керилишларинг шунақа пўконидан ел ўтмаганлар орқасидан-ку, тагин...»

Қудрат бу овоз қаёқдан эшитилаётганига ақли ётмай гангиганча бошини қаттиқ-қаттиқ силкитди. «Менга нима бўляпти ўзи! Уйқусизлик таъсиримикан ёки кеча Холиданикида ичилган коньяк ёқмадимми?» Боши лўқиллаб, икки чаккаси қизий бошлади. Шу пайтада юз грамм ароқ ичгиси келар, негалигини ўзи ҳам билмас эди.

Залда беш ёшлар чамасидаги, қизил лента таққан қизалоқни етаклаб олган жиккаккани кампир атрофга олазарак алангларди. Ойнаванд витрина ортида эса, яқинда Қудратнинг қўлига ишга келган ўн саккиз ёшлардаги, қорасоч, аммо кўзи кўкиш Нигина кампирга қизиқиб билан қараб турарди.

Қудрат чўтда ниманидир ҳисоблаб ўтирган Холиданнинг олдига борди. Энди гапга оғиз жуфтлаган эди, тўсатдан бояги қизалоқнинг чинқирган товушидан чўчиб тушди.

— Обаясиз, обаясиз!.. Сизмиям боймиман, боймиман!... Бетон полга ўтириб олган қизча оёқларини тирпичлатиб, бувиси мақтаб кўрсатаётган шиплақларни юлқиганча оёқлари остига улоқтирди-да, жажжи қўлчаларини витрина ичидаги қизил туфличага чўзди. — Ануниям, ануниям обейинг...

Незарасининг бу хархашасидан нима қиларини билмай қолган кампир атрофга саросимали кўз югуртириб, шоша-пиша Нигинага гапира бошлади:

— Бола-де, бола, қизим, дўконниям бошига кўтариб юбордим, Сайёра тушмагур! Онаси кичиги билан касалхонада, буни уч-тўрт кун ўйнаб юрсин, деб ўзим билан олиб келаётган эдим. Ойнадан туфлиларни кўрди-ю, икки оёғини бир этикка тиқиб, бу ёққа судради. — Қизалоқ бувисининг кўк халатли сотувчи опа билан гаплашаётганини кўриб, тинчиди. Аммо, ҳамон кулчадек юзларидан ёш думалаб, хиқиллаб кўярди. — Бу-

нақалигини билсам, ёнимда кўпроқ пул олачиқардим. Энди қандоқ қилдим-а? Оббо, боласи тушмагур-э, боласи тушмагур-э...

У сўзини тугатмасдан, пештахтани айланиб ўтган Нигина қизалоқни кўтариб бағрига босди-да, икки юзидан чўлпиллатиб ўпиб, витринадаги туфличалардан бирини олиб кийгизди. Невараси шодликдан юзини Нигинанинг кўрагига босиб, жажжи қўлчалари билан унинг бўйнидан қучиб олганини кўриб, кампирнинг кўзлари ёшланди.

— Ҳа, шайтон қиз, дарров тинчидинг-а!— деди жилмайишга ҳаракат қиларкан.— Одамнинг эҳсонасини чиқариб юбориб...

— Хола, неварангиз мен билан қолади энди! Бирга ишлаймиз!— деди Нигина қизалоқни эркалаб суярдан.— Қоласанми, а? Қара, қанча туфли обераман, а, қоласанми?

Қизча дам бувисига, дам меҳрибон опа олиб берган туфличаларга, дам унинг кулиб турган юзига жавдираб тикиларкан, бирдан бувисига талпинди. Унинг бу ишидан, «Қани, нима қиларкан?», дея қараб турган атрофдагилар ҳам кулиб юборишди.

— Ишинг битдими, а, шайтон қиз, кел, келақол!— Неварасини бағрига маҳкам босаркан, кампир Нигинага миннатдорлик билан қаради.— Умрингдан барака топ, болам, асло кам бўлма! Шу бозорнинг ёнида турарман, ўғилларим уйда бўлса, ҳозироқ пулини олиб чиқиб беришади. Хавотирланма, қизим, ҳозироқ...

— Хўп, хўп, бувижон, ишонаман,— деганча уларни кузатиб қоларкан, Нигина яна миннатдорлик сўзларига «кўмилди».

— Тупроқ олсанг, зар бўлсин! Асло ғам кўрма! Ували-жували бўлиб, сен ҳам менга ўхшаб юр, бахтли бўл, отанга раҳмат, болам!..

Нигинадан кўз узмай турган Қудрат у қилган ишдан қалбининг тубида ётган қандайдир туйғу жонланганини ҳис этди. Бу — инсонийлик, одамларга ишонч туйғуси эди. Негадир хаёлан Нигинанинг ўрнига Холидани қўйиб кўрди: «У қандай йўл тутарди?» Дафъатан миясига урилган саволга шу заҳоти жавоби ҳам қўйилди: «Менга шерик бўлиш учун номузини ҳам аямаган одам, икки дунёда бировга бир тийинини ўтказмайди. Олса оладими, бериш йўқ! Ахир, нима етишмайди-я унга? Қари онаси билан турса, эридан ажралган бўлса, боласи эса йўқ. Тўрт хонали участка, мевали боғи ҳам бор. Гапига қараганда, онасининг ҳам умри савдода ўтган, босиб қўйгани етти пуштига етар эмиш. Тағин ким билади дейсиз?»

Аммо, боғи ички нидо яна унинг фикрини бўлди: «Тўхта, тўхта, хўш, ўзинг-чи, ўзинг? Узинг қандай йўл тутган бўлардинг? Шу вақтгача бирорта одамга насиёга бирор нарса берганмисан? Йўқ! Бўлмаса, нега Холидани айблайсан, нима ҳақинг бор, айт-чи!»

Қудратнинг юраги гурсиллаб уриб кетди. Анчадан бери тинчлик бермай келаётган кўксидеги бир тўлқин бугун ўзига йўл очгандек тошиб чиқа бошлаган эди. У гўё Қудратнинг фикрларини икки қутбга ажратиб ташлаб, ўзаро баҳсга уннар, ўзи эса ҳақамлик қилмоқчи эди...

— Қудрат ака, бирор нарса еймизми, ичим таталаб кетди-ку!

Холиданинг овозидан ўзига келди. Енгини қайириб, билагидаги тилла соатга кўз ташлади: «Пешин бўлиб қолибди! Директор мол олиб келса, овқатланишга ҳам вақт бўлмайди». Қудрат Холида билан Нигинани ёнларидаги ресторанга тушлик олиб келгани юборди-да, ўзи унинг ўрнига ўтирди.

Дўконда харидор йўқ. Карима опа билан тарвуздек думалоқ бўлим бошлиғи Сайфулла ака ниманидир ҳисоблаб ўтиришибди. Қудрат Сайфулла аканинг бир қилиғидан доим кулиб юради. Қачон қараса, бел оғриғидан шикоят қилувчи эллик ёшлардаги бу одам бўш қолди дегунча гоҳ омборидаги, гоҳ бўлимидаги молларни ҳисоблагани ҳисоблаган. Ҳисоблаб бўлганидан сўнг, ё пулдан, ё моллардан кам чикди, деб нолиб қолади. Кейин яна қайта ҳисоблашга тушади. Охир-оқи-

батда ҳаммаси тўғри чиқадию мамнун илжайганча банд овозда севимли мақолини такрорлаб қўяди: «Узингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма!» Лекин, шу чоққача унинг «Ортиқча чикди», деганини ҳеч ким эшитмаган...

Ўз-ўзидан Қудратнинг кайфияти яна бузилди. Бугун у муҳим бир нарсасини йўқотиб қўйган одамга ўхшарди. Гўё ҳамма орзусига эришиб бўлди-ю, энди нима иш қилишга ақли етмай қолгандек. Одатда, инсон кўпдан орзу қилган ниятига эришганда бир неча кун осмонда юради. Бундай пайтларда у ҳатто ёмон кўрган одамга ҳам кулиб қарайди. Қудратда эса акси бўлмоқда эди. Кассанинг олдида бармоқлари билан пештахта четига чертиб ўтирар экан, ўзини бу ерда ортиқча сезар, шу пайтгача сезмагани — янги пойабзалдан тарқалувчи чарм ва бўёқ ҳиди димоғига урилиб, кўнглини беҳузур қила бошлаган эди.

У эшикдан ёпирилиб кирган изғириндан ўзига келгандек бўлди. Остонада қирқ ёшлар чамасидаги барваста, эркаксифат Сатанг турарди. Унинг асл исми Салтанат бўлиб, ҳамон ёшларга тақлид қилиб кийинишидан каттаю кичик — ҳамма «Сатанг» деб атар, ўзи ҳам бунга кўникиб кетган эди. У бошьяланг, эғнида қора чарм плаш, оёғида қизғиш этик, икки қўлини чўнтагига тиққанча, гурсиллаб юриб Қудратга яқинлашди.

— Ҳорма, ука!— деди ва Сайфулла акалар ўтирган томонга бош силкиб, сўрашган бўлди. Чўнтагидан ёғимланган дастурмош чиқариб, рапидадек юзидан оқайтган майда ёмғир томчиларини сидирди. Эркакларникидек йўғон овозда мударасини айтди-қўйди:— Базага ман санга айтган нарсадан келибди. Ортик аканг билан гаплашдим ўша ерда. Пешиндан кейин олиб келади.— Сўнг ўнг тирсагини пештахтага қўйиб, унга энгашди.— Манга қара, хўжайининг: «Бор-йўғи қирқ жуфт тегди, кўпи билан ўнта беришим мумкин, ишчиларга сотиш учун ажратилган бу», деб, тихирлик қилляпти. Шу юрак билан бу соҳада юрганга ҳайронман! Бу ёғига сенга орқа қиламан, ўша гап, у билмай қўя қолсин!

Қудрат Сатангнинг олғирлигига ҳамма вақт тан берарди. Шу ҳавода базадан етиб келганига қараганда, «охан»и мўмай бўлса керак. Молнинг қолгани савдога чиқса, демак, Қудратнинг қўлидан ўтади. Ишчиларга йўғирматасини сотиб, ўттизтага ҳужжат олиб келса — бўлди.

— Ваъда бермайман-у, қўлдан келганча ҳаракат қиламан!

Қудратнинг «Ҳаракат қиламан», дегани — «Бўлади», дегани эди. Сатангнинг кўнгли тинчиди, юзи ёришиб, енгилгина уф тортиб қўйди.

— Кечқурун кираман, бўпти, ҳозирча хайр!

Қудрат унинг орқасидан қараб қоларкан, хаёлга толди: «Эркак бўлганда, оламга ўт қўйишдан ҳам тоймасди. Худоям билиб яратар экан-да, тавба! Бунинг юрагидаги ўт унча-мунча эркакда учрамайди, янаям аёл, аёл!»

Қудратнинг кўз олдига муштипар онаси келди: жик-лакмина, озғин юзида ҳамма вақт ташвиш-тараддуд аломати. Тонг қоронғисида ишга отланди, кечқурун тагин иш. Иккита жойни супуриб-сидиради, яна маҳалпадаги йиғинлар... Бардошни аёл кишидан ўрганиш керак, айниқса, онасидан! Дунёга келиб нима кўрди? Эрининг калтагию ҳақоратлариними? Аёл боши билан тўртта гўдакни оёққа турғазгунча не азобларни тортмади? Ваҳоланки, у тенгилар шоҳи-атласга беланиб юрган бир пайтда...

Холиданинг шағиллаган овозидан хаёлини йиғди. Нигинанинг қўлидаги кастрюлкага кўзи тушгач, кечадан бери туз тотмагани ёдига тушди. Овқатланиш керак! Лекин, бу кайфиятда томоғидан овқат ўтиши ҳам қийин. У бир оз ўйланиб турди-да, ташқарига йўл оларкан, қўлбола дастурхон тузашаётган Холида билан Нигинага қараб қўйди.

Кўп ўтмай, у шоша-пиша кириб келди. Ранги тиниқлашиб, юзига қон югурганга ўхшар, кўз боқишлари мулоийм эди.



Эшик яқинидаги стол ўртага сурилиб, устига оқ қоз ёзилган, Карима опа косаларга овқат сузмоқда. Қудрат стол ёнига келиб ўтириши биланоқ нохуш ҳид тарқалди. Нигина ялт этиб Карима опага қаради. У «Индама», деган каби сезилар-сезилмас бош чайқади. Холида эса ҳеч нарса сезмагандек ўтирарди. Фақат, Сайфулла ака лунжини тўлдириб овқат чайнаркан, гўлдираб кўйди:

— Йигит кишига озгина «дори», иштаҳа учун! Қани эди, менинг ҳам ошқозоним кўтарса...

— Кўчарканмиз-а!— Томдан тараша тушгандек, Қудратнинг оғзидан чиққан бу гапга ҳеч ким тушунмади. Аёллар бир-бирларига қараб олишди, Сайфулла ака овқат чайнашдан тўхтади. Уларнинг савол назари билан тикилиб қолганларини кўриб, Қудрат тушунтира кетди:— Ҳовлимиз бузилиб, катта кўча ўтармиш. Шунга маҳалламиздан бир неча хонадонни «дом»га ёзиб кетибди. Юнусободдан берса керак, шу кварталда кўчирармиш.

— Э, бор бўлинг-э, шундай демайсизми!— Карима опа кулимсираб Қудратга қаради.— Нима экан депман-а! Хаёл билан ўтирувдим, э, омон бўлинг! Моро бўлсин!

— Муборак бўлсин, зиёфати қачон?— дея шошиб гапни илби кетди Сайфулла ака.— Ё ўзингиз юваверасизми?

Эрталабдан бери Қудратнинг юзи энди ёришди, ўзини енгил сезиб, кайфияти кўтарилди. Ҳеч кимга сездирмай, ёнида ўзига термилиб ўтирган Холиданинг тиззасига кафтини кўйди-да, аста сикди.

— Ишдан сўнг ҳаммаларингиз «Гулистон»га марҳамат қиласизлар,— деди овозини хиёл кўтариб.— Рес-торандагилар таниш, бир маза қиламиз!

Унинг кайфияти бошқаларга ҳам таъсир қилди. Ҳазил-хузул билан тушлик қандай ўтганини сезмай қолдилар. Фақат Холида маъюсроқ кўринарди. Лўппигина юзлари кулиб турса ҳам, кўзларининг қорачиғида норозиликка, аламгами ўхшаш бир ифода яшири-ниб ётарди. Олдинга Қудратнинг кафтини тиззасидан суриб туширган бўлса, кейин чап кўли билан унинг бармоқларини чангаллаб олди-да, бир нуқтага тикилганча, чоқ хўллаб ўтираверди.

Пешиндан кейин ёмғир тезлашди. Онда-сонда кириб турган йўловчилар ҳам бош суқмай кўйишди. Сайфулла ака билан Карима опа ҳамон ҳисоб-китоб билан банд, бурчакроқда Нигина қандайдир журналга мук тушиб олган, Холида кўлларини кўксига чалиштириб, ойнадан сизиб тушаётган томчиларга тикилганча хаёл суриб турар эди. Унинг бирдан ўйчан бўлиб қолганига тушунолмаган Қудрат ортиқча зътибор бермай, тайинлади:

— Зарур иш чиқиб қолса, чақирарсиз. Молга жой ҳозирлаб тураман. Кассани тайёрлаб кўйдим, тортмада.

Холида ўгирилиб ҳам қарамади. Қудрат ичкарига киргач, чироқни ҳам ёқмай, оёқларини бўш яшиқлардан бирининг устига узатганча креслога ясланди. Директорнинг одати маълум эди; бирор нарса олиб келса, иш тугашига тақаб олиб келади. Сўнг, эшикни бекиттиради-да, бир соат-ярим соат мол «саралатади». Бундай пайтларда дўконни қабул қилиб олувчи қоровуларга худо берди деяверинг. Жилла бўлмаса, «ярымта»га унишини билганликларидан, атрофда гирди-капалак бўлишгани бўлишган. Иш битгач, уларга ҳам Қудрат балоғардон.

— Қудрат, «тунги ўринбосарим»ни хурсанд қилиб юбор! Дафтарга кўл кўйдириб олишни унутма!— дея мамнун овозда таъкидлаб кўяди директор, гўё Қудратнинг эсидан чиқиб қоладигандек.

У шуларни ўйлаб ётаркан, хонанинг иссиғи элитди-ми ёки бояги «дори» таъсир қилдим, кўзи илинди. ...Олчаранг «Жигули»да катта тезликда кетаётганмиш. Светофорнинг қизил чироғига ҳам қарамай газни бо-саркан, ёнида юзлари оқариб кетган бўлса-да, ил-жайиб ўтирган Холида нуқул: «Тезроқ, тезроқ, йигит-

мисиз ўзи!», дея бақирармиш. «Нега бу «Тезроқ», деб бақиради, биров қуваяптими?», дея ўгирилса, «Мениям олиб кетдинг-а, қойил, мени-я, оббо, сен-э!», деганча орқа ўриндиқда Сатанг ўтирганмиш... Ҳеч нарсага ақ-ли етмай йўлга қараса, шимининг почасини тиззасига-ча қайириб олган директор ён томонда улар билан ба-равар чапаётган эмиш. У жон ҳолатда кўл силтаб, ба-қирармиш: «Тўхта, дейман сенга, тўхта! Уларни хур-санд қилмадинг-ку! Хурсанд қил уларни, бўлмаса, ма-шинадан ажрайсан!» Шу пайт Холиданинг чап оёғи узайиб, газ педалининг устида пайдо бўлиб қолибдию жонининг борича босибди. «Мана сенга, мана сенга, бўлмаса!» Бир зумда директор орқада қолибди. Бир-дан машинанинг икки биқинидан қанот ўсиб чиқиб, кўкка кўтарилди бошлабди. Аммо, кўм-кўк, мусаффо ос-монда парвоз қилиб юрган чиннидек оппоқ каптар машина устига кўниб бир чўқиган экан, тўсатдан мо-тор овози ўчибди. Машина эса чархпалак бўлиб учган-ча чуқур жарликдаги катта бир харсангга зарб билан урилибди...

Гурсиллаган овоздан чўчиб тушган Қудрат апил-та-пил кўзини очганида, цемент полда думалаб ётарди. Унг тирсағи ачишиб оғрир, чап тиззасини яшиқнинг миҳи тилиб юборганидан шими икки энлик йиртилиб кетган эди. Совуқ терга ботганча ўрнидан тураркан, «туф-туф»лаб кўйди-да, қулаб ётган креслони турғаз-ди, қаттиқ уф тортиб, ўзини яна унга ташлади. Шўям туш бўлди-ю! Қизил «Жигули» нима қилиб юрибди?! Ичкиликнинг таъсиримикан? Ахир, кеча ярим тунгача Холиданикида битта коньякни бир ўзи ичди. Бунинг устига, уйку бўлмаган. Овқатдан олдинги ароқ-чи?! Йи-ғиштириш керак ичкиликни, машина ҳайдаман деган одам!..

Қудрат ачишаётган тирсагини силаганча, тагин бир оз хаёл суриб ётди. Тиззасини бир-икки букиб ёзди-да, лат емаганига ишонч ҳосил қилгач, ўрнидан турди. Чироқни ёқиб, эшикни очаркан, касса аппаратининг ол-дида билгига бошини кўйиб ўтирган Холидани чақир-ди.

— Холида, бу ёққа кириб кетинг! Тортмадаги қора галтакни ҳам олволинг,— деди илтимос оҳангида.

Холида ичкари кирганида, юк туширишга киядиган шимининг тугмасини қадаётган Қудрат яшиқ устидаги, тиззаси йиртилган қора шимга ишора қилди:

— Миҳ тилиб кетди, мен чиқиб тураман, илтимос!..

Иш тугашига ярим соатча қолганда Сатанг эри би-лан кириб келди. Қора шамсиясининг дастасидаги туг-мани устма-уст асабий босди, бекилавермагач, чет-роққа тўнқариб кўйди. У Қудратга яқинлашиб, энди оғиз жуфтлаган эди, кўча эшик очилиб, Ортиқ Нишо-нович кўринди. Узига маъноли боқиб турган Қудратга «Бўл!», дегандек бош силкидио Сатангга ўгирилди:

— Қани, хонамга кирайлик!

Сатанг эркаклардек қадам ташлаб унинг ортидан юраркан, сигарета тутатиб турган баланд бўйли, озгин эрига буйруқ қилди:

— Тутатаверасизми?! Боринг, Қудратжонга қарашиб юборинг!

Доим ширакайф юрадиган эри индамай кўлидаги иккита катта-катта сумкани Сатангга тутқазди-да, Қуд-ратга эргашди.

Молларни саранжомлаб, дўконни топшириб чиққан-ларидида кўчада зог ҳам қолмаган эди. Эрини сел ол-динроқ иккита сумка билан жўнатган Сатанг ҳеч кимга сездирмай Қудратга шивирлади:

— Эртага кираман, тайёрлаб туринг!


Сутдек оқ «Москвич»ни дўкон орқасидаги ҳовлидан ҳайдаб чиққан директор ходимларига юзланди:

— Мен томонга борадиганларни олиб кетишим мумкин!

Йўли бўлмаса ҳам, Сайфулла ака биринчи бўлиб унинг ёнига ўтириб олди:

— Бекатда ташлаб кетасиз-да энди, Ортиқ Нишо-нович!

Орқа ўриндиққа Карима опа, Нигина ва Сатанг жой-лашдилар. Чарм плашининг тугмасини қадаётган Холи-



да Қудратга илтижоли боқди. Унинг ўзига қарама-қарши томонда яшашини ҳамма билса ҳам, нозли, эрка овозда:

— Мени Қудрат акам кузатиб қўядилар,— деди. Машина қўзғалғач, у нима деярини билмай иккиланиб турган Қудратнинг енгидан тортиди.— Мендан айниб қолдингизми? Гапиргингиз ҳам келмайди? Шу ҳафта оймига жавоб беришади! Бари бир ресторанда ҳам ўтиришмоқчи эдингиз! Кетдикми?

Тушлик пайтида берган ваъдаси Қудратнинг ёдидан кўтарилиб кетган эди. Шериклари ҳам эслатишмабди. Жисмоний ишдан озгина терлаб, фикри тиниклаша бошлаган Қудрат «Ойимга жавоб беришади», деган гапнинг маъносини жуда яхши тушунди. «Борсам ҳам ичмайман»,— дея қарор қилди Холиданинг қўлигидан оларкан.— Бирор соатда чиқаман-да, машина ушлаб уйга жўнайман!»

\* \* \*

Тўрт хонали, сомон сувоқдан чиққанича қаровсиз қолиб кетган катта участка одамни ютаман, дегандек совуқ кўринарди. Ҳовли, боғдаги яланғоч дарахтлар тагида ёмғирда ивиган сарғиш япроқлар лойга беланиб ётибди. Ғишт ётқизилган йўлакдан чақонлик билан айвонга чиққан Холида чироқни ёқди. Наматнинг бир четини қайириб, калит олди-да, хона эшигини очди ва йўлакда киришга оёғи тортмай турган Қудратни чақирди:

— Кираверинг. Менинг хонамга кириб туринг, ҳозир бирор нарса тайёрлаб келаман!

Қудрат плаш ва шапқасини айвондаги қоziққа илиб, ичкарига кирди. Холидага ажратилган хонанинг деразаси кўчага қараган бўлиб, чапда диван-каравот, дераза олдида эса ёзув столи турарди. Кеча столдаги нарсаларни эшик биқинига қўйилган тошойна устига олиб, хона ўртасига суришган эди. Стол устига солинган гулли клеёнкадаги тарелкада парракланган олбаса, нон бўлаклари ва бўш коньяк шишаси кечаси қандай қолган бўлса, шундайлигича ётибди. Гўштли консерва банкасидан чиқиб турган санчқининг банди бу ерда аёл киши эмас, эркак, эркак бўлганда ҳам уқувсиз бўйдоқ яшашини кўрсатиб тургандек. Шамоллатилмаган хонада ичкилик ва сигарета тутуни аралаш ҳид димоққа урилиб, кўнглини беҳузур қилади. Қудрат форточкани очди-да, стулни дераза олдида сурмоқчи эди, оёғига хитой қоғозига ўхшаш алланарса ўралашганини сезди. Эгилиб, Холиданинг ич қўйлагини оларкан, асаби бузилиб кетди. Жаҳл билан ёғимлаб каравот остига ирғитди. Кечаси ётган ўринлари ҳам йиғилмаган эди...

Қудратнинг юраги сиқила бошлади. Стул четига омонатгина ўтираркан, кўзи қаршисидаги деворга ёпиштириб ташланган киноюлдузларнинг портретларига тушди. Чироқ нурида улар гўё унинг устидан кулаётганга ўхшаб кўринарди. Қудрат кўзини олиб қочиб, хаёлга толди. «Биттаю битта қиз-да, эрка бўлиб ўсган, кўнглига ёққан ишни қилади. Айниқса, онаси йўқ пайтда. Дунё ҳам қизиқ экан, кимдир бу нарсаларга зор, кимдир учун эса улар хор!» У хитой чинчилари, биллур идишлар терилган немисча сервантга кўзлари ёниб тикилди. Кийик сурати солинган девордаги гиламни, шифтдаги қимматбаҳо қандилни ўзича баҳолади. «Паркет полнинг ўзи озмунчага тушмагандир. Деворга мойбўёқда ишланган манави суратлар-чи!» Шу пайт муҳим бир янгилик кашф қилгандек, Қудратнинг кўз қорачиқлари кенгайиб, киприклари пирпираб кетди. «Кўчадан қараганда, сомон сувоқдан чиқарилиб, қаровсиз ташлаб қўйилган, қўли қисқа бир бечоранинг уйи, ичи-чи, ичи! Шоҳи-атлас кўрпалару гиламлар, биллур идишлар тўла хоналар... «Онамнинг тўплаганлари невараларигача етади!» деган эди Холида бир суҳбатда керилиб. Ҳақиқатда уста одам, уста! Шуларни айтадилар-да, ишнинг кўзини билади, деб! Отаси ҳам бекорга ўн йилга қамалиб кетмаган бўлса керак! Қурилишда прораб экан, ахир...»

Холиданинг яқинлашиб келаётган қадам товушидан фикрини йиғиб олди. Бир қўлида олма тўла тарелка, иккинчисидан озгинаси ичилган коньяк кўтариб кирган Холида унинг хаёл суриб ўтирганини ўзича тушунди. Қўлидаги нарсаларни стол четига қўйди-да, дастурхонни бир зумда тартибга келтирди. Адёлни тахлар экан, жилмайган бўлди:

— Эрталаб ухлаб қолибман, шошиб чиқиб кетган эдим... Бериоқ ўтиринг. Гўшт қовуриб, димлаб қўйдим, ҳозир пишади.— Сўнг столга яқинлашиб, шишага ишора қилди.— Шунинг ўзи етадимми ё тагин олиб чиқайми?

Қудрат ўзини қувноқ кўрсатишга уриниб, унинг билгидан ушлаб ўзига тортиди.

— Етмаса, сиз борсиз-у, бир бўсангизнинг ўзи ҳар қандай коньякдан ўткир!

Холида унинг тиззасига омонатгина ўтириб, бўйнидан қучоқлар экан, қулоғига шивирлади:

— Аммо, шу пайтгача бутунлай маст қилиб, уйимда олиб қолишга кучи етмаяпти-ку?!

Қудрат жавоб беришга чоғланди-ю, лекин аёлнинг таранг баданидан ўтган иссиқлик вужудини титратиб юборганидан индаёлмай қолди. Белидан маҳкам қучиб, қўйлагининг ёқасидан кўриниб турган ғознинг бўйнидек оқ томоғига лабини босди. Холида кучсизгина силтаниб унинг қучоғидан чиқаркан, кўрсаткич бармоғи билан ёлғондакам пўписа қилди:

— Ишингиз битсаю кетсангиз-а! Овқатни кимга қиялпман?— Тўнқарилган пиёладек кўкраклари дирқиллаб, қора қалам сурилган эгма қошлари кўтарилиб тушди, оппоқ бармоқларини қирсиллатиб, Қудратга жиддий тикилди:— Сизда бошқа гапим ҳам бор, шошилманг, овқатдан кейин!— Сўнг келишган, бежирим оёқларини бир-бир босиб, йигитнинг юрагига ғулв солганча ошхонага чиқиб кетди.

Шундагина Қудрат унинг тушдан кейин бирдан маъюс бўлиб қолгани, қўни-қўшнилardan андиша қилмай бугун ҳам уйига бошлаб келгани бежиз эмаслигини тушунди. Зарур гапи борга ўхшайди. Кеча ҳам ниманидир айтмоқчи бўлиб, анча чайналганини эслади. Лекин, у пайтда Қудрат қулоғига гап кирадиган аҳволда эмасди. Ярим тунда уйига отланганида Холиданинг аламли нигоҳ билан кузатиб қолгани ҳозир кўзига кўриниб кетди... Қанақа гап экан? Ойиси оғир бўлса, шунини айтмоқчимми? Ахир, «Шу ҳафта жавоб тегаркан», деди-ку! Ниманидир мендан бекитяпти ёки жўрттага жигимга тегяпти. Илгари бунақа эмас эди!

Холида катта тарелкадаги қизартириб қовурилган гўшт устига пиёз сепиб олиб кирди-да, дастурхонга қўйди. Қудратнинг қаршисига ўтираркан, шўх овозда:

— Қани, хўжайин, марҳамат! Айтмоқчи, қадаҳ олайми ё пиёла ҳам бўлаверадими?— дея жилмайди, аммо табассуми Қудратга калака қилаётгандек бўлиб туюлди.

— Ичмайман!— деди у қатъий оҳангда, столга яқинроқ сурилиб ўтирар экан.

Бироқ иккаласининг ҳам томоғидан овқат ўтмади. Холида айтмоқчи бўлган гапини миясида пиштаётгандек бир тишлам гўштни у лунжидан бу лунжига олиб ўйнар, Қудрат эса санчқи билан тарелкадаги овқатни титиб ўтирар эди. Сукунатни чўзишнинг фойдаси йўқлигини сезган Холида оғзидagi гўштни олиб бўш тарелкага ташлади. Ашула айтишга шайланган артист каби бир қўлтум чой ҳўплади. Пешонасига тушиб турган соч толаларини титраётган бармоқлари билан тузатаркан, дастурхонга тикилган кўйи секингина сўради:

— Бу уйга биринчи марта қачон келган эдингиз, эсингиздами?..

Қудрат ундан бундай савол кутмагандан, юз-кўзларида ҳайрат аломати пайдо бўлиб, лабининг бир чети пирпираб кетди. Холида саволига аниқлик киритмоқчидек қўшимча қилди:

— Ушанда ҳам ойим касалхонада эдилар, ёдингизга тушдимми?

Қудратнинг нега эсида бўлмасин! Ундан кейин ҳам

бу уйга неча марта келди-ю, аммо... биринчи кунда-гидек бўлармиди!..

— Эсимда, уч ойдан ошди,— деди ниҳоят, Холидага қарамай,— туғилган кунингиз эди. Аввал ишхонада нишонладик, сўнг... сўнг сизни кузатиб қўйдим.

Қудрат жим қолди. Холида ҳам кўз узмай унсиз ўтирарди. Иккаласининг ҳам хаёлида ўша тун жонлангандек эди.

...Магазин-мактабни битириб, Қудратнинг кўлида иш бошлаган Холида унинг келишган қомати, саранжом-сарништалигини ёқтириб қолди. Тез орада эски сирдошлардек қалин бўлиб кетишди. Аммо Қудрат янги уйлангани учунми, ўзини тортibroқ юрарди.

Уша кун ишхонада Холиданинг туғилган кунини нишонлашди. Ортиқ Нишоновиц, зарур ишим бор, деб вақтлироқ кетиб қолди. Утириш тугагач, Қудрат бир йўловчи машинани тўхтади, аввал Сайфулла акани, сўнг Карима опа билан Холидани кузатиб қўйишни бўйнига олди. Холиданинг уйига яқинлашиб қолишганда Қудратнинг хийла кайфи ошган эди. Ёнида шампанскоедан лоладек қизариб ўтирган қиз кўзига олов бўлиб кўринар, унинг атлас кўйлакни туртиб турган кўкраклари ўзига чорлаётгандек силкиниб кўяр эди. Холида ҳам унга сўйкалиб ўтираркан, негадир онасини эслади.

— Ойимла касалхонада ётмаганлариди, сизларни уйда кутиб олардим!— деди Қудратга кўзларини қисиб қараркан.— «Армянский» коньяклар олиб қўйган эдим.

Қудрат унинг шамасига тушунмади. Манзилга етиб келгач, шофёр билан ҳисоб-китоб қилиб, Қудрат ҳам туриб қолди. Аммо нега тушганини ўзи билмасди. Қоронғи тун, кўкда юлдузлар чамани... Қудратнинг кўзига Холида дунёда тенги йўқ гўзал бўлиб кўринмоқда эди. Қани энди, шартта бағрига боссаю тўйиб-тўйиб бўса олса! Холида ҳам ичкарига кириб кетишга шошилмай, ён-атрофига кўз югуртириб, сирли оҳангда секингина сўради:

— Уйингизга етоласизми?

Унинг майин овози Қудратга: «Шу ерда қолақолинг!», дегандек эшитилиб кетди.

— Етолмасам, қайтиб келарман, киргизасизми?— Нима деяётганини ўзи ҳам билмай қолган Қудрат унинг юмшоқ билагидан ушлади.— Эрингиз қувиб юбормайдими?

— Эрим...— Холиданинг овози титраб кетди, кўзлари намланди.— У йўқ, анча бўлган...

Сўнг билагини аста бўшатиб олди-да сумкачасидан калит чиқариб, эшикни очди. Индамай ҳовлига кириб кетди-ю, эшикни қия очик қолдирди. Қудрат ҳам ўйлаб ўтирмай ўзини ичкарига урди-да, эшикни ёпди.

Шу кун ишхонада Қудрат уйланганидан бери биринчи марта уйда тунамади. Тонг қоронғисиди уйига етиб борганда эса, қизарган кўзларини ишқалаб эшик очган хотини бўйнига осилганча хўнграб йиғлаб юборган эди...

— Нега сўраясиз?— дея ўсмоқчилади Қудрат хаёлини йиғиб.— Нима бўлди?

Холида қарахт одамдек киприк қоқмай унга тикилиб ўтираркан, ҳиссиз жавоб қайтарди:

— Фарзанд кўрамиз!

Қудратнинг кўзи тиниб кетди, беихтиёр ўрнидан кўзгалганча ғайри табиий бир товуш чиқарди:

— Ким, мен, сиз... фар... фарзанд?

Қўлидаги санчки тарелкага жаранглаб тушгандагина ўзига келди, ҳолсизланиб стулга чўкди.

Холиданинг кўзидан кетма-кет думалаётган ёш томчилари оппоқ юзини юва бошлади.

Қудратнинг миясида фикрлар қуюни ғужғон ўйнарди. «Шартта ўрнидан туриб, қўл силтаб чиқиб кетсинми? Нима ҳам қила оларди, гувоҳи бўлмагач! Ким айтибди унга онлали эркак билан дон олишсин, деб!.. Тўполон кўтарса-чи? «Сенга уйланаман», деб ваъда бериб, шу кўйга солиб қўйдинг», деса-я! Қўлимда ишламаса ҳам гўрга эди, танимайман, деб туриб олсам!.. Шошма, олдириб ташласа-чи? Қанча харажат бўлса, қурбим етади. Ахир, одамлар фарзанд кўргиси келма-

са шундай йўл тутуди-ку! Ҳа, ҳа, энг осон йўли шу! Бир ҳафтага «касалик варақаси» тўғрилаб берсам — олам гулистон. Ҳеч ким билмайди-қўяди!»

Қудрат ўрнидан туриб кетди. Ҳамон кўз ёши тўкиб ўтирган Холидага қарадию бу гапни ётиги билан тушунтириш кераклигига ақли етди. Ҳаяжондан титраётган бармоқлари билан костюмини ечиб, стул суячига ташлади. Ҳаворанг фекон кўйлагининг юқори тугмасини ечиб, томоғини бўшатди. Узини хотиржам туриш учун ярим пиёла коньяк қўйди-да, ўйлаб ўтирмай симирди. Газак қилишни ҳам унутгандек, столни айланма ўтди, Холиданинг елкаларидан қучаркан, уни тинчлантиришга тиришди:

— Нима гап экан, дебман-а, одамни қўрқитиб юбордингиз-ку!.. Хўш, нима бўпти? Шунгайм ота гўри — қозихонами?! Ёки осмон узилиб ерга тушибди-ми, а?

Қудратнинг эркалаб гапиришидан Холиданинг чеҳраси ёришди. Елкалари билинар-билинамас титраркан, энтикиб-энтикиб нафас ола бошлади. Қудрат унинг иягидан авайлаб тутганча кўз ёшларидан шўр бўлган лабига лабини босди. Бир оздан сўнг титроғи босилган Холида жилмайишга уриниб, шоша-пиша сўзлай бошлади:

— Жуда қўрқиб кетган эдим, нима деркансиз, деб! Тонсангиз, шармандаю шармисор бўлишим аниқ эди. Фарзанд кўришни қанчалик истаганимни билганингизда эди! Тасаввур ҳам қила олмайсиз! Ахир, биринчи фарзанддан воз кенганимда, врачлар: «Энди фарзанд кўришинг гумон», деб дунёни кўзимга тор қилиб қўйишган эди-я! Буни қарангки, яна бўйимда бўлди. Бахтлиман, жудаям бахтлиман, худого шукр...

Унинг кўксидан отилиб, тилидан қўйилиб келаётган сўзлар Қудратни тирик ҳайкалга айлантириб қўйган эди. Холида бирдан ўрнидан турдию пиёлани тўлдириб коньяк қўйди. Икки қўллаб Қудратга узатаркан, илтижоли овозда ялинди:

— Қудрат ака, жон Қудрат ака, шуни янги меҳмон учун, ухм сиздек бўлиб юриши учун ичинг! Мен учун ҳам, бахтимиз учун ҳам ичинг, жон Қудрат ака!

Қудрат азбаройи гангиб қолганидан пиёлагади ичкиликни сувдек симирди. Охирги қултумини ютганида бирдан ўқчиб кетдию шоша-пиша олма бўлагини тишлади, чайнаганини ҳам ютишга мажбולי етмай, ҳолсизланиб гиламга чўкка тушди-да, бошини Холиданинг тиззасига қўйганча жимиб қолди. Холида унинг сочларини оҳиста силаркан, яна кўзлариди ёш йилтиллади. Аммо бу — севинч ёшлари эди.

\* \* \*

Қовоқлари шишиб, қизарган кўзларини зўрға очганча бозор майдони томон бурилган Қудрат қайсидир кексадан эшитган гапини эслади: «Бўтам, қийин аҳволда қолсанг, масжидга етти танга атаб юборгин, мушқулинг осон кўчади! Азиз-авлиёларнинг руҳи қўллаб-қувватлаб юборади. Ёки бўлмаса, гадога садақа қил! «Тавба — гуноҳни, садақа — балони қайтарур!», деб бекорга айтишмаган». Бозор четида кимлиги ҳам номалум авлиёнинг кўҳна мақбараси бўлиб, бир кекса букчайганча у ерни супуриб-сидириб юришини Қудрат кўп кўрган. Ҳозир унинг кўнглида мушқули осон кўчиши учун садақа қилиш истаги туғилган эди.

Эрталабки изғирин баданини жунжиқтирарди. Осмонда қора булутлар сузмоқда, уфқ эса ҳали ўзи кўринмаган қуёш нурида ҳар турли ранг беради. Рас-таларда дайди итлардан бошқа ҳеч зот йўқ. Бозор уйқудан уйғонишига эрта!

Қудрат кеча ярим тунда бир аҳволда уйига етиб борган бўлса ҳам, тузук ухлаёлмади. Муқаддам буви-сини кўргани кетган экан, эшикни онаси очди. Уғлининг кайфи борлигини сезди-ю, аммо ҳеч нарсга демеди. Фақат, қаттиқ уф тортиб қўйди, холос. Кийимларини ечишга ҳам ҳоли келмай ўзини ўринга ташлаган Қудрат тонгача тиканак устида ётгандек ағанаб чиқ-

ди. Қандай қилиб бўлса-да, ХOLIDани ўзи ўйлаган фикрга кўндириши керак. Ёки хотинидан ажраб... Йўқ, йўқ, ҳеч қачон! Келиб-келиб, бировлардан қолганин хотин қиладимиз? Бирор нарса бўлиб қолса, юзига оёқ қўйишдан ҳам тоймайди у! Бир амаллаб кўндириш ёки қанча пул кетса ҳам, оғзини ёпиш керак! Қувонч билан ғам ёнма-ён юради, дейишгани шу бўлса керак. Энди ниятига етдим, деганида...

Ҳамон тунги хаёлларидан қутулолмаган Қудрат пас-таккина ҳужра эшитгани очди. Жўмрагига тунука қоп-ланган чойнакдан пиёлага чой қуяётган чол саломига алик олгандек пичирлаб, аста бош қимирлатиб қўйди. Бозор қоровулнинг дўкончасидан сал каттароқ хуж-расидаги якнаю ягона тахта стулга ўтирган «меҳмон»-га синчков назар соларкан, чол лаби учган пиёлада чой узатди. Кексанинг кўнгли учун пиёлани олган Қудрат чойдан ҳўплаган бўлди.

— Бир дуо қилсангиз, кейинги пайтларда ҳар хил тушлар кўриб чиқаман. Келинингиз ҳам оғирроқ эди,— дея гўлдиреди у чўнтагидан уч сўм олиб узатаркан.

Қария янада эгилиб олганча, ингичка овозда тило-ват бошлади. Қудрат сўзларнинг маъносига тушунма-са ҳам, бош эгиб жимгина тингларкан, кўнгли хиёл ёришганга ўхшади.

Чол тиловатни тугатгач, қаддини ростлаб, чой ҳўпла-ди, ҳануз ўйга толиб ўтирган Қудратга беҳос савол ташлади:

— Бўтам, айбга буюрмайсиз, хизмат қаерда? Қудрат фикрини йиғди, ўзини тетик тутишга ури-ниб:

— Шу бозорнинг нариги чеккасида, отахон, дўкон-да!— деди унинг оппоқ соч-соқолига кўз ташлар-кан.— Пойабзал билан савдо қиламан.

Қария эски танишини учратган одамдек маъюс жил-майди. Бу жилмайиш ҳам кинола, ҳам ҳасадга ўхшар эди. Унинг ҳолатидаги ўзгаришга ҳайрон боқиб тур-ган Қудратнинг нигоҳи чолнинг юзидаги чуқур чандиқ-қа тушди. Уткир тиг ёноғидан даҳанигача тилиб туш-ган изни ўсиқ соч-соқоли ва ажинлар орасидан, бир қараганда, пайқаш қийин эди. Меҳмоннинг чандиққа тикилиб қолганини сезган қария қорамтир, ингичка, титроқ бармоқлари билан юзини силаб қўйди. Митти кўзлари қисилиб, ўзига ўзи сўзлаётгандек гап ташла-ди:

— Дўкон, савдо-сотик ота-боболаримизнинг касби, бўтам! Дўкон — кон, аммо...

Қудратнинг таажжуби янада ортиб, ўрнашиброқ ўтирди. Бир нафас жим қолган қария сўзини давом эттириш ўрнига беҳосдан сўради:

— Зулқарнайн ҳақидаги ривоятни эшитганмисиз? Нотаниш меҳмоннинг бош чайқаганини кўрган чол унга чой қўйиб узатди, аллақандай хотираларга бери-лаётган каби кўзлари қисилди.

— Бу ривоятни, савдо-сотик билан шўғулланиб юр-ганимда, раҳматли отам кўп сўзлагувчи эди. Афсуски, ўша пайтлари индамай эшитарканман-у, мағзини ча-қишга келганда эса... Хомсут эмган бандамиз-да. Ё дариг, қани, ўша кунлар?! Бир куни қайтиб келганда ҳам...

Қария нимадир ёдига тушгандек, шоша-пиша таги-даги қирқ ямоқ исқирт кўрпача қатини кўтарди. Муқо-васиз, араб ҳарфида битилган қандайдир китоб парча-сини сўғуриб олди-да, ўқишга чоғланган мулладек тиз-засига ёйди, Қудратни баттар ҳайрон қолдирганча, сарғайиб кетган варақлар орасидан юлқа қоғозга ўралган қора сақич сингари думалоқ нарса олди. Қал-тираётган бармоқлари билан қоғозни аранг очиб, оғзига тикдию устидан чой ҳўплади.

Унинг касал одамникидек ҳаракатларига индамай тикилиб ўтирган Қудрат қариянинг юзи мулойимла-шиб, кўзларида ғайри табиий нур пайдо бўлганини кўрди. Бир оздан сўнг чолнинг сўзлари ҳам равон эшитила бошлади:

— Жаҳонгир Искандар ер юзига ҳукмрон бўлгач, сув остидагиларни ҳам ўзига қарам қилмоқчи бўлиб, шишадан уй ясаттириб денгиз тубига тушибди. Денгиз ости ҳукмдори унинг ниятини билгач, ўртага шундай

шарт қўйибди: «Эй инсонлар ҳукмдори, сен билан уруш қилиб ўтирмаймиз! Аммо, бир шартимиз бор! Шу коса-ни тиллага тўлдирса олсанг, бизнинг устимиздан ҳам ҳукм юргизишингга розимиз,— деб кичкинагина чин-ни коса тутқазибди. Коса тубига чизилган кўз сурати эса худди тирик одамнинг кўзидек боқиб турар экан.— Тўлғаза олмасанг, бизни тинч қўйиб, ер юзинг-га қайтиб кетавер!» Искандарнинг кулгиси қистабди: «Ахир, шу кичкинагина косага нима ҳам нарса кетар-ди!», деб ўйлабди, шартга кўнибди-да, косага бир сиқ-ким олтин ташлабди, кейин яна бир сиқим яна, яна... Аммо олтинлар тубсиз ўрага тушган каби кўринмай кетар эмиш! Искандар уч кечаю уч кундуз хизматкор-лари ташиб келтирётган бойликларни косага солаве-рибди, лекин уни тўлдирса олмабди. Коса тубидаги кўз эса ҳамон масҳараомуз боқиб тураркан. Ҳолдан той-ган Искандар энгилганини тан олиб, косанинг сирини сўрабди. Шунда сув ости ҳукмдори индамай косага аввало бир сиқим тупроқ ташлаб, сўнг бир кафт ол-тин солган экан, коса тўлибди. Коса остидаги кўзнинг сирини нимада эканини тушуниб етган жаҳонгир пешо-насига бир уриб, ер юзига қайтиб чиққан экан...

Ривоятнинг мағзини қақа олмаган Қудрат хаёл су-риб ўтирарди. «Наҳотки, кичкинагина косани Искан-дардек жаҳонгир уч кечаю уч кундуз олтин ташлаб тўлдирса олмаган бўлса-ю, сув ости ҳукмдори бир сиқ-ким тупроқ билан тўлдирса! Ёки бирор илму амал қилиб, жоду ишлатганмикан?...»

— Ҳа, бўтам! Инсоннинг кўзи дунё-дунё бойликка тўймайди-ю, лекин бир сиқим тупроқ уни тўлдиреди,— деди қария надомат билан бош чайқаб.— Мен ўша пайтларда отамнинг нима мақсадда бу ривоятни қай-та-қайта сўзлаганига эътибор бермай, кўнгли хоҳиши-га қулоқ солганимга ҳозиргача пушаймонман. Афсус, энди фойдаси йўқ, жабрини тортишга мажбурман. Пешона экан-да, бўтам, пешона...

Чолнинг бу гапи Қудратга коса сирини яққол очиб берди. У бир зум ривоятдаги теран ҳикматдан ақли шошиб, гарангсиб қолди.

— Кечирасиз, отахон,— деди ҳаяжонини босишга уриниб,— ярангизни янгиламоқчи эмасман-ку, лекин... Қандай қилиб бу ҳолга тушиб қолдингиз? Ахир, савдо билан шўғулланган одам...

Қария мийиғида кулимсираганча Қудратнинг олди-даги пиёлага қўл чўзаркан, кўздан икки томчи ёш ду-малаб тушди. Кулиб туриб йиғлаган одамни умрида учратмаган Қудратнинг юраги орқасига тортиб кетди: «Эси жойида эмасга ўхшайди. Ана, қўллари ҳам тит-рялпти, тутқаноғи бормикан? Аммо, кўзлари жудаям мулойим-ку!» У, гапимга тушунмади шекилли, деб са-волини такрорламоқчи эди, қария оғир уф тортиб, ҳасрат тўла овозда жавоб қайтарди:

— Э, бу узоқ дoston, бўтам, ҳозир айтиб беришга кучим ҳам бардошим ҳам етмайди. Фақат, бир нар-сани қулоғингга қўйиб ол: беш панжангини оғзингга тикма, суюқ юрма, қимору ичкиликка берилма! Барча касофат аввало шулардан... Бу гапларни осмондан олаётганим йўқ, бошимдан ўтган, ҳа бошимдан...

Чол жимиб қолди. Қудрат ҳужрага аста кўз югур-тирди. Яғри чиқиб, пахталари титилиб ётган қора тўн девордаги михга осиб қўйилган. Бурчакда рангини ҳам ажратиб бўлмайдиган увада кўрпа-ёстик, кир-чир бел-боғ. Пойгакда пачоқ пақирю қора кумғон. Ҳаёлига кимдандир эшитган гап келди: «Ит ётиш — мирза туриш», деб шундай турмушга айтилган бўлса ке-рак!..»

Қариянинг олтидан чиққач, Қудратнинг кўзи ҳужра орқасидаги бир томони нураб, устини ўт-ўлан босган мақбарага тушди. Унинг атрофи топ-тоза қилиб супу-риб қўйилган эди. «Авлиёми ёки оддий одамми, ким бўлса ҳам, ишқилиб, кексанинг тирикчилигига шу яраб турибди!», дея ўйлади у бозор томон йўналар экан.

Кечаги ёмғирдан сўнг осмон гўё оғир юкдан қутул-гандек ёришиб кетган, энгил эсаётган шамол қора бу-лутларни ҳайдаб, қуёшнинг йўлини тозаллаганча, ҳаво очик бўлишдан дарак бермоқда эди. Плашининг туг-маларини ечиб юборган Қудрат селгиган йўлкалардан

ишхонаси томон секин қадам ташлаб бораркан, қариянинг сўзларини ўйларди. «Беш панжангни оғзингга тикма, суюқ юрма, қимору ичкиликка берилма! Барча касофатлар аввало шулардан!» Унинг ранглар, чўзинчоқ юзи, қимтилган лаблари, фарқи текис очилган сийрак сочи ва хиёл қисилган кўзлари тонг қуёши нурларидан жонсиз ҳайкал қиёфасига ўхшарди. Бозорга шошаётган сотувчилар, ишга отланган ишчилар ёнидан тез-тез ўтиб қолишади, Қудрат эса уларни сезмас, бугун вужуди билан хаёл гирдобига шўнғиб кетган эди. Чолнинг надоматга тўла сўзлари, аянчли турмуши гўё равшан бир чироқ бўлиб, унинг ҳаётию келажагини ёритиб юборгандек эди. Қария ҳақ: саёқ юрган таёқ эйди. Мана, суюқ юришнинг дастлабки зарбаси бошига тушиб турибди. Ҳозир қандай йўл билан бўлса ҳам, Холиданинг оғзини ёпиш, ундан қутулиш керак. Шу мижозо бир ёқлик бўлсин, савдони ташлайди. Қурилишга ёки заводга ишга жойлашиб, кечки институтга ҳаракат қилади. Ахир, мактабни яхши баҳолар билан битирган, айниқса, математикадан билими пухта. Бу ерда ишлар экан, истадими-йўқми, пулнинг кетидан қувмасдан туrolмайди — тўқсон сўм маошга рўзғор тебратиб бўлармиди! Яқинда хотинининг кўзи ёриси, ойиси: «Бешик оламан», дейди, яна харажат. Бу ёқда, янги уйга кўчишса... Қисқаси, қўлидан қанча-қанча пул ўтиб турганда «сув бўйида ташна бўлиб» ўтиролмайди. Бошқалар бориға қаноат қилар-у, аммо у... Йўқ, бўлак ишнинг бошини тутиш керак, тинч яшаганга нима етсин!

Енгил машинанинг кучли сигнали Қудратнинг хаёлини бўлиб юборди. Ёнидан ўтиб кетаётган сутдек оқ «Жигули»га кўзи тушаркан, укаси тенги, мақтанчоқ Зиёв билан ўйнаган гарови ёдига тушди. «Бир ҳафтада мен ҳам шахсий машина миниб келаман», эмиш-а! Кўрпанга қараб оёқ узатсан бўлмайди?! Катта бир универмаг директорининг яккаю ягона ўғлига тенг келмоқчи бўлдингми?! Ҳа, аҳмоқ калла! Шунча йил ўлиб-қутулиб йиққан пулнинг бозордан машина олиш учун яна камида икки мингча керак! Қаердан оласан? Бу ёқда Холида машмашаси, янги уйга кўчиш ташвиши. Буларнинг ҳаммасига пул керак, текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди. Бошингда отанг бўлсаям бошқа гап! Муштипар онангнинг қўлидан нимаям келисин!»

Шу пайт гул бозори томондан шошиб чиққан паст бўйли, қорачадан келган йигит унга урилиб кетаёзди. Қўлидаги оқ, қизил гулларни авайлаб ушлаганча жойида таққа тўхтади-да:

— Ҳой, менга қара, Қудрат, ўзингми?— деб қичқирди қувноқ овозда, азбаройи шошганидан саломлашишни ҳам унутиб.

Қудрат кош-кўзи қоп-қора, серҳаракат дўсти Хусанни анчадан бери кўрмаган эди. Шодликдан юзи порлаб, ўнг қўлини унинг елкасига ташлади-да:

— Хусан! Осмондан тушдингми, ердан чиқдингми? Саломатмисан? Қаёқдан юзуриб келяпсан, тинчликми?— деди ҳовлиқиб. Уринганроқ бўлса ҳам, тоза, дазмолланган кулранг костюм-шим кийиб, оқ кўйлак устидан қора бўйинбоғ тақиб олган Хусан Қудрат билан бир синфда ўқиган эди. Институтда ўқиб юрганнида дўстининг олдига тез-тез келиб турарди. Уқишни битириб, аспирантурага қабул қилиндию қораси кўринмай қолди. Бугунги учрашувни иккиси ҳам кутмаганидан, гапни нимадан бошлашни билмай анча вақт бир-бирларига тикилиб қолишди. Бир оздан кейин эса Қудрат гинахонлик қила кетди:

— Олим бўлмай ҳар нарса бўлгур, олим бўламан, деб, одамгарчиликдан чиқиш керак экан-да! Бир йилдан бери лоақал бир марта қорангни кўрсатмасан-а! Тагин қиёматли дўст эмиш!.. Э, яшавор-э!\*

Хусан айбдор одамдек бош эгиб, қўлимсираб тураркан, ўнг қўлини кўксига қўйди-да, узр сўради:

— Дўстим, кечир, айб менда, нима десанг ҳам розиман! Фақат, хафа бўлма, ишимни ёқлаб олай, кейин бутунлай сенинг ихтиёрингданман. Ҳозирча индамай турасан-да энди!

Хусаннинг ялингансимон оҳангда кечирим сўрашини кўриб Қудратнинг меҳри яна ийиб кетди, унинг елкасидан кучоқлаб, ишхонаси томон бошлади.

— Ҳозир эмас, дўстим, кейин кираман, кейин,— деди Хусан шоша-пиша қўлидаги гулдастага ишора қилар экан.

— Қари бўйдоқ ахийри уйланадиган бўлибди-да! Азонлаб нега гулга тушибди, десам! Келин қаерда турибди?

— Э, унга эмас, бугун бир курсдошим никоҳдан ўтлатди, аспирантурада ҳам биргамиз, шунга...— Хусан Қудратнинг биллагидан тутиб тураркан, қўшимча қилди.— Меники ёзда, дўстим, ўзинг кўёажўра бўласан! Ҳозирча, хайр, бугун-эрта албатта олдинга кираман. Узр, жуда шошиб турибман! Опоқимлага салом айт!

Қудрат дўстининг орқасидан тикилиб қоларкан, шошганча пилдираб кетишига қулиб қўйди. Хусан кўздан ғойиб бўлгач, унинг кўнглини яна ғашлик қулғади. Кейинги пайтларда қалбда тез-тез бош кўтариб, чексиз хаёлларга фарқ этаётган аллақандай изтироб яна уруж қила бошлади: «Мен тенгилар фан кандидати бўляпти, кўзлаган мақсади, интилган орзусига етишиш арафасида. Эрта-индин кимсан, «химия фанлари кандидати Хусан Темиров» бўлади! Ахир, кечагина эди-ку, иккаламизнинг ёнгоқ талашиб, уришиб юрганларимиз! Умр — дарё, деб бекорга айтишмас экан!»

Қудрат армиядан қайтганда Хусан, институтга кир, дея уни кўп бор далолат қилди. Бироқ, Қудрат аввал турмушимни сал тузатиб олай, ўқиш қочмайди, деб унамади. Мана, охир-оқибатда... Ушанда қайсарлик қилмаганида, ҳозир у ҳам дипломи бўлиб, балки Хусанга ўхшаб аспирантурада ўқиётган бўлармиди.. Қудрат математика билан физикани ниҳоятда яхши кўрар, бу фанлардан ҳамиша аъло баҳо олар эди. Район мактаблари ўртасида ўтказилган физика мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаганида, албатта физик бўламан, деб аҳд ҳам қилган эди. Ваҳоланки...

Қудрат одам гавжумлаша бошлаган бозор майдонини кесиб ўтаркан, хаёли беғубор болалик кунларига қайтган эди.

Дўкон олдида икки аёл кимнидир интизорлик билан кутиб турибди. Бирини — ўрта яшар, чарм плашининг тугмаларини узиб юборгудек дўппайиб турган қоринни кўз-кўз қилаётгандек, ўнг қўлини белига тираб, дераза олдига ўрнатилган темир тўсиққа суяниб олган, оёғи остида катта қора сумка. Иккинчиси эса, унинг акси: жиккаккина, жун рўмолининг учлари озгин елкаларида осилиб ётган олтмиш ёшлар чамасидаги кампир.

Қудрат Сатангни таниди-ю, аммо кампирни қаердадир кўрганга ўхшаса ҳам, эслай олмади. Уларга яқинлашиб, салом берди-да, чўнтагидан калит чиқариб қулфга солди.

— Ўғлим, кўккўз қизим ишга чиқадими?— дея тортинчоқ овозда сўради кампир.

Унинг Нигинани суриштираётганини англаган Қудрат билагидаги соатга қаради.

— Ярим соатлардан кейин келиб қолади. Жуда эрта келибсиз, нима, зарур ишингиз бормиди?

Қудратнинг мулозим овозидан кампирнинг чеҳраси ёришди.

— Болам, шошиб турувдим, агар малол келмаса, шуни бериб қўйинг,— деди-да, чангалидаги пулни унга тутқазди.— Кеча кела олмадим, барака топкур қизимга раҳмат, деб қўйинг, кўп дуо қилдилар, денг!

Қудратнинг кўз ўнгида кеча невараси билан магазинга кирган кампир намоён бўлди. Қалбини нимадир ларзага солиб, қулф тутиб турган бармоқларига катта титраб кетди. Кампирнинг ортидан ўша кўккўз қиз Нигинага нимагадир ҳаваси келди.

Сатанга ваъда қилган нарсасини олиб бериб, кузатиб қўйганидан кейин ҳам, гоҳ ғариб қариянинг ривоятини, гоҳ Хусанни, гоҳ эса Нигинани азонлаб сўраб келган кампирни ўйлаб анчагача хомуш туриб қолди.

Одам иш билан овунар экан. Ҳаво очилиб кетганиданми, дўконда одам гавжум бўлиб, кун бўйи тиним билмади. Ишга алаҳсиганидан, икки гапириб бир ку-

либ, атрофида парвонадек бўлиб юрган ҳушчақчақ Холида ҳам юрагига гашлик солмас, кечга суҳбатни гўё буткул унутиб юборгандек эди. Фақат кечга яқин қаттиқ чарчагани, оёқ-қўллари ҳолсизланиб, оғрий бошлаганини сездди.

Ишдан сўнг Холиданинг «Кузатиб қўясизми?», деган каби илтижоли термилишига ҳам эътибор бермай, совуққина хайрлашди-да, уйга йўл олди. Кузнинг муздек ҳавосидан тўйиб-тўйиб симириб борар экан, чан-чан юзли қариянинг сўзлари қулоғида қайта-қайта жаранглар эди: «Инсоннинг кўзи дунё-дунё бойликка тўймайди-ю, аммо бир сиқим тупроқ уни тўйдирлади! Бир сиқим оддий тупроқ, бир сиқим!..»

\* \* \*

Кўшни болалар бўр билан ҳар хил расм чизиб ташлаган фанерли кўк эшик ланг очик. Қудрат ҳайрон бўлиб ичкарига кўз югуртирди: ҳовли ўртасида учи синган қизил гулли чойнак думалаб ётибди. Тепаси синик, шифер билан омонатгина ёпилган ўчоқ ёнидаги хонтахта устида қовурдоқ сузилган лаган. Буғи чиқмаётганидан сузилганига анча бўлгани сезилиб турибди.

Қудрат онасининг саранжом-саришталигини яхши билганидан бу ҳолга ҳайрон бўлиб, даҳлизга қадам қўйди. Унг томондаги ўз онасининг ланг очик эшигига ҳам таажжуб билан боқди. Уйга бош тикиб, хотини йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, «Унга бирор нарса бўлмадимикан?» дея юраги ҳаприқди.

Онаси билан укалари ётадиган уйнинг эшигини шоша-пиша очди-да, туфлисини ҳам ечмай ичкарига кирди.

Тўрдаги кўрпачада онаси шифтга қараб ётарди. Соchlари тўзиб кетган, оғир-оғир нафас олади. Негадир кўзлари қизариб, юзи шишинқираган хотини билан синглиси — бири унинг бош томонида, иккинчиси ёнида хомуш ўтиришарди. Уртадаги хонтахта устида иккита ушатилмаган нон, учта темир қошиқ.

Қудратни кўриб, Муқаддам секин ўрнидан турди-да, хаста овозда салом берди. Уғлига нигоҳ ташлаган Мастура онанинг кўзлари намланди. Алланарса демоқчи бўлди-ю, бўғизига нимадир тикилиб, овози чиқмади. «Келдингми?», дегандек киприкларини юмиб очди. Синглиси эса бошини кўтармай ўтираверди. Гап-сўз ортиқчалигини сезган Қудрат онасига чиқиб, плашини ечди. Орқама-орқа кириб келган Муқаддамга ўгирилди-да, «Нима гап?», деб сўради. Хотини бирдан пиқиллаб йиғлаб юбордию бошини эрининг кўксига қўйди.

— Нима бўлди? — Қудратнинг овози титраб кетди. — Гапирсанг-чи!

— Адам келдилар! — Муқаддам ҳамон пиқилларди. — Аданг, қанақа аданг?! — Қайнота-қайнонаси бир неча йил олдин қазо қилиб кетганини яхши билгани учун Қудрат гангиб, қайта сўради: — Пиқиллама, очик-роқ гапир, ким келди ўзи?

— Сизнинг адангиз!

Қудрат бир зум ҳайкалдек қотиб қолди, сўнг аста каравотга ўтирар экан, оғир сўлиш олди. У отасини — фарзандларини тирик етим қилиб ташлаб кетган Ҳалид отарчини қачон кўрганни ҳам эслаёлмайди. Мақтабда ўқиб юрганида отасининг бозордаги чойхонада улфатлари билан кўп ўтиришини эшитган, ҳатто бирикки марта қидириб бориб, тополмаган эди. Қудратнинг «Отам нега кетиб қолганлар?», деб онасига берган саволлари ё жавобсиз қолар, ё бир гап қайта-қайта такрорланар эди: «Отанга бола-чақа керак эмас, тўйма-тўй етаклаб юрадиган бузуқлари бўлса — бас! Фарзанд уволи тутгур, бир куни хор бўлиб, остонамга йиғлаб келмаса, асти рози эмасман!», дерди онаси ер муштлаб.

Онасининг куйиб-ёниб айтиб юрадиган бу гаплари ҳозир яна қулоғи остида жаранглаб кетгандек туюлди. Кейинги пайтларда отасининг қиморга ружу қўйганини

орқаваротдан эшитганини эслади. «Нега келди экан!?» Қудрат ўйлай-ўйлай, ўйининг тагига етолмас эди.

Ҳамма гапни хотинидан эшитди: отаси янги уйдан ўз ҳақини талаб қилиб келган эмиш. Қудрат бошига биров гурзи билан туширгандек қарахт бўлиб қолди. Шундан сўнггина нега онасининг юраги ёмон бўлиб, бундай ётиб қолганини тушуниб етди. Ҳар нарсанинг ҳам чегараси бўлади! Расмий ажрамаганини пеш қилиб, шунча йилдан бери хотин, бола-чақасини қон қақшатиб ташлаб кетган одамнинг ўз ҳақини талаб қилиб келиши... Пасткашликнинг чегараси йўқ экан-да!

Қудрат онасининг кўз очиб кўрган ёстиқдошидан воз кечиш сабабини энди англади. Айни пайтда, истайдими-йўқми, шундай одамнинг пуштикамаридан бўлгани учун ўзидан номус қилиб, хотинининг юзига қараёлмади. Муқаддам ташқарига чиқиши билан асабийлашиб тоқчодаги қутини очиб, духоба жилдги альбомни олди-да, отасининг ўзини кўтариб тушган суратини топди. Унинг ўзи сингари сарғишроқ, чўзинчоқ юзига кўз югуртирди. «Онам бечора кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деб, барча суратларини ёқиб юборган эди! Шунчалик кўнгли совиши бежиз эмас экан!»

Қудрат суратга бир лаҳза нафрат билан тикилдию кейин бурда-бурда қилиб йиртиб ташлади.

\* \* \*

Куз ҳавоси ҳам баҳор ҳавоси каби беқарор: бир куни ёмғир ёгса, эртасига қуёш кулади. Бугуч эса — на ёмғир бор, на қуёш! Ҳаво мотамсаро. Дилга гашлик солувчи тунд осмонда қушлар ҳам кўринмайди. Гўё чор атрофдан киши устига кўрғошиндек рутубат ёпирилиб келиб, елкалардан босаётгандек...

Қудрат мажолсиз оёқларини зўрга судраб, иш-хонаси томон қадам ташларкан, қалбини кемираётган ўйларнинг мағзини чақишга уринарди. «Бундан ўн йил олдин хаёлимни банд этиб, ҳаётим мазмуни бўлиб кўринган нарсалар мана, бугун олдимда! Оилам бор, худ-до хоҳласа, яқинда фарзанд кўраман, йиғиб қўйган пулим машина сотиб олишга ҳам етай деб қолди. Уйни эса давлатнинг ўзи беряпти, шу оила ҳам чалдеворда яшамасин, деб! Аммо, нега кўнглим бунчалар ғаш? Ёки отамнинг даввоси сабабли шу кайфиятга тушимми? Ёки... ёки Холида билан муносабатим қандай туғаш қийнаётими? Йўқ, булар ҳам ҳозир эришган нарсаларим каби ўткинчи! Лекин, назаримда, менга улардан ҳам асосийроқ, муҳимроқ алланарса етишмаётгандек. Нима у — ҳаётимни мазмунга тўлдироладиган, олға чорлайдиган?..»

Устма-уст чалинган машина сигналидан Қудрат чўчиб тушди. Болохонадор қилиб сўкишга чоғланиб орқасига ўгирилди-ю, Зиёвнинг оқариб кетган юзига кўзи тушиб, нима деярини билмай қолди. Бир зумда у билан баҳс болашгани эсига тушдию заҳархандалик билан тикилди.

— Қудрат ака, чақирсам ҳам эшитмайсиз-а! Дўконга чопинг, тезроқ! — деди Зиёв ҳовлиқанча. — Уғри тушибди! Эрталаб қаймоқ олгани кирсам, ишхонангиз олдида уч-тўрт милиционер билан бозор қоровули акт тузишяпти. Нима гап экан, деб борсам, дўконингизни орқасидан тешиб, омборингиздаги молларни ўғри уриб кетибди! Тезроқ бординг, тагин ҳамма айбни сизларга юклаб қўйишмасин!

Қудратнинг кайфи учиб кетди, шошганидан Зиёвнинг отини ҳам чалкаштириб:

— Зайнид, директорни айтиб кел, жон Зайнид, уйини биласан-ку! 43-уй, тезроқ югур! «Ортиқ Нишонович, тезроқ юраркансиз», дегин, чопақол! — дея гўлдиряди-да, унинг жавобини ҳам эшитмай, дўкон томон югура кетди.

\* \* \*

Холида ишдан сўнг касалхонага онасини кўргани бориб, кеч қайтган эди. Қаттиқ чарчаганига қарамай, уфқ қизармасдан уйғониб кетди. «Давлатнинг ишям

бор бўлсин!», дея эрталаб базўр кўз очадиган одамнинг «сўфи азон айтмасдан» уйқуни тарк этиши ўзи учун ҳам кутилмаган ҳол эди. У шифтда қорайиб кўринаётган биллур қандилга тикилиб, анчагача хаёл суриб ётди. Бошлаган ишини қандай тугатишини ўйлаб, кеча кун бўйи бир қарорга кела олмаган, ҳозир ҳам шу фикрлар оромини ўғирлаган эди: «Қудратнинг кўнглига гулгула солиб қўйдим, тўрга тушган балиқдек қўлимда типирчилайди энди! Ортиқ Нишонович ва Сатанг билан нима ҳақда шивир-шивир қилишию фойданинг неча фоизини ўзига олишини, қани, айтмай кўрсин-чи! Кун бўйи тик оёқда, келган-кетгандан бир-икки сўм унармикан, деб ўлиб-тириласан-у, яна у кишининг қовоқ-димоғи, ҳафтада берадиган беш-ўн сўмига қарамсан! Энг сара моллар ичкаридан, «шапкаси» билан, ҳеч қим сезмай гум бўлади. Баъзида нима келганини ҳам билмай қоласан! Бирга ишлагандан сўнг тенг бўлиш-да, ахир, кемага тушганнинг жони бир-ку!»

Холида у ёнидан бу ёнига ағдарилиб, энди қандай йўл тутиш кераклигини ўйларди. Агар, икки-уч ой ичида Қудратнинг барча сирларини билиб, уни тенг шерикчиликка кўндиролмас, ёлғони фош бўладию ҳозирги тегиб турган «насиба»дан ҳам маҳрум бўлиши мумкин! Қудратнинг феъли маълум: алданганини сезса, ишдан ҳайдамагунча қўймайди, вақтида отни қамчилаб қолиш керак. Жуда бўлмаса, бир-икки мингга тушириб, Асом акаси билан хайрлашгандек хайрлашади.

Унинг нигоҳи қоронғи бурчақда яна қорайиб кўринаётган чет эл шифоньерининг пастки тортмасига — тақинчоқлар турадиган ғаладонга қадалди. Турли-туман тақинчоқлар орасидаги ёқут кўзли узук билан тилла билагузук хаёлида товланиб кетгандек туюлди. Баданини тотли ҳиссиёт чулғаб, Асом акаси билан ҳаётида биринчи марта ўтказган тун, лаззат онларини қайта ҳис қилгандек бўлди. Қолган тунлар ҳам, содда, лақмароқ эри билан кечирган кунлари ҳам ўша кеча ўрнини боса олмади. Фақат, танти Асом акасида эсдалик, ўзининг ўн олти ёшдан ёдгор бўлиб мана шу икки тақинчоқ қолди. Холида яқин-яқингача бир нарсага тушуна олмасди: дадасини кўришга кетган онаси қайтиб келгач, қимматбахо совғани кўрди-ю, лекин қимданлигини сўраб ҳам ўтирмади. Фақат ўша пайғда ўзи ишлаётган гастроном директори Асом Зоиров билан янада қалинроқ бўлиб қолган эди. Холида бунинг сирини мана энди — Қудрат акаси билан учрашгачгина англаб етди: отаси қамалиб кетгандан сўнг, орадан кўп ўтмай онасининг яна ясан-тусанга берилиши, Асом аканинг уларниқига худди ўз уйдек истаган пайтда бемалол кириб келишининг боиси шунда эканки...

Холида ётган жойида керишаркан, бадани титраб, вужудида аллақандай иштиёқ ғолиб кела бошлаганини ҳис қилди. Девордаги осма соатнинг устма-уст чалинган занги уни ўрнидан кўзғалишга мажбур этди.

\* \* \*

Ҳаётда терговчидек синчков, ҳар бир нарсани ипидан-игнасигача суриштирмагунча қўймайдиган, маржондек саволлар билан кишининг бошини айлантириб юборадиган кимса бўлмаса керак. Бўйи пастроқ, лекин бақувват, тепа сочи сийрак, қалин қора мўйловли, ўзини «капитан Қўчқоров», деб таништираган ўрта яшар, граждон кийимидаги бу киши ҳам уларнинг бири эди. У дўкон орқасидаги одам сиғадиган қилиб тешилган туйнукни ва чор-атрофни синчковлик билан кўздан кечириб чиққач, қўлида фотоаппаратини осилтириб турган формали шеригига «Бошланглар!», деган каби ишора қилди, ўзи эса ходимлар билан ниманидир қизишиб гаплашаётган Ортиқ Нишоновичга яқинлашиб:

— Эшикни очтиринг, лекин, рухсат бўлмагунча ҳеч қим кирмасин! — деди бармоғи билан қўлфни кўрсатиб, қатъий овозда.

Ортиқ Нишонович ўзини қанчалик хотиржам кўрсатишга уринмасин, асабий титраётган бармоқлари ҳаяжонини фош қилмоқда эди. Умуман, ходимларнинг барчаси ҳам саросима ва бир оз кўрқувга тушган эди. Сайфулла аканинг эса ранги девор бўлиб кетган, тиззаларигача қалтираётганини бошқалар ҳам сезиб туришар эди.

Терговчи билан директор ичкарига кириб кетишди. Сал ўтган, Қудратни чақирди. Сўнг, бирин-кетин қолганлар ҳам кириб боришди. Директор хонасида кичкинагина ёндафтарига алланарсаларни қайд қилиб ўтирган Қўчқоров барчага қисқа-қисқа саволлар бериб, гўё танишиб чиқди. Бу орада савдо бошқармасидан ҳам вакиллар етиб келиб, вақтни ўтказмай ревизия бошлаб юборишди. Ҳамманинг хатти-ҳаракатига синчков разм солиб ўтирган капитан билан икки шериги уч кунгача дўкондан жилишмади. Ҳисоб-китоб тугаб, савдога рухсат берилган бўлса ҳам, Қўчқоровнинг нимадандир кўнгли тинчимаётгани юз-кўзидан, қарашларидан сезилиб турарди. У ходимларни чақиртирар, айниқса, Қудрат билан Холидани сўроққа тутавериб, ҳол-жонига қўймас эди. Уғриллар Қудратнинг бўлими омбухонасини тешиб кирган, энг кўп камомад ҳам шу ердан чиққан эди.

Қўчқоров Қудратни охириги марта чақирганида яна бир бор бошдан оёқ кўздан кечириб чиқди-да, суҳбатларининг якуни сифатида икки оғиз гап айтди, холос:

— Бу сира мантиққа тўғри келмайди, лекин ҳозирча бирон бир хулоса чиқариш ҳам қийин. Кутамиз!

Шундан сўнг дўконда ҳаёт ўз изига тушиб кетгандек бўлди-ю, аммо...

\* \* \*

Қудрат шу кунларда ўзини бутунлай олдириб қўйган. Кўзлари ичига тортиб, оғир касалдан янги турган беморга ўхшаб, қимирлашга ҳам ҳоли келмай, ишга зўрға келиб-кетар эди. Ҳисоб-китоб тугаган куннинг эртасидан бошлаб Холида ишга чиқмай қўйди. Хабар олгани борган Нигина «Касал эмиш!», деб қайтди. Бўлимда бир ўзи қолган Қудрат ҳеч қаёққа чиқолмас, ишдан сўнг эса, гўё орқасидан кимдир кузатиб юргандек туюлар, тўғри уйга бориб, ўйдан қайтар эди. Бунинг устига, ишдан бўшашга қатъий қарор қилиб қўйгани учун дўконга ўлганининг кунидан, ўзини мажбурлаб келарди.

Унинг ранг-рўйига разм солиб юрган Ортиқ Нишонович бир кунни тушлик пайтида ўсмоқчилаб қолди:

— Сизга нима бўлди ўзи? Камомадни ўйлаб сиқил-яписизми? Ахир, ўғриларга: «Мунча нарса олгини қолганига тегма», деб айта олмайсиз-ку! Ё оилангизда...

Қудрат Ортиқ Нишоновичнинг меҳрибон раҳбарлардек кетма-кет бераётган саволларининг давомини эшитмай ўтирарди. У қўлидаги финжондан аста қаҳва ҳўпларкан, капитан Қўчқоровнинг сўнги сўзлари хаёлида қайта такрорланди: «Бу сира мантиққа тўғри келмайди! Кутамиз... кутамиз...» Бирдан кўксини гижимлаётган оғриқ кучайиб, қичқириб юборишига сал қолди, тишларини қисганча гўлдиради: «Нахот, бирор нарсани сезган бўлса, наҳотки!» Унинг узук-юлуқ товушидан ҳеч нарса тушунолмаган директор таажжуб билан тикилди:

— Нима, нима дедингиз?!

Қудрат ҳушини йиғиб, Ортиқ Нишоновичга қараб зўрма-зўраки жилмаяркан, гапни бозча ёққа бурди: — Холиданинг касал бўлиб қолганини айтман. Аёл киши-да, қўрқдими ё толиқиб қолганми...

Директор аёллар масаласида ўзининг зўр билимдон эканини кўрсатадиган фурсат келганидан фойдаланиб, ҳар галгидек луқма ташлади:

— Сира гапирманг! Чумчуқ пир этса, юраги шир этади хотин зотининг! Аёл кишига иссиқ кучоғи... — У атрофга кўз югуртирди-да, гапининг давомини Қудратнинг қулоғига шивирлади. Сўнг, ўз гапидан ҳузур қил-



ганча мириқиб ҳирингларкан, Қудрат ҳам ноилож унга қўшилган бўлди.

Тушлиқдан қайтишаётганида Қудрат шу бугун қандай бўлмасин, Холиданинг олдига бориб келишга қатъий аҳд қилди.

Ишдан кейин тўрт томонга аланлаганча, қўрқа-писа катта йўлга чиқди-да, дуч келган машинани тўхта-тиб, Холиданикига жўнади. Шофёр тундроқ одам эканини, чурқ этмай борарди. Қудрат эса дам-бадам орқасига ўгирилиб, изма-из келаётган машиналарга тикилар, ҳамон кўнглига ором бермай эгволаётган йўлардан қутула олмас эди. «Қўчқоров ниманидир сезган, йўқса, охири марта чақирганида бошимдан оёғимгача тикилиб, «Кутамиз!», демаган бўларди. Бир бўлимдан уч минг сўмликдан ортиқ мол ўғирлаб кетиш ҳазилакам иш эмас! Бу ерда ўғирликдан бошқа иш ҳам борлигини у сезган! Ҳа-ҳа, сезган! Лекин, бунга исбот керак-ку! Қани ўша исбот? Уғриларни тутишди, ҳам дейлик. Улар ўғирланган нарсаларини бўйнига олади. Хўш, қолган «камомад» учун кимни жавобгарликка тортишадилар?! Меними? Кўз билан кўриб, қўл билан ушламагандан сўнг, кимга айб қўя олишадилар? Ҳеч кимга! Уғрилар-ку, ўмарган нарсаларини аллақачон «сув» қилиб юборишгандир. Қўлга тушгандан кейин, тонса-тонмаса, ҳамма камомад уларнинг бўйнига тушади. Чунки, ўғриликка тушишгани факт. Демак, бу томондан қўрқадиган жойим йўқ. Холида билан амаллаб келишсам — олам гулистон! У, учдан бирини олса ҳам майли. Сўнг шартта ишдан бўшайману бошқа касбнинг бошини тутаман. Тинч яшаганга нима етсин: оч қорним, тинч қулғоғим!»

— Шошмаётган бўлсангиз, бензин қуйдириб олсам?

Қудрат шофёрнинг даяғроқ овозидан нима дейётганини яхши тушунмаган бўлса-да, хаёлини бузгиси келмай, «Ихтиёрингиз!», дегандек бош ирғади. Машина бензин қуйдириладиган бекатга буриларкан, Қудрат ён томондаги ойнадан шаҳар кўчаларига назар солди. Турли лампочкалар маржони кўзни қамаштириб, худди байрамдагидек порламоқда. Асфальт йўл ойнадек ялтиради. Тўли ой кўкдаги юлдузлар даврасида сукут ичра сузади. Одатда, кеч кузининг бундай очик тунлари хийла совуқ бўлиб, қалин қиров тушади.

Табият қишни қаршиламоқда, дарахтлар оқ либос кийимига мунтазир.

Камгап шофёр машинага бензин қуйдириб олди-да, бориладиган жойни яна бир бор сўраб, йўлга тушди.

Қудрат ўриндиққа ўрнашиб ўтирар экан, қалбидаги қўрқув ҳисси тарқаган, кўнглида «Ҳамма ишим яхши бўлиб кетади!», деган ишонч уйғонган эди. Бенхтиёр, ўша кунги омборхонада ўтказилган ҳисоб-китоб, Холиданинг ажабтовур топқирлиги хаёлида жонланди.

...Бошқармадан келган семиз бухгалтер аёл ўртадаги столга мук тушганча, Қудрат жавон ва яшиқлардан бирма-бир чиқариб, артикули ва нархини айтаётган пойабзалларни рўйхатга олиб ўтирарди. Унинг ёнидаги бўш яшиқда эса, ёзувларга зимдан разм солиб ўтирган терговчи аҳён-аҳён Қудратга синчков қараб қўярди. Қудрат ҳар бир пойабзални рўйхатдан ўтказгач, бўшаган идишларни ўртароққа сураркан, бутун хаёли эшик орқасидаги катта картон қутида эди. Картон қути ахлат солишга мўлжалланган бўлиб, ичига кичикроқ яна бир қутича жойланган, иккаласининг ўртасида очик жой қолишини Қудратдан бошқа ҳеч ким билмас эди. У ҳар гал омборхонага кирганида қутига қараб, ўзининг топқирлигидан завқланиб қўярди. Қутини бўшатиш зарурати туғилса, устки қисмини оларди-да, Холидага бериб, тўкиб келишга юборар, пастки қисми эса тахта устида қолаверар эди. Қудратнинг бутун фикри-зикрини банд этган картон қути тагида уч мингга яқин пул ётганини ундан бошқа ҳеч ким билмасди. Бу пулларнинг ярми келаси ой ҳисобидан топшириш учун асраб қўйилган эди. Қолгани эса, кейинги уч-тўрт кун ичида кетма-кет келган пойабзалларнинг пули бўлиб, ҳали кассага топширилмаган эди. Савдодан тушган пулни сақлаб туриш мән қилингани учун Қудрат қандай йўл тутишга ақли етмай қолган, бундан ташқа-

ри, у пуллар ичида фойдадан тушган улуш ҳам бор эди. Нима қилсин? «Бирдан-бир тўғри йўл — индамаслик!» Миясига беҳос келган бу фикр ғолиб чиқиб, бошқа нарсани ўйлашга ҳам қўймади. «Ўғри бир сўмлик нарса олди нимаю минг сўмлик нарса олди нима? Бари бир ўғриликка қўл урди, жавобгар бўлдими, жазо олиши аниқ!»

Қудрат ана шундай қатъий қарорга келгач, энди қутини бу ердан қандай қилиб сездирмай олиб чиқиб кетиш ташвишига тушиб қолди. Бунинг йўлини эса, омборнинг тешилган жойини яна бир кўздан кечириш учун ичкари кирган Қўчқоров ўзи сезмаган ҳолда кўрсатиб берди. У оёқ остига сочиб ташланган бўш қоғоз қутиларни босмасликка ҳаракат қилиб, орқа томонга ўтаркан, Қудрат миясига чақмоқдек урилган фикрдан қичқириб юборай деди. Ўзини аранг қўлга олиб, залга мўралади, пештахталардаги пойабзалларни сортига қараб ажратаётган Холидани чақирди:

— Холида!..

Унинг асабий овозини эшитиб, шоша-пиша кириб келган Холида ҳайрон бўлиб тикилди. У ўзини босиқ тутишга тиришиб, сочилиб ётган қутичаларни кўрсатаркан:

— Буларни йиғиб олиб, ахлатга чиқариб ташланг!— деди терговчига кўз ташларкан, товуши сезилар-сезилмас титраб. Сўнг эшик орқасидаги қутига ишора қилди.— Анавини яхшилаб қоқиб, тозалаб қўярсиз!..

Холида бир кучоқ бўш қоробкани ташлаб келгач, эшик ортидаги катта қутининг қиррасидан судраётганига кўзи тушган Қудрат унга маъноли тикилди, ҳар бир сўзни таъкидлаб, деди:

— Тагидан кўтарсангиз-чи, сочилиб кетади!

Холида ялт этиб Қудратга қаради ва қутини таги билан кўтариб олиб чиқди. Кўп ўтмай, бўш идишни жойига қўяркан, унга юзланиб, бепарво овозда: «У ёқдаги ишимни тугатай, кириб қарашаман...», деди.

...Машина қаттиқ тормоз бериб тўхтади.

— Шу ерми?— деди шофёр Қудратга ўгирилиб. Улар Холидаларнинг уйи яқинидаги чорраҳада туришарди. Қудрат шошиб машинадан тушди.

— Раҳмат!

Эшикни елкасига катта жун рўмол ташлаб олган, рангпар аёл — Холиданинг онаси очди. Қизининг олдида, дўконга бир-икки борганида Қудратни кўрган эди, мулозим жилмайиб ичкарига таклиф қилди:

— Вой, Қудратжон, келинг, келинг, марҳамат!

Аёлнинг хаста овозидан яқинда касалдан тургани сезиларди. Қизиники сингари катта-катта қора кўзларида меҳр товланиб кетгандек бўлди. Қудрат ўзининг бевақт келганидан хижолат чекиб, узр сўради:

— Кечирасиз, ишдан кечроқ чиқсам ҳам, бир ҳол сўрай, деб... Холидаҳон уйдадилар?

— Ҳа, уйда, бемалол кираверинг, хижолат бўлади-ган жойи йўқ, бемалол!

Унинг самимий таклифидан дадилланган Қудрат аста ҳовлига кириб борганида, айвонда парча гулли қизил халат кийган, бошланг Холиданинг ўзи кўринди. У Қудратни очик чеҳра билан қутиб оларкан:

— Ойи, менинг хонамга қирақоламиз, сиз дамингизни олаверинг, — деди онасига маъноли қараб.

Онаси индамай ичкарига йўл оларкан, қизининг эси-га солди:

— Чой газнинг устида қайнаб ётибди, овқатнинг тагига ўт ёқиб юборақол.

— Хўп, хўп!— дея Холида Қудратга юзланди.— Кираверинг, ўзингизнинг уйингиз!

«Ўзингизнинг уйингиз!», деган гапдан Қудрат алла-нечук бўлиб кетди, аммо буни сездирмай, Холиданинг орқасидан эргашди.

Бир оздан сўнг Қудрат Холида узатган чойни хўлаб, унинг оппоқ бўйнига термилиб ўтираркан, асосий мақсадга кўчиш учун пайт пойлар эди. Холида эса бепарво, мураббо солинган чойни қошиқ билан аралаштириб, ишхонадагиларнинг аҳволи ҳақида кетма-кет савол берар ва негадир унга тик қараёлмай, кўзини олиб қоқишга уринар эди. Ниҳоят, Қудрат бемехал-

да кириб келишининг асосий сабабини очиқ-ойдин айтди.

— Мен ўша кунги нарсани олиб кетмоқчи эдим...— деди алланечук хавотирланиб.

Холида столдаги конфет тўлдирилган вазага тикилганча хаёл суриб қолди. Қандиллардан таралаётган нопармон ёғдуда юзи жонсиз суратга ўхшарди. Юракни сиқувчи бир неча дақиқа Қудратга жуда узоқ туюлиб кетди. Титраётган бармоқлари билан стол четида ётган сочиқни асабий ғижимларкан, ўзини базўр тутиб ўтирарди.

— Уша куни ҳеч ким сезмадимми?— деди ниҳоят, палағда товuşда. Унинг ранги бўзариб, кўз қорачиқлари кенгайиб кетган, Холиданинг индамай қолганидан кўнглига шубҳа туша бошлаган эди.

— Кўнглингиз хотиржам бўлсин, ҳеч зог кўргани йўқ!— дея Холида ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапираркан, қора тушга бўялган киприклари кўтарилди, нигоҳи унга ўқдек қадалди.

— Хайрият-э!— Қудрат аёлнинг боқишига тоб беролмай, ўрнидан туриб кетди. Столни айланиб ўтиб, елкасидан кучди, ёноғидан ўпди-да, шивирлаб сўралди:— Шу ердами, ишқилиб, ишончли жойдами?

Холида унинг қўлини бўйнидан беозоргина олиб, сочларини тузатган бўлди.

— Қудрат ака, бир нарсани гаплашиб олишимиз керак!— деди мулоийм овозда.

Қудрат жойга ўтаркан, улушини талаб қияпти, деб ўйлаб, шоша-пиша гап қўшди:

— Албатта, албатта, бирга ишлаганимиздан кейин... У ёғидан хавотир бўлманг!

Холида бу гапга эътибор бермади, бир зум қошларини чимириб турди-да, ногаҳоний савол билан Қудратни гангитиб қўйди:

— Олдинги гал келганингизда берган ваъдангиз эсингиздами? Тиззамга бош қўйиб, тиз чўкиб туриб берган ваъдангиз.

Унинг нимага шама қилаётганини дафъатан англамаган Қудратнинг киприклари пириллаб, лаблари гезарди, сўнг эса, оёқ-қўли бўшашиб, бўш қопдек шалвираб қолди. Хотин киши олдида, яна ўз қўли остида ишлайдиган хотин олдида шундай аҳмоқона аҳволга тушиб қолганидан қулоқларигача қизариб кетди. Ночор илжайишга ҳаракат қиларкан, «Хўш, эсимда ҳам дейлик, унинг бу ишга қандай алоқаси бор!», дегандек Холиданинг истеҳзо учқунлари чақнаб турган кўзларига тикилди. Қудратга ғолибона қараб ўтирган Холида кўнглидаги гапни лўнда қилиб айтди-қўйди:

— Пулнинг ҳаммасини тўйимизга ишлатамиз!

Қудрат ток урган одамдек сапчиб ўрнидан туриб кетди. Холиданинг тепасига қандай бориб қолганини ҳам, ўтирган стули чалқанча ағанаб, гиламга гурсиллаб тушганини ҳам сезмади. Кўзларига қон қўйилиб, оғзидан кўпик аралаш узуқ-юлуқ товuş отилиб чиқди:

— Қанжиқ! Сен менга... мени... ҳали сен... аҳмоқ қилиб...

Пинагини ҳам бузмай ўтирган Холида ғазаб билан бошини кўтарди ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб Қудратга ўқталаркан, кескин овозда деди:

— Жойингизга ўтиринг, қаерда турганингизни унутиб қўйганга ўхшайсиз! Менга онам ҳам қаттиқ гапирмаган, сиз ҳали менга...

Қудрат унинг боши узра ярим эгилганча қотиб қолди. Икки бир туйғу унга аёл тимсолидаги бу алвасти билан олишиш бефойда эканини айтиб турарди. Унинг кўзига муштипар онаси, сингиллари, оғироек, мулоийм хотини кўриниб кетгандек бўлди. Аста қаддини ростлар экан, «Шошмай тур ҳали! Бари бир қўлимда ишлайсан-ку, сен билан бошқача ҳисоб-китоб қиламан! Сўғимга бош уриб, ўзинг икки қўллаб келтириб бераман!», деган хаёлда ғазабини босди. Шартта бурилиб, эшикка йўналган эди, Холиданинг зардали буйруғи жойида таққа тўхтатди:

— Эртагаёқ хотингиздан ажралишга ариза берасиз!

Қудрат бор иродасини ишга солиб, ўзини аранг тутиб тураркан, тишлари ғижирлаб кетди.

— Ҳеч қачон, ўлсам ҳам ариза бермайман!— деди у деярли бақириб.

Энди Холида сапчиб ўрнидан туриб кетди. Сочлари тўзғиб, аламдан титраб-қақшаган юзлари қўрқинчли тусга кириб, Қудратга яқинлашаркан, қўлларини белига тиради:

— Шундақами, энди мендан кўрасан!— дея қичқирди юмдалашишга ташланаётгандек.— Эртагаёқ барча қилмишларингни тегишли жойга бориб айтаман! Хотинчанг ҳам билиб қўяди, қаерларда ётиб юрганингни!

Бу сафар Қудрат ўзини тутиб қололмади. Қандай қилиб Холиданинг гарданига мушт солганини ҳам, эшиқдан ҳовлиққанча кириб келган унинг онасини қандай туртиб юбориб, кўчага отилиб чиққанини ҳам сезмай қолди. Фақат, чинни идишларнинг жаранглаб сингани ва орқасидан йғи аралаш қарғиш овозлари эшитилгани аранг эсида, холос.

Қудрат қарахт одам каби ярим кечагача кўчаларда санқиб юрди. Ҳаво совуқ, битта-яримта қор учқунлай бошлаган. У плашининг ёқасини кўтариб, бошини елкалари орасига торганча, ўз ёғига ўзи қоврилди. Икки чаккаси лўқиллаб оғир, юрак уриши ҳам бежо эди. Негадир уйга оёғи тортмас, узоқ-узоқларга бош олиб кетгиси келар, бу ёруғ дунёда ўзини ортиқча, ҳеч кими йўқ ғариб химсадек ҳис қилар эди. Кейинги кунларда рўй берган воқеалар — чандиқ юзли қария ҳузуридаги суҳбат, Холида билан чигаллашиб кетган муносабат ва ниҳоят — ўғрилиқ... Буларнинг барчаси сал бўлса-да, унинг кўзини очган, ҳаётига, турмушига чуқурроқ назар солишга мажбур қила бошлаган эди. Савдога ишга жойлашганида энтика-энтика орзу қилганлари ўткинчи бир ҳавас эканини, инсон у нарсаларсиз ҳам тинч, бахтли ҳаёт кечирishi мумкин эканини илк бор ҳис этди. Бахт деган нарса бойлик, шоҳона, уй-жой, амал эмаслигини, инсон атрофдагиларга очик юз билан, покиза виждон билан қарай олса, шунинг ўзи бахт эканини кечикиб бўлса-да, англаб етганга ўхшарди. Бундан кейин қандай яшаш, дунёда келаётган фарзандининг, хотини ва муштипар онасининг кўзларида ёш кўрмаслик учун қандай йўл тутиш керак — ана шу изтиробли ўйлар оғушида у улкан шаҳар кўчаларида кетма-кет сигарета тутатганча ёлғиз кезиб юрарди.

Вақт ярим тундан ошди. Совуқнинг забти хиёл бўшашган бўлса ҳам, учқунлай бошлаган қор осмонни тўлдириб, расмана ёғишга ўтди. Шаҳар кўчаларида ҳеч ким кўринмас, онда-сонда энгил машиналар «кўзи»дан ёғду сочганча, олд ойнасини қордан тозалаётган ингичка чўткаларини ғижирлатиб ўтиб қолади. Бир зумда ер юзи оппоқ кўрпага ўралди — куз ўз ўрнини қишга бўшатиб берган эди...

Қудратнинг оёғидан нам ўтиб, эти увишди. Тушдан бери ичига ҳеч нарса кирмаганидан, баданида титроқ турди. Қани энди, ҳеч нарсани ўйламай, иссиқ ўринда ўралиб ётса!

Катта йўлда яшил чироғи милтиллаб келаётган такси Қудратнинг кўча юзига чиққанини кўриб, секинлаб ёнида тўхтади. Қотмадан келган, фуражкасини қошигача бостириб олган шофёр қаергалигини ҳам сўрамай, счётчикни шик этиб буради-да, уни суҳбатга тортди:

— Зап сайр қиладиган бую бўляптими, қорнинг ёғишини қаранг!

Иссиқ кабинага кирган Қудрат елкаларини силкитиб, оёқларини тапиллатиб қўйди.

— Нимасини айтасиз,— деди қўлларини бир-бирига ишқаб, «куҳ-куҳ»лаб кўяркан.— Иссиқ кийиниб олиб, тонгача юрсангиз!..

Унинг юпун плаши, қизариб кетган юзига кўз ташлаб олган шофёр ҳазил оҳангида гап қистирди:

— «Юзта»ни отиб олиб, денг!

Бу гапни эшитиб, Қудратнинг юз грамм ичгиси, сўнг мириқиб иссиқ овақат егиси келиб кетди. Лекин, ярим кечада қаерда қўйиб сотади? Уйда эса, онаси ароқ сақлашига тамоман қарши. Қачонлардир бир дўсти айтган гап ёдига тушди: «Аэропорт ресторани тонгача очик бўлади!»

Қудрат излаган нарсасини топгандек хурсанд бўлиб, ёнига ўгирилди. Унинг нимадир демокчи бўлганини сезган шофёр савол назари билан қаради:

- Қаерга ҳайдай?
- Аэропортга!

\* \* \*

Иккинчи қаватга жойлашган шинамгина ресторанда одам сийрак. Қудрат чеккароқдаги мрамар устун ёнидаги столни танлади. Ярим ёритилган зал бурчагида мизғиб ўтирган баланд бўйли, сап-сарик сочли официантка бир зумда у буюрган нарсаларни муҳайё қилди-да, яна жойига қайтиб, иягини кафтларига қўйганча ўтирганларни кузата бошлади.

Иккинчи қадахдан сўнг Қудратнинг бадани яйраб, фикри тиниқлашди. Шўрвани ҳузур қилиб ичди-ю, қовурилган жўжага навбат келганда, негадир иштаҳаси бўғилди. Официанткани имлаб, яна икки юз грамм коньяк чақиртирди. Аммо, қадахни лабига олиб борганда ўқчиб кетдию қайтариб столга қўйди. Бир хўплам «Тошкент суви»дан ичиб, сигарета ёндирди. Босиб-босиб, қўроғиранг тутунни ичига тортар экан, хаёли яна Холидага оғди: «Бузуқ, бошлаб қўлга туширди, лекин. Даъво қилиб кўр-чи, ўзингни қаерда кўрар экансан! «Мени мажбур қилди», деса, тамом-вассалом! Бунинг устига, уйига бориб жанжал кўтарганинг учун... Бирдан-бир йўл — пулдан воз кечиб, узр сўраш, оёғига йиқи-лиш. Йўқса, оилам ҳам бузилади, ўзим ҳам... Худо кўрсатмасин! Қандай қилиб бўлса ҳам Холиданинг оғзини юмиш керак, камомад эса ўғриларга юкланиб турибди. Улар қўлга тушадими, йўқми?! Унгача ишдан бўшайману оддий қоровуллик қилиб бўлса ҳам беғалва яшайман, у ёғи яна бир гап бўлар... Балки, бирор ҳунар ўрганарман. Қурилишда ҳам маош ёмон эмас, дейишади. Янги уйга кўчиб ўтиб, янги ҳаёт бошлаш керак! Етар ўт билан ўйнашганим!»

Қудрат боши узра момақалдироқдек гўмбурлаб, даҳшат солиб турган ғалвалардан қутулган, қандай яшаши ҳақида ҳаёл суриб анча ўтирди. Руҳи энгиллашиб, хиёл гандираклаб ўрнидан турганида соат тунги учдан осган эди.

Ташқарида ҳаво очилиб, совуқ кучайган, осмонда битта-яримта юлдузлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Аэропорт ёнидаги бекатда иккита такси йўловчи кўтиб турар, аммо шофёрлари кўринмас эди. Балки сал бўлса ҳам мизғиб олиш учун ўриндиққа чўзилишгандир. Қудрат хаёл оғушидами ёки охириг ичган қадахлари энди таъсир қила бошладими, қарама-қарши томонга қараб гандираклаганча йўл солди. Қанча юрди, қаергача борди — эслай олмайди. Фақат, текис қор устида нимагадир қоқилиб мунки кетганини, кимлардир қўлтиғидан кўтариб, машинага «олишаётгани»ни тушида кўраётгандек элас-элас хотирлайди...

\* \* \*

Тонг қоронғисида пештоқига «Хушёрхона» деб ёзилган бино дарвозасидан чиққан Қудрат қай томонга юришини билмай совуқдан ғужанак бўлганча бир оз гарансиб турди-да, таваккал қилиб ўннга бурилди. Тунги аёздан ер яхлаган, оёқ тийғанади. Тунука томли қатор уйларнинг мўрисида чикқан қуюқ тутун кукка ўрлайди. Кўчаларда аҳён-аҳёнда учраб қоладиган дайди итлар ҳам кўринмайди — шаҳар ҳали уйқуда.

Қудратнинг оёқ-кўли увишиб, бадани қалтирарди. Кўнгли айниб, ўқчишга ҳаракат қилиб кўрди — фойдасиз. Лаблари титраганча шаҳар марказини мўлжаллаб бораркан, ичида ўзини ўзи койирди: «Кейинги икки юзта ортиқчалик қилди... Аҳмоқ бўлмасам, официантка ҳисоб сўраганда тўлаб, чиқиб кетишим керак эди. Совуқни баҳона қилиб, яна ичиб ўтирибман-а! Ҳа, хомкалла! Шунча ғалва камлик қилаётгандек... Жаримасини тўлаганим ҳам майли, идорага ёзса, нима деган одам бўлдим?! Узи менга бирор нарса бўлди шекилли, кетма-кет қоқилаяман!.. Уйдагилар нима қилди экан? Холида дод солиб борган бўлса-я! Онамнинг, хотинимнинг юзига қандай қарайман? «Уғри», «бузуқ», «пиёниста» деган лаънат тамғалари бирданига пешонасига ёпишган одамни улар қандай қилиб «ўғлим», «эрим» деб атай олишади? Қайси юз билан кўча-кўйда бош кўтариб юришади?! Узим-чи, ўзим?!»

Миясида ғужғон ўйнаётган саволларга жавоб тополмай, Қудратнинг фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Охири, ҳеч нарсани ўйламай қўйди, бошини плашининг ёқаси ичига тортганча, қарахт одамдек қадам ташлаб кетаверди. Умрида кўрмаган уйлар оралаб, баланд-паст кўчалардан ўтиб, бирор соатдан сўнг таниш мақбара ёнидан чиқиб қолди. Атрофига яхшилаб разм соларкан, чандиқ юзли қария истиқомат қиладиган ҳужранинг орқа томонидаги жинкўчадан чиққанини пайқади. Ҳужра эшиги ёнида бозор қоровули иккита деҳқонсифат одам билан гаплашиб турарди. Бир йўрта бўйли, бошидаги эски дўпписининг устидан қийқчани салла қилиб боғлаб олган, иккинчиси эса — гавдали, қора тўн кийган, белига қиндор пичоқ таққан киши. Қудрат қирғизча телпак кийган қоровулни яхши таниганидан тортинмай бориб саломлашди. Уларнинг юзидаги ачинаш ифодасини кўриб, «Нима гап», дея сўрамоқчи эди, ҳужра ичидан оқ халат, оқ қалпоқли, кичкинагина сумка кўтарган миқтигина эркак билан милиция формасидаги Қўчқоров чиқиб келишди. Оқ халатли киши уларга эътибор ҳам қилмай, сўзида давом этди:

— ...дозеси ошиб кетган, афтидан, биринчи бўлакнинг таъсири билан кетма-кет яна истеъмол қилган. Натижада... ерда сочилиб ётган қоғоз парчаларини кўрдингиз-ку! Қорадори ўралганини кўрсатиб турибди! Капитаннинг чехраси тундлашиб борарди.

— Қаердан топади булар, ҳайрон қоласан?! — дея куйиб-пишиб гап бошлади у. — Ҳалиям пул учун одамларни заҳарлашдан тоймайдиганлар бор орамизда! Қани энди, иложи бўлсаю...

У, ортиқча гап айтиб юбормадимми, дегандек, сўздан тўхтаб, атрофга кўз ташлади. Қудратга нигоҳи тушаркан, бош силкиб саломлашган бўлди. Қаттиқ уф тортиб, ҳасратини врачга тўкиб солди:

— Бир ҳафта ичида иккита «ЧП», иккаласи ҳам менинг навбатчилигимга тўғри келса-я! Олдинги гап, — дея Қудратга ишора қилган эди, врач қизиқсиниб унга ўгирилди, — бу йигит ишлайдиган дўконга ўғри тушди. Қанча ғалва, чоп-чоп билан кеча кечқурун тутиб келишди. Кимлар экан денг?! Она сути оғзидан кетмаган икки тирранча бир шиша вино ичиб, деворни тешишган. Иккита қонга оқибордеги пойбазаллардан сиққанича тиқиб, тўрт қаватли уйларининг чордоғига обориб бекитишибди. Уларнинг фикрича, бу — қаҳрамонлик! Мени эса...

Қудрат гапнинг давомини эшитмас, бақрайганча қоғтиб қолган эди. Қанча турганини билмайди. Бир пайт



Келгуси сонда «Қалдирғоч» рубрикасида Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВнинг «Тўсиқ» деган ҳикояси эълон қилинади.

ўзига келганида, Қўчқоров нарироқдаги «Тез ёрдам» машинаси олдида врач билан хайрлашмоқда эди.

— Одам олasi ичида, мол олasi сиртида, деб тўғри айтарлар!— дея қора тўнли, қирғизбашара дехқон ҳамроҳига сўз қотди.

— Бўлмасам-чи! Беш қўл, барабар эмас,— деб ҳамроҳи унинг галини маъқуллаб, тирсагидан тутганча йўл бошлади.— Кўп одам охиратини ўйламай қўйди! Бундайларни кўрганда, «Тавба», деб ёқа ушлайсан, холос...

Қоровул «Тўғри», дегандек бош силкиб, уларнинг орқасидан қараб қоларкан, Қудратга кўз ташлади. Унинг оппоқ оқариб кетган юзи, титраётган лабларидан, совуқ ўтган бўлса керак, деб ўйлади-да:

— Енгил кийинган экансиз, энди бошланг юриб бўлмайди, ўғлим! Ишхонангиз олдидаги чойхонага кириб, қайноқ-қайноқ чой ичинг,— деди меҳрибонлик билан.

Қудрат «Хўп», дейишга ҳам ҳоли келмай, қоровул айтган чойхона томон эмас, аксинча, тескари тарафга қараб юрди. У энди на совуқни, на ён-веридан ўтаётган одамларни сезар, на машиналар товуши қулоғига кирар эди. Кўз олдида дам чандиқ юзли қария, дам илжайиб турган Холида, дам букчайиб ўтирган онаси ва огироёқ хотини пайдо бўлар, дам капитан Қўчқо-

ровнинг ташвишли сўзлари қулоғи остида жаранглаб кетар эди. Қудрат қаёққа, нима мақсадда кетаётганини билмас, оёқларини судраб босганча, сурғалиб бораркан, кимсасиз саҳрода адашиб, ўзини тақдир қўлига топшириб қўйган йўловчига ўхшарди. Уткинчилар юпун плаш кийган, бошланг, тўзғиган сочлари пешонасига тушиб турган, ранги докадек оқ, аммо лаблари кўкариб кетган, озғин бу йигитнинг орқасидан ачиниш билан қараб қолишарди.

Қудратнинг кўз олдидан бирин-кетин ўтаётган одамлар ўрнини туйқусдан ярақлаб турган тилла коса эгаллади. Коса тубида эса — кўз сурати. У Қудратга масхараомуз тикилар, сезилар-сезилмас айланаётган қорачиғи ичида ожизгина шуъла йилтилар эди. Тўсатдан қорачиқ кенгайиб, шўх неварасини етаклаб келаётган таниш, нуроний кампир пайдо бўлди. У тобора катталашиб бораркан, бирдан яшариб, қўлида қип-яланғоч чақалоқ кўтариб олган Муқаддамга айланди. Чақалоқ кўл-оёғини типирчилатганча қиқирлаб кулар, онаси кучоғидан отилиб чиқмоқчидек, кимгадир талпинар эди. У бирдан жажжи қўлчаларини олдинга чўзганча, «Мени ол!», дегандек қотиб қолди... Қудрат жон-жаҳди билан гўдак сари интилди. У эса жилмайган кўйи, нур сочаётган қуёшга айланиб, енгиб бўлмас куч билан ўзи томон янада кучлироқ чорлай бошлади...



В. АПУХТИН. «Ўзбек халқ мақол ва маталлари» китобига чизилган суратлар.



Юсуф ЖУМАЕВ

*Назаримда, ижодкор учун асосий фазилат — беҳаловатлик, курашчанлик, ҳақғўйлик, фидойилик. Бухоронинг Қоракўл районида муаллимлик қилувчи Юсуф Жумаев шеърларини ўқиб, уларда мен шу фазилатлар ифодасини кўрдим. Беҳад қувондим. Республика матбуотида шеърлари билан илк бор чиқаятган Юсуфжоннинг юрак сатрларини ўқиган шеърхонлар ҳам менинг қувончимга шерик бўладилар, деб умид қиламан.*

*Беҳаловатлик, фидойилик сизни ҳеч қачон тарк этмасин, Юсуфжон!*

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

## Ватан

Ватан тўрт нарсадан иборат экан:  
Ғурур, туғилган жой, она тил, эрдан.

Туғилган маъвонгда вужудинг яшар,  
Қудратинг ғурурда муқим муқаррар!

Она тилда яшар қалбинг устивор,  
Эрда камолотинг яшар барқарор!

Шулардан биттаси бўлмадим, бас,  
Демак, ўша Ватан мукаммал эмас!

Дилимда ҳар қачон ёлғиз армоним:  
Мангу мукаммал бўл, Ўзбекистоним!

## Ҳақиқатнинг

### ОЛТИН ОЛМАСИ

Эртанда қаҳрамон айлади адо  
Ёлғончи зотининг ҳамма-ҳаммасин.  
Муродга муяссар шу боис ботир  
Топди ҳақиқатнинг олтин олмасин.

Ёлғончи бор экан — йўқ эди имкон  
Табаррук олмани қўлга олмоққа.

Покиза гўдакка тўйиб боққандек  
Олмага бемалол назар солмоққа.

Битта истак менга бермайди ором,  
Қум заррасин тинчин бузгандек шамол.  
Ёлғончи зотини адо айласак  
Ва олтин олмани кўрсак бемалол.

Тоғларни қоплаган қалин қор мисол  
Дунёни қоплаган сўнгсиз ёлғонлар.  
Ёлғончи дунё, деб атаган ночор  
Ёлғонлардан зада софдил инсонлар.

Қурол не даркор деб, сўйлаб ёлғондан  
Кимдир пойга учун чекмоқда имзо.  
Мушук дастидаги қуш боласидек  
Бъзан ёлғончининг қўлида дунё.

Оддий одам эмас, президент ахир  
Майда ёлғонлардан сўйламай, майли.  
Ўт тушган хашақдан ёнган диёрлар  
Ёлғончи туфайли, ёлғон туфайли.

Табаррук олмани кўрардик бешак  
Ёлғончи зотининг битса ҳаммаси.  
Улардан қутулган, уларсиз қолган  
Замин — ҳақиқатнинг олтин олмаси!

## Бажарилмаган фармон

Абдулатиф сўйлар беомон:  
«У ўлмаган, ҳолимиз ҳароб.  
Китобларин ёқинг шу замон,  
Улуғбекдир ҳар битта китоб».

— Шоҳим, ёқдик!  
— Бир назар солинг.  
У ўлмаган ҳали барҳаёт.  
Шогирдларин бошини олинг,  
Улуғбекдир ҳар бири, ҳайҳот!

— Бажарилди «муқаддас» фармон,  
Замон берди уларга оғу.  
Йўқ ўлмаган, қаранглар осмон —  
Осмон эмас, Улуғбекдир у.

Юлдузларни ўрганар ҳамон,  
Жаллод, қулат — ёйдан ўқ отиб.  
Осмон эса мағрур, беармон,  
Ахир, уни бўлмас йўқотиб.

## Қиз узатган она

### қўшиғи

Тунлар қуёш каби уйқум бедарак,  
Ётоғингга боқдим... турибди бўм-бўш.  
Лекин юрагимда ўзга бир истак:  
Сен тушган жойингга бир тоғ бўлиб туш.  
Севинчдан кўз ёшим лим-лим, қизгинам,  
Яшасанг тоғ каби муқим, қизгинам.

Ҳаётнинг инъоми — сенсан, фарзандим,  
Сени алишмасман минг ҳумо қушга.  
Эй, қалбим парчаси, суюк дилбандим,  
Етар: кириб турсам сен кўрган тушга.  
Оқ сутим қўлласин, сени, қизгинам,  
Иқболга йўлласин сени, қизгинам.

Аёл толенда иккита ватан:  
Бири тўкилган жой киндикнинг қони.  
Бири қанча-қанча армонлар билан  
Келин бўлиб тушган қутлуғ ошёни.  
Ғафлат шаробидан ичма, қизгинам,  
Бири деб биридан кечма, қизгинам.

Табиб табиб эмас, дард чеккан табиб,  
Ҳаёт йиғлатса ҳам фарзанд кулдирар.  
Дунёда бўлолмас барча дўст-ҳабиб,  
Бахтнинг келтиги кўп, фарзанд тўлдирар.  
Фарзандинг бир этак бўлсин, қизгинам,  
Пешонангга ойлар кулсин қизгинам.

Муҳаббат нимадир! У юлдуз эмас,  
У қалбни юксакка кўтарган ғурур.  
Муҳаббат нимадир! Оддий сўз эмас,  
У тандаги олов, кўзлардаги нур.  
Қалбинг ғурурини асра, қизгинам,  
Кўзларинг нурини асра, қизгинам!

Ёр бўлмоқ бировга осонмас бешак,  
Ҳамдард бўл, ҳамкасб бўл, унутма бир зум.  
Йиғласа — кўздаги ёш бўлмоқ керак,  
Кулса — лабдаги майин табассум.  
Бошқача ёр бўлмоқ ордир, қизгинам,  
Инсоннинг дилкаши ёрдир, қизгинам.

Десанг: онам бўлсин бедард, беармон  
Ҳамда бу дунёдан ўтмасин нохуш.  
Пок яша, мард яша яна болажон,  
Сен тушган жойингга бир тоғ бўлиб туш.  
Севинчдан кўз ёшим лим-лим, қизгинам,  
Яшасанг тоғ каби муқим, қизгинам!

## Чақинлар

Келмоқда ларзага замин ва осмон,  
Бир нафас қадалсин кўкка нигоҳлар,  
Гуноҳқор зотларга бўлиб беомон,  
Келмоқда чақинлар — буюк арвоҳлар.

Бир оёғи ерда, бири самода  
Мажнуннинг арвоҳи мағрур юради.  
Кимдир эрмак билар ишқини дунёда —  
Ошиқнинг арвоҳи уни уради.

Ғийбат бандалари учрайди гоҳо,  
Ажаб, излайдилар ҳатто нурдан чанг.  
Улим тўшагида энг сўнги Яго —  
Отелло арвоҳи зурмоқда, қаранг!

Шеър нима — юракка сиғмаган севинч,  
Шеър нима — юракка сиғмаган алам,  
Алишер арвоҳи қўярмиди тинч,  
Кимдир нафс йўлида ушласа қалам.

Қоча олмас ҳатто бўлса ҳам худо,  
Арвоҳлар дастидан ҳеч пайт айбдор.  
Улар чарх уради, ахир, ердан то —  
Кўкка қадар тиклаб олов билан дор.

Чили, асло бўлмас толеинг забун,  
Ҳақиқат деганнинг бахти мангу пок.  
Минглаб сальвадорлар арвоҳи бугун  
Фашизм бўйнига солмоқда сиртмоқ.

Кураш майдонида буюклар ҳамон,  
Адолат ғамидан буткул огоҳлар.  
Гуноҳқор зотларга бўлиб беомон,  
Кезмоқда чақинлар — қутлуғ арвоҳлар.

## Аёлларга илтижонома

Қўлингизда эмас балки бу очун,  
Балки самовий нур ё тонг юлдузи,  
Лекин мавжуд экан токи чархи дун  
Сизнинг қўлингизда эркаклар юзи!

Аёл жони қайда, билмадим, лекин  
Йигитларнинг жони юзида бўлар.  
Ерга қаратсангиз уларнинг бетин,  
Бейўлдош, бенажот оққушдек улар.

Сизнинг садоқатдан уларга камол,  
Дўст-душман ичида юзлари ёруғ.  
Сизнинг хиёнатдан уларга завол,  
Юзлари — мисоли ерда ётган тўғ.

Аёллар, аёллар! Сизга илтижо,  
Ерда қолдирмангиз сўзларимизни:  
Майли, ҳажр ўтида ёндиринг, аммо  
Асрай олсангиз, бас, юзларимизни,

Мақсуда ЭРГАСHEBA

## Шеър битилган рўмолча

\* \* \*

Кичкина болакай сўқмоқдан  
Келмоқда укасин опичиб,  
Совқотган кўллари енгига  
Бултурги қорақиз ёпишиб.

Укасин кўлида дўпписи,  
Ичида бир сиқим кўк ялпиз.  
Гўёки дўппида қолмоқда  
Навбахор таратиб ширин ис.

Йўловчи, бир лаҳза шошмагин,  
Упиб қўй болани тўхтатиб.  
Ахир у ҳаммадан илгари  
Топибди баҳорни ахтариб.



\* \* \*

Бир чечак — тошларнинг остида,  
Шамоллар изғийди қасдида.  
Усибди. Билмадим, не оти.  
Қирмизи гуллари кўнғироқ.

Тошларга кечалар шамчиरोқ —  
Бўлмоққа етибди саботи.  
У соқов тошларга ягона —  
Ҳаёткашф баҳордан нишона —

Бўлдию тугади ҳаёти.  
Тошларга у қисқа умрида —  
Яшил барг, қирмиз гул тилида —  
Кўйлади тириклик баёти.

## Она тилим

Бир япроқ томчи сув ё сиқим тупроқ —  
Сингари бағрингда митти юракман.  
Тупроқ — нон, сув — ҳаёт, нафасдир  
япроқ.  
Эй ватан, мен сенга нечун керакман!

Эҳсонман сенга бир мунис онадан,  
Балки оқ тилакман оппоқ дилидан.  
Тилакман, демак сўз бўлмоғим керак,  
Сўзламоғим керак унинг тилидан.

Мен учун ҳар бир сўз — бир шеър  
туюлур.  
Мен учун ғазалдир ҳар битта ҳижо.  
Оҳанги шеър бўлиб қалбга қуйилур,  
Бу қутлуғ тил билан сўзланган дунё.

\* \* \*

Инсон учун ер шар — Ватан  
Ва жамийки инсон — ватандош.  
Шундай буюк саховат билан  
Онамиздир ягона кўёш.

Синглингдирман мен сенинг, Чили,  
Синглингдирман сенинг, Фаластин.  
Шеър битилган рўмолчам билан  
Боғлаб қўяй қалбинг ярасин.



Журналнинг май сонида ёш шоир Малик ЭГАМОВнинг  
шеърларини ўқийсиз.



# ХОНАДОН

Алесь ЖУК

ХИКОЯ

**С**емён кенжа ўғлини эсламасликка тиришар, қиш оқшомлари Гэляка хаёл суриб, «Боёқиш Павлигимиз қандоқ юрган экан-а? Бегонадек бўлиб кетди», дея оҳ-воҳ қилиб қолса, Семён бир ўқрайишда хотинининг нафасини учирар эди.

Семённинг икки катта азамати қўшни қишлоқларга жойлашиб қолган. Козя кейинчалик тракторчиликка ўқиди, Иван эса қурилиш бригадасида дурадгор. Буниси отасига тортди: паст бўйли, абжир, буғдойранг, зангори кўзлари ўйнаб туради, меҳнаткаш, тиниб-тинчимас. Кенжатоё Павлик бўлса бўйчан, қайини новдасидек хушбичим, вазмин чиқди. Кичкиналигидан овга ишқибоз эди. Гоҳо китобини қўлтиқлаб ўрмонда йўқолиб кетарди. Таъна-дашном эшитганда кўрслик қилмас, сал кулимсираб кўярди-ю, яна ўз билганидан қолмас эди. Шу бола геологликка ўқимоқчи бўлганида Семён дўқ-пўписа билан уни шаштидан қайтаришга уринди, аммо ўғли, уйдан қочиб кетаман, деганча туриб олди. Боланинг кўзларидаги сарқош илтижони кўрган Семён уни турнанинг кўзидан уриш ниятида тупроғини тарк этяпти, деб ўйламаса ҳам, ҳар қалай, юмшади. Семённинг ўзи кичкиналигидан деҳқончилик билан шуғулланар, шу билан тирик эди, ердан юз ўгирганларни эса жини суймасди. Уғлининг мўмай пулга тузоқ қўйиб, дабдабали турмушга талпинганидан баттар азият чекарди.

Унинг кетиб қолганига ҳам кўп йиллар бўлди. Уқишга муқкасидан берилиб, уйда атиги икки марта кўринди-ю, отаси уни ҳануз кечирмоганини пайқаб, оёғини узиб кетди.

Уғли хотини билан қўйди-чиқди бўлганини эшитган Семён тўнини бутунлай тескари кийиб олди: боёқиш ўзини қаёққа уришни билмай, ичкиликка ружу қилди.

Аммо, шу баҳордан бери Семён кенжасини тез-тез эслар, Гэля ўғлидан сўз очганда унга ўшқирмас эди, гапни эшитмаётгандек индамай ўтираверарди. Нималар бўлаётганини ўзи ҳам билмас, бироқ мадори кўриб, қариллик кучини кўрсатаётганини англаб турар эди.

Бод касали қишдаёқ Семённинг сариштасини олиб улгурган эди. Бир кўни офилхонада куймаланиб юриб, болтасини икки марта силкидию белидан товонигача зирқираб кетди. Кулбасига базўр эмаклаб келди. Гэлянинг ёрдамида печкага чиқиб ётди, аммо оғриқ босилмади. У бир неча кун бели ва оёғини қиздириб, бўрсиқ ёғи билан мойлади — дарди сал пайсиди; таёққа суяниб, тўшакка алпанг-талпанг юриб келадиган бўлди — қимирламай ётаверганидан аъзои бадани мўрт бўлиб қолган эди. Орадан бир ҳафта ўтганда Гэля отни аравага қўшиб, Семённи касалхонага элтди. Бу ерда уни бир ойдан ортиқ укол қилишди, турли чироқлар билан қиздириб, даволашди.

Уйга қайтгач, соқолини олиш учун ойнага рўбарў бўлди-ю, ўзини таниёлмай қолди: ранг-рўйи бир аҳвол, ингичка, қизғиш томирли ияклари сўррайган, чақчайган кўзлари нурсиз, бутун вужуди қуриб-қовжираб қолгандек эди.

У чуқур дарз кетган ёғоч деворни эркалаб қиздираётган баҳор кўёшида ўзини тоблаб ўтиришни, боғда ёки томорқада куймаланиб, сарғиш майсаларнинг қор кетар-кетмас қад ростлашга интилиши, сўнг кўзни қамаштиргудек яшнаб кетишини суқланиб томоша қилишни ёқтирарди; қачонлардир Павлик боққа осиб қўйган чуғурчўқ уясини ҳам топиб олди. Семён ўшанда уяни бузиб ташлаган эди — олчаларни қийратсин деб шу зормандаларни кўпайтириш етмаётувди ўзи! Энди эса, ўлчаб иккита янги ин ясади-да, олмага осиб қўйди, эрталаб улардан бирига чуғурчўқ айла-нишиб, ҳуштак чалган эди — томоғи остидаги патлари диккайиб кетди; Семён деразадан Гэляни чақирди:

— Бу ёққа кел!

Хотини печкадан товадастани кўтарганча остонага чопиб келиб, кўрқа-писа сўради:

— Тинчликми? — Гап нимадалигини билгач, жаҳл билан тупурди: — Э, қилигинг бошингдан қолсин! Чалпагим куйиб ётибди-ю, сен бўлсанг, болагингни қўймай!...

Семён ўзига нималар бўлаётганига ўзи ҳам ҳайрон, бу ҳаммаси

Расми Р. КАМОЛОВА чизган.



кексаиш аломати эканига, қариллик уни бами-соли муросага чорлаётганига, кўрган-кечирганларининг, нима савоб ишлар қилдию нима гуноҳлар қилганининг сарҳисобини бериш фурсати етганига ишонгиси келмас эди. Мабодо, пала-партиш, фақат ўз ҳузурини ўйлаб, одамларнинг дилини оғритиб яшамадимикан? Унақада хотиржам бўлиш ҳам қийин, ўзингни салпал оқлаб олиш учун бир умр ёруғ жаҳонга зуғум қилиб, ҳасрат-надомат чекиб ўтасан. Фишт қолипдан кўчгандан сўнг бошингни қанчалик тошга урма — фойдаси йўқ! Башарти, ҳаётда кўпроқ рўшнолик кўрган бўлсанг, янада поқроқ яшагинг, бутун умрингга сайқал бергинг келадди.

Балки шу туфайли Павлик эсига тушиб, кўнглидаги эски яра янгилиниб кетдимикан: сен, отаси, ўғлингни тузуқ-қуруқ билмайсан, ундан ўзингни тортидинг, энди у билан дийдорлашиб, суҳбатини олиш тагин насиб этадимми сенга? Гапларинг қовушармикан?

Семён кечкурунлари узоқ ўтириб газета ўқирди. Кўзлари хира тортиганидан, дағал илга қўшалоқ қилиб боғланган кўзойнакни бурнига қўндириб, чироқни шифтдан нақ столгача тушириб оларди. Кўзлари толиққанда радиони бураб кўяр, фақат музыка эмас, бегона тилдаги гуфтуғуларни ҳам эринмай тинглар эди.

Алла-паллада ухлагга ётиб, каллан саҳарлаб туриб кетар, инқиллаб-синқиллаб, йўталиб, уйда ғимирлаб юрар, Гэляка эса тўнғиллар эди:

— Қушуйку бўлмай кет! Ўзиям ухламайди, бошқаниям ухлатмайди!

— Вақт ҳам бўпқолди...

— Вақт эмиш! Ҳаловатинг йўқолган сенинг!..

Семён оҳиста ҳовлига тушади, сўнг ҳувиллаган, шабнамдан намхуш сиренлар, четан девор атрофидаги, нимаси биландир, уйқудан эндигина кўз очган уй бекасининг пахмоқ сочларига ўхшаб кетадиган ўтўланлар ўсиб ётган кўчага чиқади; пода жўнаган заҳоти дарвоза занжирларининг шақиллаши, челақларнинг қудуқ деворларига тегиб даңғиллаши эшитилади; қўшни хотинлар кўчанинг икки томонидан бир-бирларига қараб сўз қотишади, нам тупроқда оппоқ из қолдириб, велосипед минган бригадир ўтиб кетади; ҳазил-ҳузулга, тамакига ўч эркаклар оддий дафтар варақларига катта-катта ҳарфлар билан ёзилган нарядларни олгани чиқа бошлайдилар — шунда кўча жонланиб, яна кундалик иш-ташвишларга фарқ бўлади.

Семён энди ўрнига чўзилиб, ҳали мудраб ҳам улгурмадан эдики, эшик қаттиқ тақиллади — бегона одам бировнинг эшигини бунақа урмайди. «Володянинг сигирига бир бало бўлдимикан?», дея қўшнисини эслади Семён. Унинг чарс сигири кундузи подадан қочган, беда еб қорни шишиб қолган эди. Тўғри, Володя кечкурун отга минганча сигирини олдига солиб тоза қувлади...

Семён иштончан даҳлизга чиқиб, эшик тамбасини олди. У олдинига Гэлянинг инқиллай-инқиллай печкадан ҳовлиқиб тушганига ажабланди. Кейин ўгирилиб, ошхонада Павликни кўрди. Уғли ўша ўзи билган Павликка сира ўхшамас — баланд бўйли, кенг елкали, курткиси чироқ нурида ялтирар, шимлари дазмолланган эди. Ҳашамдор туфлиси лойга беланган, ўзи бошланган, сочларини озода қилиб текислатиб, қуюқ соқол қўйиб олган.

Гэляка уйқусираб, талмовсираб, одатича кафтларини этагига артиб, ўғлига қўл узатди, ўғли қўл бермай, онасини қучоқлаб ўлди. Семённинг эса қўлини қисиб, бош ирғаб қўйди ва елкасидан катта, оғир юкхалтасини ола бошлади.

Семён ҳамон қаққайиб турар, нима қиларини, нима дейишни билмас эди.

— Бу нима туриш, отаси! Ҳеч бўлмаса, шимингни кийиб олсанг-чи, яланғоч томоша кўрсатмасдан! — дея эрини жеркиди Гэляка. Семён итоат билан, ҳаяжонланганча жойига қараб юрди.

У ошхонага қайтиб келганда Павел юкхалтасидаги нарсаларни олар, Гэля эса, керогазани ёқиб, омборхонадан ёғ олиб чиққан ва ўғлини саволга тутта бошлаган эди:

— Ҳойнаҳой, охирига автобусга илингандирсан? Ҳат ёзворсанг бўларди, отанг ўзи кутиб оларди.

— Йўл эсимдан чиқмаган, ойи... Мана, қишга деб, сизларга мўйна этик олиб келдим.

— Раҳмат, ўғлим, овора бўлиб нима қилардинг, — деди Гэля қувониб.

— Раҳмат, Павел!

Семён ҳамон довдираб, сира ўзига келолмас, ғалати, пахмоқ пойабзални қўлида айлантириб томоша қилар, эзғилаб кўрар эди.

— Семён, бундай ҳовлиқмай, яхшиси, бориб дастурхонга қарасанг бўларди...

Бу орада ўғил қайта кийиниб олди. У костюм, оқ кўйлак ва галстукда ғирт шаҳарликка ўхшарди.

Товадаги куймоқ ва ёғ столга қўйилди. Гэля чордоқка чиқиб, колбаса олиб келди.

— Куймоқни тарелкага солсанг бўлмасмиди? — дея Семён хотинига дашном берди.

— Бўларди, аммо бунда иссиқроқ туради. Ёки тарелкага солиб берайми, Павел?

— Йўғ-э, қўйсангиз-чи.

— Отаси, бориб карамдан яна бир бош олиб кел, ўғлимиз яхши кўради...

— Коньягим бор эди, — деди ўғил столга ўтиришгач. У энгашиб шишани олди, қопқоғини бураб очди, лекин қуймади — хонадон бошлиғи ўзига яраша қуйиб олишини кутди.

Семён ўғлининг кўнглидагини тушуниб, кулимсиради.

— Қандай шамол учирди, ўғлим?

— Икки ҳафта бекор эдик. Ўйлаб-ўйлаб, жўнавордим.

— Хотининг билан ораларинг қандай?

Семён бу саволидан ўзи ҳам афсусланди, аммо Павел ҳеч нима эшитмагандек, оғиз очмади, стаканларга коньяк қўйди.

— Отангга кўп қўйма. Бир гал Антосяникида ичиб, кайфи ошиб қолган, уйга олиб келяпман-у, бу бўлса, симёғочни кўриб, «Салом, Толя!», деб қаиради, ачоллашмоқчи бўлиб чиранади. Базўр тутиб қолганман. Симёғоч бетондан эди-да, уриб калласини ёрмасин дедим, ёғочдан бўлганида ушлаб ўтирмасдим!.. — деганча онаси завқи тошиб тез-тез гапириб ташлади, ўғли кулди, Семён эса столнинг остидан Гэляканинг оёғини босиб, тўнғиллади:

— Ўзинг ҳам тулкинисога ўхшаб, томоғинг тақиллаб зўрға ўтиргансан ўшанда!

Павел ота-онасига тикиларкан, аччиқ жилмаяр, уларнинг қариб-қартайиб, чўкиб, алланечук болаларга ўхшаб қолишганини очиқ-аён кўриб турар эди. У эса, Сибиридан эҳтимол бошқа қайтиб келмас, буларни триклигида кўриш ортиқ насиб бўлмас — унинг манзили олис, иши ҳам ҳазилакам эмас...

...Семён одатича эрта уйғонди, ўрнидан туриб, ҳайрон қолди: Павел ётган кушетка йиғиштирилган, фақат курси жойида турарди — ўғлига тўшак қисқалик қилиб, уни ана шундай узайтиришган эди.

Курси суянчигига қўйлаги ташлаб қўйилган.

Семён апил-тапил кийиниб, ҳовлига чиқаркан, даҳлизнинг эшигини қия очиб қўйди. Павел ювинмоқда — скамейкадаги сирланган тоғорага сув қўйилган, қизил совундон кўпикланиб турар, ўғли сочиқни белбоғ қилиб, сувдан ҳовучлаб кўкрак ва елкаларига сепар эди. Семён бориб сув қўйиб турмоқчи бўлди-ю, довдираганча тўхтаб қолди: Павелнинг елкасида сал тегса ёрилиб кетадигандек, қинғир-қийшиқ, кўкимтир чандиқ кўзга ташланарди.

Семён эшикни аста ёпиб, уйга қайтиб кирди.


Бир вақт елкасига сочиқ ташлаган Павел кўринди, у ёқимли жилмайиб отасининг рўпарасида тўхтади, шошиб майка, қўйлагини кийди-да, ҳўл, ялтироқ соқолини ҳафсала билан таради.

— Намунча эрта турдинг?

— Урганиб кетганман... Мен бир айланиб келая.

Семён Павелнинг орқасидан дарвозагача кузатиб борди, унинг кўчада қишлоқ чеккасига қараб юрганини, кейин ўрмон томонга бурилганини кўрди.

У ўғлининг эсида қолган ва, эҳтимолки, уни бир



пайтлар олис манзиллар сари етаклаган, эндиликда йўнғичкаю супургигуллар ўсиб, чакалакзорга айланган сўқмоқлар томон кетганини пайқайди. Семённинг дилида эски гинаси ғимирлади: ўғли офилхонага ҳам қарамади, ҳовлисини мундоқ бир айланиб ҳам кўрмади, томорқага ҳам ўтмади — ўрмонга кетди-қолди-я...

Павел қайтиб келганда Гэля юмушларини саранжомлаб, нонушта ҳозирлаб қўйган, қўшниларикига чиқиб келишга ҳам улгурган эди.

— Ганьканикига Марья келган экан. Отаси анча ўсал, туни билан бошида ўтиришибди, эрталабгача жони узилса керак, деб ўйлашибди. Зўрға нафас олаётганмиш... Ешинглар тенгмиди, Семён?

— Мендан бир ёш катта. Бир умр жонини жабборга бериб келди, шўрлик. Болалари бир этак, ери бўлса кафтдеккина. Уйни ҳам ёлғиз ўзи тиклади. Соғлиқ қаердан бўлсин? Болаларини бир ўзи вояга етказди — хотинсиз, сўққабош.

— Ойи, бу ҳалиги Трофим амакими? Кичкиналигимизда роса жигиға тегардик. Боққа кирганимизни кўрса, бақириб-чақириб қувлаб қоларди. Кўрқмасдик, имиллаб етиб келгунича...

— Буни қара, ёшинглар деярли тенг экан, — деди Гэля Семёнга. — Бугун узилса керак... Утиринглар, нонушта қиламиз. Утир, Павел, ўтир.

Семён кўлини чайиб, миҳдаги сочиққа артди, ҳовлида ётган итнинг занжирини шалдиратишига қулоқ тутди. Даҳлизга чиқиб, «Жим ёт», деб унга ўшқирди, сўнг панжара ёнига бориб, ким биландир гаплашдида, тез қайтиб кирди.

— Трофим жон берибди, Гэля. Бориб расм-русумини қилиш керак.

Семён ўғлининг қўллари титраб кетганини кўрди. — Нонушта қилиб олсанг-чи!

Жимгина, истар-истамас тамадди қилишаркан, Павел ўз-ўзидан гапириб қолди:

— Айниқса, новдаларни синдирсанг чидаёлмасди, худди баданида ўсгандай. Бизга дўқ-пўписа қилса ҳам, ғашига тегаверардик.

— Ҳа энди, начора! — Гэля хўрсиниб қўйди.

Трофимни тушдан кейин дафн қилишди.

Олдинда хоч, кейин қопқоғини ҳаволатганча, эркалар изма-из тобутни кўтариб чиқишди. Уларнинг орақасидан бораётган колхоз машшоқлари қорайиб, кўпдан бери тозаланмаган карнайларида пойма-пой, чўзиқ куйни чалишар, катта ва оппоқ янги барабан ҳам бир маромда қаттиқ гумбирлаб садо таратар эди.

Марҳумнинг божалари устига дастурхон ёзиб, нонтуз қўйилган столни ва стулларни кўчага чиқаришди; музика бир неча дақиқага тўхтади, гўё скамейкадаги тобут ҳам тин олаётгандек эди; марҳумни сўнги йўлга кузатуриб, бир-бир бориб пешонасидан ўпдилар.

Семён ҳам тенгдошининг бегона қўл билан авайлаб юмиб қўйилган кўзларини, тиниқ юзини кўрди.

Павел ёнида борарди, Семён ўғлига қараб-қараб қўяркан, унинг хотиржам, айни чоғда эса хаёли паршон эканини сезди, яна кўнглида ғулғула уйғонди.

Қабристон тепалигига элтувчи торгина йўл қайин ниҳоллари орасидан ўтар, оломон ҳам анча кўпайган, тобут олдинда енгил сузиб борар, барабан садо таратар эди.

Тобутни нам, қип-қизил тупроқ устига қўйишди, музика тинди, фақат сассиз ҳиқиллаш-хўрсинишлар қулоққа чалинар, оқшомги ғамбода куёш нурида жилваланаётган, сукут оғушидаги қайинлар, дўмлайган қабрлар бошидаги сийрак, қуруқ ўт-ўланлар кўзга ташланар эди.

— Уртоқ колхозчилар! Бугун биз бутун умрини меҳнатга, колхозимизга бахшида этган, пенсияда бўлишига қарамай, боғимизни парваришлаб, катта фойда келтирган кадрдонимиз Трофим Ивановични сўнги манзилга кузатмоқдамиз... — Парторг олдиндан ёзиб, ёдлаб олган гаплари эсидан чиқиб, тутилиб қолди ва

оҳиста, хотиржам якунлаб қўя қолди: — Марҳумнинг умри меҳнатда ўтди, одамларга, меҳнатга меҳр қўйди, кўкартирган боғи ундан бизга абадий ёдгор бўлиб қолажак!..

Семён Павелга назар ташлади, ўғли аччиқ кулимсираб унга бош ирғади ва дағал жун свитери этагини ялтироқ тўғали кенг камар тақилган солдатча галифе шимининг ичига тиқиб олган ёшгина барабанчи йигитга қаради; йигит жиддият билан, шоша-пиша сигаретини чекиб тугатарди.

Семён тобут қопқоғи қандай миҳланаётганини элас-элас, бегона бир идрок билан туйди, тобут туширилиб, устига нам шағал тўкилганини ҳам кўрди.

Сал бўйинини қисиб, серсавлат, вазмин Павел олдинда борарди; машшоқларнинг бошлиғи барабанчи йигитга ҳали маърака столига ўтиришганда хурмачасига қараб ичишни, чунки яна битта азадор жойга боришлари лозимлигини айтиб, насиҳат қиларди; барабанчи жаҳли чиқиб, сигарет тутатди, елкаси оша чирт эткизиб тупурди.

Семён ўғлига етиб олди.

— Шу экан-да, кўргилик...— деди у ўзича хўрсиниб.

— Ҳечқиси йўқ, ота. У ёққа йўл очиқ... — дея ҳазиллашмоқчи бўлди ўғли, бироқ овози синиқ чиқди. Уғлининг елкасидаги чандиқларни эслаб, Семённи ваҳима босди: эҳтимол, жароҳати азоб бераётгани учун Павел бундай жунжиккандек қотиб қадам ташлаётгандир...

— Павел, елканга нима бўлган?

Уғли бирдан тўхтади, худди ғафлатда қолиб, бирдан ўзига келгандек шоша-пиша гапира кетди:

— Э-э, шунчаки! Тоққа чиққанимизда тош ағанаб... Ҳечқиси йўқ. Аммо, шўрлик оғайним... Онасининг олдига бориб келишим керак. Уша ёққа кетаётган эдим...

У гапини тугатмай, худди қочиб қолгандек тез юриб кетди.

Семён ўғлига зўрға етиб юрарди: эҳтимол, Павел касалхонада узоқ ётгандир, бунақа кўргилик бўлмаганда у ҳозир қайси бир ўрмондами, тоғдами ёки яна аллақаердадир ишда юрармиди...

— Хат ёзворсанг бўларди...

— Нима ҳожати бор?

— Яна бир-икки кун турарсан?

— Эртага жўнайман. Ҳалиги жойга учраб ўтиш керак-да...

Семён бошқа ҳеч нима сўрамади, фақат ўғлидан орқада қолмасликка тиришди.

Кечқурун Павел буғу ва итлар чанага қўшилиши ҳақида гапирганда онаси: «Наҳотки, итлар чанани торта олсал», дея ишонқирамай, ҳайратланди.

Семён ўғлига диққат билан тикиларкан, ҳозир Павлиқнинг хаёли бутунлай бошқа ёқда эканини, онасига ўхшаган ўша кампирга бориб, ўғлидан жудо бўлганини унга қандоқ айтарканман, дея изтироб чекаётганини пайқайди; ўғлининг бақувват қўлларига, пешонасидаги чуқур ажинларга, сочларига инган оқ толаларга қараб, ўғли шу ёшида кўриши мумкин бўлганидан кўра кўпроқ нарсани бошидан кечирганини, ўзи ҳам унга анча-мунча зулм ўтказганларини — энди буларнинг барини бир бошдан айтиб адо қилиб бўлмаслигини англади.

Эҳтимол, ўғли шу кетганича бошқа қайтиб келмас, онаси эса ўғлининг соппа-соғ, башанг кийиниб юрганидан қувониб яшайверади.

Ухлагани ётишаркан, Семён ботиниб ўғлига сўз қотди:

— Павел! Мабодо бирон кори ҳол юз берса, телеграмма бераман...

— Етиб келаман, отажон, етиб келаман, — дея болалик чоғларидаги каби эркаланиб жавоб қилди ўғли. — Келаман.

\* \* \*

Миллион томчилардан яралмиш ёмғир,  
Ажиб сайёрадир ҳар бир томчиси.  
У гуллаб унмоқчи, пишмаган боғдир,  
Қулоққа чалинмас қуш ҳангомаси.

Сирғанчиқ сочларинг узра думалаб  
Кафтинг елканини оромгоҳ этса,  
Ҳовучинг бағрига юлдузни жойлаб  
Ненидир шивирлар томчи оҳиста.

Ташвиш, дард тилига қандай кўчирсам  
Бахтли томчи сўзин, қўшиғи кучин.  
Ялтирай ололсам сочингда мен ҳам,  
Сайёра бўлолсам боғ, қушлар учун...

## Биз

Нима биз,  
Афсонами ёки ҳақиқат.  
Биз — мангулик,  
Лаҳзада фақат  
Қайдан пайдо бўлдик иккимиз,  
Жонсиз мовий осмон остида,  
Урилмаган майса устида  
Кониотда фақат иккимиз.  
Нима бизга ҳақиқат,  
Мангулик,  
Лаҳза,  
Шу яғона борлиқни тан олар кўзлар,  
Яна танҳо юлдузлар,  
Жуфт-жуфт юлдузлар  
Замин узра қўнмоқда шабнамдай гўё.  
Оби-ҳаёт нахрида  
Сузар майсалар,  
Янгидан кўз очадир бу кўҳна дунё.

ГУЛЧЕҲРА таржималари



М. ШУВАЛОВА. Шеър сеҳри.





Гули НИГОР

*Гули Нигор (асли исм-фамилияси Гулчехра Жўраева)-нинг дастлабки машқлари билан танишиб чиқар эканмиз, аллақандай бетакрор ҳислар тўлқини жунбушга келгандай туюлади кишида. Шоира таъкидлаганидек, миттигина шеърларини қаламда эмас, юрагидан сизган қони билан ёзишга жазм этганлиги ҳар бир сағридан балқиб турибди. Шеърларидан жанговар ранг, оташин ҳарорат аримаслик йўлида Гули Нигорга янада сабот, муқаддас манзил, ёрқин уфқлар тилаб қоламиз.*

## Истак

Миттигина шеърларимни қаламда эмас,  
Юрагимдан сизган қоним билан ёзаман.  
Оддийгина оқ қоғознинг бетига эмас,  
Дарёларнинг соҳилига қониб ёзаман.  
Юлдузлардан ҳарфлар ясаб тизаман аста,  
Сўнгра осмон қучоғига дард-ла ёзаман.  
Муҳаббатнинг ўти билан шайдо, шикаста  
Бўлган ошиқ юракларга дадил ёзаман.  
Ёзajakман булутларнинг кифтида тутган  
Қовоқ уйган харсангларнинг бағрига ўйиб.  
Парвозлари ҳар мафтункор қалбни забт этган,  
Бургутларнинг қанотиға ёзаман тўйиб.

\* \* \*

Ёмғир сувларига ёзаман номинг,  
Қулларнинг бағрига сингиб кетсин деб.  
Тупроқли йўлларга ёзаман номинг,  
Шамол тўзонида чангиб кетсин деб.  
Сувларга ёзаман кетсин оқизиб,  
Оловга ёзаман ёниб битсин деб.  
Тонгги шабнамларга қўйгайман ёзиб,  
Қуёш нурларида эриб кетсин деб.  
Сени унутмоқ-чун ёзганларимни,  
Учирмоқ истайман ўтмайин бир зум.  
Фақат юрагимда қолган исмингни,  
Учирмоқликка ҳеч етмайди қурбим.

## Куламан

Куламан...  
Кулгим сингиб кетар оппоқ осмонга,  
Оппоқ булутларга кетар қоришиб.  
Кукун-кукун бўлиб сингар уммонга,  
Уфқлар кулгумдан кетгай ёришиб.  
Куламан...  
Кулгум гулбаргларда қолади қотиб,  
Силкиниб кетади ҳатто япроқлар.  
Мудроқ куртакларда ҳаёт уйғотиб,  
Жилғалар сувида кулгу ўйноқлар.  
Куламан...  
Шамол қанотида елади кулгум,  
Жарангидан титраб кетади само.  
Дунё ҳам титрару, фақат ул масъум  
Нигоҳни нечундир этолмас шайдо.

\* \* \*

Тўлин ой бу кеча роса йиғлабди,  
Тўлибди шекилли, юраги ғамга.  
Ёшлари осмоннинг бетин қоплабди,  
Чиқибди минг юлдуз бўлиб оламга.  
Бошига ўраган қоп-қора рўмол,  
Остидан кўринар шаффоф кокили.  
Қалбимни ўрайди мубҳам бир хаёл;  
Қизиқ ой бағрини ким қўйган тилиб!  
Ёрининг васлига эрурми муштоқ,  
У шундан тунлари йиғлар пинҳона!  
Ёки бир умрга кўзлари уйғоқ,  
Ягона ўғлидан ажралган она!

## Қайлардасан...

Кўклам ортга қайтди ер ҳам бағрига  
Яшил майсаларнинг кўрпасин тортди.  
Сабо титроқ солиб тупроқ қаърига,  
Мудроқ сийнасида недир уйғотди.  
Яна баҳор келди, сен қайлардасан!  
Сирнинг сувларига таниш қалдирғоч,  
Яна учмоқдадир енгил тўш уриб,  
Яна қушлар билан тўлар симёғоч,  
Уларга боқаман жим, хаёл суриб.  
Яна баҳор келди, сен қайлардасан!  
Баланд адирлардан алвон лолалар,  
Яна ўз қўшиғин куйлай бошлади.  
Қорли чўққилардан шўх шалолалар,  
Замин қучоғига шодон ташланди.  
Яна баҳор келди, сен қайлардасан!

## Дўстимга

Кимлардир кулсалар дўстим, устингдан,  
Сен ҳам улар билан қўшилиб кулгин.  
Йўлингни ҳақ дея билсанг гар чиндан,

Чўчима, хоҳлаган ишингни қилгин.  
Истагинг ўзингдан «яхши билганлар»,  
Гапирса гапириб, қўй оғзи толсин.  
Сен шундай яшаки, миш-миш қилганлар,  
Бир кўни ўзлари уялиб қолсин.  
Эл оғзига элак туютсанг ҳамки,  
Тешигидан чиқар миш-миш сирғалиб.  
Сен унга аввалроқ ўқ отгил токи,  
Кетмагил тошлари ичра йўқолиб.  
Дўстим кўрқитмасин сени ҳеч миш-миш,  
Кошкийди улардан бахт ясаб бўлса.  
Миш-миш яратган халқ ўзи айтганмиш,  
Тариқ экмайди ким чумчуқдан кўрқса.

\* \* \*

Отелло севгисин талаб қилмайман,  
Биламан, бунга ҳеч етмас ҳам кўрбинг.  
Ромео мисол жон бер ҳам демайман,  
Зотан, ким эдимки, оғриси кўнглинг.  
Мажнун ҳам бўлма қўй, сахро бағридан,  
Чорасиз дардингга излама малҳам.  
Ўзингга хос бўлган бир туйғу билан,  
Ардоқлай олсанг бас, етади шу ҳам.



Г. ҲОШИМОВА. Шоира Ойдин Ҳожиева китобларига чизилган расмлар.



# СУВАРАК

## 12. ЭЛЛИК ЯШАР БОЛАКАЙ

Неъмат АМИНОВ

ҲАЖВИЙ ҚИССА

**Б**аширжоннинг кабинети кунгай томонда бўлгани учун хийла дим ва иссиқ эди. У ичкари кирасолиб, одатича, кизаги қийшиқ шляпасини чаққонлик билан чуқур дўппига алмаштирди, кулранг костюмини ечиб, эшикнинг ўнг томонидаги илгичга илди, кейин бир томоқ қириб, иш бошлади.

Унинг ҳузурига биринчи бўлиб Қиёмхон кирди. «Зилзиладан зарар кўрганларга ёрдам бериш оператив группаси раисининг ўринбосари» бидирлаб ҳисоб берди, бошлиқнинг тепасида тик турганча керакли ҳужжатларга қўл қўйдириб олди. Чиқиб кетаркан, алланечук тараддулланиб, бурчакдаги илгич олдида бирпас тўхтади.

— Баширжон ака, — деди минғирлаган товушда, — шу костюмингиз жуда зўр-да, ўзингизга бирам ярашадими...

— Ҳа, пинский, — деди Баширжон қандайдир қоғозга имзо чекаётиб. — Бир йилча олдин Шамси Тўраевич курортдан уч юз сўмга келтирган эдилар. Тоғорага солиб ювсангиз ҳам ёғим бўлмайди, материали жуда пишиқ.

— Чўнтаклари ҳам кўп экан, — деди Қиёмхон костюмнинг барларини очиб-ёпаркан. — Яна чуқур-чуқур...

Қиёмхон чиқиши билан стол устидаги телефон жиринглади.

— Алё, — деди Баширжон трубки олиб. — Ҳа, ўзимман. Нима? «Ойимнинг мазаси қочди?» Хўп, нима қил, дейсан? Мазалари қочган бўлса, ўраниб ётсинлар, аспирин бер, асал бер... «Келмасангиз бўлмайди?» Ҳа, хўп.

Баширжон трубки қўйди. «Шу эски касал ҳам жонга тегди, — деб ўйлади хум калласини кафтлари орасига олиб. — На ўлади, на қолади. Ҳе, қайнона бўлмай, охир бўл!»

У зудлик билан дўппини шляпага алмаштирди-да, костюмини олиб, қабулхонага чиқди.

— Уртоқ Дўлтаева, — деди костюмини кия-кия эшик томон юраркан, — мани исполкомга чақириб қолишди. Тезда, ҳа, бир-икки соатларда қайтсам керак. Сўраганларга «Исполкомда», деб қўйинг.

Қирмизхон «Хўп», деди-да, «Украина» машинкасини ўргамчикка чиқиллата бошлади.

Баширжон ҳовлига етиб келганида қайнонасининг аҳволи ҳақиқатан ҳам оғир эди. У дарҳол «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Ҳадеганда «Тез ёрдам»дан дарак бўлавермагач, хотинига шундай деб тайинлади:

— Ҳеч нима бўлмайди, хавотир олма. Машина келса, касалхонага ётқизиб қайт. Мани исполкомда атчўтим бор. Ҳа, Ашурни қўшниларникида қолдир.

— Ўзингиз олиб борсангиз-чи, — деди Зевархон журъатсизгина. — Йўл усти...

Баширжоннинг жаҳли чиқди.

— Онангнинг касали деб, вилгов олайми?! — деди у қип-қизариб. — Айтдим-ку, соат ўн иккида сессия бошланади, деб. Нима? Бозорлиққа пул? Хўп, мана ҳозир... Онанг билан бир бўлиб пулнинг ҳам баракасини учирдинлар. — У костюмининг ички чўнтагини кавлаштира бошлади. Қўлига алланима илинди, ҳайрон бўлиб чиқариб қаради: бир даста пул. Кўзлари ўйнаб, хаёлида учкун чақнагандек бўлди: «Қиёмхон!... Юраги хурсандчиликдан гурс-гурс ура бошлади. — Ҳа, ўша! Бўлмаса, бунча пул қаердан келарди? Ҳали «Костюмингиз яхши экан, чўнтаклари ҳам чуқур-чуқур», деб мақтаб ўтирган эди шекилли...»

Баширжон дарҳол хотинига орқа ўғирди, бармоғини қалин лабларида ҳўллаб олиб, санашга тушди. «Икки юз эллик сўм,— дея пичирлади пулни қайта чўнтагига яшираркан.— Э, қандингни ур, Қиёмхон!»

— О-ҳо, ойлик олдингизми?— деб сўради хотини яйраб.

— Йўқ, бу пул бировники!— деди Баширжон ва ўйлашда давом этди: «Ҳар қалай, ёмон эмас шу йигит. Дунё кўрган-да, паст эмас. Демак, анани кунги папкадан чиққан юз эллик сўмни ҳам шу солиб қўйган экан-да. Энди буни нима қилсам экан? Кассага қўяйми? Асло! Худо кўрсатмасин, бирор кор-ҳол бўлиб... Зевархонга берсам-чи? Э, хотин халқининг қўлига пул бериб бўладими? Отам раҳматли айтардилар: «Пулни кул қилмоқчи бўлсанг— хотинга топшир». Яхшиси, ўзим...»

Баширжон ўйлай-ўйлай, ҳамон кутиб турган хотинига қўли қалтираб беш сўм берди. Кейин: «Ман ҳозир», дея пастак, хароба олборга кирди. Эшикни бекитиб, дон солинадиган эски ҳамба остига энгашди. Энтикканча нам тупроқни кавлай-кавлай уч литрлик шиша банкани олди, кафти билан артиб тозалади. Кейин қопқоғини очиб, ҳидлаб кўрди, юраги гурс-гурс уриб яна бир карра хидларкан, «Оҳ-оҳ!», деб қўйди. Чўнтагидан апил-тапил бояги пулни чиқарди, эшикка бир қараб олгач, банкага жойлади. «Илоҳим, тўйга буюрсин!», дея пичирлаганча қопқоғини бекитиб, устидан латта ўради-да, банкани аввалги жойидан ҳам ичкарироққа кўмди. Ташқарида машина сигнали эшитилди. У шоша-пиша эмаклаб ҳамба остидан чиқди. «Тез ёрдам» келган, оқ халатли бир йигит билан хотини кампирни суяганча машинага олиб чиқишгаётган эди. Баширжон улар машинага ўтиргунча қаққайиб кутиб турди.

— Тиззаларингизни қоқинг,— деди Зевархон машина эшигини ёпаётиб унга.— Нима бало, ҳаммаёғингиз тупроқ!

Баширжон эгилиб, ҳали ҳамба остига кирганида шимининг тиззаларига ва «ўзига бирам ярашадиган чуқур чўнтакли» костюмининг барларига юққан чангчунгни қоқди, машинани кузатиб қўйгач, изига қайтди. Омборга кириб эшикни ёлди, чироқни ёқиб, ҳамба остига мўралади: «Яхши кўмдим чоғи. Ҳа, билинмайди. Илоҳим, тўйга буюрсин... «Ол, қулим!», деб бергани шу бўлса керак-да. Ҳар қалай, худо оҳимни эшитди. Лекин, ҳаммасини йигирма бешталик, эллик-талиқ қилиш керак. Э, ҳовли пули, газ пули, сув пули...— У хаёлан ҳисоблаб кўрди:— Эллик олти сўму қирқ саккиз тийин. Икки квартални тўласам ҳам бўлар— деб ўйлади дарвозани қулфлаб ташқари чиқаркан.— Ҳа, майли, илоҳим, ҳар бандан мўминнинг топган-тутгани тўйга буюрсин! Қаторида мани ҳам...»

Баширжоннинг кўнгли анча равшан тортиди, йиқилганида суяб, хор-зор қилдирмай бошини силаб келатган Шамси Тўраевични бир йўқлагиси келди. Йўл-йўлакай бозорга тушиб, мағз, қора майиз ва пистабодомнинг ҳар қайсисидан бир килодан, икки килодан олмаю анор ва тўрт донэ лимон олиб қоғоз халталарга жойлаштирди. «Коньякни ўша— ҳовлиларига яқин магазиндан олсам ҳам бўлади,— деб ўйлади.— Илоҳим, уйларида бўлсинлар-да...»

Бу гал «илоҳи» уни қўлламади. «Акахон» область марказига кетган экан. Баширжон совға-саломларини у кишининг кичик ўлига қолдираркан:

— Мани танисангиз кераг-а, жиян?— деб сўради.

— Ҳа, танийман,— деди бола ҳам билагонлик билан қува кўзларини ўйнатиб.— Бобомни гўрга қўйган амакимсиз!

Баширжон мамнун жилмайди.

— Баракалло, жиян!— деди халталарни кучоқлаб турган боланинг бошини силаб.— Буларни шундай киритиб қўйинг-да, дадажонингиз келганларида ўз қўлларига топшириб, «Баширжон амаким келиб кетдилар», денг. Ҳа, ўз қўлларига беринг-а, бир нозик кишига элтмоқчи эдилар...

Аслини олганда, ҳеч қандай «нозик киши» йўқ эди. Баширжон келтирган нарсаларини «акахон» ўз кўзи билан кўришини истарди. Ким билади дейсиз, бола-да,

ойисига киритиб берса, «янгамулло» ҳам Шамси Тўраевичга айтишни эсидан чиқариб қўйса... «Тайинлаганим яхши бўлди,— деб ўйлади Баширжон катта йўлга чиққач.— Ўзлари кўрсалар яна яхши бўларди-я. Ҳа, майли, ўғиллари таниркан-ку. «Бобомни гўрга қўйган амакимсиз», дейди. Бола бўлсаям, жуда зийрак экан. Худди Шамси Тўраевичнинг ўзларидек зехни баланд...»

Баширжон идорага кириб келганида қабулхонада Қиёмхон билан Қирмизхон суҳбатлашиб, бир нимадан кулиб ўтиришарди. Баширжоннинг фаши келгандек бўлди, лекин Қиёмхоннинг бояги яхшилиги эсига тушиб:

— Раҳмат, ўртоқ Муслимов!— деди инспекторга миннатдор тикилиб.— Ҳалиги ишни жуда дўндириб-сиз. Яшанг, ука, қандингизни уринг!

«Ҳалиги иш»нинг нима эканини фаҳмлаган Қиёмхон мамнун ишлайиб қўйди.

— Ҳа, ўртоқ Дўлтаева,— деди бошлиқ уялинқираб қараб турган Қирмизхонга.— Манга ҳеч ким кўнғироқ қилмадим?

— Қилишди.

— Қаердан?

— Райисполкомдан Ғаниев деган киши.

— Сиз нима дедингиз?

— «Исполкомдалар», дедим.

— Ана холос!— деди Баширжон қип-қизариб.— «Исполкомда», дедингизми? Яхши бўлмабди. Эҳ...

Қирмизхон ноқулай аҳволда қолди:

— Ахир, ўзингиз «Исполкомга кетдим», дедингиз-ку?

Баширжон баттар қизарди. Котибасини Қиёмхон олдида койишга ҳам, айбига иқрор бўлишга ҳам ҳайрон эди. «Янгисиз-да, ҳали, янгисиз!», дея кабинетига кириб кетди. Шоша-пиша район ижроия комитетига кўнғироқ қилди.

— Алё,— деди ҳадиксираган овозда,— манга ўртоқ Ғаниев керак эдилар. Узингиз? Э, яхши ўртоқ Ғаниев, бу ман— Зайнишевман. Ҳали секретаримиз... Йўқ, йўқ... Ҳа, секретаримиз ҳали янги-да, ман «Исполком буваникига кетдим», десам, янглиш эшитиб, сизга нотўғри жавоб айтибди. Ҳа, чолни бир йўқлаб қўяй, дедик. Хўш-хўш! Албатта, албатта... Эртагаёқ инспекторлардан бирини юбораман.

Баширжон трубкани жойига қўйиб, анча енгил тортиди, «Ўртоқ Дўлтаева, бир минутга!», дея секретарини чақирди. Қирмизхон кириб, унга саволомуз қаради. Бошлиқ кенг, халтамонанд шим, оқ кўйлак, кулранг шляпада жуда ғалати— цирк қизиқчисига ўхшаб кўринарди.

— Гап бундай, ўртоқ Дўлтаева,— деди у бармоқлари билан столни чертаркан.— Секретарка сифатида ҳали янгисиз. Шунинг учун у-бу нарсаларни билиб олсангиз, ёмон бўлмайди. Ҳа, анани қани?

— Нима?— деб сўради Қирмизхон бўшашибгина.

— Тунов кун айтган эдим-ку?— деди бошлиқ ўнг қошини кўтариб.— «Қачон мен сизни ҳузуримга чақирсам, қўлингизда ҳамиша блокноту қалам бўлсин», деб.

— Ҳозир олиб келаман,— деди Қирмизхон шошиб изига буриларкан.— Ман чой ичасизми, деб ўйлаб...

Қирмизхон қабулхонага чиқиб, кўк муқовали ёндафтар ва ярми қизил, ярми оқ ручка билан қайтиб кирди. Бошлиқ креслода ҳамон кўр тўкиб ўтирарди.

— Келдингизми?— деди у бақбақасини силаб.— Ҳа, гап бундай. Ман айтган гапларнинг керак-керагини ўзингизга белгилаб олинг, зарари— манга, фойдаси— сизга. Бизлар ҳам улуғларнинг олдига кирсак, албатта қўлимизда қоғозу қалам бўлади. Бу ҳамма жойда одат. Одамнинг мияси машина эмас, у-бу нарсалар эсдан чиқиб қолиши мумкин. Ҳа, нима деяётган эдим? Биласизми, бошлиқнинг секретари бу— ташкилотда иккинчи пигура. Ҳа, пигура! Демак, шундай экан, бизнинг гап-сўзимиз ҳамиша бир жойдан чиқиши керак. Айтайлик, бирор жойдан телефон бўлди. Шунда сиз нима қиласиз?

— Трубкини олиб жавоб бераман.



— Нима деб жавоб берасиз?  
Қирмизхон ҳайрон бўлиб:  
— «Да», дейман — деди.  
Баширжон бош чайқади:  
— Ана, айтдим-ку, ҳали сиз янгисиз, деб. Трубкини олгандан кейин: «Лаббай!», дейсиз. У сиздан: «Қаердан бу?», деб сўрайди. Шунда сиз: «Район давлат суғурта идораси бошлиғи Баширжон Зайнишевнинг қабулхоналари!», дейишингиз керак. У киши мани сўради дейлик. Сиз шунда: «Кечирасиз, Баширжон Зайнишевични ким сўраяпти?», деб савол берасиз. Агар, айтилик, у бугунгидек: «Райисполкомданман», деса, сиз: «Баширжон Зайнишевич колхозга чиқиб кетувдилар», дейсиз ёки бошқа бирор ташкилотнинг номини айтасиз.  
— Ахир, — деди Қирмизхон тоқати тоқ бўлиб, — ўзингиз...  
— Тўхтанг, тўхтанг! — деди бошлиқ босиқ овозда. — Мен айтган бўлсам, нима? Одамларнинг ёнида бирор нарсани баҳона қилишим керакми, ахир?  
Қирмизхон бўялган лабларини истиғноли бурди:  
— Сиз ҳақиқатан ҳам исполкомга кетган бўлсангизчи?  
— Вот, — деди Баширжон кулимсираб, — исполкомга кетган бўлсам, у ердан кўнғироқ қилиб сўрашмайди-да... Шунинг учун телефон қилаётган кишининг кимлигини аввал билиб олиб, кейин ўшанга қараб бирор ташкилотнинг номини айтасиз, тушунарлими?  
— Тушунарли, — деди Қирмизхон гапни чўзмай.  
У қабулхонага қайтиб чиққач, кўк муқовали ёндафтарни «Украина» машинкасининг олдига ташлади. Ёндафтарнинг биринчи бетига атиги бир калима: «Секретарь — бу иккинчи фигура», деб ёзилган эди. Қирмизхоннинг энсаси қотди. «Ҳмм, — дея ўйлади у, — энди у кишининг фигураси биринчи экан-у, бизники иккинчи экан-да! Ҳе, ўргилдим фигурангиздан! Уларни худди сапчақовоққа ўхшайдилар-у, фигураларини мақтаганларига ўлайми!»  
Ичкаридан бошлиқнинг овози эшитилди:  
— Уртоқ Дўлтаева!  
«Ҳе, овозинг ўчсчи!», дея пичирлаганча Қирмизхон ўрнидан туриб у ёққа йўналди ва ёндафтар билан қалам эсига тушиб, изига қайтди. Зум ўтмай бошлиқ эшигида ҳозир бўлди.  
«Ёмон эмас, — деб ўйлади Баширжон уни бошдан оёқ кўздан кечириб, — боқса одам бўлади».  
— Муслимовни чакиринг! — деди у креслога суяниб.  
— Хўп бўлади!  
Бошлиқ Қиёмхонни ўрнидан туриб, жуда хушчақчақ қаршилади. Қўлтигидан олиб, столига тақаб қўйилган стулчага бошлаб борди ва юмшоқ елкасидан оҳиста босиб ўтқазаркан:  
— Раҳмат, укажон! — деди меҳри товланиб. — Бу яхшиликларингизни биз ҳам албатта қайтарамиз. Насиб бўлса, Ашуржоннинг тўйида битта тўн...э, тўн нима?! — Баширжон қайнаб кетди. — Ахир, ўзларининг ҳам бошларини иккита қилиш...  
Қиёмхон қийқириб кулди:  
— Ҳали оёқни ҳам тўртта қиламиз, дерсиз?..  
Қотиб-қотиб кулишди. Баширжон кулги аралаш:  
— Сизга фақат бир нарса — битта соҳибжамол хотин кам, — деди.  
— Оҳ-оҳ, қанийди-я! — деди Қиёмхон истиғноли қош чимириб, бошини сарак-сарак қиларкан. — Мулла-дўстдек ўлиб бўлди-ку, Баширжон ака-а!  
— Бўлади, бўлади, — деди бошлиқ кафтини кўтариб. — Ҳамма ишининг вақт-соати бор. Ҳозир мана бу янгиликни эшитинг: районимизнинг катталигини ҳисобга олиб, бизнинг идорага старший инспекторлик штати беришди. Тўғриси, кеча борганимда областдан ўзим ҳал қилиб келдим. Бошқа районларда бунақа штат йўқ. Уртоқ Порсоев билан гаплашиб, зўрға ундирдим. Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳамма ерда ҳам «юз бор — хотир бор», дегандек...  
— Албатта албатта! — деди Қиёмхон.

— Энди, шу штатга ўзларини ўтказсак, нима дейдилар? Маоши ҳам йигирма сўмча кўпроқ...  
Қиёмхон тирноқларига ўйчан тикилиб, лаб қимтиди:  
— Анави хафа бўлмасмикан?  
— Ким?  
— Месткомингиз, сариқ чаён-да!  
— Нега хафа бўлади? Ахир, бу штатни шахсан ўзим ундирганман! — деди Баширжон андак қизишиб. — Шунинг учун уни кимга бериш ҳам ўз ихтиёрида.  
— Тўғри-ю, — деди Қиёмхон овозини пасайтириб ва ҳасратга ўтди, — лекин-чи, Баширжон ака, шу сариқ чаёнингизнинг дастидан ўлиб бўлдим. Чиқсаям бир ниш уради, кирсаям. Билмасам, унга нима ёмонлигим ўтган экан.  
— Мақсади нима?  
— Ким билсин. Тўғриси, ичиқора одам, ўзи сариқ бўлса ҳамки, ичи қора. Сизниям, мениям, ҳатто секретарингиз Қирмизхонниям кўролмайдим. Ҳаммага лақаб қўйиб олган. Мени «Қилпиллама» дейди, Қирмизхонга «Отарнисо» деб ном қўйган. Баширжон пиқ этиб кулди, ранжигандек унга қараб олдио сўзида давом этди: — Улгур ҳатто сизга ҳам лақаб қўйган.  
— Менга-я!  
— Ҳа, сизни орқаваротдан «Ойна» дейди, кал демокчи-да, адо бўлгур.  
Баширжоннинг тишлари ғижирлаб, ўрнидан туриб кетди:  
— Унга старшийликни бериш у ёқда турсин, бу даргоҳдан думини тугмасам, Башир отимни бошқа қўяман!  
Қиёмхон ҳам лик этиб ўрнидан турди.  
— Фақат, қизишманг, жо-он Баширжон ака, — деди зайраниб. — У жуда ёмон, ифвогар, шаллақи одам. Ҳеч нимадан тап тортмайди. Тўғри райкомга чиқшдан ҳам тоймайди. Аслида-чи, раҳматли Жалил бобони ўлдирган ҳам шу. «Худодан кўрқмагандан кўрқ», деганлар, у билан олишсангиз зинҳор эҳтиёт бўлинг, акажон.  
Баширжон жим эди. У пайтини топиб Ҳамид Солиҳовдан қутулиш йўлларини ўйларди...  
Кечаси ҳам шу ҳақда фикр юритиб, турли режалар тузиб чиқди. Эрталаб ишга келиши билан маҳаллий комитет раисини ҳузурга чақиртирди.  
— Хизмат? — деди Солиҳов салом-алиқдан сўнг.  
— Бирпас ўтириб туринг! — Баширжон унинг гашига тегиш учун атай касалхонага кўнғироқ қилиб, қайнонасининг соғлиғини узоқ суриштирди, кейин Шамси Тўраевичдан ҳол-аҳвол сўраб, ўзининг кеча кириб ўтганини эслатиб қўйди. Трубкини жойига бостириб, «Кўрдингми, ким билан гаплашдим?», дегандек Солиҳовга писанда билан юзланди. — Келинг.  
— Келдик.  
— Хизмат?  
— Хизмат... — Солиҳов ҳайрон бўлиб қолди. — Чақиртирган экансиз, шунга...  
— Ҳа! Ҳамиджон, сизни как местком раиси сифатида бир масалада йўқлаган эдим. Маслаҳатга. Бизнинг идорага битта старший инспекторлик штати беришди. Албатта, бу учун тегишли чоралар кўрилди — югурдик-елдик, хуллас, янги штатни ундирдик.  
— Яхши, — деди Солиҳов.  
— Шунга Қиёмиддин Муслимовни ўтказсак, нима дейсиз?  
Солиҳов истеҳзоли кулгандек бўлди:  
— Бўлмайди, десам ҳам, бари бир ўшани қўясиз. Бас, шундай экан, ўзингиз билгандек қилаверинг.  
Баширжон ўрнидан туриб кетди:  
— Уртоқ Солиҳов, ман билан гаплашганда кесатмасдан сўзланг. Ака-укалик қиламан, десангиз, ошиқни тўғри ташланг.  
— Нима деб кесатдим?  
— Нега Қиёмиддин Муслимовни кўролмайсиз?  
Ахир, унинг нимаси ёмон?  
Солиҳов яна кулди:  
— Э, ким уни ёмон деди? Қиёмхон жуда ишчан, ҳалол, покиза йигит. Ҳалоллиги учун оператив группа-



ни топшириб қўйдик. Яхши ишлагани учун юз сўм пул мукофоти олди. Ташкилотимизга ажратилган гиламни унга ёздик. Бошқалар қилиши керак бўлган ишларни ҳам у бажариб келяпти. Нега кўролмас эканман? Мен ҳам уни бошқалардек яхши кўраман.

Бошлиқ ҳайрон бўлганча елка қисиб, жойига ўтирди.

— Кетаверайми? — деди Солиҳов.

— Йўқ, — деди Баширжон креслосига ястаниб оларкан. — Манга сизнинг фикрингиз керак. Қиёмиддин Муслимовни старший инспекторликка ўтказамизми, йўқми?

— Тўғриси айтимайми?

— Айтинг.

— Тўғриси айтсам — ўтказмаймиз!

— Нега?

— Чунки бу идорада ундан кўп ишлаган, ҳалол одамлар бор.

— Биттаси сизми?

Солиҳов қулоқларигача қизариб кетди.

— Ҳа, биттаси мен! — деди кескин. — Ун беш йилдан бери шу идорада ишлайман. Ҳалолликка келганда, Қиёмхонингиздан ҳар жиҳатдан ҳалолман.

Баширжон ошқора кулиб юборди:

— Ана холос! Ўз номзодини кўрсатадиган кадрни биринчи учратишим. Картер бўлиб кетинг-э! Муслимовнинг нимаси ҳалол эмас?

Бошлиқнинг масҳараомуз кулгиси Солиҳовга қаттиқ таъсир қилди.

— Агар билишни истасангиз, ўша Қиёмхон ҳам, уни суйайдиган кишилар ҳам ҳалол эмас!

Баширжон қизариб, ёлғондакам хахолади.

— Э, қизиқ-ку, — деди у бош чайқаб, — ҳали Асқар Бакировични ҳам ҳалол эмас, дерсиз?

— Бу ерда гап Асқар Бакирович ҳақида кетмаяпти. — Маҳаллий комитет раиси тараддуланиб, бурнининг ўнг томонидаги холни силаб қўйди. — Гапни бошқа ёққа бурманг. Керак бўлса, Қиёмхон қилиб юрган ҳаром ишларни бирма-бир айтиб беришим мумкин.

— Айтинг, нега айтмайсиз?

— Керакли жойда айтаман. Ёлғон-яшиқ гапларга эса тобим йўқ.

— Қанақа ёлғон? Ким ёлғон гапирибди?

— Масалан, сиз!

— Э... эби, қани-қани, эшитайлик-чи? — Бошлиқ ўрндан турди, хум калласини қийшайтириб, кафтини қулоғига тутди. — Қани, айтинг-чи?

Ҳамид Солиҳов «Ҳозир бунинг мавриди эмас эди, чоғи», деб ўйласа-да, эшик томон кўз ташлаб, фикрини очик айтишга журъат этди.

— Анави қабулхонадаги секретарингизни ўртоқ Порсоевнинг жияни, деб ишга қабул қилганингизни нима деса бўлади?

Баширжон анграйиб қолди:

— Хўп, нима бўлибди?

— Ўртоқ Порсоевга ҳеч қандай жиян-пиян эмас экан. Сиз бўлсангиз, унга инспекторлик штатини бериб...

Баширжоннинг дўрдоқ лаблари унсиз пичирлади:

— Ким айтди жиянлари эмас, деб?

Бошлиқнинг писиллаб гапирётганидан Солиҳов батамом ҳайрон қолди, шунинг учун:

— Ҳамма, — деди ўнг қўлини силкиб, — ҳатто Норжон Хўжақулова ҳам айтдилар.

«Ҳа-а, ана, — деб ўйлади Баширжон, — бунинг қўлтиғига ким сув пуркайди, десам, гап бу ёқда экан-да...»

У кабинетда сўзсиз нари-бери бориб-кела бошлади. Шу тобда бундан бир неча йил олдин маданият уйда Қирмизхон масаласида Хўжақулова билан бўлган тўқнашувни эсларди. Лекин, ҳозир бўш келса, иш тамом тескари кетиши мумкин.

— Хўжақулованингиз ҳам биламиз, ука, — деди у ниҳоят, лабини жийриб. — Норжон опангиз ҳам «Мен райкомга биринчи секретарь бўлман!» деб овоза тарқатиб юрибди. Бу миш-мишларни тарқатишда ўзларининг ҳам хизматлари кам бўлмади керак...

— Ёлғон! — деди Солиҳов ошқора тўхматдан эсанкираб. — У... уят!

Бундан руҳланган Баширжон уни уст-устига ўққа тутиб, батамом янчиб ташламоқчи бўлди.

— Ув, Ҳамид Солиҳов! — деди дағдағали овозда. — Сизда бундан бошқа ҳам камчиликлар йўқ эмас! Хўш айтинг-чи, нега масъул идорада ишлай туриб, одамлар орасида ҳукуматга қарши гапларни айтасиз?

Солиҳовнинг ранги оқариб, қулоқлари шанғиллаб кетди.

— Менми?

— Ҳа, сиз! — деди Баширжон рақибининг қалтираётганидан қувониб. — Қачон, дейсизми? Мана, мана! — У стол устидаги календарни варақлай бошлади. — Масалан, йигирма еттинчи март куни қабулхонага кириб, «Бозорда помидорнинг килоси олти сўм», дедингиз. Учинчи апрель куни бутун ходимлар олдида японча магнитофонни оғиз кўпиртириб мақтаганингиз-чи? Бу капитализмга сажда қилиш эмасми? Яна... айтаверсак, сизнинг ҳам хатоларингиз тўлиб-тошиб ётибди. Орқангиз ёғиз-ёғиз минус...

Ҳамма «хатоларини эшитиб бўлгач, Солиҳов ўрндан хотиржам қўзғаларкан:

— Биласизми, сиз кимсиз? — деди.

— Хўш, кимман? — деди Баширжон қалин лабларини очиб-ёпиб.

— Доғмасиз!

Баширжон «доғма» сўзининг маъносига тушунмасда, ҳар қалай ёмон, ҳақоратли сўз эканига ақли етди.

— Бекор айтибсан! — деди у бақириб. Эшик очилиб, лип этиб Қирмизхон кўринди-ю, бошлиқнинг важоҳатидан чўчибми, эшикни қайта ёпди. — Бу гапнинг учун, — деди Баширжон столни мушглаб, — яна... иввогарлигинг, одамларга лақаб қўйганинг учун жавоб берасан! Мен санга Жалил бобо эмасман, осонгина ўлиб кетаверсам!..

— Сенсираманг, ўртоқ Зайнишев! — дея Солиҳов ҳам қўлини стол қиррасига тираб, унга нафрат билан тикилди. — Мен жавоб беришга ҳамиша тайёрман. Лекин, бу идорадаги ҳаромхўрликлардан кўз юмолмайман!

Баширжон яна нари-бери бориб-кела бошлади, қалин лаблари унсиз пичирлагандек бўлди.

— Хўп, ўтиринг, — деди у энгак қоқиб. — Ўзингизни босинг.

Бошлиқнинг бунчалик тез турланиб-тусланишидан Солиҳов баттар нафратланди.

— Гапиринг, шундай ҳам эшитавераман.

— Масаладан четга чиқиб кетдик, — деди Баширжон қуйи лабини дўрдайтириб. — Қизишмайлик, яхши эмас. Старший инспекторлик масаласида эса гап бундай: ман сизга айтсам, ука, мани олтига эмчагим бор... — «Қизиқ!» — Солиҳов беихтиёр кулимсираб, бошлиқнинг энсиз кўкрагига, кейин стол тортмасига тегиб турган қорнига қаради. — Бу билан нима демоқчи экан?» — Ҳа, олтига эмчагим бор. Шундан фақат икки-тасида сут бўлади, қолганларида ҳеч вақо йўқ. Яхши кўрган ходимимга сут чиқадиган эмчагимни тутаман, ёмон кўрганимга эса... Хўш, сиз ҳам кўнглимни олсангиз, ман билан келишсангиз, маза қилиб эмиб юрасиз. Сизга ҳам фойда бўлади, манга ҳам. Агар ёнги десам, кучук бўлай!

Солиҳов Баширжоннинг нимага шама қилаётганини тушунди жирканиб кетди.

— Кечирасиз, итнинг эмчагини эмиб ўрганмаганман!

— Нима-нима?! Ким ит?! — деди Баширжон сапчиб.

— Сиз эмас. Аммо олтига эмчак фақат итда бўлади...

— А, шундайми? Буни билмас эканман, — деди Баширжон муҳим бир нарсадан беҳабарлигига афсуслангандек. — Лекин-чи, ука, ман билан олишиб барака топмайсан. Мани илдишим сувга етган, учириб юбораман!

— Яна қайтараман, ўртоқ Зайнишев, сенсираманг! — деди Солиҳов кафтини бошлиқнинг столига қўйиб. — Энди у қулоғингиз билан ҳам, бу қулоғингиз

билан ҳам эшитиб олинг: мен сиз билан қаттиқ курашман! Фақат шарт шу: охирида «Аттанг, бекор қилган эканман», деб ялиниб келмасангиз бас!

Солиҳов тарс-турс юриб кабинетдан чиқиб кетди. Баширжон «Ҳой, Ҳамиджон, Ҳамиджон!», деганча унинг изидан қичқириб қолди. «Бу сариқ бир гапни биллади, чоғи, — деб ўйлади креслосига шалпайиб ўтираркан. — Ёки Қиёмхоннинг бирор навиёнақа ишини... Э, йўғ-э! Хўп, сезган бўлса, манга нима? Ҳар қалай, идора бошлиғи, деб... Нега «Олтита эмчагим бор», дедим-а? «Итнинг эмчагини эммайман», дейди, аблаҳ! Нега ҳам шу гапни айтдим?! — У столни икки қўллаб охиста муштлади. — Аммо-лекин, бунақасини ҳеч учратмаган эдим, Қиёмхон айтганчалик бор экан. Наҳотки, юқорига чиқса? — Кўзига бирдан омборга кўмилган уч литрлик банка кўриниб, юрагига ғулғула тушди. — Э худойим-э, бу сариқнинг турқи мунча совуқ! Негаям шу илонни думини босдим-а? Ёмонларга ўзинг инсоф бер, худо!»

— Дўлтаева!

Эшик очилиб, Қирмизхон кўринди:

— Лаббай!

— Тезда мана буни чоп қилиб, деворга илинг!

«Мана бу» — Қиёмхонни старший инспекторликка тайинлаш тўғрисидаги буйруқ эди...

Икки кундан кейин тушга яқин Баширжоннинг телефони қаттиқ жиринглаб қолди. У трубкани олиб, «Алёл?», дедию эти увишиб кетди: «Шамси Тўраевич!»

— Ассалому алайкум, лаббай, акаҳон? Янгам...

— Менга қара, Башир! — деган йўғон овоз келди трубкадан. «Акаҳоннинг авзойлари чатоқ, э художон!» — Узи нима гап?

— Ҳ... ҳеч, билмасам...

— Қачонгача бировлар сенинг шалтоғингни тозалаб юради, галварс?! — деб ўшқирди Шамси Тўраевич. — Анави... сариқ ходиминг бор-ку, ҳа, ўша, райкомда юрганмиш, қўлида ўн варақли ариза! — Баширжоннинг тиззаларига қалтироқ кирди. — Наҳотки энди шу арзимас идорачани ҳам эплай олмасанг? Қанақа довдир, ношуд одамсан ўзинг?.. Бўлди, гапни кўпайтирмасдан бу ёққа тезда етиб кел!

Тушдан кейин Баширжон кабинетига аранг судралиб кирдию Солиҳовни ҳузурига чақиртирди. Маҳаллий комитет раиси шим устидан ташлаб юрадиган пушти кўйлагининг чўнтагига қўлини тикқанча бепарво кириб келди.

— Яхшимисиз, Ҳамиджон ука? — деди Баширжон ялтоқланиб унга пешвоз чиқаркан. — Отахоннинг аҳволлари қалай? Кадрчалар чопқиллаб юришибдими? — Солиҳов индамай, бошлиққа ижирғаниб тикилди. — Энди, гап бундай, укажон, — деди Баширжон унга яқин келиб тирсагидан тутаркан. — Ман умрим бино бўлиб, мана, эллиқдан ошган бўлсам, бировга ёмонликни раво кўрган бола эмасман. — «Эллик яшар бола!» — деб ўзича кулиб қўйди Солиҳов. — Жуда қув-а, бу боласи тушмагур!» — Мана, қаранг, — дея давом этди бошлиқ, — сизга ҳам ёмонлик қилганим йўқ. Идоранинг «Урал»ини ўзларига бердик, местком раисимиз минсин, обрўйимиз, дедик. Ҳовлингиз зилзиладан зарар кўрганда биринчилар қаторида ёрдам уюштирдик. Ҳа, албатта-албатта... қонуний, қонун юзасидан. Хўш, кеча келган чинни чойнақдан иккита ортиқча чиққан эди, майли, ўзингиз олинг, дедик...

Солиҳовни энсаси қотиб:

— Чойнагингиз сейфнинг устида турибди, — деди. Баширжон «Хўп-хўп», дегандек қўл ишораси билан уни сўздан тўхтатди.

— Яна ҳамма ерда ўзларига яхши характеристика бериб, обрўларини кўтариб юрибмиз...

Солиҳов унинг гапини чўрт кесди:

— Обрўйимни кўтаришингизга муҳтож эмасман. Лекин, камчилик ва кўзбўямачиликларга чидаб туролмайман!

Баширжон унга мунғайиб, тўғрироғи, малқайиб қаради.

— Камчиликлар учун, жоним укам, — деди бошини ликиллаптиб, — маҳаллий комитет раиси сифатида ўзлари ҳам жавоб берадилар. Бу ерда ман янги кишиман, нега тўғри йўлга солмадинг, деб калтакнинг бир учи ўз бошларида ҳам синмасин тағин!..

— Мен ҳамма нарсага тайёрман! — деди Солиҳов кафтларини ёзиб. — Тавба, тўғри йўлга солмаган эмишман! Сизни «тўғри» йўлга солиб, етаклаб юрадиганлар бор...

Баширжон ялинчоқ овозда:

— Кесатманг, Ҳамиджон ука, — деди унга яқин келиб. — Нима керак арзимаган, ўтар дунёда бир-бирининг кайфиятимизни бузиб? Келишиб, ака-ука бўлиб ишлашга нима етсин. Қани, қўлни беринг! — У Солиҳовнинг қўлини мажбуран кўтартирди. — Кафтингизни яхшироқ очинг. Ҳа, ана шундай! — У қарс этакзиб қўл ташлади-да: — Ана ҳозир хурсанд бўласиз! — деди кулиб. — Дўлтаева!

Остонада Қирмизхон кўринди:

— Лаббай?

— Девордаги буйруқни бу ерга кўчириб келинг!

Қирмизхон эшикни ёпдию ҳаял ўтмай қўлида қоғоз билан қайтиб кирди. Баширжон қоғозни дабдаба билан олиб кўз югуртирди, кейин столга энгашганча «Қиёмиддин Муслимов» деган жойини ўчириб, унинг ўрнига «Ҳамид Солиҳов» деб ёзди-да, котибасига тутқазди:

— Буни тезда қайта чоп этиб, деворга илинг!

Қирмизхон чиқди. Баширжон Солиҳовга рўпара бўлиб, қизарганча ишшайди:

— Табриклаймиз, ўртоқ старший инспектор! Ювсақ бўлармиди?

Солиҳов гарангсиб қолган, нима дейишга ҳайрон эди...

Кечқурун ишдан кейин Баширжон Қиёмхонни чақириб, узоқ «даромад»дан сўнг панг товуш билан узр сўради:

— Энди, шундоқ бўлиб қолди, Қиёмхон ука, кўнглингизга олмайсиз-да. Бу сариқ тоза лўли экан...

— Вой, касофат-эй! — деди Қиёмхон. — Айтган эдим-ку, акажон, мени кўролмайти, деб...

— Ничиво! — деди Баширжон унинг елкасига қоқиб. — Шошмай туринг, яқинда бу даргоҳдан думини бутунлай туғиб юборамиз. Ана кейин старший инспекторлик ҳам, месткомлик ҳам ўзларига қолади-да!

— Раҳмат, акажон! — Қиёмхон ўрнидан туриб кетди. — Минг раҳмат! Мен сизни «қиёматли акам» деганман. Шу гапингизнинг ўзи менга ҳар қандай лавозимдан кўра яхшироқ. — У бир зум ўйланиб қолди-да, тўсатдан: — Мен ҳозир, Баширжон ака! — дея ташқарига чиқиб кетди.

Ҳаял ўтмай у қоғозга ўроғлиқ алланарса кўтарганча шоша-пиша кабинетга кириб келди. Қоғозда битта «Кестра» ароқ ва «Сайра» консерваси бор эди...

Қоп-қоронғи кеча. Ғир-ғир шамол эсади. Район чеккасидаги ўйдим-чуқур сўқмоқдан туртиниб-суриниб бораётган Баширжоннинг кунгли ҳам шу тундек қоп-қоронғи эди. Кўз олдидан Ислом отанинг дарғазаб қиёфаси кетмас, яқнаш: «Ёмон бўлди, шармандалик!— дея пичирлаганча ўзини-ўзи қаттиқ койир эди. — Аҳмоқман, аҳмоқ! — Шу пайт узоқдан эшак ханграб, бирданига итларнинг ҳуриши эшитилди. — Итман, — деб ўйлади у, — йўк, йўк, эшакман!..»

Баширжон ўзини ўзи койир экан, қайси кунни Қиёмхондан эшитгани бир латиға эсига тушиб кетди: «Эшак йиғларкан: «Эшак бўлганим учун эмас, қадримга йиғлайман, — деб. — Мен шўрлик бир умр эгамни кўтариб юраман, оғирини енгил қиламан. Истаса минади, истаса уради... яна ётар жойим — оғилхона. Ит билан мушукники маза. Ҳамиша уйда, эгам еган овқатдан ейшади». Ит йиғларкан: «Нега эшакнинг овози меникидан баланд-а?» Мушук кўз ёши тўқаркан: «Кошки менинг ҳам қўлоқларим эшакникидай бўлса эди, сичқоннинг шарпасини тезроқ илғаримдим...»

Атрофи тахта билан ўралган қурилиш майдони бурчагига етиб келганда Баширжоннинг кўзига яна Ислом отанинг нафрат ва ҳазардан қийшайиб кетган тағалак соқолли қиёфаси кўриниб кетди. У манглайга шап этказиб урди: «Эшакман!— деган товух қикди гиреҳ тишлари орасидан. — Асли манинг жойим оғилхона бўлиши керак. Ҳалиям шу акаларга минг раҳмат, мандай бир бефаросат эшакни, овози эшакникидан ҳам паст, ношукр бир кучуқни, қўлоғи эркак мушукникидан ҳам кичик, қўлоқсиз бир нодонни шундай масъулиятли ташкилотга бошлиқ қилиб қўйишибди...»

Баширжон ўз-ўзидан нафратланганича ҳам бор эди. У кечга яқин сейфдан бир оз пул олиш баҳонасида идорага келди. Аслида, идорани кечқурун бир бор кўздан кечирмоқчи, қолаверса, кечаги ваъдага биноан, Қирмизхон билан учрашув илинжи ҳам бор эди. Дарвозадан кирасолиб атрофга — аввал қоровулхонага, кейин хизмат хоналарига кўз ташлади: қоровулхонада ҳеч ким йўқ, бошқа кабинетларда эса чироқ кўринмас, фақат қабулхона деразасидан ҳовлига ёруғлик тушиб турар эди. Баширжон одатига кўра бақбақасини осилтириб, камбар елкаларини шалпанг қўлоқларига теккизар даражада кўтарганича савлат тўкиб қабулхонага кирди. Қирмизхон стол ортида китоб ўқиб ўтирарди. Бошлиқни кўрдию дик этиб ўрнидан турди-да: «Келдингизми?», деди.

— А-ҳа, — деди Баширжон иссиқдан энтикиб жилмаяркан. — «Елғиз ўзим», деб кўнғироқ қилганларидан кейин, ҳаловатим йўқолди. Бу, Ислом отани қаёққа жўнатдингиз?

Қирмизхон кулиб юборди:

— Ҳали «Кампирим бетоб, соат ўн бирларгача шу ерда бўлиб туринг, қизим», деб илтимос қилувдилар. Баширжон қувониб кетди.

— Хорошо, — деди салмоқлаб ва яна бир бор жилмайиб, кабинетини очиб ичкари кирди. Эшик очик қолди. Баширжон инқиллаб ўзини креслога ташлади: «Уф, иссиғ-эй!» У эгилиб, «тасма» туфлиснинг боғичини ечди, қўйлагининг ёқасини силкиб елпинди. Аммо бунга қаноат қилмай, стол чеккасидан эски газета олиб, зўр бериб ўзини елпий бошлади. «Хайрият, шу оқшом деган нарсанинг борлиги, — деб ўйлади стол остига узатилган оёқларининг панжасини бир-бирига ишқаб. — Шу кунларда ташвиш ҳам кўпайиб кетди. Областандан келган комиссиялар анча овора қилишди. Солиҳовнинг отаси ўлгандаги югур-югурларчи? Бир ҳисобда, комиссия келган кунларда чолнинг ўлиб қолгани ҳам яхши бўлди. Акс ҳолда... Қизиқ, одамнинг бошига оғир кун тушса анча босилиб қоларкан-а? Ҳар қалай, саркининг ҳоври бир оз пасайгандек. Пасаймай

нима? Старшийликни берган бўлсам, ҳамма маросимларнинг тепасида ўзим туриб, ёрдам фондидан икки юз сўм ажратиб қўлига тутқазган бўлсам, катта бошимни кичик қилиб, «Яна нима камчилик бор, Ҳамиджон?» деб кўнглини кўтариб турган бўлсам!.. Қайси бошлиқ ўлик чиқарилгандан кейин ҳам ходимининг уйида ҳар кун икки-уч мартадан бориб хабар олибди? Мана, ўн беш кунки, ҳар пайшанбаю якшанба оёғим ўша ердан узилмайди. Айтганча, бугун пайшанба-я, борсаммикан? Агар шу яхшиликларимни ҳам унутса, кўр бўлади у сариқ чаён...»

— Чой ичасизми, Баширжон Зайнишевич?

— Э, лаббай? — Баширжон ялт этиб эшикка қаради, остонадан бир қадам ичкарироқда Қирмизхон жилмайиб турарди. — Ҳа, ўртоқ Дўлтаева, чой ичамизми-а? — дея беихтиёр котибанинг саволини такрорлади у.

— Ҳа, эсим қурсин, — деди Қирмизхон ва қабулхонага чиқиб, қўлида газетага ўроғлиқ алланарса билан қайтиб кирди.

— Нима бу? — сўради бошлиқ.

— Улушингиз: қўйлак, белбоғ, — деди Қирмизхон жилмайиб қўлидаги нарсани столга қўяркан. — Яна қанд-курс, шўрданак...

Баширжон мамнун жилмайди. Қирмизхон ҳали ҳам гоҳ-гоҳида хуфёна тўйга чиқар, отардан тушган тўн, қўйлак, дўппи, ҳеч бўлмаганда, бир жуфт ароқ ёки коньяк билан бошлиғининг кўнглини олиб турар эди.

— Яна тўйга чиқдингизми?

— Узумини енг, боғини сўраманг, — деб илжайди. Қирмизхон.

Баширжон газетани очиб, парварда, шоколад, шўрданак ва қора майиз аралаштирилган қурама ширинликдан битта парвардани олиб оғзига ташлади.

— Раҳмат! Лекин, эҳтиёт бўлиш керак, — деди у ва газетани қайта ўраб, сайфига солиб қўйди. Яна қўр тўкиб аввалги жойига ўтирди. Қирмизхон эшикни ёпди-да, саллона-саллона босиб, унинг столини айланиб ўтди. «Вақтини толганини қаранг бу мошакни! — деб ўйлади Баширжон очик деразадан ташқарига кўз ташлаб. — Қоронғи ҳам тушибди, қоровул ҳам йўқ...»

Дарҳақиқат, ташқарида намозшом қоронғилиги чўкиб келар, узоқдаги йўлдан аранг эшитилиб турган машиналар ғув-ғувини ҳисобга олмаганда, ҳаммаёқ сув қуйгандек осойишта эди.

Қирмизхон бошлиқ ўтирган кресло суянчиғига қўлларини тираб, бўлиқ кўкракларини унинг энсиз елкаларига теккизди-да:

— Ақалли, одамлар йўғида «Дўлтаева» деманг, — деди ноз билан. — Қачон қарасам, «Дўлтаева» деб чақирасиз, кошки фамилиям ўлгур чиройли бўлса экан!

Баширжон секин ўрнидан турди. Тўмтоқ бурни салпал керилиб, чуқур-чуқур нафас оларди. У деразани ёпиб, пардасини тушириб қўйди ва қайтиб келиб Қирмизхоннинг белидан бесўнақай қучоқлади.

— Памилиянгиз билан чақирсам нима бўлибди, маликам?

Қирмизхон унинг оғушида ноз билан тўлғанди. — Чақирманг, чақирманг, — деди лабларини буриб, — айтдим-ку, фамилиям яхши эмас, деб.

Баширжон илжайди. Одамларнинг олдида «Қирмизхон» ёки «маликам», деб чақириб ноқулайлигини айтиб, узр сўради. Қирмизхон чироққа орқа ўгириб тургани учун юзи яхши кўринмас, Баширжон маъшукаси баданининг ҳароратини туйиб, хушбўй «дух»сидан сархушланиб қолган эди. Ниҳоят, жувонни чироқ томон ўгириб, чўғдек ёнаётган сурмали кўзларига ютоқиб тикилди.

— Э, боринг-эй! — дея Қирмизхон унинг елкасига

оҳиста урди.— Ундай қараманг кишига, кўзингизнинг ажинаси бор экан!

Баширжоннинг юраги дук-дук ура бошлади, яна бир марта аввал деразага, кейин эшикка қараб олгач:

— Маликам! — деди бўғиқ овозда.

— Лаббай, Баш... шаҳзодам?

Иккаласи бараварига ҳиринглашди.

— Манга қаранг! — дея бошлиқ қўл чўзган эди, Қирмизхон бирдангина:

— Тўхтанг, тўхтанг! — деб ўрнидан турди.

— Ҳа-ҳа, тинчликми? — деб сўради Баширжон хавотирланиб.

— Блокнот билан қаламни эсдан чиқарибман, — деди Қирмизхон қийқириб. Бошлиқ унинг ортидан қувиб қабулхонага чиқди. Котиба машинка рўпарасидаги стулга ўтириб, стол тортмасини кавлаштира бошлади. Баширжон кўзлари ялтираб, жувоннинг юмшоқ, ҳароратли билагидан тортиб ўрнидан турғазди. Қирмизхон бир тўлғаниб унга рўпара бўлди.

— Қани, юринг! — деди Баширжон.

— Блокнот билан қаламни олайми, Баширжон Зайнишевич?

Қирмизхоннинг ҳазили уни бир зум эсанкиратиб қўйди, лекин дарҳол яна аввалги ҳолига қайтиб:

— Дружба — дружба, служба — служба! — деди.

Кабинетга киришди. Бошлиқ ҳовлиқиб эшикни ёпди-да, чироқни ўчириб, ҳансираганча Қирмизхонни ўпа бошлади.

— Тўхта...анг! — деди жувон ноз билан эшиларкан. Баширжон андак ўзини босиб олгач, у сўзида давом этди: — Буюм службам, Баширжон Зайнишевич?

Бошлиқ уни қўйиб юбориб, дераза олдида бетоқат бориб келди-да:

— Ҳа-ҳа, — деди пичирлаб, — ҳам дружба, ҳам служба!

— Ҳо, служба эмиш, ёқмай ўлсин! — деди Қирмизхон қийқириб.

Бошлиқ қалин лабларини унинг чучварадек қулоқларига теккизиб шивирлади:

— Маликам!

— Лаббай?

— Лабингизга шакар!

— Мунча шакарингиз кўп! — деди Қирмизхон ҳам пичирлаб. — Уйдагиларга етмай қолмасин тағин!

Баширжон унинг силлиқ елкаларидан тутиб, девор томонга ишора қилди:

— Анави нима, жоним?

— Буми?

— Ҳа!

— Диван, — деди Қирмизхон қийқириб кулганча, — нима эди?

Бошлиқ котибасини оқ филофли, суянчиғига ойна ўрнатилган эски нусхадаги диванга қараб судради:

— Бирпас ўтирайлик. Бу дебонни атай сиз учун қўйдирганман, маликам...

— Э, қўй...йинг, қўй...йинг, яхши эмас, — деди Қирмизхон ёлғондакам йиғламираб...

Бир пайт Баширжон: «Оббо, тўхтанг, тўхтанг!», дея сапчиб ўрнидан турди. Қирмизхон: «Ҳа-ҳа?», деди хавотирланиб.

— Падарига лаънат, дўппим тушиб кетди! — Баширжон диваннинг бош томонини пайпаслаб, дўпписини топди-да, икки қўллаб бошига ёпди.

— Қоронғида калингизни биров кўриб ўтирибдими? — деди Қирмизхон аскияга олиб.

— Ундай деманг! — деди Баширжон койиниб. Яна бироздан кейин иккала вужуд ўз-ўзидан қаттиқ чирмашди. — Жоним...

Шу пайт тўсатдан... қарсиллаб эшик очилиб кетди. Кабинетга қабулхона чироғининг ёруғи ёпирилиб кирди. Баширжон бошидан дўпписи учиб кетган пайтагидек сапчиб ўрнидан турди. «Ким? Ким?», дея бозўр хириллади, доддираб йўталиб ҳам қўйди.

Остонада Ислом ота турарди!

— Шу ердамидингиз, ўртоқ Зайнишев? — деб сў-

ради у бошлиқни овозидан таниб. — Нега қоронғида ўтирибсиз?

— Постни ташлаб қаерларда санқиб юрибсиз?! — дея дўқ ура кетди Баширжон.

Ислом ота хиёл гарангсиз қолди-да:

— Ҳали сиз келмаган эдингиз, котиба қизга айтиб кетувдим. Келсам, ҳаммаёқ қоронғи... — деганча ичкарига бир қадам қўйдию чироқни ёқиб юборди. Қирмизхон диванда яланғоч тиззалари устига бошини қўйганча ғужанак бўлиб ўтирар, хона ўртасида майкачан бошлиқ қаққайиб турар эди...

Ислом отанинг мўйлови тиккайиб, қулфмонанд соқоли тўзиб кетгандек бўлди, юзига нафрат ва жирканиш қалқиб, бошликка, йўқ, унинг кўзига эмас, яланғоч, сержун оёқларига қаради.

— Ёпирай! — деди кўзларига ишонмай. Бир лаҳза шу алфозда гангиб тургач, ғазаб билан ўшқирди: — Э, садқан бошлиқ кетинг-э! Э, садқан мансаб курсиси-е! — Қирмизхон лип этиб ўрнидан турдию қўйлагини алип-тапил кийиб, ташқарига отилди. Ислом ота ҳамон бошлиққа маломат тошларини ёғдирарди: — Э, суф сизга-э! Бу кунингиздан ўлганингиз яхши эмасми?!

— Энди, ўзингиз биласиз, йигитчилик, отахон, — деди Баширжон лавлагиси чиқиб, — кечирасиз...

Ислом ота унга баттар ўдағайлади:

— Йигит сўзини оғзингизга олманг-э! Садқан йигит кетинг! Ўв, манга қаранг, бу ер пирхона-я, пирхона! Отангизнинг арвоҳи уради, ҳа!

Баширжон диванга назар ташлаб, Қирмизхоннинг чиқиб кетганини пайқадию дадилланиб:

— Ўв! — дея қичқирди чийиллаб. — Аввало, нега постингизни ташлаб кетасиз? Нима, бу ер сизга қарвонсаройми?.. Бўлди-да энди, у сизнинг қизингиз бўлмасэ, синглингиз бўлмасэ!..

— Нима? Нима дединг, кучуквачча?! — Ислом ота кўзларини ола-кула қилиб, унга қараб бостириб кела бошлади. Баширжон жонҳолатда орқасига тисарилди.

— Кечирасиз, отахон, кечирасиз, — дея ўртадаги стол ортига ўтиб олди, — кечирасиз. Тўхтанг, ахир, нима бўлди ўзи?

— Ҳали тонарсан ҳам? — деб хирқиради Ислом ота бўғилиб.

Баширжон қарасаки, аҳвол чатоқ, нима қилиб бўлса-да, бўш келмасликка тиришди:

— Ҳеч гап бўлгани йўқ, қани, қўл тегизиб кўрингчи!.. Қўлингиз билан тутмасангиз, ҳаммаси бир пул. Қуруқ тўхмат! Тавба, индаман сари кекирдагини чўзади-я бу чол!

Ислом ота умри давомида кўп муттахамни кўрган, аммо бунақасига биринчи бор дуч келиши эди. Шунинг учун ҳам доддираб қолди, «Вой, тавба! Вой, қудратингдан, худо! Вой, имонсиз-эй!», деб ёқа ушлади. Бошлиқ қўли баланд келаётганини фаҳмлаб, баттар дағдага қилишга ўтди:

— Бировга, айниқса, хотин-қизларга тўхмат қилганингиз учун икки йил иш оласиз, буни унутманг, ҳа!

— Нима-нима?! — деди Ислом ота титраб ва кўрсатгич бармоғини бигиз қилиб ўшқирди: — Ман райкомга бораман! Ҳа, тоғасига ҳам бориб айтаман, ўша мошакни! Ишдан кетсам кетаманки, бу идорани — бу пирхонани зинохона қилишингизга йўл қўймайман. Э, одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши! Яна бу мегажин ўртоқ Порсоевнинг жияни эмиш!..

— Бекор айтибсиз! — деди Баширжон чаққайиб — Қирмизхон ҳеч кимнинг жиян-пиани эмас, бу — сиз билан Солиҳовдан чиққан сафсата. У оддий гражданин, ёлғиз, кимсасиз бир хотин-қиз! Эсингизни еган бўлсангиз, майли, тўхмат қилаверинг... Лекин, бировни «мегажин» деб ҳақорат қилганингизга жавоб берасиз, билиб қўйинг!..

Баширжон дарвозахонага чиққанда Қирмизхон ал-

лақачон кетиб бўлган эди. Бошлиқ кўйлагининг тугмалари пойма-пой қадалганини, ўша машҳур, кизаги қийшиқ шляпаси қозиқда қолганини энди пайқади. Исломота дарвозани унинг изидан тарақлатиб ёларкан: «Илоҳим, касофатинг ўзингга урсин!», деб тўнғиллади.

Баширжон электр чироқлари порлаб турган катта йўлдан юришга истиҳола қилибми, юраги бетламайми, ўзини қоронғилик қўйнига урди. Зум ўтмай, унинг қораси зулмат қаърига шарпадек сингиб кетди.

«Уят — ўлимдан қаттиқ», дейдилар. Бу, албатта, шарми-хаёли, номусли кишиларга нисбатан айтилади. Уни қарангки, Баширжонда ҳам озми-кўпми уят ҳисси сақланиб қолган экан. Кеча оқшом идорада содир бўлган юзқоралик унга эрталабгача ором бермади. Солиҳовнинг уйдан қайтиб келгач, ҳали барвақт эканига қарамай, ўрнига кириб ётиб олди.

«Одамларнинг юзига қандай қарайман! — деган савол ич-этини кемирарди, — Ёмон бўлди, шарманда бўлдим. Агар Исломота райкомга чиқса борми? «Тоғасига ҳам бориб айтаман», деди-я, имонсиз чол! Э художон-эй, ёмонга ўзинг инсоф бер! — У пишиллаб ўнг биқинига ағдарилди. — Илоҳим, бу гап Ҳамид сариқ билан Хўжақулованинг қулоғига етмасин-да! Қандай балога қолдим-а! Эсиз-а, сариқ эндигина юмшагандай эди-я!.. Ҳаммасига ўша мошак сабабчи. «Келинг», деб телефон қилмаганда, олам гулистон эди-я!.. Бир иложини қилиш керак... Исломотага пул ваъда қилсаммикан? Э, йўқ, пул берсам, айбни бўйнимга олган бўламан-ку! — У яна уф тортиб, чап биқинига ағдарилди. — Яхшиси, бир сўзда турган маъкул: «Исломота бизга тўхмат қилди», дейиш керак! Э художон, ўзинг шарманда қилмагайсан бу шарманда бандангил! — Унинг хаёллари ҳам пойма-пой эди. — Ҳа, бало ёпишмасдан унинг олдини олиш даркор! Бало ёпишишга-ку ёпишди-я! Ҳазрати Баҳоваддини балоғардон, ўзингиз қўлласангиз бўлмайди. Агар қўлласангиз...»

Баширжон «Агар шу балони қайтаришга ёрдам берса», у кишининг йўлларига етти танга садақа қилиш эвазига ҳазрати Баҳоваддини балоғардон билан хаёлан договор-шартнома тўзди. Ниҳоят, кўнгли бир оз таскин топгандек, секин кўзларини юмди.

...Кенг, кўкаламзор дала эмиш. Юқоридан айқириб зилот сувли бир сой оқармиш. Қушлар чарх уриб сайрар эмиш. Баширжон бу кимсасиз даланинг ўртасида ёнбошлаб ётганмиш. Тўсатдан қиёфаси худди Рустами дostonга ўхшаш, лекин вазоҳати хунук бир киши кўк майсаларни топтаб унинг устига бостириб келаверибди. «Во ажабо! — деб қичқирармиш у. — Исломота-ку бу, нега гавдаси мунча катта? Соқол-мўйловлари ҳам ғалати!» Исломота кўлидаги узун сопли ойболта билан чурқ этмай бостириб келаверармиш. У ўрнидан туриб қочай деса, оёқ-қўли қимирламас эмиш. Бир пайт Исломота кўлидаги ойболта билан бир уриб унинг калласини учираб юборибди. Калласи учиб кетаётганмиш-у, у бўлса: «Хайрият, дўппим жойида қолди!», деб ўйлармиш. Потирлаб ётган чалажон жасадининг бўйнидан шилдир-шилдир қон оқармиш... Уч қадамча нарида дўппили калласи фарёд чекармиш: «Вой, художон-эй! Адо бўлдим-эй! Қонни тўхтатинглар-эй!»

Баширжон ўз овозидан чўчиб, даҳшат билан уфғониб кетди. Дарҳол бошини қимирлатиб, қўли билан ушлаб кўрди: хайрият, жойида! Атрофга гарангсиб аланглади: куёш нурлари хонани тўлдирган, хотини

«Шарманда бўлдим... Искирт бир қоровулдан «Касофатинг ўзингга урсин!», деган қарғишни эшитдим-а! Ман аҳмоқ, ман эшшак, йўқ-йўқ, итман! — Баширжон ўзига ўзи лаънат ёғдириб, Чавқар ариғининг кўпригига кўтарила бошлади. У темир қалпоқли электр чироғи хира нур сочиб турган симёғочга яқин бориб, соатига назар ташлади. — Тўққиздан ўн беш минут ўтибди. Бугун лайшанба-я, ҳа-ҳа, кечикмаслик керак...»

У чапга бурилди-да, тўғри Ҳамид Солиҳовнинг ҳовлисига қараб кетди.

## 14. ГАП ТЎЛА КАЛЛА

аллақачон туриб кетган эди. У бошини қайта ёстиққа ташлади. Қулоғига боя тушида эшитган «шилдир-шилдир» товуш кирди. Кўзларини қўрқа-писа очиб, бурчакка қаради: Ашур қоринчасини олдинга чиқарганча баргранг тувакка «чоптириб» турарди...

Баширжон ётган ерида меровланиб жилмайди ва кўрган тушини таъбир қила бошлади: «Тавба, — дея ўйлади у кўрагининг чап томонини ишқаб, — наҳотки, одамнинг боши кесилса-ю, тағин бемалол гапираверса? Қоннинг оқишини қаранг! Тушда қон кўриш — ёруғлик дейишгади-ку... Тавба, қоннинг шилдираб оқиши худди Ашурнинг «чоптириш»ига ўхшайди-я! — У ўзича кулимсираб қўйди, кўз ўнгида рустамсифат Исломота келиб, баданига яна чумоли ўрмалагандек бўлди. — Ўйлаб ётганимга босинқирадим шекилли... Насиб қилса, ҳаммаси тўғри бўлиб кетади. Чунки қон — ёруғлик! Кейин, каллам кесилганда ҳам бошимда дўппим бор эди, чоғи...»

Кўрпани кўтариб секин унинг кучоғига кирган Ашур пишиллаб бошлади. Отаси эътибор бермагач, ҳиқиллаб йиғлашга тушди. Баширжон, қани, нима қиларкин, дегандек кўзларини юмиб индамай ётаверди. Бир пайт Ашур сирганиб қаравотдан тушди-да, унинг ўртасига бориб ариллаганича йиғлай бошлади. Ташқаридан онаси ҳовлиқиб кириб, ўғлини овутишга тушди. Фарзанд — балои жон. Ота ҳам бор ташвишларини унутиб, уни юпатишга уринди. Ашур баттар чинқириб, юлқиниб йиғларди. Ўғлининг хархашасидан Баширжоннинг юраги баттар эзилди. Йиғидан томоғи қуруқшаб қолган Ашур бир нимелар деб ҳиқилларди.

— Нима дейсан, жоним? — дея парвона бўларди онаси.

— Нима дединг, дагарим? — деб такрорларди отаси. Ашур онасига ер остидан бир қараб олди-да, йиғи аралаш:

— Ўша сабийингдан битта бей, қани, дам бўламанми-ей! — деди.

Эр-хотин бараварига жилмайишди. Баширжон ўғлининг ақли ва қувлигига яна бир бор қойил қолди: «Ўзимга ўхшайди!» Зевархон буфетдаги «Чайка» деган шоколаддан олиб Ашурга тутқази. Бола, кўзларидан ёш оқиб турган бўлса-да, йиғидан тақа-тақ тўхтаб, шоколадни икки қўллаб чангаллаганча курт-курт чайнашга тушди.

Баширжон меҳмонхонага ўтиб, одатига кўра девор календарини варақлаб кўрди. Хайрият, бугун ҳеч қандай байрам йўқ экан. У столга яқин бориб, тортмадан икки варақ қоғоз олди-да, узоқ ўтириб ёзди. Ёзганларини қайта-қайта ўқиб, тузатиб чиқди ва «Ётиб қолгунча — отиб қол!», дея пичирлаб, қоғозни икки буклаб ички чўнтагига солди. Яна нари-бери юраркан, чап девордаги гилам устига қоқилган Шамси Тўраевичнинг портретига тикилиб қолди. Бу портретни у шаҳарга тушганида кичик суратдан катталаштириб олган эди. Бир донасини рамкага солиб, «акахон»нинг ўзига сов-

га қилган, иккинчисини эса уйига олиб келган эди. У ҳаётда қийналиб, ночор қолган кезларида худди мажусийдек, ана шу суратга сиғиниб таскин топарди. Ҳозир ҳам суратга термиларкан, кўнгли бир оз равшан тортгандек бўлди.

Баширжон ишга хийла барвақт отланди. Бундан икки хил мақсадни кўзда тутган эди. Биринчидан, идорага ҳали ҳеч ким келмасдан аввал вазиятни билиб олиб, ўшанга қараб ҳаракат қилмоқчи, иккинчидан, одамлар йўқлигида Исломотани чекириб, унинг кайфиятини билмоқчи, иложи бўлса, яна бир марта дағдага қилиб қўймоқчи эди.

Баширжон ҳар куни эрталаб ишга келганида қоровул уни дарвоза олдида кўтиб оларди. Бугун негадир кўринмади. «Наҳотки, райкомга кетган бўлса? — Унинг оёқ-кўли бўшашиб кетди, қоровулхона деразасидан мўралади: Исломота ўша эски тахта сўричада бошини кўксига солиштириб ўтирарди. — Хайрият, шу ерда экан!..»

Баширжон, кечаги шармандалик туфайли бўлса керак, энсиз елкаларини кўтармасдан, энкайиброқ юриб қабулхонага кирди. Қирмизхон аллақачон келиб, машина чиқиллатиб ўтирарди. Унинг ҳам ранги анча синиқиб қолган, одамларнинг юзига қарашдан истиҳола қилибми, кўк дуррачани томоғи остидан боғлаб, олдини пешонасига тушириб олган эди. Улар бир-бирларига қарашга ҳам журъат этишолмади. Баширжон котибининг саломига алик ҳам олмасдан:

— Келдингизми? — деди.

— Ҳа, — деди Қирмизхон кўзларини ерга тикиб. Баширжон «Энди нима қиламиз?», дегандек унга малкайиб қаради, лекин пантомимага ўхшаш саволига жавоб ҳам кутмасдан, кабинетига кирди. «Чўнтақлари чуқур-чуқур» костюмини ечиб, илгичга илмоқчи эди-ю, нимандир ўйлаб фикридан қайтди. Ички киссасидан боаги буклоғлиқ қоғозни олди, стол устига ёзиб текислади-да, яна бир карра ўқиб чиқди. «Емон эмас!», деб қўйди ўзича ва ўрнидан туриб:

— Ўртоқ Дўлтаева! — деб чақирди паст товушда.

— Лаббай! — Қирмизхон остонада бир кўринди-ю, дарҳол изига қайтмоқчи эди, бошлик:

— Келинг, келини! — деди шошилиб. Котиба нимадандир тараддудлангандек иккиланиб турган эди, писиллаган овозда буюрди: — Киригиз, ана бу усталга ўтиригиз! — Қирмизхон этагини тортиб ўтирди. Баширжон қўйи лабини тишлаб: — Шарманда бўлди... — деди.

Қирмизхон йиғламсираб ҳиқиллади.

— Ҳаммаси ўзингиздан, — дея қафтлари билан юзини бекитди, — «Служба, служба», деб қўймадингиз. Расвои олам бўлдим, энди одамларнинг юзига қандай қарайман?..

Баширжон лабларини дўрдайтириб бирпас ўйга толди, сўнгра:

— То «босди-босди» бўлгунча ишдан бўшаб турасизми ё? — деб сўради.

Қирмизхон: «Ўзингиз биласиз!», дедию баттар йиғлашга тушди. Унинг елкалари титрар, ўнг қўли ҳаворанг жемперининг ёнбошида тимирскиланар эди. У атир ҳидини аңқитиб, чўнтагидан кичкина, ҳошияси гулдор рўмолча чиқарди-да, кўз ёшлари аралаш бурнини артди.

Бошлик тамом эсанкираб қолди. Нима қилса экан? Бу-ку бир амаллаб сувдан қуруқ чиқиб кетади, минг бошли илондек бир овоза ўрмаласа борми, ҳамма жабр ўзига бўлади. Ҳозирги замонда хотин мушукдек гап — томдан ташласанг ҳам, оёғи билан тушади. Яна ҳамма калтак эркаларнинг бошида синиши мумкин. Нима қилиб бўлса-да, йўлини топиш керак.

— Гап бундай, — деди Баширжон ниҳоят, — рози бўлсангиз, бир иш қиламиз.

Қирмизхон ёшли кўзларини унга тикди:

— Блокнот билан қалам олиб келайми?

— Йўқ, — деди бошлик, — манави қоғозда сизнинг номингиздан бир ариза ёзилган. Уқиб, оқ қоғозга ўз хатингиз билан қайта кўчириб чиқасиз...

Қирмизхон қоғозни олиб ташқари чиқди. Ярим соатлардан кейин қайтиб кириб, ўз ёзгани билан асл нусхани бошликка узатаркан:

— Яхши, розиман, — деди. — Мана, бир жойига: «Ўзи менга тегишган эди, босмачига ўхшаб...», деб қўшиб ҳам қўйдим.

Бошлик кўчирилган нусхани бир карра ўқиб чиққач: «Харошо», деб қўйди ва асл нусхани йиртиб, саватга ташлади, сўнгра Қирмизхонга юзланиб:

— Боринг, бир-икки кун уйингизда дам олиб туринг, — деди.

У чиқиб кетгач, қоровулхонага телефон қилиб, «Бир келиб кетинг!», дея трубкани шарақлатиб қўйди. «Ҳозир келади!» — Кўз ўнгида кеча тушида кўргани рус-тамсифат Исломота гавдаланиб, эти жимирлаб кетгандек бўлди. — Ҳозир келади, э художон, ўзинг мадад бер!»

Эшик аста очилди. Баширжон кўкрагини столга тираб, бошини юқорироқ кўтарди. Исломотани кўрган заҳоти хаёлидан «Ўша питак чол-ку!», деган фикр кечди ва креслосига ястаниб ўтирди-да:

— Ҳнг, салом! — деди беписанд. Исломота эшик олдидаги стулга чўкди, бароқ қошларини хиёл кериб, «Хўш, хизмат?», дегандек, унга бир қараб олди. Бошлик томоқ кирди, стол устидаги қоғозни кўрсатиб: — Устингиздан ариза бор! — деди қоғозини уйиб. — Мана, икки варақ!

Исломотанинг кулфак соқоли билинар-билимас титраб кетгандек бўлди.

— Мани устимданми?

— Ҳа, сизнинг устингиздан. Мана, ўқиб кўришингиз мумкин.

— Мани саводим йўқ, ўзингиз ўқиб берақолинг! — деди қоровул ҳайрон бўлиб. Бошлик унинг додирганидан рухланиб, ўрнидан турди, томоқ қириб ўқимоқчи эди-ю, мажлис ёки тантанали йиғилиш эмаслиги эсига тушиб, қайта жойига ўтирди.

— Хўп, мана бундай, — деди у аризани икки қўли билан ёйиб ушлаганча. — «Район хотин-қизлар советининг раиси ўртоқ Норжон Хўжақуловага Давлат сарҳавоние идорасининг ходими Қирмиз Дўлтаева томонидан.

Ариза.

Ушбу аризамни ёзиб маълум қиламанки, шу йил 28 апрелдан бери шу идорада ишлаб келмоқдаман. Ёлғиз, кимсасиз бир муштипар аёлман. Мени ўз аризамга бинуюн ишга қабул қилдилар. То шу кунга қадар ҳамма топшириқларни ҳалол бажариб келмоқдаман. Лекин бу идорадаги миш-мишлар мени жонимдан тўйғазиб юборди. Аввал мени «Облгосстрах бошлиғи ўртоқ Порсоевнинг жияни», деб гап тарқатдилар. Кейин «Инспектор Қиёмхон Муслимов билан юради», дейишди. Хўп, буниси тўғри, яқинда Қиёмхон акам билан тўйимиз бўлиши аниқ. Лекин худди шу пайтда, тўй арафасида мени идорамиз бошлиғи «Баширжон Зайнишев билан юради», деб гап тарқатишлари ҳеч чидаб бўлмас бир ҳолдир. Энди Қиёмхон акам мендан аразлаб юрибдилар. Бу миш-мишларнинг ҳаммасига қоровул чол — Исломота (садқаи ота кетсин!) Исмоилов сабабчи экан. «Баширжон Зайнишев билан юради», деб гап тарқатган ҳам ўша, беимон чол!..»

— Вой, мегажин-эй! — деб юборди Исломота титраб. — Қачон гап тарқатибман? Ҳеч кимга айтганим йўқ-ку!

Баширжон ўқининг нишонга аниқ тегаётганидан илҳомланиб, ўқишда давом этди:

— «Бу тухмат-маломатлар мени адои тамом қилди. Энди бирдан-бир йўл — ўзимни ўлдириш қолди. Ё сирка ичаман, ёки ўзимни машинанинг остига ташлай-



ман! Ҳаммасига сабабчи ўша қоровул! Ҳа, яна шуни эътиборга олингким, ўша беимон чол 22 май куни кечга яқин худди босмачилардек зўравонлик қилиб, мени қучоқламоқчи бўлди. Мен дод солиб, кўлидан аранг қутулиб чиқдим...»

Исломота ўрнидан туриб кетди.

— Е, тавба, илоҳо тавба! — деди у ёқа ушлаб. — Тухмати ноҳаддан ўзинг асрагайсан! Ахир, ахир, бу...

Баширжон пинак бузмай аризани ўқийверди:

— «Ана шунинг қасдига менга ҳар хил уятли, маломат гапларни тақаб, миш-миш тарқатиб юрибди! Менга, оддий бир совет аёлига, СССР Конституциясида тенг ҳуқуқ бериб қўйилган мендек совет хотин-қизи шаънига шу хил тухмат гапларни тарқатган Исломота Исмоилова тегишли жазо беришингизни сўрайман, деб Қ. ДУЛТАЕВА».

Баширжон қоғоздан кўз узиб, чолга таҳдидли тикилди.

— Мана, ўз хати, ўз имзоси! — деди қалтираб турган Исломотага аризани нуқиб. — Мана, кўринг!

Қоровул титроқ бармоқлари билан қоғозни ушлаб кўрмоқчи бўлди-ю, ҳазар қилгандек дарҳол кўлини тортиб олди.

— Е кароматингдан худо! — дея бош чайқади. — Кошки бирор кишига айтган бўлсам!

Баширжон жойига қайтиб ўтирди, кресло суянчиғини охишта черта бошлади. Исломота мунгайиб ўтирганча саллали бошини кафтлари орасига олиб, оғир-оғир тебраларди. Бир муддат сукунат чўқиди. Фақат бошлиқнинг кресло суянчиғини тик-тиқ чертаётгани эшитиларди, холос. Ниҳоят, Исломота бош кўтариб унга қаради:

— Ариза кимнинг номига битилган?

— Ҳўжақулованинг номига, яна бир нусхаси прокурорга!

Исломотанинг бир нуқтага тикилган кўзлари ола-кула бўлиб кетди:

— Ариза Ҳўжақулованинг номига ёзилган бўлса, сизнинг кўлингизда нима қилиб турибди?

Баширжон саросималаниб қолди.

— Энди, энди, — деди қулоқларигача қизариб, — ман, ман... унинг кўлидан зўрга юлиб олдим. Идорамизнинг обрўси, қолаверса, сизга гап тегмасин, деб... Қариган чоғингизда яна бир балога гирифтор бўлманг, дедим-да.

Исломота, ҳей аттанг, дегандек, қаттиқ хўрсинди-да, анчадан кейин:

— Қиёмхонга тегарканми? — деб сўради.

— Шундай! — деди Баширжон бошини ликилла-тиб. — Шу ойнинг охирларида тўйлари бўлармиш.

Исломота истеҳзоли кулди:

— Ит билан мушунинг ялоғи бир бўларкан-да! Ҳа, майли, уйланса уйлансин, зора эркакка ўхшаб қолса... Лекин, Баширвой-чи, сиз кўп ҳам анави мошакка қўшилиб мани майдагап, деб ўйламанг. Ман чақимчиликни ўзимга ор биламан. Аммо-чи, бунақа ҳаром-ҳарош ишларга йўл қўймайман.

Баширжон ўрнидан туриб, Исломотага яқинлашди.

— Майли, отахон, — деди ялтоқланиб, чолнинг елкасига қўл ташларкан. — Энди, бир бўлди-да, бошқа ҳеч такрорланмайди. Энди шу гап шу ерда қолсин. Келишдикми? Ана бу аризани эса темир сандиққа қамаб қўямиз. Иси ҳам чиқмайди. Кейин, ахир Қиёмхон эшитса ҳам яхши эмас...

— Хўп-хўп, — дея Исломота иккала кўлини силкиб розилик билдиргандек бўлди. — Қиёмхон шунга уйланмоқчи бўлса, мени ҳеч қаршилигим йўқ. Шояд шу бола ҳам одам қаторига кириб қолса...

Қоровул чиқди. Баширжон жилмайиб, ялтираган пешонасига кафти билан шап-шап урди-да: «Бу каллада гап кўп! Тўла ақл!», деб қўйди.

Ҳақиқатан ҳам унинг калласида «гап кўп» эди. Шу кунга қадар у бир неча бор оғир, хавфли вазиятлардан осонгина қутулиб кетган эди. То қутулгунига қадар худою авлиёларга сиғинар, қутулганидан кейин эса, ҳаммасини унутиб, муваффақиятни ўз уддабурролигию калласининг яхши ишлашига йўярди. Мана, ҳозир ҳам...

— Вой, Баширжон Зайнишевич, шу ердасизми? — дея ишшайганча Қиёмхон кириб келди. — Мунча вақтли?

— Ҳа, энди, — деб қўяқолди бошлиқ кайфсиз йўсинда. Қиёмхон қийшанглаб келиб кўришди, чўнтагидан икки-учта дафтарча чиқариб, унга узатди.

— Мана, ҳаммасини тўладим, — деди ясама мағрурлик билан. — Сувники, газники, электрникиям... Эллик етти сўму саксон уч тийин. Икки сўм эллик тийин пена ҳам олди.

Баширжон бениҳоя хурсанд бўлиб кетди. Инспекторга қайта-қайта миннатдорчилик билдираркан, гап орасида: «Исломота сизга бирор нима демадимми?», деб сўраб ҳам қўйди. Қиёмхон бош чайқади. «Демак, айтмабди. Айтиб ҳам кўрсин эди!» — У сейф томон гердайиб кўз ташлаб олди.

— Бу, секретарингиз кўринмайдиларми, Баширжон Зайнишевич? — деб сўради Қиёмхон изига бурилиб.

— Ҳа, онаси касал экан, бир кунга жавоб сўради, — деди Баширжон, кейин эса эшикдан чиқиб улгурган инспекторни қайта чақирди:

— Қиёмхон!

— Лаббай, чақирдингизми?

— Ҳа, — деди бошлиқ останада бақрайиб турган Қиёмхонга тикилиб. — Бир гап бор эди, майли, бошқа кун айтарман. Хурсанд бўласиз. Ҳозир, шопир келган бўлса, айтинг, бу ёққа кирсин!

Зум ўтмай, кабинетга Илҳомжон кириб келди. Эгнида қора комбинезон, бели боғланган, бошида оқ патли шапка. Бу ўша — маданият уйида ва маҳаллий санонат комбинатида бирга ишлаган шофёри Илҳомжон эди. Баширжон узоқ муддат шофёр излаб тополмагач, идоранинг эски, шалоғи чиққан «ГАЗ-69» машинасини қайта-қайта қасам бериб, унга топширган эди.

Илҳомжон жадал юриб келди-да, қорамой юқи кўлининг билагини тутиб, кўришди.

— Қалай, тайёрами?

— Ун беш минутда тайёр бўлади! — деди Илҳомжон бурнини тортиб. — Аллақачон тайёр бўларди-ю, лекин қўшнимизнинг боласи касал бўлиб қолди. Шунга бир оз кечкиб... Э, бу оналарга ҳам ҳайронсан, болаларга ҳам! — дея ўзини катта олиб, сўзида давом этди Илҳомжон. — Бола бувисининг қон босимига қарши дорисидан бир пачкасини ичиб қўйибди, денг. Дорининг юза қатлами ширин-да, қанд деб ўйлаган. Қорни шийиб кетибди. Қизариб-бўзариб қусмоқчи бўлади, қусолмайди. Дўхтир чақириб анча овора бўлдим. Ҳозир ўн беш минутда машина гатоп бўлади...

Баширжон уни гапдан тўхтатмаганда, Илҳомжон райондаги бошқа бахтсиз ҳодисалар тўғрисида ҳам яна ярим соат ахборот берган бўларди.

## 15. АЧЧИҚ-ЧУЧУК

Қирмихон эшигига «Инспекторлар» деб ёзилган хонага бош суқиб:

— Ҳамид Солиҳович, Қиёмхон ака, сизларни бошлиқ чақиряптилар, — деди. Маҳаллий комитет раиси билан инспектор, тинчликми, дегандек бир-бирларига

қараб олишди. Отасининг вафоти туфайли Солиҳов ўзини анча олдириб қўйган эди. «Ҳойнаҳой, яна Қиёмхон масаласи бўлса керак, — деб ўйлади у, — топган вақтини қаранг!» Қиёмхон эса, кеча колхозда бўлганида бошлиқ учун бешта қўйни арзон нархда сотиб олиб

фермага қўшганини қандай айтишни ўйлаб турарди.

Улар олдинма-кейин рухсат сўраб бошлиқ кабинетига киришди. Баширжоннинг салқи юзлари, кенг пешонаси қизариб кетган, авзойи бузуқ эди. Ён томондаги ўша эски диванда сочлари тўзғиган Илҳомжон хўмрайиб ўтирарди.

— Қани, келинлар, — деди бошлиқ уларга им қоқиб. — Утиринг, Ҳамид Солиҳович. Сиз ҳам ўтиринг, Қиёмхон!

Улар бирин-кетин ўтиришди. Бир муддат жимлик чўқди. Сукунати шофёрнинг икки марта шилқ этиб бурун тортиши бузди.

— Тинчликми? — деб сўради Солиҳов.

— Мана, Ҳамид Солиҳович, — деди бошлиқ босиқ, хафақон оҳангда, — сиз маҳаллий комитетимизнинг раисисиз, сиз, Қиёмхон, местком аъзосисиз. Солиа опа касал, бўлмаса ҳалқ контроли сифатида у кишини ҳам таклиф этардик. Ҳозир бир масалани коллектив бўлиб ҳал қилиб олсак, дедим.

— Яхши бўлади! — деди Қиёмхон қанақа масала эканини билмаса ҳам.

Бошлиқ ер чизиб ўтирган шофёрига ишора қилди-да:

— Илҳомбойдан гап сўранлар, — деди куйиниб. — Илҳомбой бизнинг онамизни ҳақорат қилдилар. Манга... мани «Пашул ти...», яна: «Дуррак», деб сўқдилар.

— Йўғ-эй! — деди Солиҳов. — Наҳотки, шундай деган бўлса?

— Вой! — деди Қиёмхон сесканиб. — Ана уни қаранг, ахир, бу уят-ку!

Бошлиқ шофёрнинг сўкканини жаҳл-жаҳолат билан исботлашга уринарди:

— Ҳа, Илҳомбой бизни шундай деб, яна: «Иди!», деб ҳақорат қилдилар. Бизнинг ўлиб кетган онамиз раҳматлини сўқдилар. Ишонмасанлар, ана ўздан сўранлар.

Маҳаллий комитет раиси шофёрга зимдан қаради:

— Шундайми, Илҳомжон?

— Энди, Ҳамидулла ака... — деди Илҳомжон тиззасининг кўзини уқалаганча. — Утган оқшом кеч соат иккигача бу кишини район чеккасидаги янги қурилган магазин олдида кутиб турдим. Бу киши иссиққина уйда, анави... — Илҳомжон қабулхона томон ишора қилмоқчи эди, бошлиқ:

— Бас! — дея уни сўздан тўхтатди. — Сиз шунга айтинг, нега мени «онангини» деб сўқдингиз?

— Ҳозир айтаман, — деди Илҳомжон куйиниб. — Кейин, эрталаб соат саккизда яна бу кишининг уйларига бордим. Ишга олиб келдим. Нонушта қилмоққа ҳам қўймасдан Оқтошга юбордилар. Нимага бўларди? Бир фолбис чиққан экан...

— Қўйинг, ёлгон гапириб нима қиласиз! — дея унинг гапини бўлди бошлиқ.

— Ёлгон гапириб ўрганмаганман, — деб давом этди Илҳомжон. — Бир юз беш чақирим йўл босиб келгач, Душанбадан меҳмонлар келган экан, аэропортта чиқдик. Меҳмонларни Шамси Тўраевичнинг уйларига элтиб қўйдик. Кейин дам олмасдан, яна колхозга жўнадик — Ашурчиқлари учун ҳандалак келтиргани. Уғиллари ҳандалакни яхши кўраркан...

— Бас! — деди бошлиқ қип-қизариб. — Гапни кўпайтирмасдан, нега мени «Пашул ти...», деб сўққанингизни айтинг!

— Ҳўп-хўп, ҳозир, — деди Илҳомжон, — ҳандалакни олиб келиб уйларига туширгач, янгамни бешик тўйига элтиб ташладим. Кечқурун қайтиб келиб, энди машинани гаражга қўяётган эдим, бу киши: «Машинани юргизинг, ўша ёққа — магазиннинг орқасига борамиз», деб кўз қисиб турибдилар. Ахир, «боз-боз»лик ҳам...

— Бас! — дея столга гурсиллатиб мушт урди Баширжон.

Илҳомжон нафасини ютиб жим қолди.

Бундан фойдаланган Қиёмхон ингичка овозига улуғворона тус бериб сўз бошлади:

— Илҳомжон, — деб шахло кўзларини шофёрга қадади у. — Сиз тўғриси айтинг. Мана, идорамиз бошлиғи Баширжон Зайнишевичнинг муҳтарам волидала-

рини ҳақорат қилиб, ўзларини «Иди...» ёки «Дуррак» яъни «Аҳмоқ» деб сўққанингизми?

— Ахир, жонимга тегиб кетди, — деди Илҳомжон титраб. — Икки суткадан бери кечаю кундуз рудаман. Хабарларингиз бор, шу эски машинани қанча азоб билан, қон ютиб тузатдим. Бу киши бўлса, «Калитни қолдир, бор, ишдан бўшадинг!», дейдилар. Жонингизга теккандан кейин, сиз ҳам сўқасиз-да.

Солиҳов кулимсираганча бир четга қараб турар, Қиёмхон эса ҳамон ишнинг тахтиётини олар эди:

— Демак, Баширжон Зайнишевични, ҳурматли бошлиғимизни шундай деб ҳақорат қилдингиз?

— Жонингизга тегса, — деб такрорлади Илҳомжон тўнғиллаб, — сиз ҳам сўқасиз-да.

— Ана, кўрдингларми? — деди бошлиқ тантана қилаётган кишидек ўрнидан туриб. — Ўзи ҳам иқроф бўлиб ўтирибди!

Қиёмхон бошлиқнинг аҳволига қаттиқ ачинди, бел боғлаб уни ҳимоя қилишга киришди.

— Бўлмаса, гап бундай, Илҳомжон, — деди у ўзига хос чучмал-жиддий оҳангда. — Бошлиқни беҳурмат қилганингиз, уни сўкиб, буйруғини бажармаганингиз учун сизни ишдан ҳайдаймиз, ҳа-ҳа, статья билан ҳайдаймиз! Сиз нима дейсиз, Ҳамид Солиҳович?

— Хунук иш бўлибди, — деди Солиҳов ҳам ачинаиб. — Яхшиси, ишлашни истамаса, ўзи ариза ёзсин. Ҳақиқатан ҳам, бу киши бир-икки марта менинг ҳам айтганимни қилмаган эдилар. Жуда кўпол. Ўзи бўшагани маъкул.

— Тўғри, ёзинг аризани! — деди Қиёмхон.

Илҳомжон жаҳл билан ўрнидан турди.

— Бўлди, ҳозир ёзаман! — деди у тутақиб. — Бас, жонимдан тўйиб кетдим. Ҳузур бўлмаса, ҳаловат бўлмас! Агар шофёрлигим шу бўлса, бундан гадоилик қилганим афзал!

— Майли, қилин! — деди Қиёмхон.

— Ўзингиз биласиз, — деди Солиҳов. — Лекин, бошлиқ билан келиша олмагач, нима қиласиз гапни кўпайтириб?

— Ҳозир ёзаман! — Илҳомжон столдан бир варақ қоғоз олиб ариза ёзишга ўтирди. — Истасангиз, йигирмата ариза ёзишим мумкин. Ёзаман-у, аммо машинага қилган ҳамма харажатларини тўлатириб оламан, яна...

Баширжон шартта ўрнидан турди.

— Тўхтанлар, тўхтанлар! — деди дам маҳаллий комитет раисига, дам инспекторга қараб. — Ҳамид Солиҳович, Қиёмхон! Гап бундай: биз Илҳомжонга жавоб бермаймиз. Бу кишини тарбиялаймиз! Боринг, Илҳомжон бирпас чиқиб туринг! Ҳа, туринг энди! — Солиҳов билан Қиёмхон ҳанг-манг бўлиб қолишди. Илҳомжон шапқасини ғижимлаганча катта-катта қадам ташлаб чиқиб кетди. Бошлиқ серрайиб турган ходимларига юзланди. — Энди, ўртоқлар, иш бор жойда шунга ўхшаш аччиқ-чучук гаплар ҳам бўлиб туради. Ёш бир кадрни нобуд қилиш — яхши эмас. Ҳозирча дўқ-пўписа қилдик, шунинг ўзи етарли. Агар малол келмаса, Ҳамид Солиҳович, шу Илҳомжонни тарбиялаш ишини махсус бир паручение сифатида ўзимга топширсангизлар. Унинг тарбияси билан шахсан ўзим шугулланаман.

— Э, раҳмат сизга-е! — деди Солиҳов қизариб. — Унда, нега бизларни овора қилиб, қақариб юрибсиз? Одамда принцип деган нарса ҳам бўлиши керак-да! Тавба, аччиқ-чучук эмиш! — Маҳаллий комитет раиси шундай деди-да, шартта чиқиб кетди. Қиёмхон эса худди акса ургиси келиб турган кишидек ғалати тамшаниб турарди. Ниҳоят, у енгил хўрсиниб, бошлиқдан гина қилгандек:

— Яхши бўлмади, Баширжон Зайнишевич, — деди. — Агар мен бошлиқ бўлганимда, бунақа оғзи бузуқ шопир билан бир кун ҳам ишламасдим.

Баширжон иягини кўтарганча ёлғондакам хахолаб кулди.

— Оббо, сиз-эй, Қиёмхон укам-эй! — деди кресло суянчиғини чертаркан. — Мен бошлиқ бўлганимда,

дедингизми? Тўғри! Биласизми, ука, бу мансаб дегани — бемисоли бир от. Уни сиз минсангиз — йўрғалатасиз; айтилик, анови сариқ минса — чоптиради; яна бирови минса — лўкиллади; ман минсам — живовини қаттиқ тортиб тураман. Буни ман айтганим йўқ, бир ўтиришда Шамси Тўраевич айтганлар. Хўш, айтинг-чи, нега ман мансаб отини чоптирмайман? Ана, ана, тополмадингиз! Айтиб бўлмайди-да, баъзи отлар чарс, ўргатилмаган бўлади, устидан улоқтириб ташлаши мумкин. Шунинг учун ман қандай мансаб отига минсам ҳам, живовини қаттиқ тортиб туришга ўрганганман. Тез борган ерга секин борса ҳам бўлади. Иш бўлса ўз йўлида кетаверади. Гап, худо кўрсатмасин, мансаб отидан йиқилмасликда. Буни сиз ҳам яхшилаб ўқиб олинг. Вақти келиб фойдаси тегиб қолиши мумкин.

— Хўп, хўп, — дея Қиёмхон узр сўрагандек илжайди. — Энди, бир айтдим-да.

У оёқ учида юриб кабинетдан чиқди.

Баширжон ўзининг сўзамоллигига қойил қолиб, яна бир бор: «Бу каллада гап кўп!», дея кенг, ялтироқ пешонасига шап-шап урди, кейин томоқ қириб олиб, котибасини чақирди:

— Уртоқ Дўлтаева!

— Лаббай!

— Илҳомжонни чақиринг!

Қовоқ-тумшуги осилган Илҳомжон кириб, эшик олдида бош эгганча қаққайди. Бошлиқ секин ўрнидан турди. Шофёр ҳамон терсайиб турарди.

— Қалай, Илҳомжон? — деди бошлиқ унга яқинлашиб. — Энди билгандирсиз ким дўст, ким душманлигини? Яхши эмас-да, ука, вақти келса, уришамиз, вақти келса, бошингизни силаймиз. Кўрдингиз-ку, сариқнинг вожоҳатини. Агар унга қолса, ҳозирнинг ўзидаёқ сизни ишдан ҳайдарди. Ахир, сиз билан биз бир кунлик таниш эмасмиз-ку! Демак, шундай экан, сал нарсага дарров тўнингизни тескари кийманг-да! Кейин, ҳар кимларнинг олдида анови магазиннинг орқасидаги ҳовлига борганимизни, ҳандалак ва бошқа масалалар ҳақида валакларш ҳам... хўп, энди, гапириш яхши эмас-да, ука. Эскилар: «Аввал ўйла, кейин сўйла», деган

лар. Гапиришдан олдин ҳар томонлама ўйлаб кўриш керак. Боринг, машинани юргизинг. Колхозга чиқамиз. Бир ерга жувоз ёғи тайинлаганман, ҳа, сизга ҳам бўлади, ўн кило...

Илҳомжон чурқ этмасдан итоаткорона бош эгиб, ташқари чиқди.

Баширжон ўзича хаёлга чўмди: «Вой, хомкалла-ей! Ҳали ёш-да, дунёнинг паст-баландини тушунмайди. Тарбияласа-ку, одам чиқади-я... Лекин жувоз ёғидан зап ош бўлади-да!»

Ташқаридан машина сигнали эшитилди.

— Ҳой, мана ҳозир, Илҳомжон! — дея бошлиқ дўппини чаққонлик билан шляпага алмаштирди, «чўнтақлари чуқур-чуқур» костюмини илгичдан олиб, кия бошлади. — Мана, ҳозир!

Эшикдан чиқаётганида Солиҳов рўпара келди.

— Ҳа-ҳа, Ҳамид Солиҳович!

— Илҳомжоннинг аризасига-ку қўл қўймадингиз, — деди Солиҳов кулимсираб, — мана бу аризага қўл қўясиз?

— Қанақа ариза экан! — Баширжон қорозни олиб, кўз югуртирди.

Солиҳов икки йиллик отпускасини сўраб ариза ёзган эди. Баширжон терисига сигмай қувониб кетди. Чунки Солиҳов идорада қанча кам кўринса, у ўзини шунчалик эркин ва мустақил ҳис этарди. Шунинг учун ҳам очилиб-сочилиб, унга «меҳрибонлик» кўрсата бошлади:

— Бемалол-да, ука, бемалол, — деди аризага шартшурт имзо чекиб. — Албатта, падали бузрукворингиз ўлиб сизга ҳам анча қийин бўлди. Бу дунёда аввало соғлиқ керак, иш ҳамisha топилади. Яхшилаб дам олиб келинг. Бу томонини биз бир амаллаб турармиз. Ҳа, леффонддан бир оз ёрдам пулига ҳам ариза ташлаб кетинг... Майли, ука, майли, яшанг. Ҳа, кетишингиздан беҳабар қолмайлиг-а?

Солиҳов хайрлашиб чиқаркан, бошлиқ унинг изидан хушнуд-хуррам қараб қолди ва: «Илоҳим, худой худовандо, шу идорага бошқа қадамнинг тегмасин! Илоҳд авария-павария бўлиб ўл!», дея қарғадию шу заҳоти хаёлидан: «Тавба-тавба! Тагин қарғишим ўзимга урса-я!», деган фикр кечиб, кайфи учди.

## 16. «ЭШАККАЯМ ПАШМАКМИ?..»

Диний ривоятларга қараганда, бандани мўминнинг ҳар елкасида биттадан фаришта ўтирармиш. Ана шу фаришталар савоб гуноҳларни ҳисобга олишдан ташқари, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам бараварига «Омин!», дейишаркан. Баширжоннинг камбар, энсиз елкалари ҳам ана шу фаришталардан «бенасиб» эмас экан. Бўлмаса, бундан бир неча ҳафта олдин, дўппи тор келганда, «Яқинда Қирмизхон билан Қиёмхоннинг тўйлари бўлармиш», деб, Ислом отадан қутулиш учун шунчаки вож-корсон сўққан эди. Буни қарангки, шу уйдирма гапга ҳам фаришталар «Омин!», деган экан...

Баширжон янги қурилган «Парранда» магазини орқасидаги эски ҳовличадан чиққанида ярим кечадан ошиб қолган, ҳаммаёқ қоп-қоронғи эди. Атроф жимжит. Осмонда якка-ярым юлдузлар милтиллади. Марказдаги уч қаватли бино пештоқида «Универмаг» деган электрёзув дам қизариб, дам кўкариб кўринади. Баширжон унга бирпас тикилган эди, кўзлари тиниб, оёқ остини кўрмай қолди, сўнг депсиниб-туртиниб, дароҳ панасида қорайиб турган машинасига қараб юрди. Машинанинг олдинги эшигини ширқ этказиб очди. Илҳомжон баранкадан бошини кўтариб:

— Келдингизми, домла? — деб сўради.

— Ҳа, — деди Баширжон ва унинг ёнидаги ўриндиққа ўрнашиброқ ўтириб оларкан, «Фаришталар «Омин!», деган экан-да», дея пичирлади.

— Қаёққа, домла?

— Уйга ҳайданг!

Машина кўзгалди.

«Фаришталар «Омин!», демаса, ярим соат ичида ҳамма нарса аниқ бўлиб қолармиди? — дея хаёлга берилди Баширжон. — Бир ҳисобда, яхши бўлди. Ортиқча гап-сўздан қутуламан. Ишончим комилки, Қиёмхон бу хотинни саришта қиллолмайди. Яна пана-пасткамда...»

Бундан ярим соатча олдин Баширжон эски ҳовли дарвозасининг мис ҳалқачаларини охишта қоқди. Ҳадеганда жавоб бўлавермади. Яна тақиллатди. Ичкаридан: «Хув, мана ҳозир!», деган овоз эшитилди, кейин шипиллаган қадам товушлари яқинлашиб, дарвозанинг занжири туширилди. Дарвоза табақаси қия очилиб, Қирмизхон кўринди.

Баширжон шоша-пиша ўзини ичкари оларкан, «Кутмовдингизми?» деди. Қирмизхон унга бир сўз ҳам демая, изига бурилди. Унинг семиз, бўлиқ қомаги оқ крепдешин кўйлагини тўлдирган, юганида қомагининг энг нозик ҳаракатлари ҳам аниқ сезилар эди.

Улар тор йўлакдан олдинма-кетин ўтиб, эшигига кигиз ва клеёнка қоқилган даҳлизга киришди. Даҳлизнинг ярмини тўсиб турган гулли чит парда кўтариб қўйилган эди. Парда ортидаги бир бурчақда совун кўпиртирилган тоғора, пастак курси устида иккита сочиқ оқариб кўринарди.

Қирмизхон даҳлизга кирасолиб: «Вой, эсим қур-

син!», деди-да, чаққонлик билан пардани туширди. Баширжон унга суқ билан тикилди: Қирмизхоннинг боши гулдор, пахмоқ сочиқ билан ўралган, бир-икки тола хўл сочи пешонасида ёпишиб қолган эди. Ундан хушбўй совун ҳиди келар, кўйлагининг ёқасидан майин ажин тушган бўйни ва бўлиқ кўкракларини хил кўриниб турар эди. Баширжоннинг сўниқ вужудида қон кўпиргандек бўлди. «Маъшуқасини» одатий бесўнақайлик билан қучоқлади. Қирмизхон ўнг кўлининг кафти билан унинг елкасидан итарди:

— Керак эмас.

— Нега, жоним?

— Мен сизга «жон» эмас, Дўлтаеваман! — деди Қирмизхон кўзларини ғамгин тикиб.

Баширжон қизариб-бўзариб илжайди-да, унга баттароқ ёпишди:

— Хўп, хўп, кечирасиз, жоним!

Қирмизхон энгил бир тўлғониш билан унинг оғушидан қутулди-да, чой қўйиш баҳонасида ташқари чиқди.

Баширжон диванда ўтирганча уни бетоқат кутар, бўлғуси висол онларини, лаззат дақиқаларини кўз олдига келтириб, энтикиб-энтикиб қўяр эди. Худди шу пайт дахлиздан Қирмизхоннинг қаттиқ ўқчигани эшитилди. Баширжоннинг капалаги учиб кетди. Яна ўқчиш, уст-устига ўқчиш. «Наҳотки? Э, худо сақласин-э!» Бундан бир неча йил муқаддам Қирмизхон «бола тушириш» баҳонасида отпусқа пулини қоқиштириб кетгани эсига тушиб, юрагига баттар ваҳима кирди. «Аслида ўзим аҳмоқман! — деди у дахлиздан эшитилаётган бетўхтов ўқчишларга қулоқ соларкан. — Нима қилардим яна шунга илаҳисиб? Ҳе, уйи куйсин бу нафсини! Ана, яна ўқчиёпти. Чиқсаммикан? Э, нима деб чиқаман? Бир оз кутай-чи... Наҳотки, яна ўша воқеа такрорланса? Унда нима дейман? Қанақа баҳона топсам экан? Яна пул сўраса-чи? — Унинг кўз ўнгига омордаги ҳамба остига кўмилган уч литрли банка кўриниб кетди. — Йўқ, банкага тегмайман. Ашурчикнинг тўйига ният қилиб қўйган пулни ҳаром ишга сарфламайман. Бу ҳаром ҳам эмас, ундан баттар хуни ноҳақлик. Бошқа бир иложини топиш керак! — Дахлиздан Қирмизхоннинг томоқ қириб тупургани, сўнгра оғзини чайқагани эшитилди. — Қутулди чоғи, энди чиқсам ҳам бўлар...»

У эшик томон юрган эди, остонада Қирмизхоннинг ўзи кўринди.

— Ҳа, жоним, — деди Баширжон меҳрибонлик билан, — тинчликми?

— Тинчлик эмас! — деди Қирмизхон ёшли кўзларини унга тикиб, гезарган лабларини ялаб қўяркан. — Тинчлик эмас!

«Ана холос!» — деб ўйлади Баширжон дахшат билан. — Ҳали яна пул сўраса-я?! Э, унда содда, гўл эдим, энди лақиллатиб бўпти!..»

— Нима бўлди жо...ним? — деди у писиллаб.

— Тушликка балиқ еган эдим, — деди Қирмизхон чимирилиб кекираркан. — Атравления бўлганга ўхшайман.

Баширжон елкасидан тоғ ағдарилгандек бирдан энгил тортиди: «Оҳ, хайрият!» Қирмизхон базўр юриб, диванга бориб ўтирди. Унинг ранги докадек оқарган, кўзларини юмиб чуқур-чуқур нафас олар эди.

— Қуриб кетсин шу ҳаёт! — деди бир оздан кейин уҳ тортиб. — Сўққабошлик ҳам жонга тегди.

— Нега сўққабошсиз? — деди Баширжон ва саволига жавоб ҳам кутмасдан маслаҳат берди: — Жонингизга теккан бўлса, яхшироқ бир одамни топиб эрга чиқинг!

— Ҳозир эрликка ярайдиган яхшироқ одам қаерда дейсиз? — Қирмизхон кўзларини мажолсиз юмиб, пешонасини сийпади. — Э, унақаси «жухуди» атласдай дефицит бўлиб кетган!

Баширжон унинг юмшоқ билагидан тутиб, елкаларини силади:

— Агар хафа бўлмасангиз, бир гап айтаман.

— Айтинг.

— Хафа бўласиз-да.

— Хафа бўлмайман, айтинг... чин сўзим! Баширжон андишали, маслаҳатли овозда гапирди: — Агар, хўп десангиз... мисол учун... Қиёмхонга турмушга чиқсангиз...

— Қайси Қиёмхон? — деди Қирмизхон илжайиб. — Шу ўзимизнинг Қиёмхонгами?

— Ҳа, ҳа, — деди Баширжон унинг кулгисидан дадиллашиб. — Узимизнинг Муслимов! Узи ёмон эмас, чиройли, топиш-тутиши ҳам бир йигитдан кўпки, кам эмас... яхши бўларди. Ҳар хил миш-мишларга ҳам чек қўйиларди. Ахир, анави кунги аризангизда ҳам ёзган эдингиз-ку...

Қирмизхон, қайдам, дегандек, лабини қимтиганча ўйга толди:

— У рози бўлармикан?

— Нега рози бўлмасин? Рози бўлади, — деди Баширжон комил ишонч билан. — Икковингиз ҳам санъат кишиси, санъатчислар. Ҳа, сиз салгина кулиб қарасангиз кифоя, бу ёғини манга қўйиб бераверинг.

Қирмизхон уялиқираб жилмайгандек бўлди ва ёстиқни оҳиста силаркан:

— Улариям мени шаънимга шеър тўқиганлар, — деди.

Баширжон бу гап ҳам ўқи нишонга бехато теккандан яйраб кетди.

— Қўлни ташланг, маликам! — деди гул-гул яшнаб. Қирмизхоннинг юмшоқ кафтига кафтини шарақ этказиб ураркан: — Тўйингиздан битта тўн, ўғлингизнинг тўйидан битта кастум-бурук қардорсиз! — деди.

Қирмизхон сапчиб ўрнидан турди.

— Ҳа, ҳа, яна нима гап? — деди Баширжон ҳовлиқиб.

— Вой, эсим курсин! — деди Қирмизхон эшик томон чопаркан. — Чой аллақачон қайнаб, тўкилиб кетгандир...

Баширжон дарвозаси олдида машинадан тушди-да, Илҳомжонга эрталаб вақтлироқ келишини тайинлади:

— Тушдан кейин бир шаҳарга тушиб чиқармиз, Ашурчик «Танка келтиринг», деб гаранг қилган. «Детский мир»да бор экан... Мани ишга қўйиб, кейин бензин олсангиз ҳам бўлади. Хўп, хайр.

Баширжон йўтала-йўтала, темир дарвозани очиб ичкари кирди. Йўлакдан ўтиб бораркан, «Фаришталар «Омин!», деган экан-да», дея пичирлади. Унинг юраги дам ғашланиб, дам ўзини энгил ҳис этарди. Юрагининг ғашлиги унга бир неча ойлардан буён лаззат бағишлаб келаётган жувондан айрилиб қолаётгани учун бўлса, ўзини энгил ҳис этиши эса, ҳар хил миш-мишлар ва Қирмизхоннинг истиғноли фиш-ғишасидан осонгина қутулиб кетаётгани туфайли эди.

У эрталаб ишга отланаркан, уйнинг носаришталигини баҳона қилиб хотинини анча койиди: «Сандан мушук ҳам яхши, — деди у қоғоғини уйиб, — ўтирганга думи билан ён-верини чалиб ўтиради. Отам раҳматли айтардилар: «Супурилмаган уйдан фаришта қочади», деб. Ман ишга кетмасимданок тез супуриб чиқ! Орқадан супуришнинг ҳосияти йўқ...» Зевархон уйнинг ивирсиқлиги учун Ашурни айблади: «Ана шу эркатойингизда...»

Шу кунларда Баширжон босар-тусарини билмай қолган, бунинг сабаблари ҳам бор эди, албатта. Биринчидан, Солиҳов икки йиллик отпускасига кетиб, идорада унинг мушугини «пишт» дейдиган кимса қолмаган; иккинчидан, «ГАЗ-69»нинг гилдираги айланиб турибди; учинчидан, Қирмизхон билан боғлиқ барча миш-мишлар «босди-босди» бўлиб кетди; тўртинчидан... «чўнтақлари чуқур-чуқур, ўзига бирам ярашадиган» костюмига тушаётган, ўзи айтмоқчи, «мўмайнисо»нинг чўғи ҳам ёмон эмас. Фақат, Қирмизхоннинг энди ундан бир оз совизи мумкинлиги дилини андак ғаш қилиб турарди. «Тавба, — деб ўйларди у яккаш бир гапни такрорлаб. — Ушанда фаришталар «Омин!», деган экан-да!»

Баширжон ишхонага мамнун қиёфада кириб келди. Энсиз елкалари кўтарилиб, кўкраги керилган ҳолда қоринни атай чиқариб, дарвозахонага савлат билан кадам қўйди.

— Ассалому алайкум! — деди Ислон ота уни кўриб. — Келдингизми, ўртоқ Зайнишев?

— Ваалайкум ассалом! — деди Баширжон овозини иложи борича йўғонлаштириб. — Келдик. Қалай, идоралар тинчми?

— Тинчлик.

Баширжон ҳовлини кўздан кечириб, қоровулга турли топшириқлар бера бошлади.

— Яхши эмас, — деди у ёш болага «Ай-яй-яй!» дея танбёх бергандек бош чайқаб. — Қаранг, ҳаммаёқ ифлос. Ҳовлини ҳар қуни кам деганда уч марта супуриб туриш керак. Супурилмаган ҳовлидан фаришта қочиши мумкин. Фаришта қочдимиз, демак, ишдан барака учад.

Ислон отанинг энсаси қотди, оғзидаги носни бир четга тупурди-да: «Вой, қизифарди боласи! — деди ичиди. — «Фаришта» дейди-я... Фаришта ўзингди кори бадингдан қочса керак».

— Фаришта, — деди у овозини барала қўйиб, — ҳовлининг ифлослигидан эмас, баъзи одамларнинг нопоқлигидан, аъмоли бадидан қочади, ўртоқ Зайнишев!

Бошлиқ ўзини меровлиққа олиб, «Тўғри-тўғри», деб маъқуллаган бўлдию таассуф билан ўйлади: «Сан баттол чолга гапириб одам обрў топармиди?»

Кўпчиликда бўлгани сингари Баширжонда ҳам ғалати бир одат бор эди: хаёлига қизикроқ фикр келса — бас, калласида мустақам ўрнашиб олиб, қайта-қайта такрорланаверар ва қилинадиган ишлар ҳам ўша фикр атрофида, ўша фикр қолипига солинавэрар эди. Эътибор қилган бўлсангиз, кечадан бери унинг миясида «Фаришталар «Омин!», деган экан», жумласи чарх уради. Бугун эрталаб туриб, уйнинг носаришталиги учун хотинини қойиб, «Супурилмаган уйдан фаришта қочади», деди, худди шу танбёхнинг машинанинг бир оз ифлослигини баҳона қилиб Илҳомжонга, идора ҳовлисининг супурилмаганини рўқач қилиб, Ислон отага ҳам берди.

Қоровулнинг кўрслигидан энсаси қотиб қабулхона томон йўл оларкан, яна ғижиниб қўйди: «Жуда фариштасиз чол-да, бажармасанг ҳам, кўнглим учун, бошлиқлигим ҳурмати «Хўп», де, беимон!»

У қабулхонага кирганида Қиёмхон билан Қирмизхон кулишиб-қийқиришиб ўтиришган экан, бараварига ўринларидан туриб, салом беришди. Қирмизхон андак қизарди, Қиёмхоннинг ранги ўчинқираб, ерга қаради. «Ия, ғунажин кўзини сузибди-ку, — деб ўйлади Баширжон, — ҳа, тузук, тузук... — Қиёмхоннинг нозик қўлини «Яхшимисиз, ўртоқ Муслимов?», дея қисиб қўяркан, ўйида давом этди: «Лекин буқача бир оз ногиронроқ-да, ҳар қалай. Ҳимм, майли, тақдир-да...»

Баширжон томоқ қириб, савлат тўкканча кабинетга кирди. Дўппи алмаштириш, «чўнтакларни чуқур-чуқур костюм»ни илгичга илиш, бир варақ тоза қоғоз билан кресло суянчикларини, стол устидаги ойнага тупуриб чангларни артиш жараёни икки минутча давом этди. Ниҳоят, креслога кўр тўкиб ўтирилди ва қабулхона томон қичқирилди:

— Уртоқ Дўлтаева!

— Лаббай! — Остонада блокнот билан қалам ушлаган Қирмизхон кўринди. Бошлиқ ундан ҳол-аҳвол сўради, кечаги «гапни яна бир қарра эсига солиб: «Ҳалиям ўша келишганимизми ёки?...», дея ундан қатъий ва аниқ ваъдани олиб, баланд овозда буйруқ берди:

— Уртоқ Муслимовга айтинг, кирсинлар!

— Хўп.

Қиёмхон кирди, кўзлари аланг-жалаң бўлиб, илгичдаги костюмга қарадио ён-верини силаб қўйди.

— Келинг, ўртоқ Муслимов. — Бошлиқ унга жой кўрсатди. — Қани, мана бу усталга ўтиринг-чи... Ҳа, балли! Хўш, ишлар қалай, ука?

— Раҳмат! — деб жилмайди Қиёмхон, — шукр, шу...

— Ҳа, тузук, тузук, — деди Баширжон негадир қизариб илжайркан. — Қалай, бу... бизнинг секретаримиз ўзларига маъқулми?

Қиёмхоннинг капалаги ўчиб кетди.

— Вой, — деди у қип-қизариб, — қўйинг-э, Баширжон ака, ундай деманг.

Баширжон ҳамон сирли илжайиб турарди. «Ҳа, фирром-а, ичингда жон-жон деб турибсан-у яна ноз қилишингга бало борми!»

— Гап бундай, — деди бошлиқ тўсатдан жиддий оҳангда. — Сиз билан биз қиёматли ака-укамиз, шундай эмасми, Қиёмхон?

— Шундай. — Қиёмхон ранги ўчиб, унга журъатсизгина қаради. Чунки, у «Ҳозир бошлиқ: «Нега Қирмизхонга илакишиб қолдинг, ёз аризангни!», дейди, деб ўйларди.

Баширжон инспекторнинг озғин елкасига қўлини қўйди.

— Демак, шундоқ экан, — деди ўша оҳангда салмоқланиб — сизнинг бахтингиз, қолаверса, тақдирингиз мени жуда-жуда қизиктиради. Сиз уйланишингиз керак, жон ука. Кечикмасдан уйланишингиз керак. Мана ёшингиз ҳам ўтиб боряпти, пайсалга солмасдан уйлашингиз керак.

Қиёмхон елкаларини силкитиб:

— Вой, кимга-а? — деди.

Бошлиқ қўйи лабини тишлаб, бир муддат шифтга ўйчан тикилди, сўнг:

— Хотинлар жуда кўп, — деди, — масалан, мана шу Қирмизхонга!

— Э-э, — дея ўнғайсизланиб кетди Қиёмхон қулоқларига ишонмай, — вой-вой, анови кишини қаранг...

Баширжон инспекторнинг кўзларига қатъий тикилиб: — Ишонинг, бу чин сўзим, — деди. — Жуда яхши бўлади. Қирмизхоннинг нимаси ёмон? Узи чиройли, одоб-ахлоқи ҳам жойида, ҳар қалай, манман деган йигитга хотин бўладиган жувон. Бунинг устига, иккалангиз ҳам санъат шайдоси. Узи фариштадай жувон...

Қиёмхон бошлиқнинг жиддий гапиралганига энди ишонди.

— Қандоқ бўларкин! — дея қимтиниброқ сўради. Бошлиқ креслога қайтиб ўтираркан:

— Жуда яхши бўлади! — деди.

Қиёмхон елка қисди. У бошлиқ ўйлагандек ичидан хурсанд бўлса-да, сирдан таранг қилиб турарди. Чунки, Қирмизхон билан аллақачон бир нималарга келишиб қўйган, ҳатто «Парранда» магазини орқасидаги ҳовличада бир марта меҳмон ҳам бўлган эди. Ҳали бошлиқ қабулхонага кирганида у Қирмизхоннинг анти-бап гапига кулиб ўтириган эди. «Қалай, бошлиқ ўзларига оғиз солмаяптиларми?», деб сўраган эди, Қирмизхон: «Бу нима деганингиз?», дея ҳайрон бўлди. «Ҳа, энди бошлиқлар ҳалиги, секретарларига тегишиб, анақа...» «Пуф-у, — дея ғунча лабларини бепи-санд жийирди Қирмизхон, — эшаккаям пашмакми!»

Қиёмхон ўша суҳбатни яна бир қарра эслаб жилмайиб қўйди ва хаёлидан: «Қирмизхон айтганчалик борда ўзлариям, — деган фикр кечди. — Бу кишининг ўтиришларини томоша қилинг: қулоқлари шалланг, чаккаларинда битта тук йўғ-у, соқоллари ўсиб кетган, кўйлакларининг ёқасига қаранг!.. Ҳақиқатан ҳам, Қирмизхондек пашмак увол-да, бу кишига...»

— Хўш, нима дедингиз, Қиёмхон? — Бошлиқнинг навбатдаги саволи унинг хаёлини бўлди. — Бир қарорга келиш керак.

— Қирмизхон рози бўлармикан?

— Рози бўлади! — Бошлиқ ўрнидан туриб кетди. — Рози бўлмай нима, тем боле, икковингиз ҳам санъат шайдоси, санъатчи. Албатта, ҳа, ўзим рози қиламан, фақат сиз сал-пал паҳхўд қилиб турсангиз қифоя, бу ёғини манга қўйиб беринг! — Қиёмхон бошлиққа миннатдор тикилиб турарди. Баширжон эса ўқи нишонга яна бехато тегаётганидан руҳланиб жўшиб кетди: — Ҳа, тўйнинг бошида ҳам ўзим тураман. Бу ёғидан хотиржам бўлинг. Тўй муддатини келишиб олсак, ўшанга қараб

ҳаракат қилаверамиз. Ҳаммаси жойида бўлади. Фақатчи, Қиёмхон, — деди бошлиқ ҳазиллашиб, — келинимиз учун қалини каттароқ берасиз!

— Бўлди, бўлди! — Қиёмхон ишшайиб, илгичдаги костюмга беихтиёр қараб олди. — Қалинидан хавотир олмаг.

Яна анчагача ҳазил-мутоиба қилиб ўтиришди. Бу орада Баширжон Шамси Тўраевичнинг курортга кетажакларини айтиб, илгичдаги костюмга тикилиб қолди. Шубҳасизки, Қиёмхон буни сазди. Бошлиқ дераза томонга бурилиб олди: иккала қўли ҳам дазмолланмаган, қопмонанд чўнтаклариди, энсиз елкалари кўтарилган... Қиёмхон секин ўрнидан туриб, илгичга яқин борди.

— Э-э, — деди илгичга осиглиқ костюмнинг барларини оҳиста очиб-ёпаркан, — энгларингизни чанг қилибсиз, қоқиб қўйдим...

Баширжон ялт этиб қаради. Кўзлари қувончдан порлар, қизариб-бўзариб кетган бўлса-да, юзида мамнун, туршак табассум ҳукмрон эди.

— Раҳмат, ука, — деди у Қиёмхоннинг елкасига оталарча қўл ташлаб. — Қани, бошланг энди! Ҳаракат — сиздан, тўю дабдаба — биздан!

— Хўп, хўп! — Қиёмхон эшилиб таъзим қилди-да, қийшайиб кабинетдан чиқди. Эшик ёпилгач, бошлиқ зипиллаганча юриб остонага яқинлашди-да, эгилиб қабулхонага қулоқ тутди. У ердан Қиёмхоннинг «Пашмак ўзимизга қолар бўлди!», деган сўзини ва Қирмизхоннинг қийқириб кулганини эшитдию юраги алланечук бўлиб кетди. «Мунча тез топишмасал», деб ўйлади ҳасад билан. Сўнг гарангсиз изига бурилди. Кўзи илгичдаги костюмга тушиб, «Э-э!», деган ғалати бир овоз чиқарди-да, чўнтагига қўл соларкан, эти увишиб кетгандек бўлди. Титроқ бармоқлари билан шилдироқ қоғозларни туйиб, ўзича: «Шу йигитга ҳар қанча яхшилиқ қилсам ҳам оз!» деб ўйлади. Костюмининг ён чўнтагидан бир даста пул чиқариб термилди, кўзларига суртди, «Ургилай мўмайнисодан!», дея пичирлаб, пачка юзидаги элликталикка лабларини босди, ҳузур қилиб ўпди...

Лекин бу лаззатли кайфият узоқ давом этмади. Столдаги телефон, назарида, ҳар қачонгидан ҳам баландроқ жиринглаб, чаккасига шапалоқ тортиб юбор-

гандек бўлди. «Э, овозинг ўчсин!» Пулни апил-тапил яшириб, телефонга қараб югурди. Трубкани у билан бир пайтда Қирмизхон ҳам кўтарган эди. Шундай бўлса-да, шоша-пиша «Алёл!», деди. Чунки у Асқар Бакировичнинг овозини таниган эди.

— Лаббай, Асқар Бакирович! Ҳа, ҳа, ўзимман! Ҳа, параллель... секретаркамиз... Лаббай? Ҳозирми? Хўп-хўп! — Унинг дами ичига тушиб кетгандек бўлди. — Хўп, ўн минутда етиб бораман. Хўп, акажон!..

Баширжоннинг дилига ғашлик кирди: Асқар Бакировичнинг овозидан кайфияти унчалик яхши эмаслиги сезилиб турарди. «Наҳотки Қирмизхон масаласи бўлса? — деб ўйлади у юрагига ғулғула тушиб. — Нега аёл кишининг овози эшитилляпти?», деб сўрадилар. «Телефон параллель, секретаркамиз», десам ҳам, унчалик ишонмадилар чоғи. Ёки анови Ҳамид сарик отпусқада юриб яна бирор ғавғони кўзгадимикан? Бўлмаса, бунчалик шитоб билан чақирмас эдилар-ку? Ҳар қалай, яхши эмас... Уҳ, э художон-эй, ўзинг паноҳингда асрагайсан...»

У апил-тапил кийиниб, ташқарига отилди. Йўл-йўлаккай диван суянчиғидаги ойнага қараб, кизаги қийшиқ шляпасининг тескари кийилганини кўриб, ўнглаб олди. Эсига шу диван билан боғлиқ машъум шармандалик тушдию юраги увишиб кетди. Қабулхонага чиққач, ҳалиям хуш-хандон чақчақлашиб ўтирган Қиёмхон билан Қирмизхонга кўзи тушди. Қирмизхон машинка рўпарасидаги стулда ўтирар, Қиёмхон эса унинг яқинидаги столга суяниб турар эди. Эшикнинг шарақлаб очилганидан иккаласи ҳам бир чўчиб тушди.

— Ман райисполкомга кетдим, — деди Баширжон виқор билан, — шахсан Асқар Бакировичнинг ўзлари чақиряптилар!

— Тинчликми, Баширжон ака? — сўради Қиёмхон сурма қўйгандек қоп-қора кўзларини ўйнатиб.

— Борганда биламиз, — деди бошлиқ ҳовлиқиб эшикдан чиқаркан. — Сизлар идорадан қимирламай ўтиринглар. Ҳа, дарвоқе, ўртоқ Муслимов, «Москва» колхозидан тузиб келган активизмини топиб, тайёрлаб қўйинг!

Баширжон ишончсиз бир кайфиятда кабинети эшигини қулфлаб, калитини шимининг чўнтагига солди-да, шошйиб қабулхонадан чиқди.

*Давоми келгуси сонда.*



Келгуси сонда ёзувчи Темур ПЎЛАТОВнинг  
«Билагузук» ҳикоясини ўқийсиз.

Низомий ГАНЖАВИЙ

# ФАРЗАНДИМ МУҲАММАДГА НАСИҲАТ

(«ҲАФТ ПАЙКАР»дан)

Эй ўғлим, ҳушёр бўл, ҳушёр бўл, ҳушёр.  
Уйқуга кетгум мен, сен эса бедор...  
Яхшилик тамғаси номингда ҳарчанд,  
Баландликдан яна кўтарил баланд.  
Қачонки бўлурман қабр ичра асир,  
Шонимга шон қўшгай номинг ҳам ахир.  
Сухбатдош бўл доим яхшилар билан,  
Ишларинг саранжом топар яхшидан.  
Хулқи зебо ила ўлтир бир нафас,  
Бадхулқнинг суҳбати мисоли қафас.  
Бир бадхулқ қўшилса улфатга агар,  
Исми юз покиза номин булғатар.  
Битта қуш илинган бўлса тузоққа,  
Ажабмас юзлаб қуш тўлса тузоққа.  
Ҳаж йўлида зарин ютди бир соқчи,  
Юзлаб киши қорини ёрди қароқчи.  
Кексалардек ожиз мудрама йўлда,  
Зулм яроғини тутмагил қўлда.  
От ўйноқлашига бўлма маҳлиё,  
Йўлга боқ, йўл оғир, унда кўп жафо.  
Йўл узра лочиндек учиб борсанг ҳам,  
Қуёш каби йўлдан кўз узма бир дам.  
Билиб қўйки, йўлинг овлоқ, сербало,  
Осмон камонининг ўқи муҳайё...  
Олам таңглик қилса, бермаса фурсат,  
Юрагинг кенг бўлсин, саботинг кўрсат.  
Кўп тугунлар борки, калиди пинҳон,  
Кўп қийинчилик бор, иложи осон.  
Тушлар борки, киши дилгир бўлади,  
Кўпнича яхшилик таъбир бўлади.  
Жигарга қадалса ғам ўқи ногоҳ,  
Сабру қаноатдан излагил панох.  
Яхшилик дуррини сақла маржонда,  
Ёмондан узоқ бўл, қолма армонда.  
Асли ёмон қилмас ҳеч кимга вафо,  
Ёмон ёмонликдан тонмагай асло.  
Шул сабаб ёмондир азалдан чаён:  
Заҳар солмоқ — ҳунар, тийилмоқ — нуқсон.  
Ҳунар ўрган, илму ҳунардан хуллас —  
Эшик очувчи бўл, ёпувчи эмас.  
Кимки ўрганишни уят билмайдур,  
Тошдан лаъл ундирар, сув қаъридан дур.  
Кимнингки илмдан ризқу рўзи бор,

Илм ўрганишдан асло этмас ор.  
Не-не донолар гоҳ қилди танбаллик,  
Охири ишлари бўлди ҳаммоллик.  
Қанча дили сўқир, нодон табнат,  
Таълим ила топди шону шарофат.  
То кишида ёшлик, соғлиқ барқарор,  
Ҳар мурод калиди қўлида тайёр.  
Сарвадек қомати букилса агар,  
Мўмиё давоси қайдан топилар!  
Букуи гуркираган жаҳонинг сенинг,  
Йўл юр, оёқда йўқ нуқсонинг сенинг.  
Менинг умрим сўлмиш, тўкилмиш япроқ,  
Лола юзим сариқ, соч-соқолим оқ.  
Гавдам кўтармакдан топдим хасталик,  
Оғирдир қулоҳу камарбасталик.  
Хизматим бажарар эрдим мардона,  
Энди ундай мардлик менга бегона.  
Қувватимни қирқиб ташлади айём,  
Айёмнинг одати шулдир вассалом.  
Ғанимлардан келса бошимга хатар,  
Қалқон бўлур доим илм ва ҳунар.  
Ешлик ўтиб кетган бўлса-да, аммо,  
Кўнглим тўла ғайрат, мана муаммо.  
Бундай толе фақат менга ёрмикан!  
Ё ҳар кимда шундай қисмат бормикан!  
Яна ёдинда тут, дилим давоси,  
Ҳокимни ўпувчи, руҳим жилоси.  
Қоронғилик эмас, рўшнолик қил,  
Синиқ бу кўнглимга мўмиёлик қил.  
Гарданам ипдан ҳам ингичка бул кун,  
Кўтаролмас ҳатто чўпу хас юкчи.  
Ўз ризқим дондан қилиб қанеат,  
Садафдек хонамда сарварман фзқат.  
Бировларга муҳтож бўлгандан минг бор —  
Яхши-ку қаноат бўлса менга ёр.  
Ўзга ҳомийлигин шер этиб инкор,  
Мавжудот ичинда бўлди улугвор.  
Дастурхонингдан нон улаш кўпми-оз,  
Ўзга ҳолвасини егандан шул саз.

Форс тилидан  
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ таржимаси

ОИЛА — ЖАМИЯТ КЎРКИ

# ҚИЗ БОЛАНИНГ ТАХТИ ВА БАХТИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи  
Рустам ака БОБОЕВ ва ўн келин-куёвнинг онаси Марҳабо ая  
БОБОЕВАлар билан ёзувчи Муроджон МАНСУРОВ суҳбати

**Ёзувчи.** Рухсатингиз билан аввало мени бу қутлуғ хонадонга қадам ранжида қилишга ундаган нарса ҳақида гапирсам. Бунга аслида иккита воқеа — «Ешлик» журналы коллективи билан учрашув пайтида залдан тушган бир хат ва Ҳинд-Совет дўстлиги жамиятининг «Совет Ланд» («Советлар мамлакатини») журналы зарварақларида сизлар барча ўғил-қизларингиз, келин-куёвларингиз, набира-абираларингиз билан тушган сурат сабаб бўлди. Тўғри, Сиздек қўша қариган, юртда обрў-эътибор топиб, ували-жували бўлиб, замонамиз берган бахтни ўзида мужассам этган хонадонлар республикамизда жуда кўп. Лекин Сизлар неча йиллар ўқитувчилик қилиб, ўз умрингизни ёш авлод тарбиясига бағишлабгина қолмай ўз хонадонингизда ҳам ҳавас қилса арзийдиган фарзандлар ўстирибсиз. Ҳаммаларини уйлаб-жойлаб ота-оналик қарзидан қўтилибсиз. Мана энди уларнинг бахтига қувониб пири бадавлат бўлиб ўтирганингиз учун сизлар билан ўша хат юзасидан гаплашишни лозим кўрдик. Негаки, хатга энг тўғри жавобни балки сизлар берарсизлар, деб ўйладик.

**Рустам ака.** Майли, эшитайлик-чи, баҳоли қудрат жавоб берармиз. Нима дедингиз, Марҳабохон?

**Марҳабо ая.** Бизга тегишли хат эканми?

**Ёзувчи.** Йўқ, бир қизнинг шахсий хати. Бунга шунча келин-куёв кўрган сизлар жавоб берсангизлар ўринли бў-

лар... Дарвоқе, келин-куёвларингиз ўнтага боргани ростми?

**Марҳабо ая.** Рост, беш ўғил уйлантириб, уч қиз чиқардик. Яна иккита неvara куёв кўрдик. Ҳаммалари ўзларидан тинчишган. Яқингача қирқ жон бир қозондан овқат ичардик.

**Рустам ака.** Энди неvara-чевараларнинг ўзи қирқтага борди, шекилли, а Марҳабохон?

**Марҳабо ая.** Кейинги учта абирангиз билан қирқтага борди. Келинлар ҳам, куёвлар ҳам барака топишсин. Ҳаммаларидан хурсандмиз. Ҳожирахон билан Жумҳуриятхондан ҳам, Фотимахон, Махтумахон, Холидахонлардан ҳам мингдан-минг розимиз. Идоранинг хизматини ҳам, уй ишини ҳам ўрнига қўйишяпти. Ҳалигача бирор кўнгилсиз гап кўчага чиққанини билмаймиз. Кудда — андаларимизга ҳам раҳмат. Бўлмаса қиз боланинг бир ерга келин бўлиб тушиб, ватан қилиб кетиши осон гапми?

**Рустам ака.** Нимасини айтасиз? Бу савдо ҳар битта қизнинг бошида бор. Негаки, қиз боланинг ватани иккита бўлади. Бирида туғилмоқ, балоғатга етмоқ бор бўлса, иккинчисида ўз тенги билан қўша қаримоғи керак. Бу осон савдомас. Қиз боланинг бахти жуда кўп нарсага боғлиқ. Ҳар ким ўғил-қизига тахт бермасин, бахт берсин, деб беркорга айтишмаган.

**Ёзувчи.** Очигини айтсам, бизга тушган хат ҳам шу тўғрида. Мана, эшитинг.

«Ҳурматли редакция! Бу учрашувга мен атай бир хат билан келдим. Кўпдан кўнглимни қийнаб, тинчлик бермаётган саволларни қоғозга туширишга ҳаракат қилдим. Шу бугуноқ жавоб беришингиз шарт эмас. Лекин «Ешлик» орқали бир тўғри жавоб, бир ақлли маслаҳат берарсиз деган умиддаман.

Гап шундаки, мен институтни битирдим, ишлаяпман. Ҳеч нарсадан камчилигим йўқ. Ота-онамнинг даврида уйнаб-кулиб юрибман-у, лекин... ҳаётимда яна нимадир етишмаётганга ўхшайди. Ота-онам ҳам тезроқ менинг бахтимни кўришни исташади. Қанча яхши жойлардан совчилар келди: Қанча йигитларни кўрдим. Лекин... бирортаси кўнглимга ўтирмади. Йўқ, мен уларни ерга урмоқчи эмасман ҳам. Фақат ҳеч қайсиси кўнглимдагидек эмас. Баъзилари билан гаплашиб туриб, юрагим орқага тортиб кетади. Ҳалитдан мени тушунмаса, кўнглимдагини сезмаса, охири нима бўлади, дейман-у бу савдони йўққа чиқараман. Ахир сени, юрагингни тушунмаган, бир оғиз сўзингданок кўнглимдагини билиб олмаган, сен билан тенг фикрлай олмаган одам билан бир умр яшашдан ҳам ёмон бахтсизлик бормикан?! Бу йигитлар машина, мол-дунё, амалга бунча ўч бўлишмаса дейман. Менинг ўзимдан ҳам бурун ота-онамни, қариндошларимни суриштирганига, қандай лавозимда ишлашини билишга ошиқшиганига ўлайми! На-







заримда уларга мен эмас, бошқа нарса керакка ўхшайди.

Ота-онам эса қачонгача қариқиз бўлиб ўтирасан, деб қисташгани-қисташган. Тўғри, уларга ҳам осонмас. Кўзлари очиклигида ота-оналик қарзидан қутилишни ўйлашади, менинг тиниб-тинчиб кетишимни орзу қилишади. Аммо мен нима қилай, бирортасига кўнглим чопмаса, кўнглига буйруқ қилиб бўлмася? Баъзилар «шунинг учун қиз болани кўзи очилмасдан узатиб юбориш керак» дейишади. Нима, ўқиганим, кўп нарсани тушунганим, билганим — менинг айбимми?! Ҳеч нарсани билмаслик керак бўлса, унда бу ҳаётнинг нима қизиги бор?

Ростини айтнинг, қиз боланинг бахти нимада? Ишдами, оиладами, мол-дунёдами, бола-чақадами ёки муҳаббатдами? Нимада ўзи?..

Жавобини журнал саҳифаларида интизорлик билан кутувчи Н.»

Рустам ака. Мендан кўра Марҳабо аянгишга тушунарлироқ хат экан. Тўғрими, аяси?

Марҳабо ая. Сезиб турибман, Сизга қизгинанинг хатидаги бир ери унча ёқмади, шунинг учун жавобдан бўйин товляясиз, шекилли, адаси.

Рустам ака. Тўғри, ўзингиз биласиз-ку, мен қизларни

институтга кириб, учинчи курсни битириши билан узатиб юбориш тарафдориман. Шунда улар анча оқ-қорани таниб қолган ҳам бўлади.

Езувчи. Сиз-чи, ая, қандай фикрдасиз?

Марҳабо ая. Битириб олса ҳам ёмон бўлмайди. Фақат гап тенгини топиб турмуш қуришида қолган. Бизнинг катта қизларимиз институтни битириб, ўз тенгларини топиб турмуш қуришган. Биз қаршилиқ қилмаганмиз.

Езувчи. Кўнгли кўйиб турмуш қуришга нима етсин. Лекин мана, бу хат ёзган қиздай кўнглидагини топмаган бўлса-чи?

Рустам ака. Очигини айтсам, бу хат менга қадимги бир ривоятни эслатди. Эмишки, Одам Ато билан Момо Ҳаво яралганда уларда на юрак, на ҳис бўлган экан. Улар жаннат боғида бир олмани икки бўлиб еганларида шу икки палладан юрак пайдо бўлибди-ю, бир-бирларини ёқтириб қолишибди. Шундай қилиб ўрталарида меҳр-муҳаббат туртилган эмиш. Юрак олманинг ярим палласига ўхшаб кетиши, ҳар бир йигит-қиз ўша ўз жуфтини топгандагина, юрак-юракка тўғри келгандагина ўртада муҳаббат пайдо бўлиши шунданмиш. Айтмоқчиманки, Сизга хат ёзган қизимизнинг ноумид бўлишига ўрин йўқ, ҳали ҳаммаси ол-

динда. Бир кун келиб у ўз тенгини топади, суйгани билан қовушиб кетади.

**Мархабо ая.** Айтганингиз келсин. Лекин қани эди, қиз боланинг бахти ёлғиз икки ўртадаги муҳаббатга боғлиқ бўлиб қолса!

**Езувчи.** Қани эди! Лекин кўпинча шундай ҳам бўладики, қиз билан йигит бир-бирларини яхши кўриб қолиб қанча вақт Тоҳир-Зухра бўлиб юришади. Умрбод бирга бўлишга онт ичишади, ваъдалар беришади. Лекин бир кун келиб қарабсизки, қиз бояқиш дарди ичида чирқираб қолаверади... Тоҳиржон ваъдаларни унутиб, отасининг гапи билан онасининг топганига уйланиб кетади... Янгиси турганида эскисининг воз кечади. Нима бу, муҳаббатдан совийми, ё тонишимми?..

Аслида у қизни севганмиди? Севса — вафосизлик кўчасига қандай кириб кетди? Кимнинг айби билан шундай қилди?!

**Рустам ака.** Бу кечирилмас бевурдликдир. Йигитнинг марди бунақа иш қилмайди. Лекин Сиз ҳақсиз. Минг афсуски, муҳаббат масаласида бевафолик қилаётган йигитчалар йўқ эмас. Мана бир мисол. Қўшниларимиздан бири ишлайдиган корхонада худди шундай воқеа содир бўлибди. Ишда донгдор тикувчи қизлардан бирини бир мастер ёрдамчиси яхши кўриб қолибди-да анча вақтгача Сиз айтгандай Тоҳир-Зухра бўлиб юришибди. Буни ҳамма қизлар билишаркан, баъзан тўй қачон деб ҳазиллашиб ҳам кўйишаркан. Уларнинг турмуш қуришларига ҳеч ким шак келтирмас экан. Лекин ҳали Сиз айтгандай, бир кун келиб, йигит отпусқага чиқиб ишхонадагиларни тўйга айтиб келиб қолибди. Боришса ўз қишлоғидаги бошқа қизга уйланаётганмиш... Бояқиш Зухра, донгдор тикувчи эса ўшандан кейин ишдан бўшаб бошқа корхонага ўтиб кетибди.

Бунақа воқеалар битта-иккита бўлса кошки эди... Шу сабабдан ҳам қизларимиз муҳаббат масаласида куйиб қолмасликлари учун биз ота-оналар нечоғли эҳтиёт бўлишимиз зарурлиги тушунарли бўлса керак.

**Мархабо ая.** Бир-бирини яхши кўриб турмуш қурган келин-куёвларнинг рўзғори баъзан бузилиб кетаётганига, муҳаббатнинг қадри ерга урилаётганига нима дейсиз?! Қиз боланинг бир ерга бориб, уй-жой қилиб, палак ёзиб, тиниб-тиничиб кетиши кўпроқ қуда-андага ҳам, уларнинг янги оилага муносабатларига ҳам боғлиқ.

**Рустам ака.** Қиз билан йигит аҳил бўлса-ю, қуда-андалар аҳил бўлмаса, бу ҳам дарди бедаво. Кўпинча келин-куёв узукка кўз қўйгандай, юлдузи юлдузига тўғри келиб туради-ю, қуда-андалар ўртасида олиқ-солиқда ўтган озгина гап аввал гинага, кейин ростмана аразгўйликка айланади. Бориб-бориб бу нарса икки ёшнинг ширин турмушига раҳна солади. Икки ўртада гап қочиб, келинни ўтирсанга ўлоқ, турса сўпоқ қила бошлашади. Куёв бояқиш ота-онасининг раъйига қарши бориб, хотинини ҳимоя қила олмайди. Бу орада фарзандлик бўлишади. Лекин у ҳам орадаги совуқчиликни кўтариб ташлай олмайди. Қарабсизки, қиз кўзининг ёшини оқизиб, боласи билан отасиникига қайтиб келиб ўтирибди. Мол-дунё қўлнинг кири, топиладиган нарса. Лекин бир кетган бахт қайтиб келмайди-ку?! Қиз ҳам, йигит ҳам яна бошқа турмуш қилишар, дунёдан шундай тоқ ўтиб кетишмас, лекин кейинги турмуш биринчидек бўлармикан? Ип узилса, тугун қолмайдими, аяси?

**Мархабо ая.** Рост айтасиз. Ана, нариги маҳалладаги узоқ қариндошимизнинг ўртача ўғлини олинг. Ойсининг гапига кириб, ойдаи хотинини иккита боласи билан қўйиб юборди. Охири нима бўлди? Уч марта уйланиб ҳам тинчимади-ку! Болаларининг уволи тутмайди дейсизми?

**Езувчи.** Ҳаммамизнинг ҳам ўғил-қизимиз бор, унинг келажagini ўйламай иложимиз йўқ. Лекин менинг назаримда кўп ота-оналар қизларининг бахтидан кўра тахти ҳақида кўпроқ ўйлашаётганга ўхшайди. Қизларини кўпроқ мол-ҳол билан узатишга, тўқисроқ, мартабалироқ жойга қуда бўлишга интилиш кейинги пайтда жуда кучайиб кетмаяптими? Мана шунинг ўзигина қиз боланинг бахтини таъминлайди деб ўйлаш тўғрмикан?

**Рустам ака.** Нимасини айтасиз, амалига ёки бойлигига учиб, қиз берадиганлар ҳам йўқ эмас. Лекин ўзининг қадрини билган, қизининг бахтини уйлаган одам бундай қил-

майди. Энг муҳими қиз бола кўнглидагисини топсин, турмуши ширин бўлсин. Мол-дунё топиладиган нарса. Ундан кейин пешона тери билан топилган нарса қадрлироқ ҳам бўлади. Ҳаром нарса хонадонга қадрсизлик, бахтсизлик олиб келади. Ҳаммасидан шуниси ёмон.

**Езувчи.** Боя Мархабо ая айтдилар: ўнта келин-куёв кўриб, ҳеч бирида нари-бери гап кўчага чиқмади, дедилар. Бунинг асосий сабаби нимада деб ўйлайсизлар?

**Рустам ака.** Биз шу кунгача уч қиз, икки неварамизни турмушга чиқарган бўлсак, тўғри келган ерга бериб юборармаганмиз. Бу етти ўлчаб, бир кесадиған иш. Аввало, қизи бор ерга совчи келади. Лекин куёв бўлмиш йигитнинг палаги тоза-тозамаслигини, келиб чиқишини, маҳаллада юриш-туришини, ишини суриштириш ота-онага ҳам қарз, ҳам фарз. Кейин куйиб юрганнинг фойдаси йўқ. Бўлажак қуда-андадан тоза кўнгли тўлгандан кейин қиз-йигитни кўргани, бир-бирини маъқул қилгани тузук. Бир томон сал оғринса ҳам бу ишни зўрламаслик керак. Охири яхши чиқмайди.

**Мархабо ая.** Биз оналар қизларимиз келин бўлиб тушадиган янги хонадонга уларни тайёрлаб, кўниктириб боришимиз керак. Кўп нарсаларни, айниқса, борадиган ерида уй-рўзғорни тутиб кетишини ўргатишимиз, одобли, иззатикромли қилиб тарбиялашимиз, сабр-тоқатли бўлишини ёшлигидан қўлоғига қуйиб боришимиз зарур.

**Рустам ака.** Бўлмасамчи! Қизнинг ўзига ҳам кўп нарса боғлиқ. Инсон яхши гапнинг гадоси. Агар қизингиз борган ерида қайнота-қайнонасини отажон-онажонлаб, соясига кўрпача солиб, яхши гапириб, айланиб-ўргулиб иззатласа, ўшалар ҳам ўз фарзандидек кўрадиган бўлиб кетади. Ҳар гапиде бир терсайиб, гап қайтариб турсанчи? Унда ўз-ўзидан бегоналашиб бораверади. Бизнинг қизларимиз қайнота-қайнонасини, эрини шундай ийдириб олган. Айниқса, Мавлуда қизимиздан ҳаммалари хурсанд, турмушлари ҳам ширин. Келин-куёвларимиз, қизларимизнинг ишламайдигани йўқ. Ҳаммаси давлатнинг бир идорасида яхши ишнинг бошини тутишган. Бири инженер бўлса, бошқаси олим, бири врач бўлса, бошқаси ўқитувчи, яна биттаси бухгалтер. Ишқилиб барака топишсин, давлатнинг ишини ҳам, уйнинг ишини ҳам қилишади. Турмушлари ҳам ҳавас қилса арзигулик.

**Мархабо ая.** Келчларимизни айтинг. Ҳаммаси бири-биридан ширин сўз, ширинсухан. Бизни бошларига кўтаргудек бўлишади. Еру-кўкка ишониймайди. Ҳозир катта келинимиз Ҳожияхондан бошқа ҳаммаси уй-жой қилиб чиқиб кетишган. Лекин ҳар ҳафтанинг якшанбасида бир йигилиб келишлари, бизни зиёрат қилиб кетишлари бор. Ушанда ҳамма неваралар, келин-куёвлар бошлашиб келишади-ю, уйимиз тўйга ўхшаб кетади. Ҳали у неварамиз, ҳали бу неварамиз буважон, бувжиконаб югуриб келиб ўзини қучоғимизга отганда ҳамма кўрган-кечирганларимизни унутиб юборамиз. Бу кунларга, мана шу тинчлик замонга минг шукрлар айтамыз.

**Езувчи.** Қўша қариш бахти ҳам шу бўлса керак!

**Мархабо ая.** Яшанг. Сизлар ҳам шундай ували-жували, прибадавлат бўлиб юринглар. Ҳар кимнинг яхшилиги болаларидан қайтсин экан.

**Рустам ака.** Бобирнинг шундай бир гапи бор:

Ҳар кимки вафо қилса,  
вафо топқусидур  
Ҳар кимки жафо қилса,  
жафо топқусидур.

Бу шунақа қайтар дунё. Лекин айрим ота-оналар бу нарсанинг фарқига бормай арзимаган нарсалардан келинларини сиқишга, чиқиштирмасликка тушадилар. Бўлар — бўлмасга камситаверадилар, ҳар ишдан бир камчилик топадилар, ўғилларига чақиб ёмон кўрсатиб қўядилар. Охири келин бояқиш отасиникига кучиб кетиб қутилади. Лекин бу ёмонлик кошки қайтмаса. Мана бир мисол. Биз яшайдиган Чилонзор даҳасидаги маҳаллалардан бирида Қодир шофер деган бир одам бор. Ана шу оилага — ҳеч келин чидамайди. Уғилларини неча мартадан ўйлантириб ёқмаганини қўйдиртириб юборар эди. Мана энди ўзининг

қизи битта боласи билан уйига қайтиб келиб ўтирибди. дами ичида, бировга бир нарса дея олмайди. Бунақа бировнинг боласига зулм ўтказиш ҳеч қачон яхшилиқ келтирмайди.

**Езувчи.** Замон бундан ўн-ўн беш йил аввалгидан анча яхши бўлиб кетганига, ота-оналар ўғил-қизларининг кўнглига қараб тўй қилишаётганига қарамай ҳали ҳам баъзан ўзининг айтганидан қолмаётган, қиз боланинг яхши кўриб қолишини ҳалигача айб санайдиган оталар учраб турганига нима дейсиз?

**Рустам ака.** Энди уларнинг ўзлари уялиб қолишяпти. Ма-на, мен сизга иккита мисол айтиб берай. Узоқ қариндошларимиздан биттаси қизининг раъйига қарамай тўй бошлаб қўйди-да, қизини бир оғайнисининг ўғлига берадиган бўлди. Тўй тайин бўлиб қиз ЗАГСга борганда унинг юрадиган йигити куёв билан гаплашиб масалани ҳал қилди-қўйди. Куёв ҳам танти экан. Мардлик қилиб ўз уйидаги тўйни қолдирди. Қизининг яхши кўрган йигити ўша кунни у билан ЗАГСдан ўтиб чиқиб, белгиланган кунга тўй бошлаб юборди-да, уни келин қилиб олди-кетди. Отанинг дами ичида, уялиб қолаверди.

Яна бир воқеа. Бир танишимиз қизини чиқарадиган бўлди. Тўйга борсак шов-шув гап. Куёвникига қуда-анда-лар етиб борган, ҳамма қизил тўйнинг очилишини кутиб ўтирибди, лекин қиздан дарак йўқ. Кейин билсак, қизни яхши кўрадиган йигити келинни олиб кетар вақтда атай «Чайка» машина юбориб, уни йўлдан уриб қолибди. Ота ўшанда номус кучлилик қилиб кичкина қизини ясантириб, тўйни юриштириб юборди.

Лекин унинг бу «мардлиги»ни оқлаб бўладими?! Ҳар иккала ота ҳам, бўлажак келин-куёвлар ҳам воқеани шу даражагача олиб боришлари шартмиди?!

**Марҳабо ая.** Ҳар қандай бўлганда ҳам қуюшқондан чиқмаган маъқул. Ота қизининг бахтини, қиз эса отасининг шаънини ўйласа яхши бўларди.

**Езувчи.** Шу ўринда бир савол туғилиб қолди. Ҳалиги ҳар иккала йигитнинг ўз яхши кўрганига етишиш учун қилган «иши», тўй кунни сўнгги чорани қўллаши, ЗАГСда масалани ҳал қилиб кетиши, ёки «Чайка» юбориб қизни олиб кетишига қандай баҳо берасиз? Улар тўғри қилишган деб ўйлайсизми?

**Рустам ака.** Албатта бу даражага бориш яхши эмас. Мен уларни оқлай олмайман. Лекин чин дилдан яхши кўришар экан, буни олдинроқ, катта ёшдаги, обрўлироқ одамларни ўртага қўйиб ҳал қилган маъқул эди. Ахир бизда маҳалла удумларини ҳурмат қилиш, маҳалла оқсоқолларини ўртага қўйиш деган гаплар бор. Қанчадан-қанча ҳал бўлмайди-гандек туйиладиган нарсалар шу маҳаллада бамаслаҳат бир ёқли қилинади, қанча оилалар яраштириб қўйилади-ку. Ёшларимиз бу яхши анъана ва одатларимизни оёқ ости қилмасликлари керак. Бизнинг маҳалла бўлиб, ҳамма нарсани бамаслаҳат ҳал қилиб яшаш тарзимиз ҳали кўп асқотади, ундан юз ўгирган киши яхшилиқ топмайди.

**Езувчи.** Шундай қилиб бугунги суҳбатимизга кичикроқ якун ясамак. Демак, қиз боланинг бахти энг аввало нимага боғлиқ?

**Рустам ака.** Қиз билан йигитнинг ўзига...

**Марҳабо ая.** Яна икки ўртадаги муҳаббатга...

**Рустам ака.** Қолаверса, қуда-анда-ларнинг ёш оилага ҳамўрлиги, муруввати, одил муносабатига боғлиқ.

**Марҳабо ая.** Ҳар кимки умид билан ўғил-қиз ўстириб келин-куёв қиларкан, охиригача меҳр-муҳаббатини аямасин. Қаноти остида асраб, оёққа турғазсин. Шунда ўғил-қиз олдидаги қарзини узган бўлади.

**Рустам ака.** Агар қайнота, бағри кенг, одил бўлса, келинни ўз фарзандидай кўрса, қайнона бўлмиш унинг яхши-лигини ошириб ёмонлигини яширса, ҳар битта ёш оилада тинч-тотувлик, меҳр-муҳаббат бир умрга меҳмон бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

**Марҳабо ая.** Ушанда қиз бола ҳам борган ерини ўз уйим, ўз жойим деб кетади. Уша ерга бир умрли муҳаббат қўяди, туп қўйиб палак ёзади. Қўз очиб кўргани билан қўша қариш бахтига муяссар бўлади.

**Езувчи.** Хат ёзган қизимизга яна қандай истакларингиз бор?

**Рустам ака.** Уқиган, ақлли қиз экан, шу бугунги суҳбатимиздан ўзи бир хулоса чиқариб олса ажабмас. Тўғрими, Марҳабохон?

**Марҳабо ая.** Келинларимизга ўхшаб ўқиган, тушунган қизларнинг садағаси кетай. Енгилтак қизлардан асрасин. У қизимизга ҳам камида келинларимизникидай бахт тилайман. Пешонаси ярқираб юрсин.

**Р е д а к ц и я д а н :** Қиз боланинг бахти ва тахти ҳақида, келин бўлиб тушган ерида тиниб-тинчиб кетиши, ёш оилаларни мустаҳкамлашда ота-оналар, қуда-анда-лар, маҳалла, жамоатчилик, ишхона коллективларининг роли ҳақида яна кўп мулоҳазаларни айтиш мумкин эди, деб ўйлаймиз. Инсондаги энг олий туйғу — муҳаббатни қадрлаш, қиз бола шаънини пох сақлаш, аёл — она номини улуғлаш, жамиятимизнинг энг кичик ва зарур аъзоси бўлган ҳар бир ёш оиланинг бахтини таъминлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Шу боисдан ҳам биз ёшларни, ёш оилаларни, умид билан ўғил-қиз ўстираётган ота-оналарни бу баҳсга чорлаймиз ва хатларини кутамиз.



МУАММО. МУЛОҲАЗА. ТАКЛИФ.

Саъдулла СИЁЕВ

# ТОҒЛАРДАГИ ГУЛХАН ШЎЪЛАСИ

Баҳор, ёз ойларида Бухоро ё Қарши томонларга учган бўлсангиз биласиз. Самолёт қанотлари остидан чексиз сайхонликлар, қўнғир қирлар аста сузиб ўтади. Гоҳо гурут қутисидай кичкина кўрғончалар кўзга чалинади. Бу кўрғончалар ёнида ҳар тарафга оқиш ипдай ингичка йўллар тарқалган. Ҳалиги очиқ майдонлар, кулранг қирлар кўйнида гала-гала кўйлар потраб ётади. Улар она ер ҳидига ҳумордек, заминдан бош кўтармайди, қумурсқадай ғимирлаб олға силжийди. Бу бизнинг машҳур қоракўл кўйларимиз. Улар чўллар, тоғ-адрларимиз кўрки. Улар туфайли жаҳон бозорида ўзбек номи яна бир бор тилга олинади, ҳориждан келган тижорат аҳли завқдан бош чайқаб беихтиёр харидорликка киришади. Республикаимиз неча йилдирки, давлатга қоракўл тери сотиш бўйича Иттифоқда биринчи бўлиб турибди. Бултур ўзбек чорвадорлари роппа-роса 2 миллион 293 минг дона турфа ранг тери етказиб берди. Булар ичида қоракўлнинг шамчироқ гул, дейиладиган нафис хили ҳам, ҳалилийси ҳам, зардоли гуллиги-ю нуқра ранглиги ҳам бор. Бундай жилвакор терилар етказиб жаҳон бозорини обод қилаётганлар, албатта, одамлар, бизнинг жафокаш, содда, сабр-тоқатли аа энг муҳими, қаноатли чорвадорларимиз. Улар қишнинг 40 даражали қаҳратонига ҳам, ёзнинг 50 даражали жазирамасига ҳам бардош бериб, йил — ўн икки ой ўтар ортидан измаиз эргашиб юрибди. Бепоён Қизилқумнинг кўчма барханларида уларни дағал этиклари қолдирган изни кўрасиз. Бойсун, Деҳқонобод, Фориш, Оҳангарон тоғларида чўпон-чўлиқнинг қора қумғони қайнаган куюк тошни кўрасиз. Мен хизмат юзасидан республикамизнинг тоғли, саҳроли яйлов-қишлоқларида кўп бўлганман. Бир-икки йил аввал Деҳқонободнинг энг чекка гўшаси, Ғуздор дарёсининг бошига чиқиб бордик. Салкам 3 минг метрлик тоғ чўққисига яқин Темирсандиқ деган ерда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, донгдор чўпон Амирали Эшбоев кўй боқар экан. Одатда биз чўпон-чўлиқ деганда 5—6 синф саводи бўлган содда, фақат чорвадан бўлак нарсани билмайдиган, дунёдаги улкан ижтимоий масалалардан беҳабар кишини кўз олдимизга келтириб ўрганиб қолганмиш. Амирали ака мени ҳар томонлама билими, саводхонлиги, ҳаётини масалаларга теран ва оқилона ёндашиши билан ҳайратга солди.

Кечаси алламаҳалгача тоғда гулхан ёқиб ўтирдик. Чирсиллаб ёнаётган арча ёғочига қараб Амирали ака сўради:

— Меҳмон, бизнинг мана шу гулханнимизни пастдагилар ҳам кўрармикан?

Машҳур чўпоннинг нимага шаъма қилаётганини тушундим.

— Кўради, албатта, кўришади,— дедим. Чўпон негадир, раҳмат деб, мамнун илжайиб кўйди.

Ҳаёлан мен Қизилқумга бориб қолдим. Нурота тизма тоғининг этагида, изиллаган қумлар кўйнида «Қизилча» совхозини бор. Бу совхознинг донғи Ўзбекистонга кетган. Яқин ўн йилдирки, хўжалик давлатдан бир сўм қарздор бўлгани йўқ, нуқул миллион сўмлаб даромад қилади. Совхоз директори Мирзон Нурбоев бизга Хайдарқўл атрофида энг олис кўреларидан бирини кўрсатмоқчи бўлди. Январнинг охирлари. Кун совуқ. Қип-қизил, текис ва нам-хуш қумлоқ йўлда машина сирғаниб кетаётганга ўхшайди. Икки тараф кўнғиртоб, тақир ёвшонзор, онда-сонда учига қизил латта боғланган саксовуллар йўлиқади. Чап томонда бир сурув кўй ўтлаб юрибди. Пода ортида эгарига хуржун

солинган эшак. Сал нарида, таёғига суяниб чўпон ўтирибди. Бошида сур телпак, эгнида тери пўстин. У ўйчан, қимир этмайди, ҳайкалдай тош қотган. Гўё кимдир, қачонлардир уни шу ерга ўтказиб қўйгану, «саҳро хўжаси ўзингсан, ўрнингдан жилма!» деб кетганга ўхшайди. Мени ўша чўпоннинг хаёллари қизиқтирди. Ажабо, шу топда у нималарни ўйлаётганикан-а? Ота-боболарининг ўтмишиними? Туғилганидан бери шу саҳрони қадамлаб ўтаётган умриними? Фарзандларининг келажакиними? Эҳтимол, у об-ҳаводан марҳамат кутаётгандир, ўтарини қишдан эсон-омон чиқариб олишни ўйлаётгандир? Ёки бўлмаса қўлидан бир кун ишини оладиган болалари ҳақида хаёл сураяптими? Нуротада, интернетда ўқийдиган кенжаотой ўғлини соғиниб ўтирибдими?

Илгарилаб кетдик. Ортимга ўгирилдим. Чўпон ҳамон ёлғиз. Йўқ, у тиллага тенг юзлаб анови қоракўл кўйлар галаси, кимсасиз ёвшонзор ва тиниқ осмон билан бирга кўшилиб кетгандай, уларнинг битта гавҳар бўлагидай ҳамон қилт этмай ўтирарди. Мен ўзимни шу чўпон ўрнига қўйиб, унинг кўнглидаги гапларни бир чамалаб кўрдим.

Ҳа, Ўзбекистонимизнинг серўтлоқ яйловларида бир неча миллион бош қўй боқилмоқда. Шуларнинг тенг ярми Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд областларида тўғри келади. Республикаимизда 88 қоракўлчилик совхозини бор. Улар йил сайин 20—25 миллион сўмлаб даромад қилапти. Бу рақамлар тагида юзлаб билимдон, одил, куюнчак хўжалик раҳбарларининг шиддатли меҳнати ётибди. Лекин бу рақамларнинг асл бунёдкори, юқорида айтганимиздек, минг-минглаб толмас, фидойин, соддадил чўпон-чўлиқлардир. Улар ўзларини меҳнатга туғилган деб ўйлайдилар. Қўй ётса ётади, турса яна кўзларини ишқалаб туриб кетади. Қўй оқсаса, унинг туёғини кафтига олиб сийпалайди. Уч кунлик кўзичоқни эркалайди, бағрига босиб иситади. Шунинг учун ҳамиша иззатда, кўкси тўла орден ва медаль, кўраси тўла мол.

Лекин одам фақат раҳматномалар ёки чапаклар билангина ашай олмайди. Бугун талаб бошқа. Демак эҳтиёж ҳам бўлакча. Мен чорвадорларимизнинг маданий-маиший шароити ҳақида гапирялман.

Шароит деганда Бухоро областидаги «Ғиждувон» совхозини ёдимга тушди. Бухородан 400 километрча нарида, Қизилқум этагида бу совхознинг бир бўлими бор. Дастлаб бу ерга борган одам Улик денгиз қаърида турганига ишонмайди. Оёқ боссанг тўпикча ботадиган юмшоқ қум. Сийрак саксовуллар бутотида изгирин ҳуштак чалади. Бирок, шифер билан ёпилган оппоқ ўйлар кўз қамаштиради. Бир ёқда движок потиллаб муздек сув чиқариб ётибди. Холодильникларда минерал сувлар қиров босиб турибди. Телевизорда «Баҳор» қизлари рақсга тушаяпти. Сал нарида кенг, озода медпункт, бошланғич мактаб. Ҳафсалани қарангки, совхоз шофёрлари Карманадан тупроғу чим олиб бориб полиз экишибди. Саҳро шамолида кўк пиёз билан жамбилрайхон шўх-шўх тебранади.

Албатта бунақа шароитда чорвадор тақдиридан норози бўлмайди. Қандай топшириқ берсангиз қўл қовуштириб, хўп дейди.

Аммо баъзи районлардаги туппа-тузук раҳбарларнинг қизиқ одатлари бор. Улар меҳнаткашининг дардига қулоқ солишни эмас, ўзлари кўпроқ гапиришни ёқтирадилар.

Деҳқонобод районини олинг. Бу ерликлар, асосан чорвадор. Районда 140 дан ортиқ қишлоқ бор. Адашмасам, ўша қишлоқларнинг ярми ҳали электрлаштирилмаган. Йўл ёмон. Маданий-مائий хизмат ёмон, телевизор нари турсин, ҳали кино экранини, поездини, «жигулини» кўрмаган одамлар бор. Ҳай, тоғ тепасига поезд, «жигули» чиқолмас, лекин кино установка чиқади-ку? Холодильник билан дэзэмо, оқ халатли доктор билан машҳур актёр чиқа олади-ку? Деҳқонободда Торқапчиғай деган қишлоқ бор. Бир неча юз аҳоли туради. Ун йилча бурун ўша қишлоқдаги хунук воқеаларни ёзиб, районнинг обрўли бир раҳбар билан қизаришиб олувдик. Йиллар ўтди. Уша раҳбар урилиб-сурилиб, ҳамон туппа-тузук ишда, нонини бутун тишлаб юрибди. Аммо Торқапчиғайда аҳвол бояги-боягича.

Ёки ўша мақталган «Қизилча» совхозини олинг. Совхоз марказида 3200 киши туради. Ён-веридидаги Синтоп, Катта эш, Мажрим қишлоқларида салкам 3 минг одам яшайди. Хуллас, 6 минг чорвадор телевизор кўришдан бенасиб. Баҳона оддийгина: рўпарадаги тоғ эфирни тўсиб қўярмиш. Совхоз марказида сув йўқ. «30 кубометр сув бўлса олам гулистон эди,— дейди директор Мирзон Нурбоев,— Тошкентдан гидрогеологлар келиб текширишди. Иложини қилишолмади. Демак, совхоз марказини кўчириш керак. Гулдур участкасига кўчмас сув ҳам, радио-телевизор масаласи ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлар эди».

Ҳўш, бу одил фикрга нега қўшилиб бўлмайди? Чўзиш кимга зарар-у, кимга фойда?

Чорвадорни безовта қилиб ташвишга солаётган муаммолардан бири СЖК масаласидир. Билими ғариброқ, ўрта миёна бир бошлиқ ҳақида унинг қўл остидагилардан фикр сўрасангиз, «Ҳа энди... ёмон эмас, тузук шекилли», деб ночор қўлиб қўйишади. СЖКга асл чорвадорнинг муносабати ҳам шунақа. СЖК, умуман, яхши. Бироқ ўзига берилган ҳуқуқни суистеъмол қилмаётими? Меъридан ошса дори ҳам захарга айланади. СЖКни ноинсофларча қўллаш натижасида совлиқлар тез мажруҳ бўлиб, барвақт қартайиб қолмоқда, қоракўл териларнинг сифати пасаймоқда. Кўзбўямачилик келиб чиқмоқда. Қашқадарёда битта чорвадордан «ҳар 100 она бов қўйдан 250 тадан қўзи олибсиз, шу ростми?» деб сўрадим. У қўлди. «Бир механизатор минг тонна пахта терибди-ку, шуям тўғрими?», деди саволимга жавобан. Мен индамай қўлдим. Рассомлар айтмоқчи, бу луқмага изоҳ шарт эмас эди.

Илмий чорвачиликда минг сичқон бирлиги деган термин бор. Яъни бир доза. Шу етади. Баъзан зоотехниклар дозани кўпайтиради. Эгиз мўлроқ бўлсин, харна планга яхши деб ўйлашади. Мана шу план ортидан қувиш ҳам қўйларнинг бошига етади, ҳам чўпоннинг киссасини пучайтиради. Туғилган қўзичоқларнинг териси кичик, сифати паст бўлади. Демак, нархи арзонлашади. Икки-уч йил уч-тўрттадан, ҳатто бештадан туққан қўй сал экинга ҳам думалаб тушади, кейин ориққа чиқиб канорага илинади.

Ҳозир чорвадорни қўйнаб, унинг кўксига ҳадик солиб турган яна бир проблема бор. Бу ўринбосарлар масаласи. Эндиликда чўпон бобо таёғини кимга беришни билмай гаранг бўлиб қолди. Ёшлар оталарининг таёғига қайрилиб қарамай қўйишди. Бир замонлар бу таёқ муқаддас эди. Узлуксиз, авлоддан-авлодга давом этадиган чорвадор наслининг рамзий белгиси эди. Энди-чи? Ёш йигитчалар ўрта мактабни битириб ўзини ўқишга уради. Кирса кирди, бўлмаса қишлоққа қайтмайди, район марказида бўлса-да, қолишга киришади. Нега? Чунки кимсасиз, четиқри кўринмайдиган сахрода, олти ой ёз, олти ой қиш меҳмон бўладиган тоғ тепаларида ўзининг манъавий эҳтиёжини қондиrolмаяпти. Арчазор тоғларга, юлғун ё саксовул чайқалиб турган қум сахроларига 5—10 кун меҳмон бўлиб борсангиз дуруст. Лекин космос асрининг энг сўнгги янгилликларидан хабардор, «кўзи очилган» ёшлангини яйловда энди кишанлаб ҳам тутиб бўлмай қолди. Унинг оловли туйғулари, қанотли орзулари, улкан дунё кенгликларига талпинган қалбига сахро ҳам, тоғ ҳам торлик қиляпти. Демак, тезроқ бу проблемани ҳал қилишга киришмоқ лозим. Ёш йигит шаҳардан излаган нарсасини ўз қишлоғидан топса, туғилган еридан ҳеч қаёққа ҳуркиб қочмайди.

Қамаши ва Денов районлари чегарасида Шаҳшор деган қишлоқ бор. У арчазор тоғлар қўйнида, ойнакўз булоқлар бўйида жойлашган. Район марказидан 120 километр. Қишлоқ аҳли чорвачилик, ўрмончилик билан шуғулланади. Бу ерда олти ой ёз, олти ой қиш бўлади. Сентябрнинг охирларидан Шаҳшор ва унинг атрофидаги қишлоқларга йўл ёпилади. Довонларни қор босади. Кучли трактор ё вертолёт бўлмаса, бу тарафга келиш амри маҳол. Шунинг учун район раҳбарлари ёзининг чилласида чорвадорларни ун, гугурт, керосин, туз, совун, чой каби кундалик зарур нарсалар билан таъминлаб қўядилар. Тоғлар орасида маскан қурган юзлаб хонадон эгалари то апрель-май охирларигача Катта ердан узилиб, мустақил ҳаёт кечиради.

Шаҳшорда Эшпўлат деган ёшгина врач йигит билан танишиб қолдим. У Самарқанд медицина институтини битирибди-ю, тўғри шу ёққа келибди. Ўзи шаҳшорлик, шу атрофдан чиққан биринчи врач экан.

— Ун-ўн беш қишлоққа ёлғиз ўзим қарайман,— деб қўлди Эшпўлат,— гоҳ мопед, гоҳ эшак миниб олиб, ҳар куни бир айланиб келаман.

— Битта ўзингиз бўлсангиз, универсал экансиз-да?— деб ҳазиллашдик.

— Начора,— деди жиддий,— бир одамнинг жони оғриб тургандан кейин... иложингиз қолмайди. Билганингизча даволайсиз. Мен терапевтман, деб қўлоғи ё кўзи оғринган бемордан ўгирилиб кетолмайсиз-ку, тўғрими?

— Қишлоқлар кичкина бўлса керак-а?

— Ҳа. Бироқ ҳар бирида икки юзтадан одам бўлганда ҳам, икки ярим-уч минг кишига бориб қолади.

Эшпўлат билан беш-ўн оғиз гаплашиб, ўйлиниб қолдим. Ҳўп, бу ерларга телефон сими тортиш, электр ўтказиш имкони йўқ экан, жилла қуриса рация ўрнатиб бўлмайди-ми? Рация бўлса, тоғлиқ чорвадорлар совхоз марказидан бутунлай узилиб қолмас, эфир орқали бўлса-да, руҳий мадад ва маслаҳат олиб туришарди. Оғир беморга ёрдам бериш мумкин бўларди. Совхоз ишларини бошқариш ҳам осонлашарди. Умуман, кўп нарса истак ва саъй-ҳаракатга боғлиқ. Масалан, ўша потраб ётган қишлоқларга уч-тўртта движок қўйиб, кечалари бўлса-да хонадонларни чарогон этиш мумкин эмасми? Мумкин. Бунинг учун ҳамма имконият бор. Совхозларнинг қўли узун, техника етарли. Фақат Амирали айтмоқчи, тоғдаги гулханлар шўъласига бир назар ташлаб қўйиш кифоя.

Биз, қалам аҳли «ёруғ юз билан» деган иборани кўп ишлатамиз. Лекин гапнинг очиги, ҳозир ўзимиз чорвадорнинг бетига ёруғ юз билан қараёлмаяпмиз. Чорвадорлар олдида ёзувчилар ҳам, рассомлар композиторлар ҳам, «Ўзбекфильм» билан театрларимиз ҳам бирдай қарздор. Тўғри, баъзан катта-кичик асарлар ёзилмоқда. Бироқ уларда чўпон-чўлиқлар ҳаёти бўяб тасвирланади, улар нуқул қахрамонлик кўрсатаверади. Айрим ёзувчилар, ҳатто тинмағур мухбирлар чўпонни қўлда най билан тасвирлашни ёқтирадилар. Ана, қўйчивон ям-яшил тепалик узра кўтарилиб, катта харсанг тошга ўтирди. Қўзларини юмиб завқ билан най чалди. Қўйлар пастликда барра гиёҳ чимдиб осойишта ўтлаб юрибдилар. Чўпон бир соат, икки соат найини пуфлаб ўтираверади. Қўйларни бўри тортиб кетдими, битта-яримтаси бола ташлаб қўйдими ё бошқа ўтарга қўшилиб жар ёқасига бориб қолдими— иши йўқ. Бу албатта лоф. Чўпон— филармониянинг якка созандаси эмас. У бўлар-бўлмасга сибизга сайратавермайди. Чўпонлик пахтакордек, шахтёрдек, ишчидек машаққатли, шарафли касб. Шунинг учун ҳам уларнинг меҳнати, қадри, келажаги ҳамisha давлатимизнинг кўз ўнгиде турибди.

Мен яна Ҳайдаркўл йўлида тўнига бурканиб ўтирган чўпонни эсладим. Чорвадор тўрт фаслда ҳам банд деган гап бор. Эҳтимол, ўша қўйчивон бешинчи фаслини орзу қилиб ўтиргандир? Салкам 5 миллион қора қўл қўй боқиб, элни ясантираётган, тўйдирётган чорвадор учун бешинчи фасл унинг даладан озод пайтлари, дам оладиган, кўнгил очадиган, ширин-шакар фарзандлари билан озода, кўркам, қулай ўйларда яшайдиган палласи. Сайру саёхатга чиқадиган, меҳнатининг ҳузурини кўрадиган мавсуми. Бунақа мавсумни муҳайё этиш учун энди чўпоннинг ўзи эмас, сиз билан биз бош қотиришимиз керак.

УҚИТУВЧИ,  
УҚУВЧИ,  
МАЪНАВИЙ ОЛАМ.

## УНУТМАЙЛИК: БИЗ МУАЛЛИММИЗ

Биз «Ешлик» журналининг биринчи сонида босилган «Уқитувчи, ўқувчи, маънавий олам» сарлавҳали мақолани ҳаяжон билан ўқидик, муҳокама қилдик, баҳслашдик. Мақолада ҳаётини, долзараб масалалар кўтарилган, ҳаммамизнинг дилидаги ҳаққоний гаплар битилган. Илҳом ва эҳтирос билан ёзилган бу мақола бизни тўлқинлантирди, ўйлашга, мулоҳаза, мунозара юритишга ундади.

Мен — ўқитувчиман. Ўз касбим билан фахрланаман. Бу касбни севаман, ардоқлайман. Йигитлик кучимнинг қаймоғини, ақл-идроқимни касбимни улуғлашга, қадрлашга бағишлаганман. Ҳозир ҳам ёшлар билан бир сафда астойдил ишлаяпман.

Баҳс муносабати билан мен ҳам анча йиллардан бери кўнглимда йиғилиб қолган баъзи мулоҳазаларимни журналхонлар ҳукмига ҳавола қилмоқчиман. Аввало, ўқувчиларим «2» сиз, икки йилликсиз ўқитиш масаласи ҳақида. Тўғри, болага етарли таълим бериш кўп жиҳатдан муаллимнинг билимига, савиясига, куюнчаклигига, ташаббускорлигига боғлиқ. Лекин ҳозирги шароитда кўп нарса мактабларнинг ўқув қуроллари, ҳар хил техник воситалар билан қай даражада таъминланганига ҳам боғлиқ бўлиб қолди. Сир эмас, қатор мактаблар ҳалигача кабинет системасига ўтмаган, уларда замонавий ўқув-техника воситалари етишмайди ёки мутлақо йўқ. Натижада ўқувчиларга ҳар тарафлама чуқур билим беришни қийинлаштирамоқда. Халқ маорифига масъул ўртоқлар мактаблардаги мазкур камчиликлар ҳақида ўйлаб кўришларини истардим...

Мақолада медаль масаласи ҳам тўғри кўтарилган. Маълумки, медалист — аълочиларнинг аълочиси. Бироқ кечаякин ўрта мактабни олтин медаль билан битирган ўқувчи бир ойдан кейин институтга бориб, «думалаб» келса ё аранг «уч» олса! Бу нима деган гап! Уят эмасми! Уринли савол туғилади: ўша болага олтин медаль берган мактаб кўзбўямачини ёки ўқитувчилар чаласаводми! Ё бўлмаса медаль олишда нопок йўл тutilганми! Наҳотки кириш имтиҳонидан сайраб жавоб бераётган болага домла «икки» қўйса! Шахсан мен бунга ишонмайман. Менимча, ҳамма гап илдизда, яъни ўқувчининг билимсизлигида. Билимсиз болаларни эса, афсуски, ўзимиз тайёрлаяпмиз, тагин уларнинг қўлига олтин медаль тутқазиб қўймоқдамиз.

Менинг конкрет таклифим бор: медаль билан олий ва ўрта ўқув юр்தларига киролмай келган ўқувчилар ҳисобга олиб борилса. Уларнинг медалга лойиқ-нолоийқлигини махсус комиссия текшириб чиқса, яхши бўларди. Лозим топилса, билими паст ўқувчиларни олтин медалдан маҳрум этиш керак. Уша боланинг баҳосини ошириб қўйган мактаб коллективини муҳокама қилиш керак. Токи ўқитувчининг ҳам, давлат томонидан таъсис этилган мўътабар олтин медалнинг ҳам қадрини тушмасин.

Яна бир гап — ўқитувчининг шахсий ибрати ҳақида. Назаримда Чехов, одамда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак, деганда муаллимни назарда тутган шекилли. Дарҳақиқат педагог одам уйда ҳам, кўчада ҳам, мактабда ҳам юриш — туриши, кийими, нутқи, муомаласи билан ажраб турса, қандай яхши! Менимча, муаллимнинг ҳар битта ҳаттиҳаракати ибрат сабоғи бўлиши керак. Болалар — табиатан тақлидчи, улар устозларининг босган қадамига қараб, ўрнатилганлар. Афсуски, аксар ўқитувчиларнинг ташқи қиёфасига қараб уялиб кетасан. Улар ҳозиргина ер чопиб келган кетмончини эслатадилар. Ёқа кир, костюм-шим гнжимланган, ботинка қийшиқ, соқол-тиканак, бошда яғир дўппи, оғизда нос... Уқувчи ўзи ҳурмат қилган одамига жон қўлоғини тикади. Бояғидай муаллимга қўлоқ солишига ишонгим келмайди. Энг ачинарли ери шундаки, ҳалигидақа ўзига бепарво ўқитувчининг уйда ҳамма нарсаси бор: мол-жон, кийим-бош, моддий жиҳатдан таъминланган. Битта нарса йўқ, холос: масъулият. Озгина ҳафсала, фаросат, мулоҳаза, «Мен кимман!» деган андиша етишмайди уларда.

Врачлар, айрим институтлардаги студентлар халатсиз ишга, ўқишга қўйилмайди. Истардим си, дарсга кирадиган ўқитувчи ҳам формада бўлса, мактаб раҳбарлари уни бир бор кўздан кечириб, кейин синфга қўйишса. Тўғри, бу усул бир оз ноқулай, эҳтимол баъзи бировларга тегиб кетар. Лекин на чора, биз мураббиймиз, тарбиячимиз. Тарбиячининг ўзи эса, Маркс айтганидек, тарбияланган бўлоғи даркор.

С. МАМАТХОНОВ,  
Андижондаги 8-ўрта мактаб  
ўқитувчиси, СССР маориф аълочиси.

# «У ҚАНДАЙ ШАРАФЛИ УНВОН»

Ўқитувчи, унинг шарафи, кўп қиррали ва мураккаб фаолияти, устоз ва шогирдлар муносабати, мураббийнинг маънавий олами ҳақида, ўқитувчи ва мактаблар олдига турган муаммолар хусусида дилда йиғилиб юрган гаплар кўп. Буларни ўртага солгинг, фикрлашгинг, баҳслашгинг келади...

Ўқитувчи, муаллим, мураббий, устоз! Бу сўзлар замирида бир жаҳон теран маъно, улкан фикрлар мужассам. Эл аро ҳурмат ва самимият билан, эъзоз ва эътиқод билан, ифтихор ва мамнуният билан тилга олинади бу ном, бу сўзлар. Устод Мақсуд Шайхзоданинг гоёат илиқ сатрлари ёдга тушади:

Муаллим!.. У қандай шарафли унво, Табиат сирларин, турмуш ҳикматин, Шууринг қудратин кўп равшан, аён — Насллар онгига у айлар талқин, Унинг кўзи билан бизлар баримиз — Дунё китобини ўқий бошлаймиз.

Ўқитувчи — муаллимни ҳаёт бўстониинг боғбони, умр қарвонининг сорбони, насллар йўлининг чароғбони деб атайдилар. Инсонлар учун нажот оловини келтирган Прометей билан, юрак машъаласи-ла кишиларни зулмат қўйнидан олиб чиққан, улар учун жон фидо этган Данко билан қиёс қиладилар уни. Аммо бу тенглаш, қиёслашлар мураббийнинг беназир меҳнатига, беиминнат саховати ва улғувор шўхратига баробар кела олармикан!

Халқнинг сидқидилдан қиладиган эҳтиромига ҳар бир ўқитувчи ҳам ўз-ўзидан мушарраф бўла бермайди, албатта. Мураббийлик йўлига кирган кишида, аввало, шу касбга иштиёқ, рағбат ва муҳаббат бўлиши, булар чинакам истеъдод билан қўшилиши керак. Ўқитувчи ёш авлоднинг билими ва тарбияси учун, унинг келажаги учун жавобгар эканлигини чуқур ҳис этиши, ўзининг бутун ақли-заковатини, билими ва талантини, юрак қўри ва умр-ҳаётини шогирдларига, халққа бағишламоғи лозим. Ҳақиқий ўқитувчи ўз билимдонлиги ва маҳорати билан ҳам, буткул идрокни, ҳис-туйғуси, руҳий дунёси билан ҳам, муомаласи, муносабати ва маданияти билан ҳам тарбия беради, болалар ва ёшларни эзгуликка, ҳақиқатга ўргатади, ёш қалбларда закий туйғулар уйғотади.

Бундай фазилатларга эга бўлиш учун ўқитувчи ўз касбига, ўз хизмат жойига меҳр қўйиши, шогирдларига нисбатан меҳрибон бўлиши гоётада муҳим. Шундагина у вазифасини юракдан, илҳом билан адо этади, ишда ижодкорлик ва ташаббус ҳамма вақт унга ёр бўлади. Акс ҳолда илҳом ва ташаббус ўрнини расмиятчилик, юзаки муносабат ва лоқайдлик эгаллайди. Афсуски, кўп сонли муаллимларимизнинг айримлари ана шундай лоқайдлик касалига учраганлар. Бундайлар ўз билим ва малакаларини такомиллаштириб, сиёсий ва педагогик савияларини ошириб боришга интилмайдилар. Натижада, илмий тафаккурдан, даврнинг тўхтовсиз оқимидан ортда қоладилар.

Мен бир адабиёт ўқитувчисини биламан. Эҳтимолки, у бир вақтлар адабиётга ҳавас қўйгандир. Аммо бу ҳавас муҳаббатга айлана олмаган. Мана, ўша ўқитувчининг дарсидамиз. Мавзу — муҳим бир бадий асар таҳлили устида. Ўқитувчи дарсликда нима ёзилган бўлса шунини, ҳатто уни

чала-чулла такрорлапти. Китобдан четга чиқмайди, ўздан сўз қўшай демайди. Гоявий-бадий таҳлил ўрнига қуруқ баёнчилик. Ўқитувчи нутқида ҳиссиёт ва ҳарорат сезилмайди. Табиийки, бундай дарс ўқувчиларнинг туйғуларига ижобий таъсир кўрсатишга, уларда бадий адабиётга қизиқиш уйғотишга, адабий асарни идрок эта билиш қобилиятини тарбиялашга хизмат қилмайди.

Бу ўқитувчи бадий асарлар ўқиб, адабий жараённи ўрганиб бормади, адабий-танқидий материаллар, лоқал методик қўлланмалар билан таниш эмас. Ўзи ўқитаётган фанга қизиқиш ва муҳаббатнинг йўқлиги уни ана шундай маънавий қашшоқликка олиб келган.

Адабиёт факультетидан ўқиш ва адабиётдан дарс ўтишни осон деб ўйлаб, шу предметдан зўраки «мутахассис» бўлиб қолган кишилар ҳам бор. Бундайларнинг саводхонлик даражаси ҳам унчалик эмас. Улар атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикоясидаги Боқижон Бақоевнинг худди ўзини эслатадилар.

Ўқитувчилар орасида жон кўйдириб, масъулиятни ҳис этиб, ташаббус кўрсатиб ишлаш у ёқда турсин, бевосита ўз вазифасини бажармайдиган, ё пайсалга соладиган, муҳим бир тadbир ўтказилганда ўзини четга оладиган, берилган топшириқни шунчаки, «шу ташвишдан қутулиб қўйиш учун»гина адо этадиган одамлар учраб туради. Ўқитувчидаги бундай ҳафсаласизлик болаларнинг гоёвий, маънавий ва ахлоқий тарбиясига салбий таъсир этмай қолмайди.

Ўқитувчи ўз касбини ҳар томонлама қадрлаши ва улғулаши, ўзининг туриш-турмуши, хатти-ҳаракати, маънавий дунёси, бутун онгли ҳаёти билан шогирдларига намуна бўлиши, улар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолларга йўл қўймаслиги лозим.

Шундай бир манзарани кўз олдингизга келтиринг: бежирим кийинган, савлатли бир киши стулда оёқларини чалиштириб ўтириб ёки фоз туриб кимгадир гап уқтиряпти. Оғзининг бир чеккасига сигарет қистирган, ундан ҳалқа-ҳалқа тутун бурқирайди... Бу манзара бола учун гаройиб, ҳавас қиладиган бўлиб кўриниши, унга тақлид қилишга уриниши, ҳатто чекишни «йигитликнинг шаъни» деб билиши мумкинми! Мумкин. Ҳалиги киши муаллими — таълим берувчи, доимо панд-насиҳат қилиб турувчи устози бўлса-чи! Унда бола шу устоздан «шахсий ўрнак» олади. Демак, чекувчи ўқитувчи, ўзи хоҳ истасин, хоҳ истамасин, чекувчи шогирдларини «тарбиялаб» етиштиради.

Нотўғри ҳаракат, ноҳўя қилиқ, номуносиб иш, нопок йўл ўқитувчи — устоз деган номга асло лойиқ бўлполмайди.

Ўқитувчи С. нинг босар-тусари кейинги пайтларда бошқачароқ бўлиб қолган эди. Кишиларда бу ҳол шубҳа туғдирди. Шубҳа ўринли бўлиб чиқди: у ҳаром ишга қўл урган, чайқовчилик йўлига кириб олган экан. Қўлга тушди. Коллективининг юзини ҳам шувут қилди.

Ёки яна битта ўқитувчининг ҳушёрхонага «меҳмон» бўлганлигини айтмайсизми! Тасодифни қарангки, ўзида ўқиган бир йигитча ҳам у билан бирга ҳушёрхонада тунабди. Шармисорлик!

Бундай ҳодисалар кам бўлса-да, ўқитувчилар ўртасида содир бўлиб туришининг ўзи кишини ранжитади ва ўйла-

тади. Ҳукуматнинг шахси ҳар томонлама ибратомуз, одоби ва назокати педагогикка хос бўлиши керак-ку! Муаллимнинг характер — ҳислати ёшлар тарбиясида жуда муҳим роль ўйнашини сира унутиб бўлмайди.

Юқорида айтилганлардан кўринганидек, ўқитувчининг обрўйи асосан унинг ўзига боғлиқ. Билимдон, юксак савияли, моҳир, ишчан, ташаббускор, бағри кенг, нияти соф, чинакам маданиятли ўқитувчини ҳамма ҳурмат қилади. Шу билан бирга, Коммунистик партия ва совет ҳукумати ўқитувчининг қадр ва обрўйини юқори кўтариш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. «Ўқитувчининг обрўйини ва ижтимоий ролини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш ва янада баланд кўтариш зарур»,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев Бутуниттифоқ ўқитувчилар съездида сўзлаган нутқида. Лекин жойлардаги масъул ходимлар ичида мактаб ва ўқитувчининг обрўйи ва ҳурмати ни сақлаш тўғрисида унчалик қайғурмайдиганлари ҳам бор. Бундайлар қилган ишлар орасидан нуқсон топишга, яхши томонини эмас, фақат камчиликларининг кўришга уринадилар, шуни қидирадилар. Топган камчиликни эса ҳаддан ташқари шишириб-бўрттиришга, хусусий ҳолни умумий ҳолдай кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Бир ходим ўқитувчилар тўғрисидаги салбий фактларни суриштириб-қидириб қолди. Кейин билсак, у қандайдир йиғилишда нутқ сўзламоқчи экан. Ўқитувчилар ҳақида салбий гапларни тилга олса, нутқи «яхшироқ безалар», залда «жонланиш» ва шов-шувларга сабаб бўлар эмиш. Шу орқали у барча ўқитувчилар ва маориф ходимларига таъна-дашном ҳам ёғдирмоқчи. Кўряписми — унинг фикри умумий ишга наф етказиш устида эмас, балки бошқа томонда.

Ўқитувчи фаолиятига, мактаб ва маориф ҳаётига доир яна бир қатор масалалар, муаммолар бор.

КПСС XXVI съездида ўқитувчиларнинг меҳнат самараларини баҳолашда расмийликка барҳам бериш лозимлиги, ўқитувчининг меҳнатига, турмушига кўпроқ эътибор бериш кераклиги алоҳида таъкидланди. Бироқ, бу муҳим масалаларга муносабат ҳамма жойда бир хил даражада деб бўлмайди. Расмийлик ва эътиборсизлик ҳамон етарли.

Айрим предметлардан мутахассис ўқитувчилар кам. Таълимнинг пойдевори бўлган бошланғич синфлар учун малакали муаллимлар етishмайди. Олти ёшлиқлар учун тайёрлов группалари йил сайин кўпайиб борапти. Шундай экан, бу соҳа учун мутахассис кадрларни кўпроқ тарбиялаб етиштириш тўғрисида ўйлаш керак.

Ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш ишида расмийликка йўл қўйилмоқда. Аттестация даврида масъулият чинакамига ҳис этадиган вазият вужудга келтирилмаяпти. Ҳатто ҳақиқий ўқитувчилик иқтидорига эга бўлмаган кишилар, тасодифий шахслар ҳам аттестациядан «ўз вазифасига лойиқ» деб ўтказиб юборилмоқда. Бунинг устига, негадир, мактаб раҳбарлари аттестациядан ўтказилмайди. Ҳолбуки, ўқитувчи, методист, давлат инспектори, таълим тарбия жараёнининг ташкилотчиси, педагоглар ва ўқитувчилар коллективининг мураббийси ҳисобланадиган мактаб директори ва ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари зиммасида масъулиятли вазифа туради. Уларнинг билими, савияси ва методик маҳорати муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун мактаб раҳбарларини ҳам вақти-вақти билан аттестациядан ўтказиб туриш керак, деб ҳисоблаймиз.

Кейинги йилларда ўрта мактабнинг юқори синфларида адабиёт предметининг ўқув соатлари қисқариб кетди. Бу эса темаларнинг тизлаштириб, саёзлаштириб ўтили-

шига, бадний асарларни синфда ўқиб-ўрганишдек асосий машғулотга кам вақт ажратилишига олиб келяпти. Адабиёт ўқитиш олдига қўйилган талаблар ва эстетик тарбия вазифалари нуқтан назардан биз предметга ажратилган соатларни қайта кўриб чиқилса яхши бўларди.

Эстетик тарбия масаласида мактабларга маданият ва санъат муассасалари томонидан оталиқ ёрдами уюштирилишини истардик. Бундай ёрдам ва ҳамкорлик ёш авлод тарбияси учун катта фойда етказган бўлур эди.

Ишлаб чиқариш таълимини йўлга қўйишда қатор муаммоларга дуч келинаётимиз. Бунда ишлаб чиқариш кучларига талаб ва эҳтиёжларни, ёшларнинг хоҳиш ва интилишларини тўла ҳисобга олинмапти, дея олмаймиз. Оммавий тарзда ишлаб чиқариш таълимига ўтишдан кутилган натижа чиқяптими? Бу саволга «Ҳа, шундай» деб тўлиқ ва аниқ жавоб қайтариш қийин. Масалан, юзлаб тикувчи тайёрлаб етиштирилади-ю, лекин ишлаб чиқариш корхонаси буларнинг ҳаммасини қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлмайди. Ёки ўқувчи мактабни тикувчилик ихтисоси билан тамомлайди-ю, аммо врач, ё ўқитувчи, ёинки санъаткор бўлиб етишишни хоҳлайди. Бу масалалар чуқурроқ ўйлаб кўришни тақозо қилади.

Мактаб ва ўқитувчининг кўп томонлама ва серташвиш иши доимий эътибор ва қўллаб-қувватланишини, қўмақдошлик ва ҳамкорликни талаб этади. Биз ўз ишимизда партия, совет ташкилотлари ва кенг жамоатчиликнинг ёрдами, қўллаб-қувватлашини ҳар вақт сезиб турибмиз. Бироқ, мактабларга оталиқ ёрдам уни мажбурийат юзасидан, шунчагина, онда-сонда бажариб турадиган, мактаб моддий базаси учун берадиган кўмагини худди ўз чўнтагидан чиқарадигандай миннат қиладиган ташкилот раҳбарлари ҳам бор. Улар бу кўмак бирор кимса учун эмас, келажакимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг тарбияси учун берилишини, кечагина ўзлари ҳам мактаб партасида ўтириб, давлат ва жамоатчилик ғамхўрлигиндан баҳраманд бўлганликларини унутадилар.

Баъзи ҳолларда айрим болалар ва уларнинг ота-оналарига таъбир ўтказилишини сўраб тегишли ўртоқларга мурожаат қиласиз. Аммо бу ўртоқлар амалий ёрдам ўрнига «қайд этиш» билан чекланадилар. Ўқувчини «тарбияси қийин» бола сифатида ҳисобга олиб қўйишди. Кейин у билан қандай иш олиб борилаётганлиги тўғрисида маълумот — қоғоз сўрашди. Қоғозлар у ёқ-бу ёққа ўтаверади-ю, бола «тарбияси қийин»лигича қолаверади.

Мактаб ва ўқитувчи иш ўргатувчи, тўғри-ноғри йўл-йўриқ кўрсатувчи, топшириқ берувчи, талаб қилувчи, бўлар-бўлмас ишга аралашувчи, текширувчи, ахборот сўровчи одам кўп. Уларни қарши олиш, мактабни кўрсатиш, саволларига жавоб қайтариш, справка ёзишдан бўшамай қоласиз. Ҳар хил ахборот ва маълумотларни сўраб кетмакет келиб турадиган қоғозларни айтмайсизми! Буларнинг ҳаммаси вақтни олади, асабга тегади.

Иш вақтида у ёқ-бу ёққа чақиришлар, бир-бирини такрорлайдиган мажлислар, турли тadbрирлар... Баъзи йиғилишларга зални тўлдирish учунгина чақирилганлигини ўйлаб, дилинг оғрийди. Бу кетган умр — дарс вақти, мактаб ҳаёти ва болалар тарбияси учун зарур бўлган иш вақти. Қани энди, ўқитувчи ва мактаб раҳбарининг вақти ҳамма жойда ва ҳар доим чинакамига қадрланса!

Алихон ХАЛИЛБЕКОВ,  
Наманган шаҳридаги Ҳамид ОЛИМЖОН  
номли 43-ўрта мактаб директори,  
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.





# ЛЕНИННОМАНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

Яхшилик, эзгулик яшайдиган ҳар бир қалбга Ленин ҳамиша ҳамроҳ. У энг инсоний, ўлмас гоёларга эътиқод ва садоқат рамзи сифатида биз билан бирга яшайди. Уни ҳар ким ўз диди, билими ва савиясига мос равишда, ўзига хос йўсинда кашф этади.

Революциянинг оташин куйчиси В. В. Маяковский ўзининг «В. И. Ленин» поэмасида шундай мисраларни ёзган эди:

Ульяновнинг умри  
маълумдир  
то сўнгги нафас:  
Аммо ўртоқ Лениннинг  
поёнсиз умрин  
Ҳали ёзиш,  
ёзиш,  
тасвирлаш керак.

Ана шу сатрлар ёзилганидан буён ўтган давр инқилоб куйчисининг фикрлари нақадар ҳаётий ва ҳаққоний эканлигини исбот этди. Ижодкорларнинг ҳар бир авлоди доҳий образига мурожаат қилар экан, унинг янги қирраларини кашф этишга интилди. Чунки, ҳар даврнинг ўз мезонини бор.

Ленин образи адабиётимизга 20-йиллардаёқ кириб келди. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир каби улкан адибларимиз бу мавзуга асос солдилар. Улар доҳийми В. И. Лениннинг ёрқин образини ўзларининг лирик ва эпик асарларида яратишга интилдилар, доҳий гоёларини тарғиб қилдилар.

В. И. Ленинни улуғлаш, у ҳақда асар яратиш — бу шахс мадҳияси эмас. Ленинни улуғлаш — бу мазлум халқларга озодлик, тенг ҳуқуқлиликини берган, инсонга ўзининг қадру қимматини англаган социалистик жамиятни улуғлаш демакдир, эркинликка, биродарликка, бахт ва саодатга қарши бўлган империализмга қақшатқич зарба демакдир.

Шунинг учун ҳам ер юзининг турли бурчакларида эзгу ният билан қўлга қалам ушлаган, марксизм-ленинизмнинг моҳиятини англаб етган ижодкорлар доҳийми Ленин ҳақида ўйлайдилар. У ҳақда бирор эзгу гап айтишга ин-

тиладилар. Бизнинг шоир ва ёзувчиларимиз ҳам бу мавзуга ҳамиша садоқат ва эҳтиром билан қўл урганлар. Зулфия, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Шухрат, Шукрулло, Жуманиёз Жабборов каби кўплаб шоирларимиз устозлар бошлаб берган «Лениннома»га ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

60-йилларда адабиётимизга жуда катта тўлқин билан бир гуруҳ ёш ижодкорлар кириб келишди. Улар адабий жараёнга янги бир нафас бахш этдилар. Бу шоирлар ижодида ўзбек «Лениннома»сининг кўлами яна ҳам кенгайди, сифати ошди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳусниддин Шарипов, Муҳаммад Али, Омон Матжон, Рауф Парфи, Маъруф Жалил каби қатор шоирларимиз Ленин образини ўзларига хос тарзда яратдилар. Эркин Воҳидов доҳий Лениннинг ёшлигига бағишлаб дoston битган бўлса, Ҳусниддин Шарипов «Ильични ўйлайман» номли туркум шеърлар ёзди.

Ленин мавзуси Абдулла Орипов ижодида ҳам алоҳида ўрин тутади. Унинг бевосита В. И. Ленинга бағишланмаган шеърларида ҳам партияга, доҳийга бўлган садоқат руҳи барқ уриб туради. Шоир «Ленин» асарида жамини инсоният бахти учун курашган буюкларни қаламга олар экан, «улуғларнинг улуғи Ленин» дея таъкидлайди. Абдулла Ориповнинг санъаткорлиги шундаки, у тарихда ўтган қатор машҳур зотларнинг буюклигини кўрсатгани ҳолда, Ленинни улардан юқори қўяди. Китобхонни шунга ишонтиради. Шеърхон ҳаёлида Лениннинг баркамол образи гавдаланади. Шу бир шеърнинг ўзида у бутун инсониятнинг босиб ўтган йўлига назар ташлайди ва ўзи яшаб турган жамият ҳусусида, давр тўғрисида ўйлайди. Доҳийдаги шоир таъкидламоқчи бўлган фазилатларни чуқурроқ ҳис этади.

Шеърятимизнинг сўнгги бир неча авлоди вакиллари ҳам бу мавзуга ихлос билан қўл урмоқдалар. Устозлар бошлаб берган ўзбек ленинномаси саҳифалари бу ёшларнинг қайноқ нафаси билан яна ҳам кўркам, яна ҳам салмоқли бўлиб бормоқда. Сулаймон Раҳмон, Абдулла Шер, Тилак Жўра, Эргаш Муҳаммад, Отаёр, Азим Суюн, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Шукур Қурбўй, Асқар Мусақулов каби бир қатор ёшларнинг Ленинга бағишланган асарлари фикримиз далилидир.

Ленин ҳақида фақат Иттифоқимиздагина эмас, чет эл-

ларда ҳам кўллаб асарлар яратилган. Унинг сиймосида озодлик, бахт, эркинлик, эзгуликни кўрган ҳар бир ижодкор Ленин ҳақида шеър битган. Пролетариат доҳийсига бағишланган асарларнинг кўламини, салмоғини кўриб, «энди шоирлар нима ҳам янги гап айтарди» деб ўйлаш мумкин. Китобхон бундай фикрга бориши табиий, албатта. Лекин Маяковский таъкидлаганидек, «ёзиш, ёзиш, тасвирлаш керак». Нимани ёзиш керак! Нимани тасвирлаш керак! Биз номларини эйра қилган шоирлар ҳудди шу саволларга жавоб излайдилар. Китобхонларни қаноатлантирадиган жавоб ҳам топадилар.

Бир наво оқади  
Ҳаётбахш;  
Бир дарё оқади —  
Мавжли;  
Бир орзу кезади —  
Эзгулик.  
Бир инсон яшайди  
Умр боқий;  
Бу наво  
Бу дарё  
Бу орзу  
Бу инсон — Ленин

Доҳийга бағишланган бу шеърнинг муҳим фазилати шоир туйғусининг самимийлигидир. Самимият бор жойда ҳақиқат бўлади. Шоир Тилак Жўранинг Ленинга бўлган муҳаббати мажозий мисраларда акс этган. Шеърга чуқурроқ назар солсангиз, Лениннинг абадийлиги, ғоясининг ўлмаслиги содда, теран сўзларда ифодаланганига ишонч ҳосил қиласиз. Наво ҳам, дарё ҳам, орзу ҳам абадий нарса. Лекин бу навонинг бошқа наволардан фарқи — у мавжли, бу орзунинг бошқа орзулардан фарқи — эзгулик, бу инсоннинг бошқа одамлардан фарқи — умрбоқийлик. Мана шуларнинг барчаси Ленинда мужассам. Яна шуниси муҳимки, доҳий шу нарсаларни инсонга, келгуси авлодга қолдирган. Башариятга зарур бўлган ҳаётбахш наво, мавжли дарёни, эзгу орзунинг ўзида мужассам этган социалистик жамиятни вужудга келтирган. Лениндаги шоир таъкидлаган умрбоқийликнинг мазмуни шунда.

Улуғ зотлар ҳақида асар ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, завқ билан ёзилади. Қийинлиги эса шу улуғ зот мезонидаги фикрни топиб айтиш бурчи билан боғлиқ. Ижодкор ҳамisha шу бурчни унутмаслиги лозим. Тилак Жўра ўзининг юқоридаги шеърида ана шундай масъулиятни ҳис этган ҳолда қўлига қалам олган, дея деди айта оламиз.

Абдулла Шер «Таржимаи ҳол» шеърида Ленин мавзусига бошқачароқ ёндашади. Муаллиф 1924 йил 21 январь кунини ҳаёлида тиклайди.

Билсим, бизни, уларга масдар:  
Коммунистмиз — собит ва ҳалол.  
Бизлар учун, мана, мухтасар  
Ва ягона таржимаи ҳол:  
Гарчанд онт-ла унинг тобутин  
Кузатмадик сўнги сафарга.  
Аммо яшаб ерда то буюн  
Содиқ қолдик қизил сафларга.

Шоир таъкидлаганидек, ёшлар қизил сафларнинг содиқ давомчиси, фақат давомчисигина эмас, бу сафларнинг қаддини собитлаштирувчи куч ҳамдир. Доҳиймиз В. И. Лениннинг ҳаётбахш ғоялари ёшлар учун илҳомбахш манба, уларни ижодида чорловчи қудратдир.

Ёшлар ижодида Ленин образи эътиқод, кураш тимсоли сифатида ҳам намоён бўлади. Усмон Азим шеърларида ҳудди ана шундай хусусият мавжуд. Шоир ёзади:

«Эй, учқур лочинларим,  
Тингланг мени бир нафас.  
Дунёни қайта кўрмоқ  
Шунчаки эрмак эмас  
Ким чекинса кўрса ё,  
Курашга бермасдан тоб,  
Раҳм-шафқат қилмайди,  
Кечирмайди инқилоб».

Бу фикр инқилоб чавандозлари командири тилидан айтаётир. Командирнинг ўзигина эмас, йигитлари ҳам Ленин ғояларига содиқ, янги дунёни қуриш учун ҳеч нарсадан чўчимайдилар. Улар «фақат Ленинни танийдилар, фақат Ленин деб яшайдилар». Шеърдаги лирик қаҳрамон, қайноқ қалб инқилобга садоқатини сақлаган инсон. У ўзгалардан ҳам шуни қатъий талаб қилади ва «Инқилоб учун баъзан темир бўлгин халойиқ» дея ҳайқиради.

Биз шоир қаҳрамони ҳайқирғига қўшилаемиз. Чунки интизом бор жойда иш, муваффақият бўлади. Янги дунёни қуриш учун фақат интизомнинггина ўзи етмайди. Инқилоб учун Ленинни билиш, Ленин ғояларига жонни тикиш лозим. Шеърнинг аҳамияти шундаки, шоир инқилоб тўфайли яралган янги дунё — социалистик жамиятимизни мустаҳкамлаш учун доимо курашга, бу йўлда чекинмасликка, қатъийликка ундайди.

Саъдулла Ҳаким Ленинни ҳақиқат тимсоли деб билади. У доҳиймиз образини яратар экан, унинг сиймосида ҳақиқатни кўради.

Десалар: «Ҳақиқатнинг тасвирин чизиб кўрсат».  
Ҳеч инқиланмай ишни бошлардим ўша фурсат.  
Кўёшнинг зар нурларин ранг қилиб олар эдим,  
Лениннинг кулиб турган суратин солар эдим!

Муаллиф бу тўртлигидаги фикрни «Коммунизм» шеърини ривожлантиради. У «ҳар бир одам ўз қалбда коммунизмни аввало ўзи яратиши керак» дея хитоб қилади. Шоир «Гул исси анқиган саҳар палласи» мисралари билан бошланган шеърда ҳам Ленинни ҳақиқат тимсолида кўриб, ўғлига шундай таъкидлайди:

Юрак бўлсин Қизил майдонинг ҳамон  
Тошкентдаги каби унда ҳам Ленин  
Мағрур боқиб турсин кунчиқар томон...

Ўзбек совет шеърятининг бугунги ютуқларига ва у босиб ўтган йўлга назар ташланса, В. И. Ленин мавзуси алоҳида ўрин тутиб келганлиги кўзга яққол ташланади. Бу қутлуғ мавзу бугунги кунда ҳам истеъдодли, марксизм-ленинизм ғояларига садоқатли қаламкашлар қўлида. Устозлар бошлаб берган «Лениннома» эстафетасини бу қўллар янги марраларга элтишига аминмиз.

Абдулла МАТЕҚУБОВ

# ЎЗУВЧИНИНГ МАЪНАВИЙ ОЛАМИ

Навқирон адабиётимизнинг энг сара асарлари ҳар икки йилда бир марта Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирланаётгани яхши анъанага айланиб қолди. Бу мукофот ёш қалам аҳллариини ғоявий ва бадий жиҳатдан баркамол асарлар яратишга ундамоқда, ўзаро ижодий мусобақага чорламоқда.

Журналхонлардан келган бир қатор хатларда лауреатларнинг ҳаёти ва ижодий йўли, муайян асарларининг яратилиш жараёни ҳақида мақолалар ўқиш истаги баён қилинган. Шу муносабат билан журналимизда «Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари» деган янги рубрика очдик. Бу рубрика остида ана шу юксак мукофотга сазовор бўлган ёзувчи ва шоирлар ҳақида материаллар бериб борамиз.

Худойберди Тўхтабоевнинг асарлари республикаимиз сарҳадларидан ўтиб, Бутуниттифоқ китобхонига етиб борди. Бир неча чет тилларга таржима қилинди. Болалар ва ўсмирларнинг ўзига хос, рангин дунёси билан ошно этувчи бу асарлар китобхонлар меҳрини қозонди.

Хўш, ёзувчи нега кўпинча ўз асарларида кичкинтой қаҳрамонлар ҳаётини қаламга олади ва алоҳида меҳр-муҳаббат билан тасвирлайди? Унинг асарларидаги танқидий руҳ, турмушимиздаги иллатларга нисбатан муросазлик қайси мәнбалардан қувват олади!

Бу саволларга жавоб топиш учун ёзувчининг ҳаёти саҳифаларига назар ташлайлик.

Худойберди Тўхтабоев Қатрон тоғи этакларидаги Катта Тағоб қишлоғида туғилган. Бу сўлим, серфайз, боғ-роғли қишлоқ одамлари латифа ва эртаклар сўзлашга усталлиги билан ажрәлиб туради. Ешлигида такрор-такрор эшитган, илиб олиб ўзи ҳам тенгдошларига, укаларига айтиб берган латифа ва эртаклар бўлғуси адиб характерини шакллантиришда катта роль ўйнаган, албатта.

Х. Тўхтабоев гўдаклигидан етим қолгани, ўғай отанинг нима эканлигини билгани, диний китоблардан бош кўтармайдиган бувиси қўлида тарбия кўрганлигини эслайди. Тахмин қилиш керакки, Х. Тўхтабоевнинг адиблик йўлига киришида ёшликдаги ҳаёт машаққатлари, кампирларини аτροφига бирлаштира оладиган илмдан хабардор тақводор бувининг ҳам улуши бўлган.

Худойберди Тўхтабоев ўз ҳаёти, болалик таассуротлари тўғрисида алоҳида ҳаяжон билан гапиради:

«Менинг болалик ва ўсмирлик йилларим Улуғ Ватан уруши даврига тўғри келган. Ота-онасиз қолган, етим ҳамқишлоқларимнинг ўкинч ва армонларини эшитганман. Уғлидан «қора хат» келган оналарнинг кўксини юлиб додлаганларини, акасини интизор кутаётган сингилларнинг, эридан барвақт жудо бўлган ёш-ёш жувонларнинг пинҳоний кўз ёшларини кўрганман».

Унинг ёзувчи бўлиб, хусусан, болалар ёзувчиси бўлиб қўлга қалам олишида бу таассуротларнинг аҳамияти ҳам озмунча эмас.

«Ўғай отам — уста Абдуқодир ишчи батальонига кетгач, биз онлада саккиз бола қолдик, — деб ҳикоя қилади адиб. — Бир хилларимиз детдомга, бир хилларимиз би-

ровлар ўйига молбоқар бўлиб кетдик. Мен ҳам детдомда бўлганман. Ҳам онадан, ҳам отадан етим қолган болалар билан роса детдомдан детдомга ўтиб «сайр» қилганман. Ҳатто Тошкентдан Қўқонгача пиёда кетган пайтларимиз бўлган».

Бировларнинг эшигида молбоқар, қисқаси, кичик хизматкор бўлиш, бунинг устига саккизта етимчанинг ҳам ғамини ейиш, ёзувчи сўзлари билан айтганда, «етимлар армияси сафида бўлиш», детдомларда юриб, турфа болалар билан дўстлашиш — буларнинг ҳаммаси ҳаёт мактаби босқичлари эди.

Улуғ Ватан урушидан кейин Худойберди Тўхтабоевнинг ўқувчилик, студентлик йиллари бошланди. Бадий ижодга студентлик чоғларидаёқ қизиқиб, бошда шеърлар машқ қилди, кейин прозага ўтиб, ҳикоялар ёзди. Студентлик даврида ёзилган «Фельетондан сўнг» ҳикояси учун «Совет Ўзбекистони» газетаси мукофотини олди. Шундан кейин Х. Тўхтабоев бир қатор ҳикоялар ёзди.

Ёш адиб ҳикоялари тематик жиҳатдан турлича бўлса ҳам, уларда бир жиҳатдан муштараклик бор эди. У ҳар хил ҳаёт материалли, ҳар хил вазиятдан туриб ҳам ҳаётимиздаги иллатлар, эскилик сарқитларига, тўғрироғи, совет ахлоқ принципларини бузувчиларга қарши кескин курашар эди. Ёт иллатларга қарши кураш ҳисси унда жуда эрта пайдо бўлган. Шу сабабдан бўлса керак, унинг ижодида танқидий йўналиш устун туради.

Худойберди Тўхтабоев ўз ижодининг бу йўналишига изоҳ бериб, шундай ёзади:

«Турмушда ҳали иллат кўп, унга қарши курашиш керак. Хўп, қайси йўл билан! Муаллимлик йўли биланми? Лекция ўқиш йўли биланми? Мен «Фельетондан сўнг» номли ҳикоямда журналист ҳам мураббий, тарбиячи, фельетон жанри эса журналист-мураббий қўлидаги энг яхши қурол; масалан, зангланган темирни ўтга солсанг занги тўкилгани каби, сарқитларга ботган киши, фельетон ўтида ловуллаб ёнса, сарқитлардан холи бўлади, деган ғояни олға сурган эдим».

Ғоя шундай кучки, у пайдо бўлгач, Бекордан-Бекорга ўтиб кетавермайди. Бир кун пайдо бўлган ғоя иккинчи кун ишга тушиши, ўз амалиётини кўриши керак. Илк асарларидаёқ олға сурилган ғоя Худойберди Тўхтабоев хаёлини

тўла банд этган эди. У узоқ вақтлар «Тошкент ҳақиқати», «Совет Ўзбекистони» газеталарида фельетончи бўлиб хизмат қилди. Адиб республика бўйлаб, турли соҳаларда материал йиғар, танланган материаллар устида кунт билан ишлаб, фельетондан фельетонга ўз маҳоратини ошириб борар эди. Мана, унинг фельетончилик ҳақидаги ўз фикрлари:

«Ниманики сарқит ва иллат деб тушунсам, ниманики қонундан ташқари, адолатсиз деб билсам, ниманики замондан орқада қолган ва тараққиётга ғов деб ўйласам, чиройли турмушга ниманики доғ тушираётган бўлса, ана шуларнинг ҳаммасига қарши курашдим. 300 дан ортиқ катта-кичик фельетонлар ёздим. «Х. Тўхтабоев», «Т. Худойбердиев», «Б. Назаров» деган имзолар билан ёздим, ҳеч кимни аямай, жону жаҳдим билан ёздим...»

«Жону жаҳдим билан ёздим». Ҳа, фақат ана шундай ёзилган асарларгина зиммасидаги вазифани адо эта олади. Назаримда, адиб ижоднинг бу талабини ёшлигиданоқ англаб етган кўринади. Гапнинг тўғриси айтганда, ўша вақтларда яратилган ҳамма фельетонлар, ҳамма ҳикоялар ҳам бирдай мукамал бўлмаган. Улар орасида шушлич ёзилиб, объективлик талабига тўла жавоб беравермайдиганлари ҳам бўлса, эҳтимол. Бироқ шу нарса муҳимки, у асарларни куйинишлар билан, «жону жаҳди» билан ёзган, ўртанишлари китобхонага тўла етиб бориши устида қайғурган.

Х. Тўхтабоевнинг илк ҳикоялар тўплами бундан йигирма бир йил муқаддам, яъни 1961 йилда «Шошқалоқ» номи билан чоп этилди. Ушундан бери у асосан болалар — ўсмирлар ҳаётига оид ўндан ортиқ ҳикоялар тўплами, қиссалар, романлар эълон қилди. Айниқса унинг «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими» романлари ёш китобхонлар муҳаббатини қозонган асарлардан ҳисобланади.

Х. Тўхтабоев «Сариқ девни миниб» саргузашт романи учун республика Ленин комсомоли мукофотини олишга сазовор бўлди. Асарнинг иккинчи қисми — «Сариқ девнинг ўлими» эса милиция ходимлари ҳаётига бағишланган асарлар конкурсида ғолиб чиқди. Бу романларнинг Иттифоқимиздаги ўнлаб тилларга ва баъзи бир хорижий тилларга таржима қилиниб, катта нусхаларда босилиши ҳам адиб меҳнатига берилган катта баҳодир.

Хўш, кўпчиликнинг тилига тушган бу китобларнинг сирини нимада! Бу саволга жавоб бериш учун мазкур асарларга бир назар ташлаб кўрайлик.

Дастлаб қараганда, «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими» баъзи хусусиятлари билан Ф. Фуломнинг «Шум бола»сини эслатади. Х. Тўхтабоев қаҳрамонлари ҳам «Шум бола» қаҳрамони сингари зийрак, серфаҳм, чаққон. Бунинг устига у хаёлотга ҳам бой — маълум бир ишни битказиш учун дарров йўл излайди, агар йўл тополмай қолса, мушкул ишларни ҳам хаёлан ҳал қилиб ташлайди.

Бироқ, Худойберди Тўхтабоевнинг қаҳрамони замонавий «шум»лардан. Ғафур Фуломнинг «шум боласи» ўз хатти-ҳаракатлари билан синфий зиддият асосига қурилган замоннинг чиркин иллатларини фош қилади. Худойберди Тўхтабоев қаҳрамонлари эса олға бораётган бугунги кун замирида яшайди, ҳаракат қилади. Биз роман қаҳрамони Ҳошимжоннинг саргузаштларини кузатиб куламиз, янги ҳамиятга ёт бўлган иллатларни фош қилаётганини сезиб, унинг фаҳм-фаросатига тасанно деймиз.

«Сариқ дев...» қаҳрамонининг ҳаракат майдони кенг, фаолияти ҳам ранг-баранг, характерининг ўзига яраша шаклланиш тарихи ҳам бор. У ўқишда илғор болалардан эмас, яхши ўқияпман деб ойисини алдайди. Бироқ бу айблари учун қаҳрамонга нисбатан бизда сэлбий муносабат уйғонмайди. Чунки ёзувчи Ҳошимжонни жазолаш йўлларини топади. У ёши, илми ва тажрибасига тўғри келмайдиган кўпгина ишларга қўл уриб кўради: сеҳрли қалпоқча ёрдами билан Мирзачўлда агрономлик қилмоқчи бўлади, қурилишга бориб, бирор ишнинг бошини тутиш йўлига тушади, кейинроқ эса кўғирчоқ театрида санъат билан шуғулланмоқчи бўлади. Бироқ бу ишларнинг бирортасини ҳам эплай олмайдди, ҳаётдан табиий равишда дакки ейди.

Воқеанинг шу тарзда берилишида муҳим бир ҳақиқат бор. Баъзи бир ёшларда ўз куч ва қобилиятини ортиқча бəҳолаш, ўз имкониятлари билан ҳисоблашмасдан манманлик кўчасига кириб кетиш, реал ҳаёт талабларини ҳисобга ола бермаслик ҳоллари учраб туради. Худойберди Тўхтабоев шу хилдаги «ғоз чираниш»ларга муносабат билдиради.

Қаҳрамоннинг кейинги саргузаштлари бошқа мақсадга бўйсундирилган. У дин-шариат ниқоби остида оддий халқни алдаб, бойлик орттирмақчи бўлган фирибгарлар орасига тушиб қолади. Унинг кетидан бориб, биз ҳам ҳаётимизда учраб турадиган текинхўрлар ҳийлаю найрангларининг гувоҳи бўламиз.

Ҳошимжон учун диндорлар билан бўлган бу муносабат ҳам асарнинг биринчи қисмидаги «ғоз чираниш»лардек ўткинчи эди. У ёт муҳитда бир оз бўлиб, яна ўзининг асл вазифасига — ўқишга қайтади. Шу билан гўё «дакки»лар саргузашти маълум бир натижалар — қаҳрамон характерининг анча тобланиши билан якунланади.

Бундан кейин қаҳрамон характерида учинчи ва масъулиятли босқич бошланади. Асардан шундай таассурот пайдо бўладики, қаҳрамон гўё ўзини нималаргадир тайёрлайди, энди ўша тайёргарликка кўра ишга тушиши керак. Ёзувчи қаҳрамонига шунга лойиқ вазифа ҳам топиб беради. Бу — фирибгар, текинхўр, ўғрилардан халқ мулки ва осойишталигини сақлашга қодир бир вазифа — милиция ходими. Биз Ҳошимжон билан биргалишиб халқ ишончини сунистеъмом қилаётган, халқ мулкига қўл чўзётган қаллоблар муҳитига борамиз ва уларнинг ҳийлаю найрангларини кўрамиз. Улар баъзи бир анойиларни лақиллатиб, тийинлаб бойлик йиғадиганлардан эмас, балки маккор, устмон, ўзини илмли ҳисоблаган ҳар бир кишини гангитиб қўйишга тайёр «мутахассис ўғрилар», Табиатан зийрак, фаҳм-фаросатли, ҳаётнинг баъзи томонлари билан танишиб пишиб кетган Ҳошимжон ўғриларга қарши жиддий бир операцияда қатнашиб, фирибгарларнинг катта тўдасини фош қилишга ҳисса қўшади.

«Сариқ дев...» — саргузашт асар. У фантастика билан йўғрилган. Асардаги воқеаларнинг баъзилари қутилмаган тарзда рўй беради, бир қисм воқеалар асоссиздек бўлиб кўринади. Саргузашт-фантастик асарларнинг қисмати маълум бир деталь ёки эпизоднинг қанчалик конкрет ва реаллиги билан белгиланмайди, балки бир оз реалликдан узоқда бўлатуриб, китобхонни ишонтира олиши ва «тўқима воқеалар» воситасида зарур хулосалар чиқарилиши билан белгиланади. Худойберди Тўхтабоев асардан кузатилган хулосани чиқара олган. Саргузашт йўли, фантастик баён автор учун адабий приём — усул. Масалан, қаҳрамон «Сирли қалпоқча»сиз воқеаларнинг ич-ичига кириб бора олмас, ҳаётимизда учраб турадиган, бироқ сир-асрори англамаган иллатларни етарли даражада фош қила олмаган бўлар эди.

Худойберди Тўхтабоевнинг фантастикаси, тақрор айта-мизки, замонавийдир. Бу фантастика орқали берилган воқеалар, «Сеҳрли қалпоқча» билан унинг қаҳрамони амалга оширмақчи бўлган ҳамма ишлар бизнинг умид ва орзуларимизда яшайдиган ишлардир. Хуллас, замонавий «шум бола»га замонавий вазифа юклатилган. Асар қаҳрамони бу вазифанинг уддасидан чиқа олган.

Асарда ҳаётимиздаги кўпгина кам-кўстлар айtilган. Лекин воқеалар ниҳоятда оптимистик тарзда акс эттирилади. Якун ҳам оптимистик: иллатлар фош бўлади, уларга қарши курашадиган муассасалар ҳам ёпилади. Бу билан ёзувчи ҳаётимизнинг табиий тараққиёт қонуниятларига яна бир бор кўз ташлайди.

Худойберди Тўхтабоевнинг асари муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Тўғри, асарни яна ҳам пишитиш мумкин эди. Унда қамраб олинган воқеалар керагидан ортиқчадек кўринади, баъзан бошқа асарларда учрайдиган деталь ва воқеалар учрайди, батафсил тасвир ўрнига воқеаларни баён қилиб ўтиш сингари ҳоллар ҳам кўзга ташланади. Аммо бари бир, Худойберди Тўхтабоевнинг бу романи ўсмирлар учун ёзилган яхши асарлар қаторидан ўрин олишга ҳақлидир.

Ёзувчилик санъати шундайки, адиб ё кўрган-билганини, ё эшитганини ёзади. Бу кўрган-билган ва эшитганларини

маълум бир тартибга солишда домд ўз ҳаёти кўз олдига туради. Шу маънода ёзувчи учун ўз ҳаёти, кўрган-кечирганлари биринчи даражали материал вазифасини адо этади. Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девнинг ўлими»дан кейинги романида шундай сатрлар бор: «Белим сал букрироқ, бунн ўзим ҳам тан оламан, укаларимни кўтара бериб шунақанги бўлиб қолганман, бўйим ҳам тенгқурларимга қараганда сал пастроқ, бунн ҳам микор қилмайман. Мен юқорига қараб ўсаман деганимда укаларим елкамга миниб олиб, пастга қараб босишаверган. Шунинг учун паканароқ бўлиб қолганман. Беш болали дейишларига ҳам, ростини айтсам унча жаҳлим чиқмайди. Нега десангиз чиндан ҳам роппа-роса бешта укам бор. Бешовини ҳам ўзим катта қилганман, ойижоним тракторчи, уруш бошлангандан буён кечаси-ю кундузи далада».

Ҳурматли ўқувчи сезаётган бўлса керак, бу — «Беш болали йигитча» романининг бош қаҳрамони Орифжоннинг сўзлари. Бу портретда ёзувчининг ўз қиёфасидан нималардир олинган, фақат портрет маъносидан эмас, балки бошқа жиҳатлардан ҳам Орифжон адибнинг прототиби, деган хулосага келишга асос бор.

Худойбердининг ўз сўзларига қараганда «Беш болали йигитча» биографик асар. У худди асар қаҳрамони сингари Улуғ Ватан уруши йиллари етим қолган, беш укани тарбиялаб вояга етказган. Беш бола тарбиясини бўйинига олган ёш йигитчанинг бошига тушган воқеалар ўрни, вақти, тарзи ва бошқа нималари биландир Орифжон биографиясидан фарқ қилса керак. Бироқ асар негизда муштараклик кўп. Шу маънода адиб «Асарнинг бош қаҳрамони Орифжон умумлашган образ» дейди. Ўз тенгдошларини эслаб, давом этади: «Мамажоннинг раҳмдиллигини, Муҳаммаджоннинг қизиқчилигини, Ортиғалининг ўйчанлигини Орифжонда умумлаштиришга ҳаракат қилганман. Айниқса, Султон деган ўртоғим Орифжонга жуда ўхшаб кетарди. Булар ҳаммаси ҳозир ҳаёт, уйли-жойли, бола-чақали...»

Саргузашт романлар, фельетон ва ҳажвий ҳикоялар, салимий юмор билан сурғорилган «Беш болали йигитча» романи Худойбердини жиҳдийроқ ижодий босқичга тайёрлади. «Қасоскорнинг олтин боши» романи ана шу бой тажриба самараси сифатида дунёга келди.

Роман ҳам материал, ҳам услуб жиҳатидан авторнинг бошқа асарларидан фарқ қилади. Худойберди бу сафар тарихий материалга, реал шахс тасвирига мурожаат қилди. Бу романда унинг бошқа йирик асарларидагидек болаларча тасаввур ҳам йўқ.

Худойберди бу асари билан ўзбек романчилиги географияси уфқини анча кенгайттирди. Асар воқеалари Самарқанд атрофларида, қисман ҳозирги Қарши, Бухоро об-ластлари территорияларида рўй беради.

Бу романда Худойбердининг услуб жиҳатидан ҳам ўзига хослиги кўзга ташланиб туради. Адиб Абдулла Қодирий сингари кўпроқ реал воқеаларнинг кескин бурилишлари, бу бурилишлардаги қаҳрамонлар ҳолати билан қизиқади. «Ўтган кунлар» муаллифи ўз санъати билан воқеаларни китобхон қалбини ларзага соладиган даражада кескинлаштира олар эди. Худойберди воқеалар кескинлигини бу даражага кўтара олмайди. Лекин, «Қасоскорнинг олтин боши»да бошқа фазилатлар бор: у аниқ тарихий фактни кузатади, тадиқ қилади.

«Қасоскорнинг олтин боши» сюжети, унда акс эттирилган тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима асослари шунн кўрсатадики, адиб узоқ йиллар давомида Номозга тегишли тарихий ҳужжатларни, даврнинг ижтимоий ва сиёсий ҳолатини кўнн билан ўрганган, танланган давр ҳақиқоний хулосалар чиқариш мумкин бўлган даражага етгач, қўлига қалам олган.

Тарихий маълумотларга қараганда, асарнинг бош қаҳрамони — Номоз Пиримқул ўғли [1865—1907 йиллар] Самарқанд атрофидаги қишлоқларда яшаган, маълум вақтлар давомида атрофига одам йиғиб, ўзига хос йўллар билан тенгсизликка қарши курашган — етим-есир, камбағаллар гамида ҳаётини фидо қилган. У анча билимдон ва дунё кўрган йигит, улуг рус халқи ҳаёт тарзи

билан яқиндан таниш. Баъзи бир тахминларга қараганда, унинг фаолияти ўша вақтлардаги революцион ҳаракатлар билан қай даражададир боғлиқ бўлган.

Х. Тўхтабоев ўз асарида тарихий ҳақиқатга яқин бўлишга ҳаракат қилади. Номоз ботир ҳаётда ҳам, романда ҳам оддий меҳнаткаш халқ халоскори. У бойларнинг мол-мулкларини тортиб олиб, камбағал, бева-бечаларга таркатади. Бу фаолияти туфайли унинг атрофига катта куч йиғилади. Шу даражага бориб етадики, бу кундан амир ҳам, ҳатто губернатор ҳам таҳликада қолади. Шу маънода Номознинг бу ҳаракатлари маълум даражада синфий йўналиш касб этади. Унинг назарида одамлар икки гуруҳга бўлинган — бири меҳнаткаш, бойлик яратувчи заҳматкашлар, иккинчиси бойликларни ўзларига «тортиб олувчи» ва уни йиғиб, ҳаёт лаззатини кўргувчилар. Номознинг вазифаси бойлиқни эгаси — яратувчисига қайтаришдан иборат. Ёзувчи талқинидаги Номоз ана шундай.

Номоз ботир кўпгина мушкул ҳолатлардан ҳам эртак ва дostonлардаги ботирлар сингари бемалол чиқиб кета олади. Бундай пайтларда адиб бўёқни қуюқлаштиришдан чўчимайди. У Номозни реалликдан бир оз юқори кўтаради ҳам. Таҳликага тушган пайтларда пахса деворни тешиб кета олади, от устида ўн газлик жардан сакрай билади... Асосий масала — халқ қасоскори образини эсда қоларлик тарзда яратиш, унга нисбатан китобхон муҳаббатини уйғотиш масаласида бундай деталлар адиб мақсадига, реалистик образ яратиш принципларига зид келмайди.

Номознинг қасоскор бўлишига социал сабаблар бор. Романда масаланинг бу томони ҳам етарли очиб берилган. Гап шундаки, Номоз аввало маҳаллий ва мустамлакачи бойлар эшигида хизмат қилади. Бошда бунн у нормал ҳолат деб тушунади: кимларнингдир қўлида қозикалон, ҳоким эса бу масалани адолатли ҳал қилиши керак... Бироқ маълум бир вақтга етгач у англайдики, бойлар эшигида ишлайдиган меҳнаткашларга бериладиган ҳақ уларнинг тирикчилигига етмайди, бунинг устига бойлар ваъдабоз, бешафқат. Ўз ҳақини сўраган меҳнаткаш таҳқирланади, калтакланади, ё ўлади, ё бутун умрга майиб бўлиб қолади. Одамнинг қадрсизланиши олий нуқтага бориб етади. Номознинг ўзи ҳам қариндошлари билан бирга шу аҳволга тушади. Ҳақ сўраш жанжалга айланиб, бой билан камбағаллар орасида катта зиддият туғилади, қозикалон, ҳоким эса бу масалани адолатли ҳал қилиш ўрнига бой томонига ўтиб оладилар. Бу ҳам етмагандек Номозни от ўғрисига чиқарадилар. Пичоқ бориб суякка қадалади. Номоз қасоскорлик йўлига киради.

Номоз эксплуатацияга қарши курашди. Лекин бу даврда ҳали революция учун шароит йўқ эди. Шу сабабдан у ва унинг атрофидаги йигитларнинг баъзи бир га-лабалари вақтинчалик эди. Оқибатда Номоз ҳаракати кескин фожиа билан тугалланади. Бу ҳам тарихий, ҳам бадий ҳақиқат сифатида романда тўғри акс эттирилган. Номоз тажрибаси — улуг халқ ҳаракати, у беиз ўтиб кетиши мумкин эмас. Шу маънода биз учун Номоз ишларининг аҳамияти катта. Ёзувчи Пиримқул Қодиров романининг биринчи нашрига берилган сўзбошида бу ҳақда шундай дейди:


«Номоз Ботир аллақачон Ўзбекистон тарихига кирган, унинг саҳифаларида исёқкор халқ вакили сифатида таърифланган эди. Энди бу роман унинг ёрқин сиймосини адабиётимиз орқали ҳар бир хонадонга олиб киради, муаллиф ўз таланти, меҳри, маҳорати ва меҳнати билан қайта тирилтирган довурак, мард, танти йигит энди бизга туғишганимиздек қадрдон бўлиб қолади. Халқи учун жонини берган Номоз Ботир халқ қалбида мангу яшайди».

Ҳақиқий ёзувчининг ҳар бир асари изланишлар самарасидир. У ҳар бир янги асари орқали ўз ижодини нималар биландир бойитади, қандайдир янгиликларга эришади. Ўзига талабчан, масъулиятни ҳис қиладиган ижодкор учун изланишларнинг чеки йўқ. Худойберди Тўхтабоев ҳам ана шундай тинимсиз изланаётган, маҳорат пилла-пояларидан дадил илгариллаб бораётган адибларимиздан биридир. Унинг асарлари кенг китобхонлар оmmasи эътиборини қозонаётганлиги боиси ҳам ана шунда.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ

Абдуғафур РАСУЛОВ

# ҚИССАЛАРДАН ҲИССАЛАР



Инсон ҳаёти катта-кичик, оддий ва мураккаб синовлардан иборат. Бизнинг фан-техника тараққий топган замонамизда синовлар тури — зарур ва нозарур, муҳиму номуҳимлари — кўпайиб кетди. Телевизор «қулогини» бурасизу, «Фан олами», «Нима! Қачон! Қаерда!», «Балли, қизлар!», «Яшанг, шоввозлар!» сингари кўрсатувлардаги саволларга ўзингизча жавоб ахтараётганингизни, газета-журналлардаги «Қизиқарли саволлар», «Кроссворд»ларни ечиш учун қоғоз-қалам излаётганингизни сезиб қоласиз. Катталарнинг йўриги бошқа десангиз, иккита сўзни бир-бирига жуфтлаб ўқий олмайдиган болакайларнинг «Эртаклар олами»даги ширинсўз, кўзойнакли хола, «Сўз кетидан сўз келар» кўрсатувидаги очиқ чехрали опа томонидан берилган саволларга терлаб-пишиб жавоб ахтараётганини кўриб ҳайрон қоласиз. Савол-жавоблар авж олган экан, келинг, биз ҳам сизга бир савол берайлик: «Муаллифи ҳозирча яширин мана бу китобни ўқинг. Айтинг-чи, у бадий асарми ёхуд бадий эмасми! Жанрини қандай белгилайсиз; романми, қиссами, ҳикоями! Қачон ёзилган! [«Отўйининг туғилган йили»дагидай аниқ жавоб шарт эмас, қайси даврда яратилганини айтсангиз бас]. Ниҳоят қурбингиз етса, ким томондан ёзилганини айтсангиз!».

Ана, асарни берилиб, завқ-шавқ билан ўқиб чиқдингиз. Кўзларингизда кишиларга, ҳаётга меҳр жилвалана бошлади. Қалбингиз янги ҳис-туйғулар билан бойиди, асар қаҳрамонлари билан дўст тутишини, уларга юрагингиз тўридан жой бершини истаб қолдингиз. Маънавий дунёнгиз бойиганлигини, ўзингизнинг аллақайси етишмовчилик, хато учун виждон олдида, покликка ундаган асар қаршида қийналаётганлигини ҳис қиляпсиз. Демак, асар тўла маънода бадий экан. Асар жанрини белгилашда ҳам иккиланаяпсиз. Чунки насрий асарларни ҳажмга кўра жанрларга ажратиш сира мумкин эмас. Бир пайтлар ётиқдай асарларни иккиланмасдан роман, сал «ортиқроғи»ни повесть деб аташ расм эди. Ҳозир роман ҳам, қисса ҳам «ихчамлашиб» борапти. Чингиз Айтматовнинг «Асрга татийдиган кун», Ю. Трифоновнинг «Чол», В. Сёминнинг «Тўғон», Энн Ветемаанинг «Зардўзлар» романлари, В. Тендряковнинг «Олтмиш шам», А. Адамовичнинг «Жазоловчилар», А. Кимнинг «Нилуфар», Т. Пўлатовнинг «Шинаванда» қиссалари «ихчамлик»да бир-бирдан қолишмайди. Демак, ҳозирги кундаги роману қиссаларни «тошига» кўра сира фарқлаб бўлмайди. Йирик насрий асарлардаги ички тузилишда ҳам жиддий ўзгаришлар сезилапти. Романлардаги «бемалол», «бамайлихотир» тасвирлар даври ўтяти. Ёзувчилар китобхоннинг ўзи топиб олиши мумкин бўлган воқеа, тасвирларни иккиланмасдан тушириб қолдирмоқдалар, Асар «организм»даги тирик ҳужайраларни — ҳаёт нафасини акс эттирувчи ўринларни сақлаган ҳолда, «ўлик тўқималар» — замон белгиларини акс эттира олмайдиган ортиқча тасвирлардан воз кечмоқдалар. Роман жанрида санъаткорнинг фалсафаси, реал борлиқ асосида яратган бадий воқелик олами муҳим

ўрин эгаллайди. Санъаткор ҳаёт ҳақидаги ўз қарашлари, нуқта назарини мукамал акс эттира олсагина, роман яратдим, дея олади. Ҳозирги адабиётда роман масъулияти ортиб борапти, бу жанрга қўйиладиган талаблар жиддийлашиб кетяпти. Ҳақиқий роман китобхонга замоннинг етук донишманди, олам ичра ўз оламини яратган етук санъаткор қиёфасини намоён этади. Роман жанри турли тақдирлар, характерлар, ҳар хил оҳанглари ўзаро бирлаштиради, бир-бири билан боғланиши мумкин бўлган чиқиқларнинг бирлашиш нуқтасини топади — сюжет яхлитлигини барпо этади.

Шундай қилиб, сиз қўлингиздаги китобнинг романми ёки роман эмаслигини аниқладингиз. Ҳар бир бадий асар яратилаётган даврнинг хусусиятларини, муаллифнинг бетакрор услубини акс эттиришини ҳам билдингиз. Қўлингиздаги асар балки қиссадир! Қиссанинг ўзига хос белгилари қанақа, унда замон белгилари, муаллиф услуби қандай акс этади!

Қисса — насрнинг ишончли, гоҳ суръат билан, гоҳ секинроқ ривожланадиган жанрларидан. Қисса ҳақидаги гап роман тўғрисидаги мулоҳазаларга уланиб кетиши, ҳикоячилик масалаларига туташини, очерк хусусиятларига бориб боғланиши табиий ҳол. Бу — қисса имкониятлари кенглигидан, ён-веридаги жанрлар билан яхши алоқада эканлигидан нишона. Очерк ва қисса жанрининг қай даражада ривожланиши адабиётнинг ҳаёт билан қай даражада боғлиқлигининг кўрсаткичидир. Ҳаёт нафаси очеркда уфуриб турса, қисса жанрида мукамал намоён бўлади. Ҳаётни акс эттиришдаги янгича тенденциялар ҳам қисса жанрида аниқроқ намоён бўлади. Асқад Мухтор, Уткир Ҳошимов, Темур Пўлатовларнинг янги қиссаларида ҳаётга, кишиларга янгича муносабат, табиат ва жамият ўртасидаги узвийлик акс этган. Бу жанрдаги янгиликлар ёш ёзувчиларнинг асарларида ҳам аниқ сезилмоқда. Эркин Аъзамовнинг «Отўйининг туғилган йили» қиссаси ҳақида талай фикрлар билдирилди. Асар ёзувчи ижодининг янги босқичи эканлиги таъкидланди. Қисса одатда бир оҳангли асар дейилади. Ёзувчи ўзи танлаган оҳангни изчил давом эттирса, маҳоратни дурустгина эгаллаган ҳисобланади. Ўзбек қиссачилигида лирик йўналишда, қаҳрамон икромии шаклида яратилган асарлар кўп. Лирик қиссаларда кўпроқ битта одамнинг қалб изҳори, тақдир баён қилинади. Бундай асарлар ҳозирги кун учун бирмунча тор, зерикарли бўлиб қолди. Ёзувчи ҳаётни кенг қўламда қамраган ҳолда бир оҳангни изчил давом эттирса, китобхон диққати тўлиқ жалб қилинади. Эркин Аъзамов қиссасининг бошидан охиригача кесатик, личинг оҳанги давом этади. Кесатик, личинг қилиш учун ёзувчи тасвир объектини мукамал билиши, қаҳрамонларга анча юксалиқдан туриб боқа олиши лозим. Ёзувчининг ҳукми асар бош қаҳрамони Асқар Шодибеков — бўлажак адабиётчи образи орқали амалга оширилади. Асқар кимлар билан тўқнашмади, қандай гуруҳларда бўлмади, синалган қуро-

ли — кесатиқни қачон, кимларга қўлламади, дейсиз! Асқар ёзувчининг идеалими! Бизнингча, бундай эмас. Ёзувчи маълум маънода Асқарнинг устидан ҳам кулади. Аммо, назаримизда, Асқарда инсоний меҳр етишмаётгандай туюлади. Одам бир умр Асқардек кескинлик, шартакилик билан яшаши мумкин эмас. Инсонда меҳр ҳам, қаҳр ҳам, соддалик ҳам, жиддийлик ҳам кўзга ташланиб туриши керак.

Қиссадаги жиддий ютуқлардан бири шундаки, ёзувчи салбий хусусиятларни умумлашган ҳолда кўрсатади. Вазира, Назира, Манзура, Диля, Зуля, Гуля сингари қизларнинг илдизи бир хил: улар ота-она пинжида вояга етганлар. Узларидан баландроқ одамга ҳасад билан, пастроққа менсимай муносабатда бўладилар. Уларнинг мақсади — келажак порлоқ бирорта одамга турмушга чиқиб олиш.

Маҳдиддин, Бўстон, Жавли, Раҳматилла сингариларда эса ягона эътиқод йўқ. Улар қанақа қилиб бўлмасин яхши баҳолар билан ўқишни тугатиб олишни ўйлайдилар.

Типологик тасвирланган қаҳрамонлардаги, Аҳмадхонов, Бадал, Кароматлардаги асосий камчиликлар — майдакашлик. Улар майда-чуйдаларга ўралашиб қолган, ўз гуруҳидан ўзгани билмайдиган кишилар. Асарда фалсафа муаллими Фозилов, Убайдуллаев, француз тили ўқитувчиси, ўқишни ташлаб, гидрогеологлар билан Помирга кетиб қолган студент ижобий қаҳрамон қилиб тасвирланган. «Отойининг туғилган йили» қиссаси алоҳида-алоҳида эпизодлардан ташкил топган, ижтимоий ҳаёт ҳақида жиддий умумлашма бера олган қиссадир.

Ғаффор Ҳотамовнинг «Қайтиш» қиссасида бугунги насримизнинг етакчи хусусиятлари акс этган. Унда давримизнинг тезкор суръати, кишилардаги кайфият, интилиш ишонарли кўрсатилган. Ёзувчи сюжет қўрилишида ҳам, характерлар талқинида ҳам, композицияда ҳам мураккаблик йўлидан борган. Қиссада эпизодлар, иккинчи даражали образлар мўл: уларнинг бари ҳозирги мазмуни ишонарлироқ ёритишга, замон тўғрисида аниқ тасаввур беришга йўналтирилган. Масалан, Амаки образи. Акром Амакининг уйда яшайди. Амаки тилла заём «ўйнайди». Заёмдан ютса, Амакининг рангига қон югуради, ютмаса — дарду дунёси қоронғу. Акром ресторан олдида Хосиятни кутар экан, икки йигитнинг суҳбатини эшитиб қолади. Асосий масаладан ўта йироқ бўлган шу «суҳбатда» учта эпизодик образнинг қиёфаси, тақдири кўзга ярқ этиб кўринади. Умуман, кичик-кичик эпизодларни «тиник» тасвирлаш, улар заминдаги маънони асар ғоясини очишга йўналтириб юбориш — ҳозирги прозанинг муҳим белгисидир.

Ғ. Ҳотамов қиссасида қаҳрамонлар характерини психологик жиҳатдан ёритиш муҳим ўрин эгаллайди. Муаллиф бир воқеани турли нуқталардан — ҳар хил қаҳрамонлар нуқтаи назаридан ёритади. Акром Хосиятни излаб Наманганга, Дилбар опа уйига боради. Унга Хосиятнинг йўқлигини, Гулистонга кетганлигини айтадилар. Худди шу воқеа Хосият характерини очишда яна эсга олинади.

Ҳозирги насрий асарларда қаҳрамонлар тақдиридаги ҳал қилувчи воқеани асос қилиб олиш, уларнинг ўтмишини йўл-йўлакай эслатиб бориш хусусияти ҳам кенг ўрин олмақда. «Қайтиш» қиссасида бир кунда содир бўлган воқеалар: Акром, Хосият, Адҳам Воҳидович аро конфликтнинг ечилиши тасвирланган. Акром ва Хосият муносабатлари, қизнинг Адҳам Воҳидович тузоғига илиниши сабаблари ўтган воқеаларни жонлантириш орқали кўрсатилади.

Асарни ўқиб чиққач, кичик одамларнинг катта фожияси китобхонни ларзага солади. «Кичик одамлар» деган бирикмага аниқлик киритиш жоиз. Акром, Хосият, Нилуфар, Носир ака, радио комитет редактори Учқун, телестудия режиссёри Жавлонлар аслида ўз соҳасининг билимдон кишилари, характери шаклланган одамлар. Лекин улар билибми-билмайми Адҳам Воҳидовичнинг ўйинчоғига айланиб қолганлар. Адҳам Воҳидович амалига, пулига ишониб, ҳар қандай номаъқулчиликдан қайтмайди. Хосият, Нилу, Дилбар сингари савдо ходимлари ўргатилган тўғидай Адҳам Воҳидовични мақтайдилар, унга ёқишга интиладилар. РайПО раиси Жавлонни ҳам, Учқунни ҳам, меҳмонхона навбатчисини ҳам ўз малайига айлантириб олган. Туппа-тузук одамларни майда кишиларга, таъмагирларга айлантирган куч қаерда! Ёзувчи майда кишиларни ачи-

ниб, хайрихоҳлик билан тасвирлайди. Аслида, майда кишилар фожиясида улар характерига тамагирлик, амал-парастлик, мешчанлик яширинганлигини кўрсатиш лозим эди. «Қайтиш» қиссасида баъзи сўзлар ўринсиз ишлатилди, «чўмак», «сачаламоқ», «тюроча», «чибжигули» сингари сўзлар китобхонга унча англашилмайди.

Эркин Аъзамов ва Ғаффор Ҳотамовлар илк қиссаларидаёқ ҳаётни чуқур тадқиқ этишга, характерларни ишонарли ёритишга қодир эканликларини кўрсатдилар. Ҳар иккала асар китобхон қалбига эзгу туйғуларни жонлантиради, уни олижаноблик, инсонийлик ҳақида ўйлашга ундайди.

Анвар Эшонов ва Омон Мухторовларнинг қиссалари Улуғ Ватан урушининг қурбонлари, мард жангчилар ҳақида. «Улар ўн бир киши эди» ва «Учқур поездлар» қиссалари ҳужжатлар асосида яратилган. Анвар Эшонов «Клетск шаҳридаги бир тепаликни мудофаа қилиб, ўзларидан ўттиз баробар кўп бўлган душман йўлини тўсган» ўн бир жангчининг қаҳрамонлиги ҳақида ёзишни мақсад қилиб қўйган бўлса, Омон Мухторов жангчи шоир, Султон Жўра образини яратишга киришган. Анвар ҳам, Омон ҳам қалами қайралиб, анча тажрибали бўлиб қолган адиблардан. Иккаласи ҳам прозада ва поэзияда бирдай қалам тибратадилар. Омон Мухторовнинг қиссаси анъанавий йўсунда — қаҳрамон характерини бир-бирига боғлиқ воқеалар асосида ёритиб бориш услубида яратилган бўлса, Анвар Эшонов воқеалар кўламини жуда кенг олади: гоҳ Туркияда, гоҳ Москвада рўй берган воқеаларни қаламга олади. Қиссада Улуғ Ватан уруши воқеалари Улуғ Октябрь революцияси, граждандар, уруши, Бухоро революцияси воқеалари билан тутатиб кетади. Ёзувчининг қўлочини кенг ёйиши, кўламини катта олиши яхши. Лекин адиб қаҳрамон кўламини тўлиқ ёритганми! Қиссада композицион изчиллик вужудга келганми! Эркин Аъзамов ва Ғаффор Ҳотамовлар жуда кўп воқеаларни тасвирлайдилар, турли-туман кишилар образини яратадилар. Аини вақтда улар таъбир ўрнили бўлса, композицион изчиллик жиловини маҳкам тутадилар. Анвар Эшонов таъсирли воқеаларни, қизиқарли тақдирларни қаламга олади, турли усуллардан фойдаланади, бетакрор деталлар топади, сўз ўйинларидан фойдаланади. Лекин, афсуски композицион бутунлиқ ярата олмайди. Асар ғояси билан материал орасида йомутаносиблик пайдо бўлади. Қиссани ўқир экансиз, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Орф характерини очиб учун унинг ота-онаси тақдирини тўла-тўқис акс эттириш лозимлиги, Сумбула характерини очиб учун унинг ўғли, келини, севгилиси, эри, отаси, онаси тақдирини батафсил ёзиш шартлими, деган савол туғилади. Материал танлашда ҳам, сюжет қура билишда ҳам, композицион яхлитлик яратишда ҳам ёзувчи ўзини тия билиши, сергакликни йўқотмаслиги лозим.

Омон Мухторов «Учқур поездлар» қиссасида материални тежаб, авайлаб ишга солади. Ҳар бир боб, ҳар воқеадан сўнг бош қаҳрамон характерни ўқувчи кўз ўнгига ойдинлашиб боради. Султон Жўра ҳақидаги қиссада бадний тўқимага камроқ ўрин берилганлиги, шоир ҳаётига оид материаллар тўла тасвирланганлиги сезилади. Хўжақул ва Шарифа линиялари кучли драматизмни, шиддатли ўсишни тақозо қилар эди. Омон Мухторов тўқима воқеалардан иложи борича ўзини тияди. Ёзувчи мақсадини англаш қийинмас: бора-бора ушбу қисса Султон Жўра ҳаёти ҳақидаги асосий манба бўлиб қолар...

Ўзбек Совет адабиётида чўлқуварлар, янги ерларни ўзлаштирувчилар мавзуси ўз тарихи, анъаналарига эга. Янги ерларни ўзлаштирувчилар ҳақида романлар, қиссалар яратилди. Ушбу мавзуга қўл ўрган ёзувчи янги-янги масалаларни кўтариши, анъанани бойитиб бориши жоиз. Шундай фикрни Улуғ Ватан уруши мавзусидаги асарлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Улуғ Ватан уруши ҳақидаги дастлабки асарларда жангнинг кўпроқ ташқи томонлари, умумий кўринишлари акс эттирилган бўлса, ҳозирги пайтда уруш даҳшатлари инсон психологияси таҳлили орқали ёритилмоқда, уруш ва инсон тақдири проблемалари чуқур тадқиқ қилинмоқда. Ўзбек адабиётида эса «Бўронларда бордек ҳаловат...» «Бинафша атри», «Мерос» сингари яхши асарлардан кейин ҳам чўлқуварлар ҳақида жўн китоблар дунёга келмоқда. Усмон Юсуповнинг «Арсасой гул-

лари», Норқул Ҳайитқуловнинг «Томчи» асарлари эҳтимол ёзувчилар ижодидан из қолдирар, лекин улар адабиётимиз ютуғига ютуқ қўшишига, янги ерларни ўзлаштирувчилар мавзусига янгилик қўшишига ишонмайсан киши...

Олтмишинчи йилларда «Нуқсонли қаҳрамон» ҳақида кўп баҳслар бўлган, «Икки йўл», «Раҳмат, одамлар», «Сув гадоси — оқпадар, денгизни бошлаб қайтди», «Ҳаёт оқими» сингари қиссаларда янгилиги, хато қилиб, тўғри йўлга тушиб олган қаҳрамонлар тақдири қаламга олинган эди. Моҳир очеркчи Норқул Ҳайитқулов асаридан яна ўша — олтмишинчи йиллардаги «Нуқсонли қаҳрамонга» дуч келамиз. Эзгу ният билан чўлга келган Собир дастлаб тажрибасизлиги туфайли қийналади. Аливойнинг «тўрига» илиниб, тартиббузарлик йўлига ўтади, коллектив манфаатига зид ишлар қилади. Кейинчалик Собир тўғри йўлга тушиб олади, севгилиси Ақида билан Шўрчидан чинор кўчатини келтириб, чўлга экади. Асар охирида ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади — коллектив аъзолари Собир ва унинг севгилиси билан фахрланадилар. Тўғри, «Томчи» қиссасида Сурхондарё чўлқуварлари ҳаёти тасвирланган. Лекин Мирзачўл, Қарши чўли, Сурхон чўллари ўзлаштирувчилар қаршисидаги муаммолар илдизи бир хил эди. Ҳар бир ёзувчи проблеманинг янги-янги қирраларини очиши, китобхонни янги масалалар ҳақида ўйлашга ундаши керак.

Усмон Юсуповнинг «Арнасой гуллари» қиссаси мавзунинг янги томонларини кашф этиши билан ҳам, характерлар мантиқига ва бадий қонун-қондаларга риоя қилиши билан ҳам диққатни жалб этмайди. Муаллиф «Менинг асарим болаларга мўлжаллаб ёзилган», — дейиши мумкин.

Биз болалар учун бадий мукамал асарлар яратишимиз жоиз. Савияси паст асарлар айниқса ёш китобхонларни адабиётдан совутади. Асарнинг бош қаҳрамони Пўлат аканинг чўлга келиши мантиқан асосланмаган. Пўлат акага қўшилиб, Николай Майоров ҳам чўлга отланади. Унинг қилмишидан ҳам мантиқ сезилмайди. Ёши қирқ бешлардан ошиб қолган Пўлат аканинг ўзидан 12—15 ёшгина катта бўлган Эгамберди акани «ота» дейиши ўқувчига эриш туюлади. Пўлат аканинг хотини Сабоҳат ўта бетайинлиги билан ёдда қолади: бир қарасангиз, у чўлга кетишдан бош тортади. Бир қарасангиз, чўлга кўчиб келиб, ошпазлик қила бошлайди. Бошқа бир куни ишдан қочиб, уйда яшириниб ётади. Асарнинг асосий қаҳрамони Дилмурод ҳам ўз мантиқ йўналишига, ғоявий юкка эга эмас. Унинг Салим, Нормурод, Гули билан дўстлиги ўта саёз тасвирланган. Тилда ҳам анчагина нуқсонлар бор. Газетага хос сўзлар, иборалар учрайди.

Ҳозирги совет прозасида муҳим ўзгаришлар рўй беряпти. Роману қиссаларда ҳаётни тўлароқ, теранроқ акс эттириш иштиёқи кўзга аниқ ташланмоқда. Йирик насрий асарлар поэтикасида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй беряпти. Ёш ўзбек ёзувчиларининг қиссаларида материални ўта зич тасвирлаш, ҳаётнинг кенг манзарасини акс эттириш, қаҳрамонга сингдирилган ғоянинг иложи борица муҳим, асосли бўлишига интилиш сезилмоқда. Шу билан бирга айрим муаллифларда бадий маҳоратнинг етишмаслиги, тажрибасизлик белгилари ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Айтиш мумкинки, 1981 йил қиссаларида бугунги навқирон насримизнинг ютуқлари ҳам, ўзига хос камчиликлари ҳам, бу йўлдаги изланишлар ҳам ўз аксини топган.



В. АПУХТИН. Тоҷик ёзувчиси Ҳ. ИРФОН китобига чизилган суратлар.





## БАҒРИГА ҚЎШИҚНИ ЯШИРГАН ҚИЗЛАР...

Сизда ҳам шундай лаҳзалар бўлган...

Ўтмишу келажакнинг ўртасида ҳамма нарсадан устивор, голиб сезасиз ўзингизни. Юрагингиз қуёшга ўхшайди: у меҳр ҳарорати бағрида балқиб ётибди. Шу дақиқа кимлардир сизни соғиниб йўқлаб келишини кутмайсиз. Балки бир дунё меҳрингиз билан кимнингдир, кимларнингдир ҳузурига кириб борингиз келади.— Шу онда йўлга тушсангиз, меҳру оқибатингиз билан бир қалбни мунаввар этсангиз — бахтлисиз. Чунки... чунки худди шу муҳаббатингиз, ташрифингизсиз ўтмишу келажакни боғловчи муҳаббат занжирининг бир ҳалқаси узилиб тушади, ҳаёт кемтик бўлиб қолади...

Умримиз биз тасаввур этгандан ҳам сермаъно. Ҳали гўдак эканлигимиздаёқ халқимизнинг улкан муҳаббати туйғуларимизга сайқал бера бошлайди. Оилада катталардан илк эшитганларимиз Машрабу Ҳофиз ғазаллари, мактаб дарсликларидан бошланган шеър мўтолаалари... Бу шеърларни баъзан устозлар, баъзан дўстларимиз, баъзан китоблар шарҳлаб бердилар. Лекин ўзимиз каби ҳали мурғак тасаввуримизга мангу муҳаббатни қолган, оналаримиз айтиб берган қўшиқлар ўзгача.

Булбулим учди қўлимдан  
Қайларда меҳмондир бугун.  
Булбулимни йўқотиб  
Кўнглим паришондир бугун...

Келинг, бир лаҳза кўз юмиб, оналаримиз айтган қўшиқларни эслайлик. Уларни қўшиқ деб аташнинг ўзи камлик қилади. Улар — даврнинг тугал ифодаси, тугал меҳр, интиҳосиз соғинч, орзу-армон... Улар — буюк халқ қалбидаги кенг маъноли Муҳаббатнинг ифодаси. Бў қўшиқларни куйлаб, эъозлаб, сақлаб авлодларга етказиш — бурчимиз. Йўқса, оддий сўзларга сифмайдиған, ўтмишу келажакни боғлайдиган муқаддас Муҳаббат занжирининг бир ҳалқаси узилиб кетади.

\* \* \*

— Ўзбек хонадонларининг кўпчилигида дутор бўлади,— дейди Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғанижон Тошматов.— Кейинги йилларда бу сўлим чолғу асбоби девордаги гилам устига осиб қўйилган безакка айланиб қолаётганди. Дутор чалиш, айниқса, хотин-қизларга жуда ярашади. Ҳозир ҳаммага таниш бўлиб қолган дуторчи қизлар ансамблини ташкил этиб, аввало, дуторни кўпгина аёлларимиз, қизларимиз қўлига қайтардик. Яна муҳими, унутилаёзган ўзбек халқ қўшиқлари яна саҳнага қайтарилди.

Ҳа, бугунги кунда Ўзбекистон телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети қошида ташкил этилган дуторчи қизлар ансамблининг қўшиқлари эл орасида машҳур. Ансамблнинг ташкил этилганига уч йилдан ошди. Шу давр ичида қизлар тингловчиларга саксонга яқин қўшиқ инъом этдилар.

Созу созанда, қўшиғу қўшиқчини халқимиз ҳамisha қадрлаб келган. Халқ қўшиқларини якка хонандаю жўро-возлар ижросида кўп тинглаганмиз. Лекин дуторчи қизларнинг бетакрор ижролари, овозларидаги ширадорлик, жонба ўзига хос ва суюмли.

Ғанижон Тошматов — бутун умрини санъатга бағишлаган устозлардан бири. Эргаштирувчи санъаткор. Ғанижон аканинг эргаштирувчи эканликлари шундаки, қўшиқларнинг фақат оҳанги эмас, сўзларини ҳам тўлиқ ёд биладилар. Чунки ўзлари ҳам халқ қўшиқларини ўрганиб, уларни ижро этиб, элда эъоз топган кишилардан. [Агар санъатнинг қайси турига бағишлаб энг улкан ҳайкал ўрнатиш мумкин!—деган баҳс кетгудек бўлса, Ғанижон ака «Халқ қўшиқларига!»—деб жавоб бергувчилар тоифасидан]. Шунинг учун ҳам 1979 йил январь ойида ташкил этилган дуторчи қизлар ансамблига халқ қўшиқларининг билимдон, жонқуяри Ғанижон Тошматов бадий раҳбар этиб тайинланди.

Эсимда, ансамбль янги ташкил этилган кезлар эди. Телестудиянинг ўнлаб прожекторлар билан ёритилган катта залларидан бирига дуторчи қизлар йиғилган. Фотомухбир уларнинг суратини олмоқчи бўлиб, ўнғай жой қидирарди. Қизлар эса янги ўрганган қўшиқларини берилиб машқ қилишарди:

Юз нозу карашма билан  
Усмалар кўёди қизгина...

Сураткаш айни фурсатни топди шекилли, фотоаппаратини ял-ял ёниб куйлаётган қизларга қаратди. Қизлар куйлашарди:

Қани? Қани?  
Оҳ, ана!

Бу сўзларни айтarkan, қўшиқчи қизлардан бири шўхлик билан сураткашга ишора қилди. Сураткаш фотоаппаратини пастга туширганча узоқ кулди...

Бу сафарги учрашувимизда эса қизлар анча жиддийлашиб қолгандек туюлдилар. Ўзларига маҳсус ажратилган хонада жой-жойларини эгалладилар. Насибхон билан Розахон бирма-бир дуторларини сошлашга тўшдилар.

— Қизларнинг ҳаммаси дутор созлашни билади,— тушунтирди Ғанижон ака.— Лекин дутор бир қўлдан чиқса, бирдек созланади. Насибaxon ҳам, Розохон ҳам бу соҳада олий маълумотли. Дуторни сайратворишади.

Дуторлар соз бўлгач, раҳбарнинг ишораси билан ансамблининг музика раҳбари Фотимахон Мирзатуллаева машғулотни бошлади:

— Янги ашулани қайтариб оламиз. Қани, икки, уч...

У маҳаллангдан бу маҳаллангга

Йўллар бормикин.

Юрагимга дард тушибди

Дориси бормикин...

Қўшиқнинг ўйноқи оҳангига пайваста дона-дона сўзлар кўз олдингизда ёрқин манзара чиғади. Бир-бирига монанд тиниқ овозлар шалоласи юрак-юрагингизга сингиб кетади. Уттизга яқин қўшиқчи қизларнинг қўллари дутор торларини сайратади. Юзларида эса ёшлиқнинг энг ноёб бахти — муҳаббат нури. Улар қўшиқни қалбдан куйлашарди. Завқу эҳтирослари қўшиқ нақоратида янада авжга чиқади. Шу пайт Фотимахон «жим бўлинглар» ишорасини қилди:

— Кимнингдир дутори соз эмас. Мана шу битта дуторнинг носозлиги қўшиқни бузаяпти.

— Меники...— хижолатомуз деди чеккароқдаги қизлардан бири.

— Қизлар анча жиддий бўлиб қолишибди,— дедим мен уларнинг ўзларини тутишларига разм солиб.

— Ҳа, бора-бора уларнинг санъатига бўлган талабни ошираяпмиз. Чунки ансамбль янги ташкил топганда, айрим қизлар дутор чалишни ҳам билмасдилар. Юракларида қўшиқча чуқур муҳаббат бор эди, холос.— Шу ўринда Ғанижон ака ансамбли ташкил этишда институт, турли ўқув даргоҳларига бориб, қизлар билан ўтказган сўхбатларини эсладилар.— Ҳатто трамвай, автобусларда юрганда ҳам ён-веримдаги қизларнинг санъатга ҳавасини билишга интиланман. Кўпгина қизларимизнинг овозларини болғалаб [ҳайрон бўлманг бизда шундай гап бор], қўшиқнинг турли қочиримларию нолаларига эгулувчан ипак овоз қилгунча ҳам анча вақт ўтди. Мана, энди биргина мана бу қўшиқча диққат қилинг-а...

— Қизлар кўҳна ва дилбар «Галдир»ни бошлашди:

Зули айламанглар қошлари қаролар

Токай қилурсиз бизга жафолар.

Дуо қилурмиз шому саболар,

Раҳм айламайсиз, эй махлиқолар...

Бу қўшиқ ҳам юрагимизга қуйилиб қолган. Қўшиқчилар илгари «Раҳм айламайсиз, дод-а, эй махлиқолар», деб куйлашаркан. «Дод-а» сўзида гинахонлик, «эй махлиқолар» сўзларида эса юрак тўла меҳр балқийди. Мусиқанинг куттилмаганда тўхташи ва шундан сўнг фақатгина қулоқча шивирлаб айтиладиган овозда қўшиқнинг давом этиши... Зеро, қўшиқни таърифлаш қийин, уни фақат тингламоқ, ҳис этмоқ керак...

— Янги ўрганаётган «Ўртоқжоним» қўшиғи уч хил оҳанг билан айтилади. Эл ичида кенг тарқалган «Тановар», «Мубтало бўлдим сенга», «Эшвой курт», «Савти муножот», «Эй чехраси тобоним» каби классик ашулалар ҳам ансамблимиз репертуаридан жой олди. Қизлар санъат

масъулиятини чуқурроқ ҳис этишаётир. Қўшиқ дунёсига кундан-кунга ичкарироқ кириб бормоқдалар. Ана, Замирага қаранг-а, куйлаётганда фақат ўзи шу ерда, лекин хаёлан оҳанг оғушида парвоз қилади...

Замира Сууюнова консерваториянинг дирижёрлик бўлимини битирган. У илгарилари ҳам куйлаган, лекин Замиранинг бутун санъаткорлик ва овоз имкониятлари дуторчи қизлар ансамблига келганидан сўнг рўёбга чиқди.

Бир манзара кўз ўнгимдан кетмайди. Ҳамза номли театр саҳнасида Замира Сууюнова Ҳамид Олимжон шеъри билан айтиладиган «Ишим бордир ўша оҳуда» қўшиғини ижро этаяпти. У берилиб, завқ-шавқ билан куйлайди:

Чўққилардан учар бемалол,

Ҳатто қушлар титраб қолар лол,—

сатрларини ижро этаркан, унинг ўзи чўққидаги оҳуға ўхшаб кетарди. «Ё тавба, ўзи оҳу-ку!» шивирлади ёнимдагилардан бири. Бу — санъатнинг кучи, сеҳрига маҳлиёликнинг ифодаси эди.

— Замира ансамблдаги етакчи қизларимиздан,— дейдилар Ғанижон Тошматов.— Агар бирор иш билан банд бўлиб қолсам, ансамбль машғулотларини ҳам давом эттириверади. Тез ўрганади. Одоби ҳам санъатига ҳамоҳанг.

Худди шу пайтда ансамблининг яккахон қўшиқчиси Замира Сууюнованинг кўнғироқдек тиниқ, баланд ва ширадор овози авж пардаларда янграйди. Мана, энди ўзингиз сезган-сезмаган ожизликларингиздан, ўткинчи ва арзимас хаёллардан узоқлаб кетасиз. Қўшиқ жасоратга, ўтли муҳаббатга, самимий садоқатга чорлайди.

— Ансамблимиз ўз олдиға қўйган вазифаларидан бири,— давом этадилар Ғанижон ака,— республика театрлари учун қўшиқчи қизлар етказиб бериш. Тўғриси айтиш керакки, кўпгина область, ҳатто пойтахт театрларимизда ҳам ёш кадрлар тайёрлашга унчалик эътибор берилмайди. Натижада ўн олти ёшида акаси томонидан ўлдирилган Нурхон ролидаям ёши ўтган артистлар йи-нашаверади. Бизнинг ансамблимизда деярли ҳамма қизлар Замира каби улғайиб, санъати камол топиб борапти.

Раҳбарнинг фикрларини ансамблининг музика раҳбари Замира Султонова, раққоса ҳамда ансамбль балетмейстери Матлуба Жўраева, Фотима Мирзатуллаева, Ҳурматой Жониева, Насиба Ҳасанова, Роза Хўжаева... мана шу саф тортган зебо қизлардан ҳар бирининг санъати тасдиқлаб турибди.

Бугунги кунда дуторчи қизлар санъати республикамизда ҳаммага суюқ. Қардош Тожикистон ССРда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида тожик шинавандалари қизларни қайта-қайта олқишладилар. Марказий телевидение орқали икки марта берилган концерт дуторчи қизларни Иттифоққа танитди.

Сўхбатимизнинг асосий мазмуни дуторчилар ансамбли санъати, уларнинг мақсадлари ҳақида бораётгандек бўлиб қолди. Аслини олганда қўшиқ, қўшиқнинг мақсади, ҳаётдаги ўрнини сўз билан таърифлаш жуда қийин. Балким, бу шинаванданинг ўйларидир...

Яхшиси, келинг, тинглайлиг-а: дуторчи қизлар куйлашарди. Уларнинг дилбар овози қалбимизда рангин туйғулар уйғотмоқда. Шу туйғулар билан яшаган, меҳнат қилган, севган онларимиз — умримизнинг нурли дақиқалари.

Муҳтарама УЛУҒОВА

# ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ ЯХЛИТ МАНЗАРАЛАРИ

(Антанас Веноулис туғилган куннинг 100 йиллигига)

Ҳар бир халқ маданияти тарихида шундай сиймолар бўладики, уларнинг номи асрлар оша авлодлардан авлодларга ўтади, ҳаммаша ғурур ва ифтихор билан тилга олинади. Бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятини севишли диёрига, она халқига бахшида этган атоқли ёзувчи, қардош литва халқининг ардоқли фарзанди Антанас Веноулис [Жукаускас] ана шундай шарафга сазовар бўлган сиймолардан биридир.

Веноулиснинг литва совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари ғоят катта. У фольклордаги мавжуд жанрларни чуқур ўзлаштиргани ҳолда ўз адабиётини роман ва повестлари, пьеса ва ҳикоялари, очерк ва мақолалари билан бойитди. Веноулис литва адабиётининг забардаст вакиллари В. Миколайтис-Путинас, Б. Сруога, Е. Симонайтис, Ю. Жемайтис ва бошқалар билан бир сафда туриб ижод қилди. Ижтимоий тенгсизлик асосига қурилган буржуа жамиятида туғилган, ундаги мавжуд зулм, эксплуатация ва қашшоқликнинг барча азоб-уқубатларини бошидан кечирган адиб ўз ижодининг дастлабки онларидаёқ ўрни жабрдийда кишилар орасида эканини англаб етди. У бутун вужуди билан 1905-1907 йиллардаги биринчи рус революцияси иштирокчиларининг олдинги сафларида бўлишга интилди. Уша йиллари унинг дастлабки асарлари «Турмада» [1905], «Кавказ афсоналари» [1906] босилиб чиқди.

Веноулис ижодига тобора реалистик элементлар кучайиб борди. Агар «Ўт ёқувчи», «Чўктирилган аёл» сингари ҳикояларида у муштумзўрларнинг тубан ахлоқини ҳаққоний акс эттиришга интилган бўлса, «Рак» [1920] «Зиёлилар палатаси» [1921], «Тонг олдида» [1925], «Айрилиш» [1932], «Истеҳком» [1936] сингари қисса ва романларида буржуа Литвасидаги [1918—1940] қулоқларнинг бебошлигини, дин аҳллариининг маншатбозлигини, буржуазия зиёлиларининг разиллигини фош этади. Унинг 1946 йилда босилиб чиққан «Асранди қиз» повести, 1949 йили чоп этилган «Пуоджюнаслар қўргони» номли романи муаллифининг ва шу билан бирга бутун Литва адабиётининг ҳам улкан ютуғи сифатида баҳоланди. Чунки ёзувчи уларда буржуа ҳокимияти даврида Литва қишлоқларидаги синфий курашни ишонарли, бадий жиҳатдан пухта талқин қилди.

Социалистик реализм методини яхши ўзлаштирган, А. Толстой, М. Шолохов, А. Гудайтис-Гузьявичюс сингари йирик адиблар ижодидан баҳраманд бўлган Веноулис юқоридаги асарларида литва халқи тарихидаги бутун бир босқични, мавжуд ижтимоий синф ва табақаларнинг турмушини, курашини зўр маҳорат билан ёритди. Айниқса, ёзувчининг «Пуоджюнаслар қўргони» романи алоҳида эъти-

борга молик. Асарнинг бош қаҳрамони қулоқлар орасидан чиққан янги помешчик Йонас Пуоджюнас. У литва прозасидаги энг ёрқин характерлардан бири ҳисобланади. Мазкур қаҳрамон портретини яратишда қўлланилган аниқ тасвирий деталлар унинг ички оламини очишга хизмат қилди. Помешчик Йонас Пуоджюнасининг бесўнақай, оғир гавдаси унинг қашшоқ руҳий оламини бўрттириб кўрсатади. Қисик, кичкина кўзлари ундаги тамагирлик ва фирибгарлик иллатларини фош қилиб тургандек туюлади. У дағал матодан уйда тикилган қўлбола костюм кийиб юради, хасис, саводсиз ва кўпол. Хуллас, бутун вужуди билан бойлик орттиришга шўнғиган, бироқ ҳеч қачон тўймайдиган судхўрларнинг типик вакили. Бўлажак меросхўрни ўлдириш мақсадида ўз акасининг уйига ўт қўйган, охир-оқибатда ўзи ҳам ҳаётининг сўнгги йилларида синган, хонавайрон бўлган Йонас Пуоджюнас эксплуатация қилувчи тузумнинг тарихий ҳалокати қонуний ва муқаррар эканини ифодалайди.

Урушдан кейинги литва романларига хос бўлган ширдорлик, ранг-баранг образлилик, социал ва психологик деталларнинг мўлллиги, кундалик турмушнинг яхлит манзараларини акс эттириш сингари хусусиятлар Веноулиснинг «Пуоджюнаслар қўргони» романида тўла намойён бўлган. Чуқур психологик анализ ва кучли мантиқий далиллашга асосланган ҳикоя услуби Антанас Веноулис ижодининг етакчи фазилатларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ёзувчи асарлари ўз замини сарҳадларидан ўтиб, ўйлаб халқлар ва элатларга етиб борди. Веноулис асарларининг Совет Иттифоқидаги қатор халқлар тилларида, айрим хорижий мамлакатларда нашр этилганлиги фикримиз далилидир.

Ёзувчининг литва адабиётини ривожлантиришдаги улкан хизматлари «Литва ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» [1947], «Литва халқ ёзувчиси» [1957], фахрий унвонлари билан тақдирланди. 1957 йили унинг сўнгги икки асари «Ривоят ва афсоналар» ҳамда «Эсдалиқларим» босилиб чиқди. Бу асарлар ҳам ўқувчилар томонидан қизгин кутиб олинди.

Узининг қалб кўрини, бутун иқтидорини халқ тақдирини, бахтини куйлашга сафарбар этган ёзувчининг муборак номи авлодлар қалби ва хотирасида муҳрланиб қолди. У мангулик сари йўллаган элчилар — китоблари эса ўз сафарини давом эттирмоқда.

Шухрат УСМОНОВ,  
филология фанлари кандидати.

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

# ХОНАКИ УСТА

ҲАЖВИЯ

Азонлаб келинингиз «Битта мардикор топиб келиб, деворни суватиб қўйинг, шўрлаб кетибди, яқинда болаларга тўй қиламиз», деб қолди.

— Бажарамиз, хотин,— дедим.— Сен болаларингни олиб онангникига кетавер, кечқурун келгунингча деворни ойнадек қилиб қўймаган ҳар нарса.

Хотин онасини соғиниб ўлиб турган эканми, апил-тапил кийиниб жўнади. Мен, уста пули, деб ундан ўн беш сўм олиб қолдим у дарров кўчага чиқиб, шоп мўйлабли бақувват бир кишини топиб келдим.

— Сиз лой қилиб берасиз, мен сувайман,— деди уста.

— Сувни ташиб бераман-у, лойга туша олмайман. Оёғимда бодим бор,— дедим ёлғондан.

Уста ноилож қўлига кетмон олди. Шланганинг бир учини водопровод жўмрагига улаб, иккинчи учини лойхандакка ташлаб қўйдим. Ана сув, керак бўлса бемалол олаверсинлар, дедим.

Лой тайёр бўлди. Уста суваб турибди, мен лойни зува-ла қилиб узатиб турибман. Соат ўн икки бўлди. Кейин бир, икки, лекин овқатдан дарак йўқ. Уста уй томонга дам-бадам қараб қўяди, ошхонадан жиз-биз қилган товуш чиқармикин деб қўлоғи динг. Ахийри, бир оз дам олайлик, деб уста салқинга ўтиб чордона қурди. Мен ҳам рўпарасига ўтирдим.

— Бу, овқат-повқат келармикин?— дедим устанинг ба-шарасига қараб.

— И-йи-и,— дея анграйиб қолди уста.— Ҳа, овқатнинг қачон келишини уйнинг эгаси бўла туриб сиз билмасангиз, мен қаердан биламан?

— Уфф,— дедим хомуш тортиб,— мен ҳам сизга ўхшаган мардикор устаман, ака. Бу ҳовлининг эгаси ҳеч кими йўқ бечора бир кампир. Кечқурун бизникига чиқиб: «Уғлим, ўзингга ўхшаган биронта инсофли уста топиб деворимни суватиб берсанг, дуои жонларингни қилардим», деб ялиниб қолди. Яқинда қизи туққан экан, ўзи шу ёққа борармиш.

— Тавба,— деди уста, лайпаслаб ёнидан носқовоғини оларкан.

— Бўлмаса бундай қилсак,— дедим устага мўлтираб.— Бир сўм берсангиз. Мен ғир этиб гузарга чиқиб, иккита юмшоқ нон билан озгина узум олиб келсам. Унгача сиз, уёқ-буёқни қиртишлаб бир оз лой қилиб қўйсангиз. Қалай?

— Тавба,— деди яна уста пешонасини ишқалаб. Кейин чўнтагидан худди ичагини суғуриб олаётгандек қийналиб бир сўм олиб берди.

Иккита нон билан узум олувдим, бир танга ортиб қолди. Маizza қилиб бир кружка пиво симирдим. Уйга келсам уста лойни ивितिб қўйиб ўзи дарахтга суянганча мудраб ўтирибди. Нон билан узумга бараваар ёпишдик. Пиво қурғур ошқозонни ялаб кетган экан, уста оғзига икки дона узум олиб боргунча мен тўрт дона ташлаб турдим.

Намоzгарда деворни ойнадек қилиб суваб бўлдик. Уста бет-қўлини ювиб кийимини алмаштираётганида унга дедим:

— Бу, кампир келмади. Анави қўшнилардан суриштирай-чи, пул-мул ташлаб кетганмикин?

— Яхши бўларди,— деди уста севиниб.

Келинингиз берган пулни кўча эшик остонасига бекитиб қўювдим. Секин чиқиб, бир сўмини дарров олиб қўйдиму шошилиб кирдим.

— Ана, айтганимдек кампир бечора манави ён қўшнига ўн тўрт сўм ташлаб кетибди.

— Ҳа, майли,— деди уста,— ёлғиз кампир экан...

— Мен ҳам шуни ўйладим,— дедим бақрайиб,— бўлмаса мен йигирма сўмга ишлайдиган уста эдим. Ахир одамга савоб ҳам керак-ку.

— Ҳа, ҳаммамиз ҳам бу дунёда савоб учун юрибмиз,— деди уста қўлидаги пулга қараб.— Энди бундоқ. Агар хафа бўлмасангиз, шу ўн тўрт сўмнинг олти сўмини сизга берсам-у, саккизини мен олсам, ҳали абетга ҳам бир бердим.

— Майли, биз рози,— деб шоша-пиша қўл чўздим.

Уста билан кўчага чиқдик. Муюлишга етганимизда у сўраб қолди:

— Сизники қаердан?

— Бизники... мана шу Галақозон томонда.

— Яхши боринг. Кўришиб турайлик, а?

— Албатта, албатта!— деб қўллик қилдим.

Уста кетди. Мен ҳам имиллаб бир оз нариги кўчага бурилгандек бўлдим-да, унинг қораси ўчиши билан уйга қараб зинғилладим.

Наманган.

# ҚАЛТИС ҲАЗИЛ

## ҚУВНОҚ ҚИТМИРНИНГ ЁН ДАФТАРИДАН

Тешабоев пенсияга чиқмоқчи эди, кадрлар бўлимига кирди. Бошлиқнинг олдига паспортни ташладию, уҳ тортиб стулга ўтирди.

— Бизга жавоб берасиз энди, Дармонов,— деб ҳорғин илжайди,— идорада ошимизни ошаб бўлдик. Радио айтмоқчи, қарилик гаштини суриб уйда ётайлик энди.

Дармонов паспортни олди. Эриниб варақлади. Кейин эгасига қайтариб берди.

— Пенсиянгиз узоқ. Адашмасам, яна бирор йил ишлаб берасиз.

Тешабоевнинг ачиги келди.

— Қанақасига узоқ! Кўзойнакни тақиб яхшилаб ўқинг. Мана, 1922 йил туғилганман. 10 апрелда роппа-роса олтмишга тўламан. Йигирма саккиз йил шу идоранинг тупроғини ялабмиз.

— Олтмишга тўлишингиз рост,— деди Дармонов,— лекин йигирма саккиз йил ишлаганингизга ишонмай турибман. Ҳозир кўрамиз-да.

Бошлиқ шарақлатиб сейфини очди. Муқоваси титилиб кетган қалин дафтар олди. Бармоқларига туфлаб варақлади.

— Ҳо-зир кўрамиз,— деб мингиллади,—ҳа, мана, Рўзиқуловнинг ёнида экансиз. Кейинги ўн йиллик фаолиятингиз билан бир танишиб қўйинг. Ун йил ичида 180 марта ишга кечикиб келгансиз, 65 марта ишдан вақтли кетгансиз. Бир соатдан ҳисобласак ҳам — ўн кун бўлади, тўғрими! Хўш, ўн йилда турли хил баҳоналар билан 128 кун ишхонада мутлақо кўринмагансиз. 56 кун командировкадан сабабсиз кечикиб келибсиз. Мазам йўқроқ деб 46 марта пешиндан кейин уйингизга жўнаворибсиз. Бунинг устига идорада ярим кунлаб шахмат ўйнаб ўтиришингизни қўшсак...

Тешабоев кўкариб кетди.

— Вой, иблис-ей!— деди ғижиниб,— ҳаммасини ёзиб юрган экан-да!

— Мен эмас, месткомингиз берган буларни,— деди Дармонов ва дафтарни ёпиб яна сейфга солиб қўйди.

— Узи-чи, ўзи!— деб ўдағайлади Тешабоев,— тирик қайнотасини уч марта ўлдига чиқариб бир ой ишга келмаган!

— Билмадим, билмадим,— бош чайқади кадрлар бўлимининг бошлиғи,— хуллас, сиз давлатдан роппа-роса ўн бир ою икки кун қарздор бўлиб турибсиз, Тешабоев! Марҳамат қилиб қарзингизни узинг, кейин ўзимиз карнай-сурнай билан пенсияга узатиб қўямиз.

Тешабоев жуда чарчаган эди. Унинг ўн бир ой эмас, ўн бир кун ишлашга ҳам тоқати йўқ эди. Хафсаласи пир бўлиб сўради:

— Ростдан... шунча кун кечикибманми, а Дармонов!

— Ҳа,— деди бошлиқ эснаб,— мана шу йил 30 февралда ҳам ишга келмабсиз, тўғрими!

— Ёлғон!— деб бақирди Тешабоев,— аниқ эсимда, 30 февраль куни ишда эдим.

Дармонов кулимсиради:

— 30 февралда-я! Адашмаяпсизми!

— Йўқ. Остановкада турсам, ён қўшним чиқиб қолди. Ғир этказиб машинасида ишга ташлаб ўтди.

Дармонов чидамай хохолаб юборди.

— Чарчабсиз, ака. 30 февраль йўғу...

Тешабоев бир нафас анграйиб қолди, сўнг ирғиб турди.

— Э, жин урсин сизни, Дармонов! Одамни шунақаям кўрқитасизми!

Дармонов ҳам ўрнидан туриб қўл чўзди:

— Ҳазил-да, ака. Биринчи апрель... Сизни табриклайман. Ҳамма ҳужжатларингиз тайёр. Ун кундан кейин чапак чалиб ўзларини чоллар қаторига ўтказиб қўямиз.

Тешабоев остонага борди-ю тўхтаб қолди. Дармоновдан «Бояги ёзувлар ростмиди!» деб сўрамоқчи бўлди. Сўнг қўл силтади: «Ке, қўй, ўтган умр ўтди. Тарихни титкилаб нима қиламан!»

У шахдам қадамлар билан чиқиб кетди.

Қувноқ ҚИТМИР

## ЁШ ТАРЖИМОНЛАРГА ЁРДАМ

Парафин — бир жуфт фин

Хо́да нет — хо́да йўқ

Банда — банда, масалан, ношукр банда

Беда — беда, йўнғичқа

Господа — давлат подаси

Графит — графнинг ити

## БИР СОТУВЧИНИНГ ҲАЙРАТИ

— Бизга мактабда «Ғ» ва «Қ» билан тугайдиган сўзларга «ГА» қўшимчаси қўшилса, «Ғ» билан «Г» «Қ» га айланади, деб ўргатишган эди. Масалан, тоғ — тоққа, қишлоқ — қишлоққа ва ҳоказо. Лекин «Соғ» сўзига бу қондани қўловдим, «Соққа» бўлиб қолди.

О. ФАРМОНОВ

## ЭЪЛОН

(Дикторлар диққатига)

1 — апрель муносабати билан «икки», «саккиз» сўзлари иккита «К» билан ўқиладиган бўлди.

## ХУШОМАД

— Хўжайин, сиз бизга бошлиқ бўлганингиздан бери ер ҳам камроқ қимирлайдиган бўлиб қолди.

О. СОДИҚОВ

## КўНДАЛАНГ САВОЛЛАР

Кисса калладан устун бўлиши мумкинми?

«Хусн— ярим бахт». Ярми-чи, қаерда?

Пул тез айнийдими, пулдорми?

Ҳасадгўйлик нима? Характерми, хасталикми?

Кўнгилли ҳордиқ чиқаришни идорада ҳам ҳал этса бўладими?

Мен савдода ишламоқчиман, виждонимни вақтинча қай-га топширай?

И. СУЛТОНОВ.

Гулчеҳра ЖҶРАЕВА

## Ёзувчининг хотини

Башанг либос эгнида,  
Маҳаллада бораркан изоҳ этиб отини...  
Ёзувчига боқишмас,  
Барча дейди:  
«Кетмоқда ёзувчининг хотини».

## Шоиранинг эри

Эр келар ишхонадан  
Этагида фарзанди,  
Бир қўлида тўла тўрва,  
«Ҳорманг ойиси» дея  
Шоира хотин эса  
Ёзганини ўчириб  
Битта варақни отиб,  
Шеър ўйдан бошқаси

қадамлари бўлакча,  
этиб отини...  
камтар, содда, хаёлчан,  
«Кетмоқда ёзувчининг хотини».

уйга қуриб тинкаси,  
боғчадан олиб қайтар.  
бир қўлида папкаси,  
яна дилгир сўз айтар.  
бир бурчакда ўлтирар  
қайта чизар басма-бас.  
бошқасини тўлдирар,  
кўзларига кўринмас.

Хаёл ўлсин, бир ғазал  
Газда турган қозонда  
Туз ўрнига хаёлга  
Қатирмочга айланиб  
Оқ дастурхон ўрнига  
Нон ушатмоқ олдидан  
«Қалай бўпти дадаси,  
Бугунчалик нону чой

битилгунига қадар  
шўрва қайнаб қурибди.  
қўшиб солинган шакар  
шўрва шўри қурибди.  
ёзар турфа хил қоғоз,  
ўқиб берар янги шеър,  
бириқ чарчадим бир оз,  
қилақолсак нечук», дер.

## Эру хотин шоир бўлса

Бу хонада эрта-кеч  
Бир қозонда қайнайди  
Бири бирига шогирд,  
Бириси қозон қовлар,  
Бир уйга сиғиб улар  
Лекин бир газетага  
Икковлон нашриётга  
Дейдилар икковингиз бир йилда...  
Улар уйга қайтарлар —  
Бири арчади савзи,  
Шоирнинг хотинига осон эмас  
Шоиранинг эрига

сўнмас ижод қуёши,  
икки қўчқорнинг боши.  
бири бирига устоз,  
бири тўлдирар қоғоз.  
ёндош кечар ҳаёти,  
ёнма-ён сиғмас оти.  
китобини қилса шай —  
сал ноқулай.  
бири бирига устоз...  
бириқси тўғрар пиёз...  
дунёда,  
икки марта эиёда...



Расмларни  
Ф. ФАЙЗУЛЛАЕВ чизган.



АВТОРЛАРИМИЗ

АВТОРЛАРИМИЗ

АВТОРЛАРИМИЗ

АВТОРЛАРИМИЗ

АВТОРЛАРИМИЗ

**Абдулла МАТЕҚУБОВ**

1943 йилда Туркменистон ССР-нинг Тошхөвүз районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Адабий-танқидий мақолалари, тақризлари республика матбуотида мунтазам ёритилиб туради. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлайди.

**Гули НИГОР [Гулчеҳра Жўраева]**  
Наманган область Поп районида 1962 йилда туғилган. Наманган Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетининг сиртки бўлимида таҳсил олиб, Ленинград колхозни комсомол комитетида ишлайди.

**Эътибор ОХУНОВА**

Андижон шаҳрида туғилган. ТошДУнинг филология факультетини тугатган. 20 га яқин шеърий ва насрий китобларнинг муаллифи. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати. «Совет Ўзбекистони» газетасида адабиёт ва санъат бўлимининг мудири бўлиб ишламоқда.

**Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ**

1950 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Совет Армияси сафида хизмат қилгач, 1979 йили Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугатди. Ҳозир Ўзбекистон Телевидение ва радио-эшиттириш давлат комитетида редактор бўлиб ишламоқда. «Бир сиким тупроқ» — муаллифнинг мат-

буотда эълон қилинаётган биринчи асари.

**Муҳтарама УЛУҒОВА**

1972 йилда Фарғона Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини тугатган. Илк шеърий китоби — «Бойчечакнинг тушлари» ўтган йили Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. Ҳозир у «Саодат» журналининг масъул котиби бўлиб ишламоқда.

**Ғаффор ҲОТАМОВ**

Бухоро область, Навоий районида 1953 йили туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтини тугатган. «Хат ташувчи бола», «Қайтиш» деган китоблари нашр этилган. «Совет Ўзбекистони» газетасида хизмат қилади.

АВТОРЛАРИМИЗ

АВТОРЛАРИМИЗ

АВТОРЛАРИМИЗ

АВТОРЛАРИМИЗ

АВТОРЛАРИМИЗ

**МУҚОВАДА:**

Биринчи бет: Қизғалдоқлар.

Иккинчи бет: **Қ. БАШАРОВ.** «Ҳокимият советларга!» Плакат.  
Учинчи бет: Баҳор.

Тўртинчи бет: Тошкентда Юрий Гагарин шарафига тикланган монумент.

**А. ГУБЕНКО** фотоси

**Н. ШАРИПОВ** фотолари

# МУНДАРИЖА

## НАСР

- Ғ. ҲОТАМОВ.** Ҳаёт шами. Ҳикоя. . . . . 3  
**Н. АМИНОВ.** Суварак. Ҳажвий қисса. Давоми . . . 39

## НАЗМ

- Э. ОХУНОВА.** Шеърлар . . . . . 11

## ҚАЛДИРҒОЧ

- Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ,** Бир сиқим тупроқ. Қисса . . . 13  
**Ю. ЖУМАЕВ.** Шеърлар . . . . . 29  
**М. ЭРГАШЕВА.** Шеърлар . . . . . 31  
**Г. НИГОР.** Шеърлар . . . . . 37

## КАМАЛАК

- А. ЖУК.** Хонадон. Ҳикоя . . . . . 32  
**В. НЕКЛЯЕВ.** Шеър . . . . . 36  
**О. САЛУК.** Шеър . . . . . 36

## ШАРҚ ШЕЪРИЯТИ ХАЗИНАСИДАН

- Н. ГАНЖАВИЙ.** Фарзандим Муҳаммадга насиҳат . . 55

## «ЕШЛИК» БАҲСИ

- Қиз боланинг тахти ва бахти . . . . . 56

- С. МАМАТХОНОВ.** Унутмайлик: биз муаллиммиз. 62  
**А. ХАЛИЛБЕКОВ.** «У қандай шарафли унвон» . . . 63  
МУАММО, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

- С. СИЕВ.** Тоғлардаги гулхан шўъласи . . . . . 60

## АДАБИЙ ТАНҚИД

- А. МАТЁҚУБОВ.** Ленинноманинг янги саҳифалари. 65  
**А. РАСУЛОВ.** Қиссалардан ҳиссалар . . . . . 70

## ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

- М. ҚУШЖОНОВ.** Ёзувчининг маънавий олами . . . 67

## САНЪАТ

- М. УЛУҒОВА.** Бағрига қўшиқни яширган қизлар . . 73

## СОВЕТ АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

- Ш. УСМОНОВ.** Халқ ҳаётининг яхлит манзаралари. 75

## ЁШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

- А. АБДУЛЛАЕВ.** Хонаки уста . . . . . 76

- Қалтис ҳазил . . . . . 77

- Г. ЖУРАЕВА.** Ҳажвий шеърлар . . . . . 78

© Ёшлик, 1982

«Ёш гвардия» нашриёти.

На узбекском языке

Ёшлик («Молодость») № 4.

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Рассом А. КРЮКОВ.

Техник редактор В. УРУСОВА.

Корректор М. НАБИЕВА.

Редакция ҳажми 12 босма тобоқдан ортиқ романлар ва 8 босма листдан ортиқ қиссалар қўлёзмаларини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Ёшлик»дан олинди» деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 4.03.82. Босишга рухсат этилди 20.04.82. Р—07177. Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма. Қоғоз ҳажми 5 лист. Шартли босма листи — 8,4. Нашриёт ҳисоб листи — 11,5. Тиражи 40150 нусха. Буюртма № 2861. Баҳоси 50 т. Бизнинг адрес:

700000. Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41.

«Ёшлик» журнали редакцияси.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700029. «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.